

ISSN 2010-5517

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Yanvar – 2020




Иванов Александр Андреевич.
“От мінган суворий”

Jahon ADABIYOTI

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Жамоатчилик кенгаши:

Сирожиiddин САЙИД
Наим КАРИМОВ
Иномжон МАЖИДОВ
Иброхим ҒАФУРОВ
Эркин АЪЗАМОВ
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Шухрат РИЗАЕВ
Минҳожиддин МИРЗО
Баҳодир КАРИМОВ
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ
Муҳиддин ОМОН

МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

Журнал

1997 йил июндан
чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:

Аҳмаджон
МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Муҳиддин РАҲИМ
Назира ЖЎРАЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Алишер ОТАБОЕВ
Даврон РАЖАБ
Мафтуна
МУҲАММАДАМИНОВА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. Илоҳий калимот тимсоллари. (*Ботирхон Акрамов шарҳи*).3

НАСР

Л.ТОЛСТОЙ. Биринчи бўзагар. Драматик комедия. (*Рус тилидан Н.Рашидова тарж.*).9

О.ГУРЬЯН. Буюк Хитой девори. Қисса. (*Рус тилидан М.Маҳмудов, З.Баҳриддинов тарж.*).78

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

Э.Хемингуэй. Борлик ва йўқлик. Роман. (*Инглиз тилидан Қ.Юсупова тарж.*).28

ПУБЛИЦИСТИКА

А.МЕЛИБОЕВ. Буюк сакраш формуласи.111

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Замонавий поляк шеъриятдан. Шеърлар. (*Рус тилидан Р.Сайдулло тарж.*).23

Фин шеърияти. Шеърлар. (*Рус тилидан Р.Мусурмон тарж.*).69

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

К.Г.ЮНГ. “Улисс”. Монолог. (*Рус тилидан А.Отабоев тарж.*).128

САРГУЗАШТ. ФАНТАСТИКА. ДЕТЕКТИВ

Ш.БРОНТЕ. Жейн Эйр. Роман. (*Рус тилидан Ш.Аҳророва тарж.*).157

Жаҳон хандаси.202

Муковамизда.204

Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни.206



Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

ИЛОҲИЙ КАЛИМОТ ТИМСОЛЛАРИ

Ботирхон АКРАМОВ

*Эл кўнглига чун даво Каломуллоҳ эрур...
(Алишер Навоий)*

Абдурахмон Жомийдек пири муршид (муҳиблар ҳазратни “нури хирад”, “Махдуми Нуран” деб атаганлар) нафаслари-ла “низомул миллати вад-дин” муборак унвонига молик бўлган Навоийнинг шеърий куллиётини кудсий оятлар, ҳадислар билан мунаввар шоҳбайтларсиз аниқ ва тўлиқ тасаввур этиш, унинг фикрий теранликларини, фасоҳат сирларини таҳқиқ қилиш имконсиз, албатта.

Не надоматлар бўлсинки, неча ўн йилликлар мобайнида илоҳий муқаддимот (ҳамду наът, саною муножот) матни каби уларнинг талқини, таҳлили ҳукмфармо даҳрий мафкура таъқиби ва тазйиқига учраган, таҳқирланган эди. Шунинг учун ҳам муқаддас оят, ҳадис калималари бевосита – айниятда ё билвосита – ҳарфи ўзгарган, руҳи сакланган ҳолда “сўз лавҳи” – шеърий сатрлар қатига жойланган, бири биридан зарифу дақиқ байтлар ҳақида лом-мим дейилмай (гўёки руҳоний нуктадонликлар, илоҳий оҳанглар Навоий дунёсига хос, аҳамиятли эмасдай), худрисандларча совуқ-тунд муносабат ҳукм сурди... Тангрига ҳазор шукрим, турли табақот-тариқотга мансуб шоирларнинг исломий фалсафа, ахлоқ, фасоҳат тажаллиси бўлмиш боқий сатрлари сингари, Навоий шеъриятининг самовий буржлари ҳам бугунги истиқлолият ва амният ҳавосидан эрк ва сафо топди. Бас, уларни баҳоли имкон шарҳлаб бериш, қай даражада бўлмасин, таҳқиқ ва таҳлил қилиш ишини ортиқ пайсалга солиш ҳам гуноҳ...

Шарҳ аввалида, мантиқан, Навоийнинг насрий-илмий мушоҳадаларидан намуналар келтириш жоиз. Чунончи, улуғ мураббий “Мезон ул-авзон” муқаддимасида ёзадилар: “Андоқки, Ҳақ субҳонаху ва таолонинг “Каломи мажид”ида кўп ерда назм воқеъ бўлубтурки, аруз қавоиди (қоидалари) била ростдур. Ул жумладин бири оятдурким: “Лан таналул-бирра хата илан” (хуш кўрган нарсаларингиздан сарф этмағунингизча яхшиликка эриша олмайсиз)дур, рамали мусаддаси маҳзуб (бахрида) воқеъ бўлубтур. Ва яна будурким: “Вал-мурсалати урфан, фал-асифати

асфан” (эзгу амаллар буюрилган (фаришталар номига қасам, кучли эсган шамолларга қасам)дур, вазни мафъулу фобилотун фобилотундур, ахраб (бахрида) вокеъ бўлубтур... Ва “Каломуллоҳ”да кўп ерда бу навъ вокеъдур. Ва расул саллаллаҳу алайҳи вас-салам аҳодиси (ҳадислари)да ҳам дағи бу тариқ тушубтур”.

Бу табаррук кўчирмадан, фикри ожизимча, икки жиҳатни ажратиб кўрсатиш эҳтиёжи бор. Биринчидан, “Каломуллоҳ” оятлари, ҳадис сўзларидан “кўп ерда назм вокеъ” бўлган, хусусан, улар “аруз ковоиди била рост” экан, демак, чиндан-да исломиятнинг Навоийдек аркону аҳкомларидан бири шаҳодат беришича, бунда ғаройиб ҳол яшириндир. Илло, Муҳаммад Мустафога нозил бўлган оятларда, у зоти шарифнинг ҳадисларида аруздек махсус ва мураккаб шеърий илм қоидаларига тўғри келадиган мисраларнинг мавжудлиги шундан далолат берадики, асли араб заминиди кашф этилган аруз вазни ҳам шеърий истеъдод каби тангри илоҳийнинг инъом-эҳсонидир (не ажабки, ҳазрати Расулуллоҳ на умумий илмий таҳсил, на махсус шеърий-адабий маърифат кўрганлар). Зотан, улуғ жафокаш олим Дмитрий Лихачевнинг фикрича, гўзаллик қонунлари илоҳий моҳиятга эга...

Иккинчидан, туркийзабон шеърият мулкининг соҳибкирони Навоий ўз асарларини, шак-шубҳасиз, муқаддас оят ва ҳадислардек каломи фасиҳнинг теран мантикий фикр, бадий ифода (хусусан, мусикий уйғунлик, таносиб) меъёрларида, баравж пардаларда яратишга кодир даҳосини жумлаи оламга аён этди: “Сўзунг бир авж уза чекти алам (байроқ)ни, *Ки сурдунг ариш лавҳига қаламни. Агарчи ахтаре* (юлдуз)дур ҳар сўзунг пок, *Ки эврлулр онинг бошига афлок*”. Улуғ шоирнинг маънавий жиҳатдан тўла ҳақдор фахрия-байтларидан яна бири: “Навоий сеҳр эмас, гўё Каломуллоҳ асосидур. Бу мўъжизларки зоҳир ўлди килки нуктапошингда”. Биз Навоий шеърий даҳосининг руҳий илдизларини бир қадар таҳқиқ этишга, аниқроғи, исломий фалсафа, ахлоқ ва фасоҳатга дохил шоҳбайтлар шарҳига уруниб кўрамиз. Даставвал, муқаддас калималарла музайян байтларни кузатайлик. Бежизмаски, Навоийнинг асосий рубобий куллиёти “Хазойин ул-маоний”нинг биринчи девони, биринчи ғазалининг матлаъи – аввалги байти Ҳақни танимоқнинг тўғри йўли – “ҳидоят нурлари” билан мунаввар этилган:

*Ашрақат мин акси шамси-каъси анворул-ҳудо,
Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди садо.*

Шоҳбайт шарҳидан аввал биринчи мисранинг маъносини билиб олайлик: қуёш косасининг акси – инъикосидан ҳидоят нурлари (“анворул – ҳудо”) таралди. Бу бошариф тамсил-лавҳанинг фазовий микёси қанчалар кенг, сарбаланд! Иккинчи мисрадаги “жом”, “май” рамзлари-ла боғлиқ, бадий мантиқ тақозосига кўра, субҳидам уфқидан аста кўрина бошлаган қуёшнинг шакл-шамойили гулгун май тўла косага муқояса этилиши ўзиёқ (қун уфқдан юксала борганда на унинг аниқ доира-чизигини илғаб бўлади, на гулфом рангини!) мазкур байт мансуб бўлган ғазал шоирнинг бошқа ошиқона, риндона шеърларидан ўзгача эканлигига ишорадир. Демак, шоҳбайт (ғазал ҳам) моҳиятан орифона, тўғрироғи, илоҳиёна тимсоллар силсиласини ташкил қилади: зоҳирдан (мажозан) риндтаби-

ат ошиқ кўлидаги жом ва май мўъжиз кўзгуга айланади, кўзгу бўлганда ҳам, бамисоли доир – айланувчи дунё – муаззам миръот сифатида ўзида тангри илоҳийни тажалли этади. Бас, Навоий талқинида мўъжизакор жом – ваҳдат жоми, яъни мавжуд оламнинг тангри илоҳий билан бирлиги, воҳидлиги рамзи, май – бу фоний дунёнинг барча аччиқ ва ширин маъноларини, ибратомиз синов-сабоқларини озми-кўпми идрок қилиш, чуқуррок таҳқиқ этганда, бу – Навоий англаб етган ҳақиқий (илоҳий) ишқ маҳмурлиги, бунинг хос руҳоний бокира кайфияти-ла ўзлик кишанларидан халос бўлмоқлик (“менда қўйма, ёраб, “мен”ликдин нишон...”) Шу тариқа, ҳақиқат моҳиятини идрок этиш йўли Ҳақ васлига етишмоқ тадоригининг ўзгача тажассуми... Ана энди байтнинг хос маъносини кузатилган мақсадга яқин иборалар-ла шарҳлаб бериш мумкин: “ёр (моҳиятда яратувчи) аксин майда кўр”моқдек ғаройиб бир ҳол ишқ йўлининг мажоз кўпригидан ҳақиқат (“ал-мажозу қантарат ул-ҳақиқат” – “Ҳамсаат ул-мутаҳаййирин”) манзилига ўтиш жараёнида, ҳажрнинг турфа ситамлари сўзонида жисму нафсу ҳавонинг шайтоний худкомликларини ўлдириб, руҳни поклантирган, фазлу камол мақомини эгаллаган зот – Ҳақнинг чин ошиғигагина мушарраф бўлиши мумкин... Хуллас, Навоий талқинича, жом, шубҳасиз, ваҳдати жоми (моддий ва руҳий оламнинг бирлиги рамзи), май – “васли мумкуни йўқ” ишқ фидойиси учун боқий ҳидоят ва иноят майидир. Зотан, бундай мўъжиз аломати куёшнинг ҳар субҳ оламга таратган, Ҳақ йўлини ёритувчи пурхайр иши – аъмолига тенг... Бу анъанавий мажознинг фазовий талқини, маҳбуб тимсолида илоҳий гўзаллик тажаллисини кўриш, “ёр аксини” ўзгача сувратлаш санъатидир.

Мана “Каломуллоҳ асоси”ла тартиб ва сайкал берилган бошқа бир байт:

*Ҳар ён, Навоий, сунма қўл, не келса Ҳақдин рози бўл,
Мен оғизу ҳокимдур ул, ал фажру лак, ал ҳукми лаҳ.*

“Ал фажру лак” тонг ёришуви – сенинг уйғонмоғинг, янги кундан воқиғалигинг, унинг насиба-неъматидан бахравир бўлмоғинг учун; “ал ҳукми лаҳ” сўнг нимаики воқеъ бўлса – илоҳнинг ҳукмида. Шоҳбайтнинг тўлиқ маъноси: одамзод умрнинг ҳар бир куни Аллоҳ етказганига шуқр келтириши – боридан ҳаволаниб, нафс кўйига кирмаслиги (“Қачон нафс ўз кони этти ҳаво, Қилур элни кўп нафъдин бенаво”) ва аксинча, йўғига ё камига ношуқр бўлмаслиги, мушкул соатларда ҳам ғамгинлик умидсизликка тушмаслиги керак (“ўзингизни меҳнат куни овутинг, не ғам келса даврондан осон тутинг”), кенг маънода, мусулмони комилнинг босган қадами, борингки эзгу ният йўлида кўрсатган жасорати, топган эътибору мартабаси Яратувчининг хоҳиш иноятига, ҳидоят ва ҳимоятига муҳтождир.

Навоийнинг соҳир қалами – хомаси-ла “зоҳир ўлган мўъжизлар” ҳақида янада ёркинрок тасаввур туғилиши учун “кўнгул лавҳи”га чизилган дунё – шеърый тимсоллардан айрим намуналарини кузатамиз. Табиийки, бу гал ҳам ўзига хос муқаддимотга зарурат сезилади: Аллоҳ “...инсоннинг сойири махлуқотдин мумтоз ва мажмуъ офариниш (яратилиш)ка сарвар ва сарафроз қилдиким, оят: “Ва лақад каррамно бани одама” (одам авлодини азизу мукаррам қилиб яратдик) анга мушъир (огоҳ этувчи)дир...” Чин ин-



сонликни фақат кўнгул гавҳари мезони билан баҳолаш мумкин. “Ҳадиси шариф”дан: “Инсон жисмида бир парча эт бор, агар у тузалса, аъзоларнинг барчаси тузалгай, агар у бузулса, аъзоларнинг барчаси бузулгайки, бу – унинг қалби, юраги”. Навоий шарҳи: “Кўнгул бадан мулкининг подшоҳидур, анга сихҳат – мунга ҳам сихҳат, анга табоҳи (шикаст) мунга ҳам табоҳи. Бас, улким, кўнгул мулкининг соҳиб жоҳи бўлгай – шоҳлар шоҳи бўлгай”.

Байт:

*Мулк учун солим керактур ҳасрати кишвар паноҳ,
Тан учун ул узв (аъзо) ким, бўлди бадан мулкида шоҳ.*

Ва ниҳоят, улуғ валиуллоҳ шоир кўнгул ва кўз васфида “бир неча паришон байт” (ҳақирона камтарлик мисоли!) тартиб бергани ҳақида шундай дейди: “Аммо “ал-маъмуру маъзурун” (буюрилган иш маъзур тугилмоғи лозим) ҳукми била ўтлуқ оҳи дудидин ашкбор кўз суви бирла мураккаб қилиб, кўнгул оташингезлиги била кўз ашкрезлиги шарҳида бир неча паришон байт муруттаб қилилди”. (“Муншаот”дан). “Маҳбуб ул-қулуб”да тил ва кўнгул таърифи узвий берилади: “Масихоқим, нафас била ўлукка жон берди, гўё бу жиҳатдин эрди. Аҳли саодатлар руҳбахш зулолиға манба ҳам – тил. Тилиға иқтидорлиғ – ҳакими хирадманд. Тилки, фасих ва дилназир бўлгай – хўброқ бўлгай, агар кўнгул била бир бўлгай...” “Дардлиғ кўнгул – шуълалиғ чароғ... Тили ариғ ва кўнгли ариғ (бокира)ни мусулмон деса бўлур”, дейилади ўша китобда.

Мана кўнгул тимсоли муқаддас оят-ла йўғрилган шоҳбайтлардан бири:

*Халқдин навмидлик еткурди роҳат кўнглума,
Эй Навоий, билдим: “Иҳдар роҳатайн” эрканин яъс.*

“Иҳдар роҳатайн”: икки роҳатнинг бири. Яъс – навмидлик дегани; энди байт шарҳига ўтсак бўлади. Ҳаёт отлиғ азалий хилқат шунчалар мураккабдирки, ёлғиз киши – айрим шахснинг бутун халқ жамоаси билан муносабати ҳар доим ҳам одилона меъёрда бўлиши кийин. Халқ деганда табиий, ижтимоий, руҳий-маънавий бир кудратнинг тимсоли мужассами намоён бўладики, (“Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир. Халқ исендир, халқ оловдир, халқ ўчдир..? – Чўлпон) унинг шаънига баъзан ранжу аламлар сўзонида марғуб-номарғуб мулоҳазалар билдириш алалоқибат беҳуда, ҳатто мантиқсиз бўлиб чиқиши мумкин. Начора, ҳазрати Навоийнинг ўзлари бежиз айтмаганлар: “Халқдин ҳар ярамас келса, хуш ул ким, Ҳақға деса бўлмас: “Менинг учун яна бир халқ ярот”. Бас, муқаддас оят билан далилланган юқоридаги байт моҳиятида ҳаёт ва қисматнинг турли озору шафқатсизликларига қарамай, инсон сабри билан улуғдир, деган пурмаъно, боумид (“навмидлик”ка зид) ақида зуҳур этади. Айниқса, сабр-қаноат, сабот, андиша, кечириниш, тийиқлилиқ туйғулари билан кучли чин мусулмон учун тан бермаслик, кўникмаслик имконсиздай туюлган бир ҳол гўё осонлик билан (“Ишга неча саъблиқ имкон эрур, Ким ани осон тутар – осон эрур”) – камоли кўнгул равшанлиги, таъб равонлиги, руҳ энгиллиги билан ифодаланади: “Халқдин навмидлик еткурди роҳат кўнглума”. Тўғри, халқимизда энг чорасиз – нажотсиз дақиқаларда ҳам

“ноумид шайтон” дейилгувчи доно нақл бор. Лекин халқона таскин сўзи билан Навоий сатри замиридаги сўнгсиз дарду фидойилик ўртасида каттагина масофа ётади. Бу, эҳтимол, валийсийрат зотларгагина мушарраф бўладиган хос руҳий кудрат тимсолидир: навмидлик азоби туғёнга келган, ақл чироғи сўниб, кўнгил пораланган кезларда ҳам бундайин фожеъ холни... роҳат ўрнида қабул қилиш ҳар қандок иродали кишига муяссар бўлавермаса керак...

Навоий қаламининг мўъжизавий кучи шундаки, муқаддас калималарга эҳтиёж туғилганда улар беихтиёр дунёвий мазмун касб этиши – инсонпарварлик, услубпарварлик ғоялари учун хизмат қилиши мумкин:

*Ҳақ ким, йўқ нафъ ичинда поёни анинг,
Бўлгуси қиёматқача жавлони анинг.*

Шубҳасиз, “нафъ ичинда” иборати жамики жонли-жонсиз махлуқоту мавжудотга тааллуқли. Лекин моҳиятда уларни яратиш ва паноҳида асрашдан мурод – инсон, унинг эҳтиёжи, манфаати. Бундай саховат, иноят манбаи асло камайиш билмайди. Илло, Ҳақнинг лутфу карами – кенг, “ҳидоят нурлари” офтобдай барчага баробардир. Бежиз эмаски, улуғ шоир хатто болалик даври машқлари – илк шеърларидаёқ сахий табиатдан лола уруғию пилла куртини муқояса учун олиб инсон меҳнатига нисбат берган эди: “Тухм ерга кириб чечак бўлди, Қурт жондин кечиб ипак бўлди. Лола тухмича ғайратинг йўқму? Пилла куртича ҳимматинг йўқму?” Бошқа бир байтда “ипак” ташбеҳи, “бол” тимсоли билан уйғун берилади: “Ҳар кимсаки, айламас ошуқмоғни хаёл, Япроғни ипак қилур, чечак баргини бол”. Ҳадисмонанд “Арбаин”да: “Яхшироқ бил они улус ароким, Етса кўпрак улусқа нафъ андин” дейди раиятпарвар шоир. Эл-улус қайғуси бошқа бир шеърда анчайин беаёв оҳангда ифодаланади: “Ҳар кишиким, улусқа раҳм этмас, Анга раҳм айламас Раҳиму карим”. Илоҳий калом ила дунёвий сўз уйғунлиги қанчалик табиий ва самимий руҳда, ҳаққоний ва одилона талкин этилган!..

Навоий илоҳий кудратга хоҳ бевосита – муқаддас оят сўзлари орқали, хоҳ билвосита – бадий тимсоллар, рамзу мажозлар тилида муносабат билдирганда баъзан исломий ақоид сарҳадидан ўтади – қадимий фалсафа, умумбашарий тафаккур меъёрларида мувоҳаса юритади:

*Азал ҳам – Сен, Адаб ҳам – Сен, не аввал бирла охирким,
Анга йўқ – ибтидо пайдо, мунга йўқ – интиҳо пайдо.*

Бу мисралар қатида қанча оламлару турфа меъзонларни, робитаю усулларни ўзида жобажо этган моддий ва руҳий хилқат ҳайратомуз мухтасар шаклда ифодаланган. Чиндан ҳам шеърини нисбатлар миқёс – самовот буржлари қадар теранлиги – уммонларга тенг: не ажабки: на “азал-аввал”нинг ибтидоси, на “абад-охир”нинг интиҳоси бор! Янада чуқурроқ ўйлаб, яхшироқ идрок этиб кўрганда, бу оламнинг “ҳайъати” – қиёфаси, “ваъзи” – тузилиши (“Назар айла бу коргаҳ ваъзиғаки, ортар тамошасида ҳайратим”) ақл “боши айланар” даражада сирли-сехрли эмасми?! Надоматлар бўлсинки, биз неча ўн йилликлар мобайнида даҳриёна моддийон фалсафаси исканжасида гумроҳликда, ғофилликда, куфрона-шаккок

“ёлғон даъво” (Яссавий) алдовларига койим-махлиё бўлиб, ўзимиз англаб-англамай айюханнос солиб, жаҳонга кулгу-шармсор бўлган эдик...

Беназир сўз даҳоси “ирсолул масал” бадий санъати (халқнинг доно удумларини, пурхикмат мақолу маталларини бадий ўзлаштириш усули) орқали уларни хоҳ аслиятда, хоҳ ўзгарган шаклда келтириб байтга бош-кача зийнат беради. Мана шулардан бири:

*Кўнгул жон бирла бўлди, ҳамраҳингмен, дард ила юрдум,
Сенга жон бирла кўнглумни, сени – Тангрига топширдум!*

Одатда ҳаётнинг иссиқ-совуғини кечириб, аччиқ-чучугини тотиб кўрган дўст-душман, яхши ва ёмон билан синашиб маълум даражада сабоқ олган кўзи очик, эҳтиёткор, айни чоғда, боумид одамлар аксарият яқинларидан кимнидир сафарга кузатаркан ё ўзлари йўлга чиқиш олдидан яхши истак-тилаклари ўзгача меҳр билан, дил-дилдан тавалло қилиб, “Худога омонат, паноҳига топширдим” қабилда самимий муножот сўзларила изҳор этадилар, иймон нури билан йўғрилган, Яратувчига ҳамду саною илтижо мақомидаги бундай халқона оқ фотиҳа калималари, аввало, ўша хайр-бод тилаклар тилагувчи мўътабар зот (ота-она ё устоз, меҳрибон дўст ё ғамгусор жигарбанд)нинг шахсияти ҳар қандай таъмаю миннатдан холи, пок хилқатидан далолат беради. Қолаверса, бундан кутлуғ иборатлар ҳар икки тараф (сафарга отланувчи ё кузатиб қолувчи)нинг кўнглида, фикру хаёлида ажаб бир ёруғлик – умид, ишонч-эътиқод, шукрона, миннатдорлик, меҳру вафо, ғурур-ифтихор, фидойилик, эҳтимол, ўкинч-армон, та-зарру эзгу ҳислар уйғотади, руҳни поклантиради... Навоий халқимизнинг ана шу олийжаноб удуми тажассуми – “топширдим” сўзининг бениҳоя гўзал, зариф, истиоравий кирраларидан фойдаланиб (бир яқин одам тақдирини бошқа бир яхши одамга мутлақ ишониб, дахлсиз омонат ўрнида “топшириш” ўша омонат тимсоли ва унга жавобгар – соҳиби хонадон ё раҳнома йўлдошини ҳам Тангри ҳимоясига “топшириш” замирида қанчалар инсонийлик зуҳур этади!), муҳаббат оламининг зоҳиран фожиъ қисмати (“жонни топширмоқ”) – “ишқи мажоз”га қутилмаган ҳолда боқий-ўлмас маъно бахш этади, “ишқи ҳақиқат” мақомини беради... Не ажаб, маҳбуба дардида ошиқ кўнгил шайдолиги шу даражага етиб бордики, ҳатто кимга мансублигини, ўзлигини унутди, оқибатда фақат “кўнгул жон бирла бўлди”, ошиқ эса бамисоли сояга – жонсиз, кўнгилсиз вужуд – суратга айланди. Лекин (водариг!) бундай фожиъ қисмат учун ҳасрат шикоят эмас, розилик, илтижо, тавалло сўзлари изҳор этилади! Илло, ошиқнинг бу алдамчи дунёдаги сўнгги тилаги ҳам шу: муҳаббат қисматида “жон бирла кўнгилни” яккаю ягона умидвори, ҳалоскори, маҳбубага, маҳбубани – “Тангрига топшириш” не чоғлик андуҳли бўлмасин, бу – чин мурод – абадий ишқ бахтига эришмоқнинг пурмаъно ва зарифона ифодаси эмасми?! Зотан, бундай талқин Навоийнинг васлсиз – илоҳий ишқ идеали билан уйғун-ҳамоҳанг: “Ошиқки, муроди ком ўлғай – ошиқлик анга ҳаром ўлғай”...



Лев ТОЛСТОЙ

(1828–1910)

БИРИНЧИ БЎЗАГАР

ёхуд

Иблисча нима қилиб нон бурдасига
эришгани ҳақида

Драматик комедия

*Рус тилидан
Нодира РАШИДОВА
таржимаси*

Ер ҳайдаётган чамаси 40-45 ёшли деҳқон ёмғир илинжида бот-бот осмонга кўз ташлаб кўярди. У пешин бўлиб қолганини хаёлидан ўтказди-да, отини абзалдан бўшататуриб уни эркалади:

– Чу-чу, жонивор, чиқақол, роса чарчадинг-а, бироз дамингни ол, кўм-кўк майсаларни мазза қилиб чимдиб е, – деди, кейин ўзича шивирлади, – мен эса охирги жўякни тортиб олай, сўнг тамадди қиларман.

Деҳқон юз-қўлини чайиб, салкин жойда бирпасгина мизғиб олишни дилига тугди, қудуқ томон кетатуриб, уйдан бироз суви қочганрок бурда нонни ўзи билан олволганини ўйлаб севинди. Чунки шуни еб тўйса, уйга боришнинг хожати бўлмайди. Демак, Худонинг мадади билан кучга тўлиб, ерни барвақтрок ҳайдаб тугатади. Бугунга режалаган иш битади.

Шу дам дала четида ўсиб турган қуюқ бута орқасидан сакраганча иблисча чиқиб, вайсай кетди:

– Ҳа, мунчалар бу мўмин, хокисор бўлмаса... Худони оғзидан қўймай эслагани-эслаган-а! Шошмай тур, деҳқон, ҳали сен тилингга шайтонни олишингни бир мажбурлай... – деди-ю, аста бориб деҳқоннинг нонини ўғирлаб, яна бута орқасига яширинди, нима содир бўлишини кузатди.

Деҳқон отини сиртмоқдан бўшатиб, ўтлоққа қўйиб юборди-да:

– Парвардигорим, марҳаматингни аяма, – деди шукроналик билан ва четроқда қолдирган камзулини олиб чўнтагига қўл солаётиб, ёгуликни бериб юборган хотинини дуо қилди. Лекин чўнтагидан нонни тополмай, бошқа чўнтақларини текширди. Нон йўқ эди. Ҳайрон бўлиб, у ёқ, бу ёқни титқилади. Тополмагач атрофга назар солди. Кун бўйи ҳеч бир зот кўринмаганлиги, агар куш-пуш олган бўлса ноннинг увоклари бўлиши кераклиги ҳақида ўйлади. Бирпас ажабланиб жойида туриб қолди. Деҳқоннинг аҳволини нонни тагига босиб олиб кузатаётган иблисча бута ортидан бошини кўтариб: “Ана, энди мени тилига олади-ёв!” дея қувонди.



Завкланиб кетди. Аммо деҳқон пинагини ҳам бузмай: “Ҳа, майли, нима бўлса бўлди. Очликдан ўлмасман. Биронта очқаб зориққан олгандир-да. Розиман, еб тўйса ош бўлсин, саломат бўлсин...” деб тўшагини текислаб дуо ўкиди-да, ётиб зумда уйқуга кетди. Буни кўрган иблиснинг жазаваси тутди. Алаmidан елка оша бир тупуриб, сўкинди:

– Вой, сен лаънати деҳқон-эй! Ғазабланиш ўрнига “майли, ош бўлсин!” дегани ортиқча... Йўқ, буни мен ўзим томон ағдаролмасман, – деганича бута орқасидан йиғлагудек бўлиб чикди. У Бош шайтон ёнига нима деб боришини билмай ер тепинди. Ахир уни бошлиғи ҳар гал жаҳл билан сўқади, бошқа иблислардан ибрат ололмаётганини юзига солади. Ҳақиқатдан ҳам, бошқа иблислар савдогару муллаларни, тўралару бойваччаларни ўзларининг комларига тушира олишган. Бу эса шунча тиришса ҳам шу ишни эплай олмаётганидан фиғони ошиб кетди. Турган жойида жарга қулагандек ғойиб бўлди-ю, кўрқа-писа дўзахга йўл олди.

Манзилига етиб келганида, Бош шайтон тўрдаги тахтида, унинг пойида эса олдидаги супчасига ёзув-чизув анжомларини ёйиб хаттот котиб ўтирганини кўрди. Икки томонда соқчилар терилган. Ўнг тарафда турки-ю сирти бир-биридан фарқли бешта иблисча, сўл томондаги эшик ёнида дарбон тик турарди. Битта пўрим туркли иблис Бош шайтоннинг қаршисида ҳисобот берарди:

– Уч йил мобайнида мен 263753 та одамни ўзимнинг йўлимга тушира олдим. Энди улар мутлақо менинг ихтиёримда.

Бош шайтоннинг мамнунлиги сезилди:

– Жуда яхши. Ўтавер, – деб буюрди унга.

Пўримсифат иблис ўнг томонга ўтиб сафга кўшилди. Бош шайтон хаттотга қаради:

– Толиқдим, – деди-да, савол ташлади, – Ҳали иш кўпми? Кимдан ҳисобот олинди, кимдан олинмади?

Котиб бармоқлари билан санаб, ўнг томонда турган иблисларга ишора қилди. Улар бирма-бир таъзим қилишди. Котиб ҳисоботларни ўқий бошлади:

– Боёнлар билан шуғулланган мана бу иблис 1836 тасини ўзига қаратиб олибди. Савдогарлар билан шуғулланган мана бу иблис эса 9643 тасини бошлаб йўлдан урибди. Энди буниси руҳонийлардан 1517 тасини авраб олишга эришибди. Роҳибалар орасида тарғибот қилган бу иблис 112 тасини ўзига қаратиб қайтди. Мана бу иблис эса қози калонлардан 3423 тасини ўзининг йўлига солишга улгурибди. Хотин-халажлардан 263753 тасини ҳозирги иблис овлаб қайтибди. Яъни, жувонлардан 186315 та, қизлардан 17438 та. Одамларнинг фақат икки тоифасининг қалбларини ўзимизга қаратиб олишимиз қолди. Бу ҳалол, виждонли саркорлару, меҳнаткаш деҳқонлар. Улар билан шуғулланган иблисларни чақирайми?

Ҳисоботни диққат билан тинглаган Бош шайтон бош чайқади:

– Ишини эплай олмаган икки иблисни, демак, йўқ қилиш вақти келибди-да, – деб дарбонга қаради. – Қани, бу иккиси кирсин-чи!

Эшикдан бошини эгиб амалдорлару мансабдорлар орасида ташвиқот олиб борувчи иблис хахолаб, қўлларини ишқалаб кириб келди-да, Бош шайтоннинг қаршисида туриб ҳисобот бера кетди:

– Менинг ишларим зўрдан зўр, яъни миҳдек! Шундай ўлжага эришдимки, дунё яралганидан бери бундай муваффақиятни кўрмаган. Гап

ҳисобда эмас, – у Бош шайтон гапини қизиқиб тинглаётганидан руҳланиб сўзида давом этди. – Уларнинг сони унчалик кўп эмаску-я, атиги 1350 та одам, аммо зўр йигитлар. Улар шундайки, ҳатто биз иблисларга дарс беришга қодир. Фирибгарлик, қаллобликлари билан бизлардек фитначи, айёр, шум мавжудотларни хижолатда қолдириб кетишлари ҳеч гап эмас. Уларга янги усулни ўргатдим.

– Хўш, қандай экан у усул? – қизиқди Бош шайтон.

– Зўр усул, – завкланиб гапира кетди иблисча. – Авваллари амалдорлару мансабдорлар қозиларга қарамликда одамларни алдаб-сулдаб тиркичилик қилар эдилар. Мен энди қозиларга боғланмай, мустақил иш юритиш усулини ўргатдим. Яъни, ким кўпроқ пул, маблағ берса, у ҳақми, ноҳақми, бундан қатъи назар, ўшанинг ишини бажариш кераклигини уқтирдим, йўлини кўрсатиб бердим. Энди улар ҳар бир ишни ноҳақлик, адолатсизликдан фойдаланиб айёрлик билан шундай амалга оширадиларки, тагига ҳеч бир зот етолмайди. Ҳатто биз, иблислар улардан дарс олишимизга имкон яратилади.

Бош шайтоннинг бу жавобдан ҳам мамнунлиги сезилди:

– Дуруст! Жойингга ўт... – деб дарбонга иккинчи иблисни олиб киришни буюрди.

Кўлида бурда нон тутган иблисча Бошликнинг қаршисига келди-да, унинг оёғига йиқилиб ҳиққилай бошлади:

– Энди бундай яшолмайман, мени бошқа ишга ўтказ...

– Қайси ишга?! – вағиллади Бошлик. – Нималар деб валдираяпсан? Тур, аниқроқ гапир. Ҳисобот бер-чи, шу ҳафта ичида нечта деҳқонни ўзингга қаратдинг?

Иблисча йиғлаб юборди, биронтасини ҳам аврай олмаганини айтди. Унинг жавобини эшитган Бош шайтон ҳайқириб юборди:

– Нима?! Қаерларда санғиб юрдинг, наҳот биронта ишни бажаролмадинг?

Иблисча дағ-дағ титраб жавоб қилди:

– Санғиганим йўқ. Куйиб-пишиб уриндим, – дея, бўлган воқеани сўзлаб, кўлидаги бурда нонни кўрсатди-да, надомат билан қўшиб қўйди. – Ҳамма деҳқонлар бир гўр. Барчасининг оғзида Худонинг номи, юраги эса меҳру эзгуликка тўла.

Бошликнинг кўзларида нафрат чакнади:

– Бундай хабару бўш қўл билан менга рўпара бўлишга қандай журъат қилдинг? Қаердаги бурда нонни важ қилияпсан? Устимдан куляпсанми? А?! Дўзахда текинхўр бўлиб яшамокчимисан? Бошқа сафдошларинг югуриб-елиб ҳаракат қилмоқда. Улар 10000, 20000, ҳатто 200000 та ўлжа билан келишяпти. Сен эса бурда нонни менга пеш қиласан! Текинхўр! Шошмай тур, адабингни бермасамми?!

Иблисча зириллаганча унга ялина кетди:

– Мени қатл этма, бир оғизгина гапиришга руҳсат бер! Бойвачча боёнлару савдогарлар, хотин-халажу кизлар, ҳаттоки диндор роҳибалар билан ишлаётганларга осон. Чунки бойвачча боёнларга сувсар телпагу қимматроқ мулк ваъда қилиниб кўрсатилса кифоя, шу ондаёқ худди оға-иниларга айланиб, барча истагингга кўнишади. Савдогарлар-ку пул, сармойани кўрди дегунча бўйнига арқон солингандек йўлингга тушади, қўяди. Хотин-халажга кийим-кечак, латта-путта, зебу зар ваъда қилинса

кетингдан эргашмай қолмайди. Дехқон аҳли эса батамом бошқа тоифадаги одамлар... Эрта тонгдан то кеч тунгача меҳнат қилиш билан овора. Эслагани, ҳамиша дилида туйгани Парвардигор! Қани, шундай шароитда уларнинг ёнига яқинлашиб кўр-чи! Булардан мени озод қил, азобланиб кетдим. Сенинг ғазабингга ҳам чидаш қийин...

– Алдама! – қичқирди Бош шайтон, – ялқовсан, дангасасан. Шерикларингни менга рўқач қилма! Улар хилма-хил найрангларнинг устаси. Айёрликни улардан ўрганолмадингми? Бурда нонни ўғирлашдан нарига ўтолмасан, ҳайф сенга... Дехқон зоти сенга қолса, умуман қўлимиздан чиқиб кетади-ку! – у қошини чимириб бироз ўйланди-да. – Майли, бу гал сенга имкон бераман. Яхшилаб миянгни ишлатиб, нима қилишнинг йўлини топ, – деди.

Иблисча кўзларини ғилтиллашиб Бошлиғига ялинди, ҳеч қандай йўл тополмаслигини, ғафлатга тушиб, энди азобга чидай олмаслигини айтган эди, Бошлиғининг багтар ғазабига учради. У иблисчани дарра билан савалашни буюрди. Соқчилар уни аямай ура кетишди, дод-войига, чинқиришларига парво қилмай калтаклашди. Бошлиқ эса жаҳл билан қаттиқроқ азоб беришни буюриб ўтирарди. Иблисча бирдан бор овозда бақириб юборди:

– Бўлди, бўлди, урманлар... Ўйлаб топдим... Топдим...

Бош шайтон соқчиларни тўхтатди:

– Хўш, нимани ўйлаб топдинг?

Иблисча рамақижон аҳволда базўр ўрнидан турди-да:

– Менга рухсат бер, дехқонга хизматкор бўлиб ёлланай, лекин нима ишни ўйлаб топганимни ҳозир айтолмайман, – деди.

Бошлиқ унга синчковлик билан тикилди:

– Рухсат! Аммо ёдингда тут, агар уч йил мобайнида шу бурда нонга лойиқ бўлолмасанг, сенга энг олий жазони қўллайман, яъни илоҳий чўқинтириш сувига ташлашни буюраман.

Иблисча сесканиб тушди ва уч йил мобайнида дехқонларни ўз йўлига солиб олишга ваъда берди. Уни ишонқирамай тинглар экан Бошлиқ уч йил ичида ўзи доим назоратига олишини айтиб, иш бошлаши кераклигини буюриб, чиқариб юборди.

Шундай қилиб, Иблисча одам туркига кириб олди. Ўзи билган ўша дехқонга учраб, унга хизматкорликка ёлланди. Қунлар, ойлар, ҳатто йиллар ўтарди. Меҳнати билан иблис хўжайини дехқоннинг олқишига сазовор бўлиб, хизматкор номи билан ёнида юрди.

Бир куни буғдой ҳосили йиғилиб, хизматкор аравадан кураб бераётган донни дехқон ўлчов қопига солиб, омборга олиб кириб тўқаркан, сўради:

– Неча чирпит бўлди?

Хизматкор эшикка чизилган белгига қараб:

– Йигирма олти чирпит, йигирма еттинчи чирпит ҳам сиғиб қолади, – деб қўшиб қўйди.

Дехқон омбор тўлиб, энди барча ҳосил сиғмай қолишини кўриб, хизматкорга буғдойни ёйиб қўйишни буюрди-да, ўзи ўлчов қопни елкасига ташлаб кетди. Хизматкор хўжайини ҳали-бери келмаслигини билиб, бошидаги телпакчасини ечган эди, шохлари диккайиб кўринди. Кейин этигини ечиб оёқларига дам бераркан, туёқларига кўз ташлаб қўйди ва бориб остонага ўтириб ўйлай кетди. “Мана, учинчи йил ҳам поёнига етиб,

ҳисоб-китоб қилиш вақти яқинлашяпти. Буғдойнинг кўплигидан эплаш қийинроққа ўхшайди. Энди деҳқонга ўйлаб қўйган ишимни ўргатишим шарт. Ана ўшанда Бош шайтон муғомбирликка уста эканлигимни кўриб қўяди. Бурда ноннинг ҳақини шунақа қилиб тўлаб қўядики хали...” Шу дамда бирдан ёнига яқинлашиб келаётган кўшнига кўзи тушди-ю, шоша-пиша телпагини кийиб, этигини оёқларига илди. Кириб келган кўшни деҳқонни сўради. Хизматкор хўжайини хирмонда буғдой ёяётгани, ҳосил эса омборга сиғмаётганини айтди. Кўшни ҳавас билан гапира кетди:

– Хўжайинингни омади бор экан. Ҳосил мўллигидан омборга сиғмаяпти дейсанми? Биз, барча деҳқонлар, ҳайратдамиз. Кимдир унга бу ишларни роса ўргатяптимикин деб ҳам ўйляяпмиз. Ўтган йилининг жазирама ёзида у ботқоқ ерларда экин-тикин қилиб, ҳосил йиғди. Қолган деҳқонларнинг буғдойи иссиқдан қуйиб-қуриб нобуд бўлди. Бу йили эса ёғингарчиликда экан уруғларимиз нишини кўрсатишга улгурмай ерда чириб кетди. Хўжайининг шунчалар билимдон, фаросатли эканки, буғдойини тоғда етиштирди-я?.. Яна ғарам-ғарам ҳосил олди. – У бир ҳовуч донни олди-да, бир-иккитасини тишлаб кўриб, ҳайратдан бош чайқади.

Шунинг устига қўлида қоп билан деҳқон уларнинг ёнига келди:

– Йие, ҳамсоя, хуш келибсан, – деб сўрашди.

– Хизматкоринг билан у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб тургандик, – деди завқ билан кўшни. – Қандай қилиб сен бир йилда ўн йил ётволиб есанг ҳам тугамайдиган ҳосил оласан деб ҳайрон бўлаётганимиз, лол қолаётганимизни айтаётгандим.

Деҳқон хахолаб қулиб юборди-да, хизматкорига ишора қилди:

– Мана шу хизматкорим Потап бало экан. Ўтган йили ер ҳайдашга жўнатсам, у ботқоқликда жўяқлар очиб, буғдой уруғларини ўша ерга сочиб қайтибди. Роса ўришгандим ўшанда. Ҳали натижасини кўрасиз деб, мени тинчитишга уринди. Чиндан ҳам натижаси зўр чикди. Ҳамма ерлар қурғоқчиликдан азият чекканида, мен мўл ҳосил олдим. Бу йили деҳқонлар кўп ёғингарчилик бўлгани учун далаларда ишлай олмадилар. Потап эса тоғни мўлжаллаб, ўша ерларга уруғ сочди. Мана, яна мўл ҳосил олдим... – кейин кўшиб қўйди, – бундай билим, фаросатга қандай эришгансан деб сўрасам, кўп юрт кезишга тўғри келган-да, хўжайин, деб жавоб қилди. Бор гап шу...

Кўшни уни ҳайратга тўлиб тинглади-да, бироз жим туриб:

– Қанийди, ҳаммамизга шундай маслаҳатлар берувчи вафодор хизматкор берса эди Парвардигор, – деди.

Хизматкор унинг Худони эслаганини эшитиб, дир-дир титраб кетди, кўзлари нафратдан чакнаб, ўзини чеккага олди. Кўшни яна ўйлаиб турди, хижолат чекаётгани сезилди-ю, журъат қилиб каловланиб деҳқонга қаради:

– Хурсандман, дўстим, сенинг ёнингга бир илтимос билан келгандим, – деди.

– Айт, дўстим, қандай илтимос экан? – сўради деҳқон меҳрга тўлган нигоҳини ундан узмай.

Ҳамсоя бошини қуйи солиб:

– Ҳосилингдан нимчораккина бера оласанми, шуни сўрагани чикқан эдим. Бола-чақам егуликка қийналиб қолди, – деди-да, шу зумдаёқ шошиб кўшиб қўйди. – Қарзга... Янаги йилги ҳосилимдан албатта қайтараман...

– Вой, ҳамсоя, шу ҳам муаммо бўлдимиз? Нега ийманиб сўрайсан-а?! Дангал “бер” демайсанми-я?! Қанча керак бўлса ол, – хурсанд бўлди деҳқон ва кўшиб кўйди, – қарз-парз деган гапни оғзингга олма...

Хизматкор эгасининг биқинини туртди:

– Берма...

Деҳқон унга парво қилмади, кўшнисига юзланди:

– Олавер, истаганингча ол, дўстим, – деди очик кўнгил билан.

Кўшни коп олгани уйига шошиб чиқиб кетди. Хизматкор четга ўгирилиб тўнғиллаб қолди: “Бу деҳқон аввалги феъл-атворидан қайтмади-қайтмади-ей. Кимга нима керак бўлса бераверади, бераверади. Яна “мен бировларга берсам, менга Яратган Эгам беради”, дегани ортикча. Бундай гапларини эшитсам бор вужудим қақшаб кетади”. Кўшни қайтиб келди, деҳқон унинг копини хурсанд бўлиб тўлдираётганини кўриб, хизматкор ўрнида тик тура олмади, ғаши келганидан чеккага ўтиб депсина бошлади. Деҳқон эса қилган яхшилигидан кўнгли тўлибми, кайфияти кўтарилиб, остонага жойлашиб олиб, хизматкорини чақирди:

– Сен нега ғижиняпсан? Нега мухтож, яхши одамга сўраган нарсани бериш керак эмас? Вақти келиб Парвардигор унга ҳам кароматини кўрсатар, насибасини, ризқини албатта икки қўллаб берав, – деди.

Хизматкорни яна титроқ босди:

– Беришга берасан, қайтариб ололмайсан-да... Қарз бериш – бу тоғ этагига сочиб ташлаш, қайтариб олмоқ эса тоғ чўққисига чирмашиб чиқишдек захмат. Қариялар шундай дейишади.

Деҳқон ковоғини уйди:

– Ҳеч қачон, ҳеч кимга донни қарзга бера кўрма. Мурувват, хайр-саховат билиб, қайтариб олмайдиган қилиб холисанлиллоҳ беришни одат қил. Уқдингми?! Бизда дон кўп, ҳеч қаерга сиғдира олмаяпмиз...

– Кўп бўлса нима қилибди? Бу сенинг бойлигинг, даромадинг, замирида бетиним меҳнатинг ётибди, – норозилик билдирди хизматкор.

Деҳқон унга тушунтиришга уринди:

– Янаги йилнинг ҳосилигача эмас, бизга ҳатто икки-уч йилга етадиган захира бор-а... Қаерга ва нимага ишлатамиз ҳаммасини? Зорикқан, ночорларга бериш савоб-ку, ахир!

Хизматкорнинг овози титради:

– Қаерга бўларди, бу буғдой кетидан мен сенга шундай давлат, бойлик топиш йўлини ўргатайки, ўзинггина эмас, олам ҳайратга тушиши мумкин.

Деҳқон унга ҳайрон бўлиб қаради:

– Бу нима деганинг? Яна қандай иш қилмоқчисан?

Хизматкор кўзини айёрона қисиб гап бошлади:

– Бир ичимлик тайёрлайман. Бу шундай ичимликки, мадори қуриганга куч ато этади, қорни очгани тўйдиради, уйқусизликдан қийналадиганни ухлатади. Дилгир ҳолатга тушганининг кайфиятини кўтариб, қувнок қилиб қўяди. Журъати йўқроқ кишини жасур паҳлавонга айлантиради. Ана шундай ичимлик қилиш кўлимдан келади.

– Йўғ-э! Лоф ҳам эви билан-да! – деҳқон унга ишонқирамай қараб кўйди.

– Лоф деганинг нимаси? Ботқоқлигу тоғларда экин қиламиз деганимда ҳам менга худди ҳозиргидек ишонмагансан. Энди қойил қолиб ўтирибсан! Ичимлик тайёр бўлганида гапим қанчалар ҳақиқат эканлигини тушуниб етасан.

– Хўп, у айтганингни нимадан тайёрламоқчисан? – сўради деҳқон қулимсираб.

– Мана шу буғдойдан-да! – бидирлай кетди хизматкор, режаси амалга ошаётганини сезиб.

– Бу сен таклиф қилаётганинг мабодо гуноҳ иш эмасми? – деҳқоннинг гап оҳангида хавотир пайдо бўлди.

– Ана холос! – кийкириб юборди хизматкор. – Қанақа гуноҳ? Ахир бу одамларни қувонтириб хурсанд қиладиган оддий ичимлик-ку!

Деҳқон унга синчков қараш қилди:

– Сен, Потап, бундай ақл-заковатга қандай эришгансан? Оддийгина, нодонгина бировларнинг қўлида меҳнат қилиб юрадиган хизматкор бўлсанг. Мана, қўлимда икки йилдан ортиқ ишладинг, тинимсиз ишладдинг, билдим, кўп нарсадан хабардорсан. Яна бир нарсага хайронман, шунчалар ишга, меҳнатга берилганингданми, шу пайтгача бирон марта на этигингни, на қалпоғингни ечганингни кўрдим. Ё вақтингни шунчалар тежайсанми? Ишбилармонлигингга қойил қоламан, кимлар ўргатган сенга?

– Э-э! Озмунча юртлар кездимми, озмунча ҳаётни кўрдимми, нимасини айтай? – кўзини олиб қочиб жавоб қилди хизматкор.

Деҳқон бирпас хаёл суриб ўтирди-да, ҳалиги гапга қайтди:

– Бу сен айтаётган ичимлик чиндан ҳам куч-қувват берадими?

– Ийе, кўрасан, унинг зўрлигига ҳали ўзинг тан берасан, – деди хизматкор завқи тошиб.

Деҳқон қизиқаётгани билинди:

– Буни нима қилиб амалга ошириш мумкин?

Хизматкор хўжайини унинг кирдикорини сезиб қолмаслиги учун ўзини бепарво кўрсатишга уринди:

– Оддий... Қийин жойи йўқ. Битта қозон, икки дона чўян мўри топилса бас. Иш юришди деявер.

Деҳқон яна савол берди:

– У ичимлигинг мазаликкинами ўзи?

– Бе! Мазасига гап йўқ! Бир марта татиб кўрсанг, умрбод унга боғланасан, қоласан.

Деҳқоннинг кўзлари ҳайратданми, қизиқаётганиданми олазарақ бўлиб қолганини кўрган Потап қувонганидан ичига сиғмай сакрай бошлади. Унга аҳамият ҳам бермай, деҳқон қўшненикига қозон сўрагани чиқиб кетганида у севинганидан турган жойида шайтонлаб қолди.

Шундай қилиб, бир неча кун ўтгач, омборнинг ўртасига қозон ўрнатилди, атрофи шувалди, унга жумракли чўян мўрилар пайвандланиб ёпиштирилди. Хизматкор қозондаги суюкликни аралаштириш билан овора бўла туриб, нияти амалга ошаётганидан ўзида йўқ қувониб, сакраб-сакраб, эшилиб ўйнади. У жўмракдан сизилиб томчилаб оқаётган суюкликка жомча тутиб мириқиб хўплади-да, деҳқонга қаради:

– Ана, хўжайин, тайёр бўлибди, – деди мақтаниб.

Чўккалаб ўтириб унинг ишларини диққат билан назорат қилаётган деҳқон худди ажабланарли мўъжизанинг гувоҳи бўлгандек ҳайратга тушаркан:

– Бу қандай мосламаки, ҳамирдан сув, суюклик оқизиб чиқарса-я?! Тагин тиник, тоза сув оляпсан бундан... – дерди.

– Бу сув эмас, – иршайди хизматкор. – Хўжайин, бу ўша, мен айтган ичимлик.

– Жуда тиниқ-ку, – хўжайиннинг хайрати ҳамон босилмас эди. – Мен бунинг ранги кизгиш ёки сарғиш бўлади деб ўйлагандим, – деди жомчага тикилиб.

– Сен буни бир хидлаб кўр, – дея, Потап жомчани деҳқоннинг бурнига тутди.

Деҳқон чўчиброк уни хидлади-да, бир сесканди:

– Бўйи мунча ўткир бўлмаса бунинг! Татиб кўрай-чи, – деди-да, хизматкорининг кўлидан жомчани олиб, яна искади.

– Шошма-шошма, – тўхтатди уни хизматкор ва кўлидан жомчани олди-да, жўмракнинг оғзига тутиб, суюқликдан кўшди. Аста хўплаб тамшанди, кейин хўжайинига тутди, – ма, энди ич.

Деҳқон эҳтиёткорлик билан ичимликка тилини теккизиб кўрди, кичикроқ култум килди, аста хўплай бошлади ва бирдан жомчани кўтариб борини ичди-ю, хизматкорига жомчани тутаркан:

– Яна куй-чи, камлигидан таъмини унчалик аниқлай олмадим, – деди кулимсираб.

Хизматкор қувончининг чеки йўқ эди. Ўзини тутолмай хахолаб кулишдан тўхтамасди:

– Ҳа, хўжайин, ёқдими? – дея жомчани тўлдирди.

Деҳқон ичди-да, ён-верига аланглаб, кийкириб юборди:

– Ажойиб нарса-ку бу, а?! Қани, хотинимни тез чақир бу ёкка, – деб бакира кетди. – Ҳой, Мария, шошил, тезроқ кел ёнимга!

Хотини: “Бунча бақирмасанг, нима бўлди?” деб ичкаридан югуриб келди. Деҳқон унга жомчани узатди:

– Ма, мана буни ичиб кўргин-а! Ахир бу биз кашф этган, ўзимиз яратган янгилик!

Аёл эрининг кўнглига қараб, истаб-истамай суюқликни хидлади-ю, бир сесканиб тушди ва кўрка-писа сўради:

– Бирон кор-ҳол бўлмайдими?

Деҳқон ғазаб билан: “Ич!” деб бақирди. Эридан ҳеч қачон бундай муомалани кўрмаган хотин саросимага тушди, лекин унинг буйруғини бажариб, жомчани ичиб бўшатди ва бирдан: “Мунча яхши! Мунча мазали бу!” деб кийкириб юборди. Хизматкор унга хийлакорона кўз ташлади, ширакайф бўлиб қолган деҳқон эса завқланиб, мақтана кетди:

– Хўш, ёқдими? Бироз сабр қилгин, нима бўлишини сезасан, – дея Потапга ишора қилди, – бунинг айтишича, ичганинг бутун танангдан бор чарчоқни чиқариб юборармиш... Ёшларни қаритиб... Йўғ-эй! Қарияларни ёшартириб, куч берармиш! Мана, мен атиги икки жомча ичдим, ҳамма суякларимга жон киргандай бўлди. Ҳали шошмай тур, иккаламиз ҳар куни бундан ичиб турсак, роса ёшариб кетамиз. Қани, ёнимга кел-чи, Машажоним, – деди хотинини бағрига босиб.

– Бор-эй, буни ичиб, кип-қизил жинни бўлдинг, – жеркиб берди аёл.

Деҳқон хотинининг гапига аҳамият бермай, валаклашдан тўхтамасди:

– Ҳа? Маза қилиб ичиб олдинг-ку! Потап иккимизни буғдойни исроф қиялпсизлар деб роса олиб бориб келгандинг-а? Гапир энди, ёқибдики ичяпсан...

Хотин эрига маккорона қараш қилди:

– Ёшартирар экану, ёкмайдими? Сен ҳам жуда қувноқ бўлиб қолдинг. Менга шу ёкяпти. Ўта меҳрибон бўлсанг ҳам жиддийлигинг менга унчалар ёқмасди. Ана, хушчақчақ бўлиш мумкин экан-ку! Қани, менга кўшилчи... – деб кўшиқ айта бошлади.

Дехқон хотинининг гапини тасдиқлади:

– Ана, ҳаммамиз ёшаряпмиз-эй!

Аёл бирдан куйлашдан тўхтади:

– Ҳой, эр, қайнонамни чақириш керак, охирги пайтда кўп нарсадан норози бўлиб, уришгани уришган. Ёшарса меҳрли бўлиб қолса қанийди, – деди.

Дехқон анчагина маст бўлиб қолганди. У қизини имлади:

– Машенкам менинг, тезгина уйга кириб, онажонимни, ўзингнинг суюкли бувижонингни бу ерга етаклаб кел. Ҳадеб печкасида ётавермасин. Уни бир ёшартирворай, – деди-да, хотинига жомчани тутди. – Қани, яна биттадан кўтарайлик-чи!

Хизматкорнинг хурсандлиги ичига сиғмасди. Кетма-кет жомларни тўлдириб, маза қилиб тарқатарди. Дехқон ичган сари тили ечилиб борар, вайсашдан тўхтамасди:

– Юқоридан бошлаб ёшартиряпти-ку бу, а? Тилимга таъсир қилди, энди эса қўлларимга оқиб боряпти, оёқларим ҳам жимирлаб ёшаряпти. Қара-я, хотин, ўзидан-ўзи рақсга тушишга шайланяпти, – деди-да, ўрнидан сапчиб туриб депсиниб-депсиниб рақсга туша кетди.

Эрининг ҳамиша камтар, сипо, камсукум бўлиб яшаганига-ўрганган аёл бироз ҳайрат оғушида турди-да, ўзи ҳам ширакайф бўлгани учун хизматкорни чақирди:

– Ҳай, Потапжон, бизнинг омилкоримиз, балалайкангни қўлга олиб бир чал-чи! – деб қийқирганича эрининг ёнига тушиб ўйнай кетди.

Хизматкор қувониб, унинг айтганини қилди, кейин негадир бирдан куй чалишдан тўхтади ва ҳамон ўйинга тушаётган эр-хотинга кулимсираб қаради-да, ўзича мингиллади:

– Сен, Бош шайтон, шошмай тургин-а... Бурда нон учун менга ҳали шундай ҳақ тўлайсанки! Мана, содда, ҳалол, паҳлавондек дехқон қай аҳволга тушганини кўриб кўй...

Шу дамда дехқоннинг ота-онаси келиб, фарзандларининг аҳволини кўриб, жойларида қотиб қолишди. Ота бирдан бор овозда бақирди:

– Нима бало, ҳаммангни жин урдими?! Одамлар меҳнат қилиш билан овора-ю, бу ерда не сабабдан ўйин-кулги бўляпти?

Чолнинг гапига парво қилмай, келини чапак чалиб, “Худонинг олдида қилдим мен гуноҳ, фақат Худонинг ўзи бегуноҳ...” деб кўшиқ айтишдан тинмасдан, даврада рақсга тушиб айланарди. Қари қайнона ҳам жаҳлини тия олмай, келинини уриша кетди:

– Вой, ярамас-эй! Уй йиғиштирилмаган, ҳамма ер бир аҳволу, бу эса бунда...

Дехқон ўзини меҳрибон кўрсатиб, онасига жом тутди:

– Онажон, тинчланинг. Бизда бир нарса содир бўлди! Ажойиб нарса! Қариб қолганларни ёшартиряпмиз. Ишонмайсизми? Мана буни ичиб кўринг-а?..

– Ичгим келса қудуқ тўла сув, – ўғлини жеркиб берди кампир. Дехқон тихирлик билан унга жомни ҳидлатишга уринганди, она: – Нима бало-

нинг хиди келяпти, жин-пин аралаштирилдими бунга? – деб бурнини жийирди.

Ўғлининг ёнига келини кўшилиб, уни қистай бошлашди:

– Сиз буни битта ҳўплаб кўринг! Жуда ёқади... Фаройиб дори бу, ахир. Сизга ёмон нарсани раво кўрмаймиз-ку...

Кампир жомдан кўзини узмай, бироз ўйланди-да, ичимликка тил тек-кизди. Бир сесканди ва болаларига ишонқирамай қаради:

– Ўлдириб кўймайдими?

Келин бидирлай кетди:

– Онажон, бу сизни ҳам соғлом қилади, ҳам куч беради, яна ёшартириб юборади.

Кампир иккиланаётгани сезилди, аммо келинининг гапи ростлиги-ни туйдими, нима бўлса бўлар дегандек, шартта ичимликни нўш қилди. Аста атрофга кўз югуртирди. Ғалати ҳолга тушаётганини англади, юзига кон югурганини сезди ва бирдан: “Мунча ёқимли, тотли нарса экан бу!” деб қийқириб юборди-да, чоли томон ўтирилди:

– Қани, отаси, сиз ҳам ичиб кўринг, маза қиласиз, тирилиб кетгандек бўласиз.

Чол “йўк” дегандек бош чайқади. Кампир хизматкорнинг мажбурлаши билан кетма-кет бир неча жомни бўшатди ва илжайиб ҳаммага бир-бир қараб кўйди:

– Барча томирларимни, оёқ-кўлимни, кўксимни, вужудимни қиздир-япти. Осмонларга парвоз қилдираётгандек мени! Бу қандай мўъжиза? Чиндан ҳам ёшараётгандекман, – деб ғулдиради қаҳ-қаҳ уриб ва сармастли-гидан қийқира бошлади. – Эҳ, чолим шу пайтда ёнимдан қаерга кетди-я! Кўрганида ҳозир ёшлигим қайтиб, аввал қандай бўлганимни бир томоша қиларди! – кейин ўғли билан келинига танбех берди. – Шунақа ҳам рақсга тушадими, нодонлар. Мана, ўйин бунақа бўлади, – деб сакрай кетди.

Бир чеккада буларга қараб ўтирган чол аста ўрнидан турди. Қозон ёнига бориб, жўмракни очиб юборди. Ичимлик шариллаб ерга тўкилиб ҳамма ёқни шилпиллатиб юборди. Дехқон отасининг ёнига отилиб келиб бақирди:

– Нима қилиб кўйдингиз, бадкор?! Шундай бойликни яқсон қилдингиз-а?! Алжираган чол! – деб, жўмракдан томчилаётган ичимлик-ка жом тутиб, ҳиқиллади, – ҳаммасини тўкиб юборибди-ю, ярамас...

Чол жаҳл билан ўғлини қойиб бошлади:

– Ҳой, аҳмоқ! Сен шуни мактаб, яхши нарса деяпсанми? Бу ёвузлик-нинг катта буваси-ку! Худо сенга ғалла деган ҳалол бойликни ризқ қилиб, насиба қилиб, барака қилиб яхши ният билан ишлатишга берган бўлса-ю, сен ярамас, ундан шайтоний, гуноҳни кўпайтирадиган ичкилик яратиб, йўлдан озаётганингни кўрмайпсанми, англамаяпсанми? Бу ишингдан ях-шилиқ кутма. Ифлосликдан воз кеч! Бўлмаса, ўзинг ҳам нобуд бўласан, эл-юрт, одамларга тузатиб бўлмас зарар етказасан. Буни Худо кечирмай-ди, шуни билиб кўй! Буни ичимлик деб ўйлаб, тарғиб қиляпсанми? Адаша-сан! Бу олов алангаси бир кун сени куйдириб юборишидан кўрк! – деди-ю, қозон тагидан ёниб турган пайраҳани олиб, ерда оқиб ётган суюқликка ташлади. Зумда атроф лоп этиб ёниб кетди. Барча додлаганича ўзини оловдан олиб қочди. Хизматкор шошиб дехқоннинг кулбасига кириб пи-сиб олди.

Орадан уч-тўрт кун ўтди. Дехқоннинг кулбасида ёлғиз қолган хизматкор шохлари-ю, туёқларини яширмасдан, мулоҳазага берилди:

– Дехқон ғалла кўплигидан қаерга сиғдиришни билмаяпти. Аммо ундаги мазани роса тушуниб етди. Ахир, шунинг учун ичимликни бошқатдан ҳайдаб олдик-ку, бочкаларга тинчгина, ҳеч кимга билдирмай жойлаб улгурдик. Энди уни бекордан бекор, текинга биронтага беришимиз ноўрин. Бобойни хўжайиндан нари тутсам бас. Отасига ҳеч вақо бериши шарт эмаслигини унга ўргатдим. Яъни, керакли ишни бажардим. Дехқонга текинхўр, мияси чалғиған қарияларни атрофига йиғиб, яхшилаб ичириб, ўзининг томонига бўйсундириб олиш йўлини ўйлаб топиб, кейин уларнинг қўли билан отанинг чизған чизигини ҳаётдан умуман ўчириб ташлаш кераклигини эплаб уқтирдим. Яхшики, у кўнди. Энди менинг ҳам вақтим охирида қолди. Бошлиғим келиб кўрса бўлаверади. Уялмай кўрсатаман.

Шу дамда бирдан ер остидан Бош шайтон чиқиб қолди-ю, важоҳат билан уни сўроқ қила бошлади:

– Ҳой! Муддат тугади! Бурда нон ейиш ҳақиға эришдингми? Вақт келиши билан ўзим ишингни текшираман дегандим-а?! Мана, рўпарангда турибман. Гапир! Ҳисоботингни бер!

Хизматкор жавоби тайёр эканлигидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб деди:

– Дехқонларнинг деярли барчасини ўз томонимга оғдириб олдим. Ишонмайсанми? Ҳозир кўрасан... Бироздан кейин улар шу ерга тўпланишади. Сен мана бу печ ичига жойлашиб ол. Ҳангомани кўриб, роса хурсанд бўласан...

Бош шайтон: “Қани, кўрамиз!” деди-ю, ўчоқ ичига кириб кетди. Озгина вақт ўтгач, хонага дехқон бошчилигида бир гала чоллар кириб келди. Улар орасида дехқоннинг хотини ҳам бор эди. Барча стол атрофида жойлашиб олгач, аёл дастурхон тузаркан, музлатилган пай шўрва ва ҳар хил пиширикларни териб ташлади. Чоллар хизматкор Потапга савол ташладилар:

– Хўш, мўъжизавий ичимликдан кўпроқ тайёрладингларми? Неча чирпит буғдой ҳайдалди?

– Қанча керак бўлса шунча ҳайдалди. Шунча ҳосил бекорга исроф бўладими, ахир?

– Иш қилиб, бу сафарги ичимлик ҳам яхши чиқдими? – сўради яна битта чол.

– Илгаригилардан ҳам зўр, – мақтанди хизматкор.

Савол кетидан савол ёғила бошлади:

– Қани, Потап, бизларга айт-чи, ўзи бу нарсани қаердан ўргангансан?

– Эҳ, дунё кезсанг кўп нарсани ўрганар экансан... – қисқа жавоб қилди у.

– Ҳа-а, анчагина қувга ўхшайсан сен бола, – деди ҳайратланиб яна биттаси.

Дехқон барчанинг эътиборини овқатга қаратар экан, хотини катта хумда ичимлик келтириб столга қўйди-да:

– Хуш келибсизлар, энди марҳамат қилиб еб-ичиб ўтиринглар, – деди мурувват кўрсатиб.

Ҳамма бирин-кетин жом кўтариб, оғзиларидан сув оккудек бўлиб ичимликни мақтай кетишди. Анчагина ичишди, улаб, тинмай ичишди. Бош шайтон ўчоқдан чиқди-да, ёнида турган хизматкорга кўз ташлаганди, шайтонча унга сўз қотди:

– Мана, энди нима бўлишини сенга кўрсатаман. Ҳозир аёлнинг оёғидан чаламан, у қоқилиб тушиб, кўлидаги ичимликни тўкиб юборади. Бу бир бурда нонни аямаган меҳридарё деҳқон бир қадахгина шароб тўкилгани учун қай аҳволга тушишини томоша қил-а...

Деҳқон хотинига ҳаммага ичимликдан яна қуйиб беришни буюриб:

– Аввал ҳамсояга, кейин Михайло амакига узат, – деди.

Аёл стол атрофида юриб, ҳаммага бир-бир бўзадан қуяётган пайтда хизматкор унинг оёғидан чалди. У қоқилиб, кўлидаги ичимликни тўкиб юборди-да, хизматкорга вайсай кетди:

– Сени шу дамда қайси касофат бу ерга яқинлаштирди-я!

Деҳқон эса овози борича хотинига бакира кетди:

– Ҳой, сен маймоқ ажина! Шундоқ қиммат нарсани тўкиб юбординг-а?!

Эри ҳеч қачон унга бундай кўпол муомала қилмаганини ўйлаб ўксиган хотин, андиша юзасиданми, “атайлаб қилмадим-ку” дея узр сўради. Аммо деҳқоннинг вазоҳати қайнаётгани сезилди:

– Атайлабмасмиш! Ҳозир ўрнимдан турай, сенга буни қанақа қилиб тўкиб юбориш мумкинлигини кўрсатиб қўяман, – деб хизматкорига қаради. – Сен ҳам, лаънати, нега стол теварагида ивирсийсан? Ҳа, иблис олсин сени!

Аёл бошқатдан ҳаммага бўза қуйиш билан овора бўлаётган пайтда, деҳқон оғзидан “иблис” сўзини эшитиб, хурсандлигидан шайтонлаб қолган хизматкор ўчоқ ёнига яқинлашди-да, бошлиғига:

– Нонини-ю, ризқини ҳеч кимдан аямай яшаган бу деҳқон тўкилган ичимлик учун суюкли хотинини дўппослашига оз қолганини кўрдинг... Қалай? Қойилмисан? Яна мени сенинг ёнингга, иблисга юборди-я, – деди завқи тошиб. Бошлиқ уни мактаб қўйди. У эса гапида давом этди:

– Булар хумни бўшатиб олишсин, кейин нима бўлишини кўрасан. Ҳозирча улар ширинсухан, бир-бирига хушомад қиляпти, тулкилар уларнинг олдида айёрлик, муғомбирликда ип эшолмайди, маккорликнинг чўккисига чиқа бошлашади...

Деҳқон эса ғирт мастлигидан тили зўрға айланаётган бўлса ҳам гап беришдан тинмасди:

– Ҳой, қариялар, сенларни тўплаганим, маслаҳатингиз керак... Нима қилай? Аҳволимни муҳокама қилишга қурбингиз етадимми? Чол отам уйимизда яшаб қариди. Мен уни боқиб, парваришлаб яхши қарадим. Энди эса у мендан норози бўлиб амакимникига кўчиб ўтди. Уйнинг ўзига тегишли қисмини амакимга бермоқчи. Сизлар ақлли одамларсиз. Маслаҳатингизга муҳтож бўлиб турибман. Масалан, Иван Федотични олайлик, уни бутун кишлок ҳурматлайди, биринчиларимиздан дейди. Ҳақиқатни айтмай, сени ўз ота-онамдан ҳам зиёда деб биламан. Михайло Степанич эса қадрдон дўст.

Чоллар бирин-кетин деҳқонни мактай кетдилар, унга бўлган ҳурмат-этиборларини изҳор қила бошладилар. Буларнинг мактовларини эшитаётган хизматкор Бошлиғини туртди:

– Кўряпсанми, ҳаммаси ёлғон гапиряпти! Аслида улар чеккада бир-бирини роса ҳақоратлаб сўқади. Ҳозир эса худди тулкиларга ўхшаб, думларини ликиллатиб, тилёғламалик қилишяпти. Сабаби – бўза, шу ичимликнинг таъсири.

– Тасанно сенга! – деди Бош шайтон. – Буларни ўзимиз томон оғдириб олиш осон кечади. Бу ишни бошлабсан.

– Шошма, яна ичишсин, давомини томоша қиламиз, – деди хизматкор мамнун жилмайиб.

Аёл хум ташишдан чарчамас, чоллар эса бўза ичишдан тинмасди. Бирдан уларнинг ўртасида келишмовчилик юзага кела бошлади. Чолларнинг бири: “Мен нима истасам, шу бўлади” деган гапни айтиб, жанжал кўтарилишига сабаб бўлди. “Сен ким бўлиб кетибсан?” деди наригиси, учинчиси бошқасини аҳмоқдан олиб аҳмоққа солди. Ҳақоратга ҳақорат улана кетди. Кимдир кимнидир молга таққослади, кимдир чўчка деб атади. Шовкин-сурон кўтарилганда деҳқон жаҳл билан бўкира кетди:

– Нега ҳамманг овозинг борича вағиллаб, томоғингни қиряпсанлар?! Овқат еб, қоринларингни шиширгани келгансанлар, шекилли... Зарур гап қолиб, нима можарони кўтаряпсанлар?!

Чоллардан бири деҳқонга ўшқирди:

– Ҳа? Кеккайиб қолибсанми?! Ҳозир бурнингни қулоғингга бураб кўяман-а?..

Деҳқон уни дўппослаш ниятида ўрnidан кўзгалганда бошқа чол вайсай кетди:

– Кўз кўриб, кулоқ эшитмаган гаплар бўляпти-ку! Йўқол, шайтон олсин-эй сени! Сен билан гаплашишни ҳам истамайман! Кетдим...

Деҳқон унинг этагидан маҳкам тутди, лекин чол у билан олишиб, уни савалай кетди. Деҳқон додлаб ёрдам сўрашига қарамай, ҳеч ким унга ён босмади. Тўс-тўполон ичида бирдан қайсидир қария: “Давом этамиз, бўза келтир!” деб бақириб қолди. Деҳқон хотинига яна хум олиб келишни буюрди. Бу ишларни кузатиб завқланаётган хизматкор Бошлиғига қаради:

– Буларнинг танасида энди бўрининг қони қайнади. Бариси ёвуз, қаҳрли бўлиб қолишди. Аввалги меҳр-оқибат, соддаликдан асар ҳам йўқ. Бўзанинг таъсири...

Бу пайтда деҳқоннинг отаси кўчадаги ходаларда турнакатор бўлиб жойлашган қариялар орасида ўтирган эди. Уларнинг ёнида ястанган кенгина майдонда йигит-қизлар, ёш жувонлар завққа тўлиб ўйин-кулги қилиш билан яйрашарди. Деҳқоннинг уйдан эса маст бўлиб шовкин кўтараётган чолларнинг бақир-чақир тинмай эшитилар, овозлар борлиқни гўё бошга кўтаришга уринаётгандек туюларди. Шу пайт дарвозадан бир қария гандираклаб чиқди-да, ўзини оломон ичига отди. Унинг кетидан оёғида зўрға турган деҳқон чиқиб, уни судраганча яна ичкарига олиб кириб кетди. Бу ҳолни кўрган ота бошини чайқаб хўрсинди, атрофдагилардан уялганданми, норози бўлганданми, уф тортиб:

– Э-э! Гуноҳ устига гуноҳ-а?! Қандай бало урди буларни?! Қуни билан ҳалол меҳнат қилиб, кечкурунлари ювиниб-тараниб, чиройли, бамаъни бўлиб, оила даврасида маза қилиб дам олиб, яйраб юрган буларни қандай жин урди? – деб хафа бўлиб гапираётганида уйдан дод-вой эшитилди. Чол сесканиб тушди.

Бирдан кайфлари таранг қариялар дарвозадан бирин-кетин отилиб чиқишди-да, даврада рақсга тушаётган қизларга ёпиша кетишди. Қизлар кўрққанларидан қий-чув қилиб, чинқира бошлашди. Бир қизнинг: “Карп амаки, тегманг, нима қиляпсиз?” деган йиғлоқи овози эшитилди. Жанжалдан ўзларини олиб қочаётган йигитлар қизларни ҳимоя қилиб, ҳаммани наридаги тор кўчага ўтказа бошладилар. Ҳозиргина гавжум, шодликка тўлган кўча зумда хувуллаб қолди. Гандираклаган чоллар орасидан чиқиб, деҳқон отасига яқинлашди, қўлини пахса қилиб унга ўдағайлади:

– Ҳа?! Эга чиқдингми, ололдингми? Қишлоқ қариялари бор мол-мулк менда қолади деб ҳукм чиқарадиган бўлишди. Сенга фақат отнинг тезаги тегаркан... Ҳамма нарса менга тегишли экан, сенга эса ҳеч вақо йўқ! Тусундингми? Ҳеч вақо... Улар ҳали сенга бу ҳукми етказишади.

Мастликдан оёқларида аранг турган чоллар каловланиб ўз фикрларини айтишга уринардилар. Бири: “Мен-да, ҳаққоний ҳукм чиқарадиган” деса, иккинчиси: “Мен ҳар бир кишини баҳсда енгиб чиқаман” дер, учинчиси: “Энг зўри менман” деб чиранар, тўртинчиси алланималарни гулдираб, ёнидаги чолга суяниб колганди. Ҳаммалари гандираклаб тарқала бошлашди. Дехқон эса уйининг остонасига етолмай қокилиб, гурсиллаб йиқилди-ю, чўчқанинг хур-хурлашига ўхшаш товуш чиқариб жим бўлди.

Ота чеккадан унга бирпас домангир қараш қилиб, куйи солинган бошини чайқаб турди-да, ёнидаги қарияларга қўшилиб нари кетди. Шу дам у аввалари бу ўғлидан қанчалар ғурурланиб, фахрланиб яшаганини, ўзининг кексалик гаштига етганлигидан мамнун бўлганини ўйларди. Хира тортган кўзлари ёшланди. Ниҳоятда катта ва бебаҳо нарсасини йўқотаётганини англаб, атрофдагилардан уялмай хўнграб йиғлаб юборди...

Бўлаётган бу воқеаларни кузатиб турган Шайтонбоши мамнун хизматкорга қаради:

– Бало чиқдинг! Энди буларнинг томирида тўнғиз қони гупирыпти. Чўчқалардан фарқи йўқ. Дехқоннинг лойга ботиб, хур-хурлаб ётишини кўргин-а! Ана, бўзанинг қаромати! Қойил қолдирдинг мени, тасанно?! – деб шайтончани мактаб қўйди. Кейин бирдан қизикди: – Айтгандек, бу ичимликни қандай ўйлаб топдинг? Мабодо унга тулки, бўри, тўнғиз қонини қўшмаганмидинг?

Хизматкор кулиб юборди:

– Йўқ, мен фақат ғалла ҳосилини кўпайтириш кераклигини англадим, бу ёғи энди сенга аён. Дехқонга ўхшаган одамларнинг онги ғалати эканлигини тушуниб етдим. Нонга аранг буғдойи етган пайтида улар сахий, ниҳоятда саховатли бўлишар, ўзини аямасдан меҳнат қилиб яшаш, ҳалол топиш кераклигини билар экан-да, бойлик эшигидан мўралаб кирганида нима қиларини билмай ўзини йўқотиб қўяр экан... Наҳотки, бойлик одамни шунчалар ўзгартирса? Демак, ҳаром ҳайвонлар қони томирида ҳамиша оққану, унинг гупуриб чиқишига на илож, на имкон бўлганга ўхшайди...

Бош шайтон унинг елкасидан қоқиб қўйди:

– Нон бурдасини олишга энди тўла ҳаққинг борлигига ишондим. Хурсандман. Демак, дехқонлар тоифасини ҳам ўз томонимизга ағдариб олдик. Балли! Энди дехқонлар ҳам тамоман бизнинг қарамоғимизда, искан-жамизда! Ишқилиб шу заҳар-заққумни ичмай қўйишмаса бас.

Аммо ховлида ота бошчилигида йиғилиб турган пок ва софдил қарияларнинг диллари ва тиллари Парвардигорга мурожаатда эканлиги, одамларни нажосату, эгри йўллардан сақлашини сўраб қилаётган нолаларини эшитган бу инс-жинслар дағ-дағ титраб, туёқларини шикиллатганча бирдан қаергадир ғойиб бўлишди.



ЗАМОНАВИЙ ПОЛЯК ШЕЪРИЯТИДАН

Халина ПОСВЯТОВСКАЯ

(1935–1967)

Рус тилидан
Рафиқ САЙДУЛЛО
таржимаси

Халина Посвятовская 1935 йил 9 майда Польшанинг Ченстохова шаҳрида туғилган. Юрак хасталиги туфайли ҳаётининг кўп қисмини шифохона ва санаторияларда ўтказган. Шундай бўлса ҳам, шоира қатъият билан ўқиди, мустақил тайёрланиб, университетга имтиҳон топширди. 1958 йилда у ўша пайтлар учун ноёб бўлган юрак операцияси ўтказилишига розилик берди. Бу жарроҳлик унга яна тўққиз йиллик умрни туҳфа этди. 1967 йилдаги иккинчи операцияни эса юраги кўтара олмади.

Шоира 1958–1967 йилларда университетнинг фалсафа факультетида таҳсил олди, илмий иш устида фаолият юритди. Касаллигини енгиш учун болалигидан мутолаани, айниқса, шеър ёдлашни ёқтирар, ўзи ҳам шеър ёзишни машқ қиларди. Польшанинг таниқли шоирлари Адам Мицкевич ва Юлиуш Словацкий шеърларини севиб ўқирди.

Унинг “Қалб мадҳияси” (1958), “Бугунги кун” (1963), “Қўлларга қасида” (1966) ва вафотидан сўнги “Яна бир хотира” (1968) шеърый китоблари, асосан эркин шеър – верлибр, яъни тиниш белгиларсиз шеърларни ўзи ичига олади. Бироқ уларда ўзига хос вазн ва нафис туйғулар уйғунлигини англаш қийин эмас. Унинг шеърларини поляк шоири Тадеуш Новак таъбири билан “кўшиқлар кўшиғи” дейиш мумкин. Шоиранинг шеърлари ўзбек тилида биринчи марта эълон қилинмоқда.

* * *

Агар мендан кетмоқчи бўлсанг,
жилмайиб кўйишни унутма.
Майли, бош кийимингни, қўлқопингни,
муҳим манзиллар қайд этилган
ён дафтарингни
ё қайтишига арзигулик нимаки бўлса,
унутиб қолдир.
Сен қайтар экансан,
мени кўз ёшлар ичра топасан
ва ўшанда кетмассан, балки.



Агар қолмоқчи бўлсанг,
менга жилмайиб қўйишни унутма.
Майли, тугилган кунимни унут,
мендан илк бор бўса олган кунни ҳам,
илк марта аразлашганимизни...
Бироқ кетмоқчи бўлсанг,
мажбурликдан қилма буни.
Севинч ила қолгин,
севинтир.

* * *

Мени яшилликка бурканг,
япроқлар.
Мен – совуқда титраган
яланғоч дарахт.
Сув, мени
туб-тубимга қадар қондир.
Мен – қуёш тигида
қақраган қумман.
Довул мени совурар;
илиқлик бер, қуёш.
Дарахт соясида қолган чашмадай,
сўз асири – ман.

* * *

Сен кета туриб
кўчада қушлар оч қолди,
дединг.
Кўчада қиш ва
совқотган қушлар,
сенсиз улар нобуд бўлар экан –
шундай дединг сен...

Аммо
қушларда қанот бўлишини
наҳот, билмасдинг?
Қанот уларни
емишлари мўл-кўл
иссиқ ерларга элтар –
қаерга бўлса-да,
фарқи йўқ...
Изгирин, қор нима уларга,
қушларга?..

* * *

Бир мангу ёлғизлик сайёраси бор
ва сенинг лабингдаги қум зарраси.
Сенинг севгинг
ёлғизлик денгизин тўлқинлари узра
йўлини йўқотган бир қуш кабидир.
Осмон жимликка тўла,
унда сенинг сўзларинг каби
қанот қоқиб,
якка бир фаришта учиб юрибди.

* * *

Менинг она тилимда
гулларни “гуллар” деб аташади,
Ҳаво ҳақида эса “ҳаво” дейман.
Кўприклардан ўтар эканман,
поинам билан сасланаман:
тақ, тақ, тақ...
“Тош” сўзини шундай талаффуз қиламанки,
духоба деб ўйлашар уни.
Мушук мўйнасига босгандай
юзимни босаман елкаларингга...
Севаман
ўзимнинг жайдари тилимни
ва “севаман” дейман бу тилда.

* * *

Мен билан бўлишгин
ёлғизликнинг қотган нонини.
Кўринмас деворлар бўшлигини
ўзинг билан тўлдир.
Ёруғлик бергин бир оз
асли йўқ ойналарга.
Эшик бўл...
Ҳаммасидан кўра
ташқарига ланг очилган
эшик бўл мен учун.

* * *

Бизнинг севгимиз – маҳкум;
ўлим жазосига ҳукм қилинган.
У қатл этилар
орадан қисқагина икки ой ўтиб.

Дунёда масофа,
вақт деган нарсалар бор
сен эса олислаяпсан.
Имконсизлик, ожизлик бор бу дунёда:
сени тутиб туролмас
менинг бешафқат бўсаларим ҳам.

* * *

Мен ўлсам, бу дунёнинг ҳам
бир озгина чиқарми жони?

Боқаман:
одимлаб борар у
тулки мўйнасига бурканиб.

Мен – ўша мўйнанинг бир толаси...
Аммо...
Ҳеч ўйлаб кўрмабман...

Ҳар доим шу ерда эдим мен,
у эса...

Йўқ, барибир,
бу ҳақда ўй суриш ёқимли:
бир озгина жон берар бу дунё
мен ўлсам,
Мен агар ўлсам.

* * *

Сенсиз
юзиди кулгиси сўнган
осмон тумтаяр.
Эринибгина чиқади қуёш
ва увишган кафти билан
ишқалар кўзларини.
Кун – майса қўйнида
уйғонган капалак,
бир зум
қанотларин ёзиб керишар
ва ёришиб кетар.
Ранглар, ранглар, ранглар
гир айланар сирли жилода...
Шивирлаб сўрайман
мудроқ самодан
ишқимизнинг қотган нонини.

* * *

Мен Жульеттаман.
Ёшим йигирма учда.
Мен бир марта севгини татиб кўрганман.
Қора қаҳвадаги каби
аччиқ таъми бор эди унинг.
Юрагим дукурлаб
кетди ўшанда,
судай жимирлаб кетди вужудим.
Ҳисларим тошди...
Ўтди ҳаммаси.
Мен Жульеттаман.
Баланд минорадан туриб
ийглайман, қайтгин деб
чорлайман, қайта қол
лабларимни тишлаб
қонатаман, қайт...
Йўқ қайтмади.
Жульеттаман.
Ёшим мингда,
тирикман ҳамон.


* * *

Олча гулларига кўмилиб,
хушбўй ифоридан мажолсиз,
менинг нафратим
гарқдир унинг тубларига.

Қалтираб ва бечораҳол
турардим мен унинг устида,
ортимда турардинг сен эса.

Сўнг шаршара қуйилгандай тез
қўлларимдан тутдинг ва
кишан солдинг
бўсалар билан.

Бизга гувоҳ
олча дарахти
жсим тикилиб қолди
ўша пайт.



Эрнест ХЕМИНГУЭЙ

(1899–1961)

БОРЛИҚ ВА ЙЎҚЛИК

Роман

*Инглиз тилидан
Қандилат ЮСУПОВА
таржимаси*

Биринчи фасл

ГАРРИ МОРГАН

Баҳор

1-боб

Гавана тонгини, ҳатто муз ортилган машиналар барлар учун муз ташиб келишидан ҳам аввалроқ, кўча дайдиларининг бино деворларига суянганча ҳалиям уйқуни ураётганини бир тасаввур қилинг. Ана шундай эрта тонгда биз бандаргоҳдан “Сан-Франциско марвариди” қахвахонасига қахва ичиш учун майдондан ўтиб келаётгандик. Шу пайт фавворадан сув ичаётган бир гадойга кўзимиз тушди. Бироқ қахвахонага кириб келган чоғимизда у ерда бизни ўша уч киши кутиб турган экан.

Бироздан кейин, улардан бири ёнимизга келди.

– Хўш? – дея менга юзланди у.

– Бундай қилолмайман, – дедим унга. – Бу ишни жилла курса савоб учун ҳам қилсаммикан, деб ўйлагандим. Бироқ оқибатини ўйлаб, фикримдан қайтдим. Ахир, сенга ўтган тунда ҳам бу ишни қила олмаслигим сабабини тушунтирган эдим-ку?!

– Сен, оғайни, шошмасдан яхшилаб ўйла. Пулниям оғзингга сикқанича айтавер, қурбимиз етганича топиб берамиз.

– Гап пулдамас. Мен бундай қилолмайман, холос. Бор гап шу.

Сал нарироқда турган иккита муҳожир ҳам ёнимизга келди, улар умид сўнган кўзларини мўлтиллаганча менга қараб туришарди. Бу шўрликлар кўринишидан ёмон йигитларга ўхшамасди, уларга яхшилик қилишни ўзим ҳам хоҳлаб тургандим.

– Кел энди, йўқ дема, биродар, ҳатто минг доллар десанг ҳам бир илож қилиб топиб берамиз, – деб ялина бошлади улардан бири, унинг инглизча талаффузи ёмон эмасди.

– Қўй, одамни хижолат қилма, – дедим унга ўнғайсизланиб. – Сизларга аллақачон гапнинг пўсткалласини айтиб бўлганман: бу ишни қила олмайман!

– Яна бир ўйлаб кўр, балки биз берадиган пул сенга асқотиб қолар.

– Эҳтимол шундайдир, лекин гап фақат пулда эмас-да. Бу иш барибир менинг қўлимдан келмайди.

– Нега келмайди?

– Мен қайиқ билан тирикчилик қиламан. Ундан айрилиб қолсам, куним қандай ўтади?

– Биз берган пулга бошқасини сотиб олаверасан.

– Қамокхонада бунинг иложи бўлмайди.

Улар мени барибир кўндирамиз деб ўйлашди чоғи, биттаси ҳеч гапдан қолгиси келмасди.

– Сиз уч минг доллар оласиз ва бу қилган хизматингиз кейинчалик ҳам инобатга олинади. Бу ердаги сиз билган вазият узоққа бормайди.

– Қулоқ солинг, – дедим мен. – Кимнинг президент бўлишининг менга фарқи йўқ. Мен битта ақидага амал қиламан: тили узун бирорта жонзотни Штатга олиб ўтмайман.

– Бу билан бизни гуллаб қўяди, демоқчимисан? – деди шу пайтгача жим турганларидан бири. Унинг жаҳли чиқа бошлаганди.

– Мен тили узун жонзотни, дедим.

– Сен бизни “lenguas largas”¹га чиқараяпсанми?

– Йўқ.

– “Lengua larga” ким эканини биласанми?

– Ҳа. Тили узун, гуллаб қўядиганларни шунақа дейишади.

– Бундайларга қандай жазо беришимизни ҳам билсангиз керак?

– Қизишманглар, – дедим мен. – Саволингизга жавоб бераяпман, холос. Ортикча ҳеч нарса деётганим йўқ.

– Жим бўл, Панчо, – жаҳли чиққанга юзланди биринчи гап бошлаган.

– У бизни гуллаб қўяди, деяпти, – деди Панчо.

– Қулоқ солинглар, – дедим, – мен тили узун бирорта жонзотни ҳам олиб ўтолмайман, дедим. Яшиқдаги шароблар муаммо чиқармайди. Ичимлик идишлари алжирамайди. Яна гапирмайдиган нарсаларни айтиш мумкин. Одамларга эса ишонч йўқ.

– Хитойликлар-чи, уларнинг ҳам тили йўқми? – деди Панчо ғазабланиб.

– Тили бўлиши мумкин, бироқ уларнинг тилини мен тушунмайман. – жавоб қилдим мен.

– Демак, истамайсиз?

– Буни кеча ҳам айтгандим. Ҳечам иложи йўқ.

– Ишқилиб ўзингиз тилингизга маҳкаммисиз? – деди Панчо. У гапимни тушунмаётганди, шунга жаҳл қиларди. Шу сабабли ҳам ўзаро гапимиз қовушмасди. Саволига жавоб ҳам бериб ўтирмадим.

– Ўзинг “lenguas largas” эмасмисан мабодо? – сўроқларди у дарғазаб холда.

– Ундай бўлишдан Худо асрасин!

– Сенинг-ча “lenguas largas” биз эканмиз-да?!

¹ lenguas largas (исп.) – вайсақи, тили узун.

– Ҳой, Худо хайрингни бергур, гапимга яхшилаб кулок солсанг-чи, – дедим унга яна. – Каллайи саҳарлаб бунчалик жиғибийрон бўлма. Биламан, кўп одамларнинг додини бергансан. Лекин менга эргалабдан, оч корнимга ҳадеб ҳунарингни кўрсатаверма.

– А-ҳа, демак сен бизнинг кимлигимизни биласан, шундайми?

– Йўқ, – деб, эътироз билдирдим. – Кимлигингизнинг менга қизиғи йўқ. Жаҳл қилмасдан гаплашишнинг имкони борми?

– Ҳа, жаҳлимни чиқараяпсан, – деб тутакди у. – Ҳозирок жонингни олишим мумкин.

– Ҳой, жўжахўроз! – бақириб бердим унга. – Бунчалик ўзингдан кетма!

– Бас қил, Панчо, – деди биринчи мусофир. – Бу ерда туришдан фойда йўқ.

Кейин менга қараб: – Афсус. Бизларни олиб ўтиб қўясиз, деб умид қилгандик, – деди.

– Мен ҳам афсусдаман. Бироқ бу иш менинг қўлимдан келмайди.

Учала йигит ҳам ноилож эшик томон йўл олишди, мен эса уларнинг ортидан кузатиб турардим. Улар афт-ангори келишган, навкирон йигитлар бўлиб, пўрим кийиниб олишган, биронтасида ҳам шляпа йўқ, кўринишидан жуда пулдор одамларга ўхшашарди. Ҳеч нарсадан тап тортмай, хизматим учун бир дунё пул ваъда қилиб юборишди-я. Истамасамда, беихтиёр эшитган гап-сўзларимдан шу нарса маълум эдики, улар кубалик бойваччалар каби инглизчани ҳам бузиб талаффуз қилишарди.

Афтидан ҳалиги иккиси – ака-укалар, Панчо эса, бўйи бироз новча бўлсаям, уларнинг тенгдошига ўхшарди. Унинг келишган қадди-қомати, бежирим уст-боши, силлиқ таралган сочларига тикилиб туриб, бу мен ўйлаганчалик ёвузга ўхшамайди, деган хаёлга бордим. Тўғри, у бироз асабийлашарди, холос.

Йигитлар қаҳвахонадан чиқиб ўнгга бурилган заҳоти майдон томондан бир зирҳли машина учовлон томон шитоб билан елиб келаётганига кўзим тушди. Машинадан кетма-кет отила бошлаган ўқлардан бири тўғри бориб дераза ойнасига тегди, яна бири ўнгдаги қатор терилган шишаларни чил-чил қилди. Ўқ овози қулоғимни тешиб юборгудай бўлар, шишалар синиғи эса бутун деворга сачраб, парча-парча бўлиб, ерга тушарди.

Мен тўсикнинг ортига ўтиб, чап томондан мўралаб кузата бошладим. Машина тўхтаб, ундан иккита йигит сакраб тушди-да, ўтириб ота бошлади. Бирининг қўлида “Томпсон” автомати, бошқасида эса қўлбола кесма милтиқ бор эди. “Томпсон” автоматига отаётган йигит барзанги ҳабаш эди. Наригиси эса ҳайдовчиларнинг оқ кийимини кийиб олганди.

Кубаликлардан бири йўл четида, дераза синиқлари устида юзтубан чўзилиб ётарди. Қолган иккитаси эса қўшни қаҳвахонага эндигина муз олиб келган “Тропик ичимлик” ширкатининг араваси ортига беркинишга улгурганди.

Аравага қўшилган отларнинг бири ерда ётиб типирчилар, наригиси эса тинмай бошини қимирлатиб, безовталанарди.

Кубаликлардан бирининг арава ортидан узган ўқи йўлакка тегиб, йўналишини ўзгартирди. “Томпсон” автоматли ҳабаш ерга қапишиб олганча арава остига қарата тўхтовсиз ўқ узгани бесамар кетмади: арава ортидагилардан бири йўлакка юзтубан кулади. У қўллари билан бошини чангаллаганча, тинмай қалтирарди. Ҳабаш автоматга янги ўқдон жой-

лагунга қадар ҳайдовчи милтиқдан йиқилган кубаликка ўқ узиб турди. Мўлжал хато кетмади. Бутун йўлакда сочма ўқ ўз изини қолдирди.

Иккинчи кубалик ярадорнинг оёғидан тортиб, арава ортидаги панарок жойга олиб ўтди. Мен эса ҳабаш яна эгилиб, унга тўхтовсиз ўқ узганини кузатиб турардим. Шу пайт бирдан ҳалиги таниш йигит – Панчо арава-нинг нариги томонидан айланиб ўтиб, безовталаниб типирчалаётган отга паналади. Кейин худди балчикқа булғанган чойшабга ўхшаб, кир бўлиб кетган оқ кийимида от панасидан чиқди-да, тўппончасини кўшқўллаб ушлаган кўйи ҳайдовчига қарата ўқ узди. Сўнг ҳайиқмасдан ҳабашнинг икки марта бошини, бир марта елкасидан пастроғини мўлжаллаб ўқ отди.

Ўқлардан бири машина ғилдирагига тегди, чунки ғилдиракнинг дами чиққанда атроф бирдан чангиб кетганини кўрдим. Ҳабаш Панчонинг яна ўн қадамча яқинроқ келишини кутиб, унинг қорнига қарата “Томми”дан сўнгги ўқи тугагунча тарриллатиб отди, кейин унинг автоматни итқитиб юборганини кўрдим. Панчо бўлса тош йўлга чўк тушиб, сўнгра юзтубан кулади. У қўлидан тўппончани кўйиб юбормасдан ҳадеб туришга уринар, бироқ бошини кўтара олмасди. Шунда ҳабаш машина ғилдираги яқинида, ҳайдовчи ёнида ётган милтиқдан отиб, Панчонинг миясининг катигини чиқариб юборди. Ҳабашга тенг келиб бўлмасди

Мен шоша-пиша дуч келган оғзи очиқ шишалардан бирини олиб, ҳатто унда нима борлигига эътибор ҳам қилмасдан ютоқиб сипқордим. Бўлиб ўтган воқеа дилимни хижил қилганди. Тўсиқдан сакраб ўтиб, ош-хонага, ундан сўнг яширин йўлак орқали кўчага отилдим. Бирор марта-ям ортимга, қахвахонадан чиқиб, ўзини ҳар томонга ураётган оломонга қарамасдан, майдонни кесиб ўтдим-да, тўғри қайиқ турган бандаргоҳга елдек учиб келдим. Қайиқни ёллаган нусха сабрсизлик билан мени кутарди. Бўлган воқеларни унга гапириб бердим.

– Эдди қани? – деб сўради бизни кутиб турган ўша нусха. Унинг исми Жонсон эди.

– Отишма бошлангандан кейин уни қайтиб кўрмадим.

– Балки яралангандир?

– Бу нима деганингиз? Сизга айтаяпман-ку, ўқ деразага келиб тегди, деб. Машинадагилар уларга тўсатдан хужум қилишди. Биттасини қахвахонанинг шундоққина биқинида отиб ташлашди. Улар ён томондан бостириб келишди...

– Сиз буларни қаердан биласиз? – деб сўради у.

– Мен уларни кузатиб тургандим, – деб жавоб бердим.

Шу пайт бошимни кўтариб қарасам, бандаргоҳ томонга Эдди келаётган экан. У ҳар доимгидан ҳам дароз ва найновдек кўриниб кетди кўзимга. Худди оёқлари майишгандек истар-истамас қадам ташларди.

– Ана у.

Эддининг кўриниши ўта афтодахол эди. Тўғри, одатда у эрталаблари ланж кўринарди, бироқ ҳозирги аҳволи ҳар доимгидан ҳам баттар эди.

– Қаерларда қолиб кетдинг? – дея тергадим уни.

– Қимирламай полда ётгандим.

– Ҳаммасини кўрдингизми? – сўради Жонсон ундан.

– Жаноб Жонсон, илтимос бу ҳақида гаплашмайлик, – деди Эдди унга.

– Ҳатто эсласам ҳам кўнглим айнийди.

– Бир қултум ичиб олинг, – далда берган бўлди унга Жонсон. Кейин менга юзланиб: – Хўш, бугун айланиб келамизми? – деди.

– Бу ёғи сизга боғлиқ.

– Оби-хаво қанақа бўлар экан?

– Худди кечагидек. Эҳтимол, кечагидан ҳам яхшироқ бўлар.

– У ҳолда бугун чиқамиз.

– Бўпти, балиқхўракни олиб келишсин-чи.

Уч ҳафтадирки бу нухани биз балиқ овига олиб чиқаётгандик. Бирок у Кубага келишидан олдин, бандаргоҳдан овга чиқиш учун консулдан рухсат олиш, ёқилғи жамлаш ва бироз озик-овқат учун менга берган юз долларидан бошқа бир чақа ҳам тўламаганди. Кунига ўттиз беш доллардан, ов анжомлари эса мендан, деб келишиб олгандик. У хар оқшом мехмонхонада тунар, тонг пайти эса бандаргоҳга келарди. Бу кимсани менга Эдди топиб бергани учун уни ҳам бирга олиб юришга мажбур эдим. Эддига кунига тўрт доллар ҳақ тўлардим.

– Бир оз ёқилғи жамлашимиз керак, – дедим Жонсонга.

– Хўш, кейин-чи?

– Бунга пул керак.

– Қанча?

– Бир галлони¹ йигирма саккиз цент туради. Бизга камида қирк галлон керак. Бу ўн биру йигирма бўлади.

У ўн беш доллар чиқариб берди.

– Балки қайтимини пиво ва музга ишлатармиз? – деб сўрадим.

– Жуда соз, – деди у. – Майли, бу қарзим ҳисобидан бўла қолсин.

Ўйланиб қолдим: уч ҳафта – бу оз муддат эмас. Лекин агар унга ростдан ишонадиган бўлсак, муддатнинг нима аҳамият бор? Албатта, ҳисобкитобни хар ҳафта қилганга нима етсин. Бироқ бир ойлаб қарзга олиб юриб, кейин бирваракай ҳаққимни ундирган пайтларим ҳам бўлган.

Бу менинг хатойим эди, лекин аввалига мижоз топилгани учун унинг шартига жон деб рози бўлар, фақат охирги кунларга келиб, ташвишга туша бошлардим. Доим мижознинг ранжиб қолишидан чўчиб, хавотиримни юзага чиқармасдим. Шундай экан, мижозга ишонганингдан кейин, ов муддати қанча чўзилса, шунча яхши, албатта.

– Пивога тобингиз қалай? – деб сўради у кутини оча туриб.

– Йўк, раҳмат.

Шу пайт бизга хўрак келтирадиган ҳабаш бандаргоҳ томон кела бошлади ва мен Эддига қайикни тайёрлаб туришини буюрдим.

Хўрак олиб келган ҳабаш қайикқа ўтириши билан биз сузиб кетдик ва бўғоздан чиқа бошладик. Ҳабаш эса хўракларни қармоққа илдира бошладди: у қармоққа макрелни илинтиргач, бир ёнбошини тилиб, қармоқ учини жабрасидан ўтказиб олди-да, сўнг оғзидан ўтказиб, қармоқ ипи билан чандиб, силтаниб чиқиб кетмайдиган қилиб, қулай ва мустаҳкам ўрнатди.

Бу кўкиш тумори кўйлаги остидан бўртиб турган, бошига эса сомон шляпа қўндириб олган бақувват ва жаҳлдор, чайир ҳабаш эди. Қайикда унинг сеvimли машғулоти ухлаш ва рўзнома варақлаш эди. Бироқ у ниҳоятда абжир ва қармоққа хўрак илинтиришнинг ҳадисини олганди.

– Қармоққа хўрак илинтириш ўзингизнинг қўлингиздан келмайдими, капитан? – деб сўради Жонсон мендан.

¹ Галлон – 4,5 литрга тенг ўлчов бирлиги. (Таржимон изоҳлари.)

– Келади, сэр.

– У ҳолда нега ҳабашни ёллагансиз?

– Катта балиқ илинса, ўшанда кўрасиз, – дея жавоб қилдим мен.

– Илинса нима қилибди?

– Ҳабаш мендан кўра абжирроқ.

– Эдди бунинг уддасидан чиқа олмайдимми?

– Йўқ, сэр.

– Менимча, ҳабаш – ортикча харажат. – У ҳабашга кунига бир доллар берар, ҳабаш эса ҳар оқшом румба рақсига борарди. Мен унинг кўзлари юмилиб бораётганини кўрдим.

– Ҳабашсиз ишимиз битмайди, – дедим мен.

Бу пайтда биз Кабаньяс қаршисида, Морро калъаси яқинида, туби тошлоқ жойда балиқ овлаш учун лангар ташлаган қайиқчиларнинг ёнидан ўтиб борардик. Мен ҳам қайиқни суви қорайиб турган Мексика кўрфази томон бурдим. Эдди иккита катта пўкак ҳозирлар, ҳабаш эса уч қармоққа хўрак илинтириш билан овора эди.

Қайиғимиз яқинлашганда кўрфазнинг саёз жойи бошланган, оқим кучли жойларда эса сув сиёҳрангга ўхшаб товланиб ётарди.

Шарқдан енгил шабада эсиб турар, бир талай йирик учар балиқлар биздан чўчиб, ўзини ҳар ёққа урар, қора қанотли бу балиқлар сувда сакрашаётганда худди Атлантикадан учиб ўтаётган Линдберг самолётининг расмига ўхшаб кетарди.

Бу учар балиқлар – ов бароридан келишидан нишона эди. Кўз илғайдиган жойда оқимнинг туби чуқур эканлигидан далолат берувчи сарғиш сув ўтлари кўринар, олдинда бўлса майда балиқлар тўдаси узра қушлар чарх урарди. Сувда икки-уч фунтлик балиқчаларнинг сакраши кўзга ташланарди.

– Энди қармоқ ташласангиз ҳам бўлади, – дедим Жонсонга.

У тасмани устига ташлаб олиб, олти юз ярдли ўттиз олтинчи ип ўралган “Гарди” ғалтакли катта қармоқни сувга солди. Ўгирилиб қарасам, қайиқ ортидаги иккала қармоқ аллақачон сувга отилган, пўкаклари эса сув юзида ўйноқларди. Биз меъёридагидек тезликда сузиб борардик ва мен қайиқни Гольфстримнинг асосий оқими томон бурдим.

– Қармоқ дастасини қайиқ четига боғланг, – дея маслаҳат бердим унга. – Шунда ушлаш осон бўлади. Балиқ хўракка илиниб тортганда, қийналамаслик учун туткични сал бўшатинг. Бўшатмасангиз, балиқ сизни тортиб олиб кетиши мумкин.

Ҳар кун унга шу гапни такрорлашимга тўғри келарди. Бироқ бундан жаҳлим чикмасди. Балиқ овига олиб чикқан мижозларимнинг элликтасидан биттасигина балиқ тута олиши мумкин. Шу биттаси учун ҳам бу шунчаки эрмак ва у бошқалар каби ҳақиқий балиқ овига ярамайдиган оддий қармоқ сотиб олган бўларди.

– Хўш, аҳволлар қалай? – деб сўради Жонсон.

– Бундан яхшиси бўлмайди, – жавоб бердим унга.

Ростдан ҳам овимиз чакки эмасди.

Кейин чамбаракни ҳабашга бериб, Гольфстрим қирғоғи бўйлаб шарққа қараб сузишни буюрдим-да, ўзим қайиқ тўрида ўтириб, тўлқинда ўйноқлаган пўкакка тикилаётган Жонсон ёнига бордим.

– Балки иккинчи қармоқни ҳам ташлармиз? – деб сўрадим ундан.

– Йўк, керак эмас, – деди у. – Қармоқни ўзим ташлаб, ўзим тортиб, балиқни ҳам ўзим тутсам, дейман.

– Яхши, – дедим мен. – Балки Эдди фақат қармоқ ташлар, балиқ илиниши билан, у дастакни сизнинг қўлингизга тутқазади, шунда ўзингиз тортиб оласиз?

– Йўк, – деди у. – Битта қармоқ ҳозирча етарли.

– Бўпти.

Ҳабаш ҳамон қайикни бошқариб борарди. Беихтиёр биздан илгариди, сувда сакраб ўйнаётган учар балиқлар тўдасига кўзим тушди. Ҳабаш ҳам буни сезди, чамамда. Ортимга ўгирилиб, куёш нурига чўмилган Гаванага ва Морро томондаги бандаргоҳдан чиқиб келаётган кемага тикилиб қолдим.

– Жаноб Жонсон, ўйлашимча, бугун, албатта омадингиз чопади, – дедим мижозимга.

– Яхши бўларди, – деди у. – Овга чиққанимизга қанча бўлди?

– Бугун учинчи ҳафта.

– Бу балиқ тутиш учун етарли фурсат.

– Балиқ ови ўзи шунақа, – дея жавоб бердим унга. – Омадингиз келмаса, битта ҳам тутолмайсиз. Бироқ омад чопса, ўлжани уддалаб бўлмай қолади. Омад албатта келади. Лекин агар бугун омад чопмаса, умидни узсак ҳам бўлаверади. Ҳозир ой тўлишган пайт. Оқим овбоп, енгил шамол эсиб турибди.

– Биринчи чиққанимизда майда балиқлар учраб турганди.

– Шундай, – дедим мен. – Сизга айтгандим-ку, майда балиқ бир кўриниб сўнг дарров ғойиб бўлади. Кейин эса катталари келади.

– Сиз қайиқчиларнинг доим баҳонангиз тайёр. Ё вақтли бўлади, ёки кеч. Ё шамол панд беради ёки ой тўлмаган. Бироқ пулни қуртдай санаб олаверасизлар.

– Нима десам экан, – дедим унга тайинли бир сабаб қидириб, – муаммо ҳам шунда-да. Одатда ҳаммаси худди сиз айтгандай кечади: ё жуда эрта, ёки жуда кеч бўлади, шамол ҳам бемаврид эсиб қолиши мумкин. Ҳаммаси худди биз орзу қилгандек, рисоладагидек кунда эса, мижоз кутиб кирғоқда бекор ўтирган бўламиз.

– Хўш, бугун-чи, сизнингча, яхши кунми?

– Нима десам экан, – дея ўсмоқчиладим яна, – бугун кўп нарсани бошдан ўтказдик. Бироқ ишончим комил, бугун, албатта, овингиз бароридан келади.

– Айтганингиз келсин, – деди у.

Биз ҳушёр тортиб, қармоққа тикилдик. Эдди қайиқ тумшуғига ўтиб, ёнбошлаб олди.

– Мен бирор балиқ думи кўриниб қолмасмикан, деб сувдан кўз узмасдим. Ҳабаш уйқусираб, кўзлари юмилиб, мизғиб кетаётгани учун унга ҳам кўз-қулоқ бўлиш лозим эди. Баҳс бойлашни ёмон кўраману, аммо унинг туни билан мижжа қоқмаганига ишончим комил эди.

– Бир шиша пиво узатиб юбориш сизга малол келмайдими, капитан? – деб қолди Жонсон бир пайт.

– Йўк, сэр, – дедим мен ва пиво олиш учун музли идишга қўл солдим.

– Ўзингиз ичмайсизми? – сўради у.

– Йўк, сэр, – дедим яна. – Кечгача сабр қиламан.

Шиша оғзини очиб унга узата туриб, кўкқисдан бурнида бир кулоч найзаси бор сўлокмондай балиқнинг сувдан бошини чиқариб, бизнинг хўракка ташланганига кўзим тушди. У кучоққа сиғмайдиган йирик балик эди.

– Дастакни ушланг! – жонхолоатда кичқириб юбордим.

– Ҳали илинмади, – жавоб қилди Жонсон.

– У ҳолда тутқични бўшатиңг.

Балиқ сув тубидан келиб, хўракка оғиз сололмади. У яна ортга кайтишини кўнглим сезиб турарди.

– Энди ҳушёр бўлинг! У хўракка ёпишиши биланок қармоқ ипини бўшатиңг.

Шунда мен балиқ сув остида оптимиздан сузиб келаётганини пайқаб қолдим. Унинг сузгичлари қизғиш қанотдек тик кўтарилган, кулранг танаси бўйлаб йўл-йўл қизил чизиклар кўзга ташланарди. У гўё сув ости кемасидек шитоб билан келар, юзага чиқиб турган белидаги сузгичи билан сувни тилимлаб келаётгани шундоқ кўриниб турарди. Сўнгра у хўракнинг нариги томонига ўтди-да, найзасини силкита бошлади.

– Хўракни ютгунча кутиб туриңг, – дедим мен.

Жонсон қармоқдан қўлини олди. Шунда қармоқ ипи тортилиб, улкан балиқ думини силкиб сув остига шўнғиди. У йўналишини ўзгартириб, кирғоқ томон шитоб билан сузиб кетар экан, танаси кумушдай ярқиради.

– Тутқични бир оз бўшатиңг, – дедим мен. – Лекин ҳаддан зиёд бўшаштириб юборманг.

У тутқични бўшата бошлади.

– Жудаям бўшашиб қолмасин, – деб огоҳлантирдим яна. Қармоқ дастаси эгила бошлаган эди.

– Энди тутқични маҳкамлаб, ипни тортиңг, – дедим мен. – Тортиш керак. У ҳозир ўзини силтайди.

Жонсон қармоқни торта бошлади.

– Тортавериңг, – дея буюрдим мен. – Ипни қаттиқроқ тортиңг. Янаям қаттиқроқ.

У кутганимдан ҳам қаттиқроқ тортиб юборди, чамаси, қармоқ қийшайиб, ип ўралган ғалтак чийиллай бошлади. Балиқ эса куёш нурида садафдай товланиб, бир сакраб сув юзига чикди-да, худди қоядан сакраган отдек шалоплаб яна сувга тушди.

– Ипни бўшатиңг, – дедим Жонсонга.

– У кетиб бўлди, – деди мижозим.

– Қанақасига ахир, – қизишиб жавоб бердим мен. – Дарҳол дастакни бўшатиңг.

Балиқ яна силтаниб тортганида қармоқ майишиб кетганига кўзим тушди. У кайиқнинг куйруқ томонида сувдан яна бир сакради-да, очик денгизга қараб сузиб кетди. Кейин у яна пайдо бўлиб, сувни шалоплатиб, кўпик ҳосил қилди. Шунда оғзидан қармоққа илинганини пайқадим. Танасидаги чизиклар аниқ-тиниқ кўриниб турарди. Бу танаси қизғиш чизик билан қопланган, кумушдек товланиб турган, кулочга сиғмайдиган, йирик болта балик эди.

– Кетиб қолди, – деди Жонсон. Қармоқ ипи яна бўшашиб қолди.

– Тортиңг, қаттиқроқ тортиңг, – дедим мен. – Қармоқдан чиқиб кетолмайди. Қани, тезроқ ҳайда! – кичқирдим ҳабашга қараб.

Кейин балиқ яна бир-икки бор худди устундек кўкка тик сакраб, кайтиб тушаётиб, бор гавдаси билан сувни бизга сачратди. Ип таранг тортилди, шунда яна унинг қирғоқ томон талпинаётганини сезиб қолдим, у ағдарилиб, тинмай илмоқдан чиқишга уринарди.

– Қувлашмачок ўйини ана энди бошланади, – дедим мен. – Агар у олдинга талпинадиган бўлса, биз ҳам ундан ортда қолмаймиз. Туткични эркинрок қўйинг. Қармоқ ипи хали узун.

Бизнинг бу ўжар ўлжамиз эса барча аждодлари каби шимолий ғарбга қараб суза бошлади, у жон-жаҳди билан илгакдан қутулишга уринарди. Узун-узун тўлкинлар орасида баланд сакрар, ҳар сувга тушганида худди тезюрар қайиқдек денгиз юзида улкан пўртана ҳосил қиларди. Биз балиқнинг кетидан боравердик, ҳатто у ёқ-бу ёққа бурилганимизда ҳам уни кўздан қочирмасдик. Мен чамбарак ёнида турганча Жонсонга қармоқни эркин қўйиб, ипни тез ўрашини буюриб, тинмай бақирардим. Бирдан қармоқ бир силтаниб, ип бўшала бошлаганини кўриб қолдим. Тажрибасиз балиқчи бунинг сабабини тушунмаслиги мумкин эди. Бирок мен нима бўлганини билардим.

– Кетди, – дедим унга.

Балиқ тинмай сувда типирчилашда давом этар, то кўздан ғойиб бўлгунга қадар унинг бу қилиғи тўхтамади. Ростдан ҳам бу ажойиб улкан балиқ эди.

– Ҳали ҳам силтаб тортаётганга ўхшаяпти, – деди Жонсон.

– Шундай туюлаяпти, холос.

– Қаттиқ тортаяпти. Балки ўлиб қолгандир?

– Қаранг, – дедим унга. – Ана сузиб кетаяпти.

Ярим мил узоқда ўлжамиз сувни фаввора қилиб ўйнаганча сузиб борарди.

Қармоқ туткичини қўлимга олдим. Туткич буткул қотиб қолганди. Ип кайтиб ўралмас, афтидан узилганга ўхшарди.

– Сизга туткични эркинрок тутиб туринг, деб айтмаганмидим?

– Балиқ тинмай тортаверди-да.

– Тортса нима қилибди?

– Шунга қаттиқрок тортгандим.

– Қулоқ солинг, – дедим унга. – Агар балиқ тортаётганда, ипни бўшатмасангиз, ип узилиши мумин. Ҳеч бир қармоқ бунга дош бера олмайди. Балиқ силтаяптими, демак эркин қўйиб бериш керак. Туткични эркин қўйиш керак. Йўқса бундай улкан ўлжани ҳатто арқонли найзада ҳам овлолмайсиз. Бизнинг вазифамиз, то у чарчаб қолмагунча, ипни узиб юбормасдан, ундан ортда қолмаслик. Қувлашмачок ниҳоясига етгач, у сув тагига шўнғий бошлайди, ана шундагина туткични маҳкам ушлаб, қармоқни тортиш мумкин.

– Демак, ип узилмаса уни тутган бўлармидим?

– Эҳтимол тутган бўлардингиз.

– Ахир у тўхтовсиз шундай сузиб юриши мумкин-ку.

– Ҳа, сузиб юриши мумкин. Бирок илмоқ яхшироқ ўрнашса, ана ундан кейин ҳақиқий ов бошланади.

– Келинг, яна бир уриниб кўрамиз, – деди у.

– Энг аввало, яхшироқ қармоқ танлаш керак, – дея жавоб бердим мен. На чораки, биз қармоққа илиниб турган тайёр балиқдан куруқ қолгандик.

Шу пайтгача мизғиб ётган Эдди мана энди уйқусираб қайикнинг куйруғига келди.

– Нима бўлди? – сўради у уйқусираб.

Эдди ичкиликка ружу қўймагунча яхши денгизчи эди, бироқ ҳозир ҳеч вақога ярамай қолганди. Қаршимда турган Эддининг новча бўйига, дўрриқ лабларига, ичига ботган ёноқларига, кўзларининг четидаги майда ажинларига, офтобда сарғайган сочларига кўз югуртирдим. Унинг яна ўлгудай ичгиси келаётгани шундоққина сезилиб турарди.

– Пиводан олиб ич, – дедим унга.

У идишдан пиво олиб, мириқиб ича бошлади.

– На илож, жаноб Жонсон, – деди у. – Яхшиси, яна мизғий қолай. Пиво учун беҳад миннатдорман, сэр.

Эҳ, Эдди тушмагур-э. Овнинг унга сира қизиғи йўқ эди.

Тушга яқин яна бир балиқ қармоққа илинди-ю, лекин у ҳам кутулиб кетди. Балиқ ипни узиб қочганда, қармоқ ўттиз футча тепага отилди.

– Яна бирор нимани ногўғри қилдимми? – сўради Жонсон.

– Йўқ, – дедим мен. – Шунчаки балиқ эпчиллик қилди.

– Жаноб Жонсон, – деди энди уйқудан уйғониб, яна пиво ича бошлаган Эдди. – Жаноб Жонсон, овда омадингиз келмаяпти. Балки муҳаббатда омадингиз чопар? Кечга бирга айланишга чиқамизми, жаноб Жонсон?

Кейин у яна қайикнинг тумшук қисмига бориб, мудрай бошлади.

Соат тўртлар чамаси, қирғоққа яқин, оқимға қарши сузиб ортга қайтаётганимизда, сув ўпқон бўлиб айланар, куёш эса ортимизда нур сочарди. Мен умримда кўрмаган ниҳоятда йирик қора болта балиқ Жонсоннинг қармоғига илинди. Бундан сал аввалроқ тўртга майда тунецни тутгандик. Ҳабаш улардан бирини Жонсоннинг қармоғига илганди. Бу хўрак яхши эди-ю, сувда жуда кўп шалоқларди.

Жонсон ғалтак тасмасини ечди, шундай қилса у қармоқни тиззала-риустига қўя оларди. Муттасил дастакни ушлаб тураверганидан бечоранинг қўллари толиқиб кетганди. Чинданам қармоқ дастасини хўрак оғирлигига қарши ушлаб тураверишнинг ўзи бўлмасди. У мен қарамай турган чоғимда тутқични бўшатиб қўйибди, буни сезмай ҳам қолибман. Жонсоннинг қармоқни бу тарзда тутиши менга ёқмасди, бироқ ҳадеб унга танбех беравериш ҳам жонимга текканди. Устига устак, тутқич бўш қўйилса-да, ипни яна тортиш мумкин, шундай экан бу унча хатарли эмас. Фақат бу усул билан балиқ овлаш амримаҳол эди.

Мен чамбаракда турганча қайикни эски цемент заводи рўпарасида сув оқими ҳосил қилган ўпқон томон ҳайдадим, ҳар доим у ерда хўрак учун зарур майда балиқлар кўп бўларди. Шу пайт денгиз тубида қиличдай кескир, ўткир тумшукли, пастки жағи очиқ бир қора болта балиқнинг каттакон тўққизил бошини кўриб қолдим. Унинг елкасидаги сузгичи сув бетидан худди баланд кема мачтасига ўхшаб кўринарди. Ўроксимон думи ҳам қармоқдаги тунецни эзиб сув бетига қалқиб чиқди. Балиқнинг тумшуги баайни бейсбол таёғидек келар, у қийшайганча ютоқиб, хўракка ташланар экан, уммон бағрини бемалол тилимлаб борарди. Балиқ бошдан-оёқ тўққизил рангда, ҳар бир кўзи нақ шокосадай келарди. У ростданам баҳайбат балиқ эди. Алданиб қолишни ёмон кўраман, аммо унинг оғирлиги тахминан минг фунтча келарди.

– Туткични бўшатиног, – деб бакирдим Жонсонга. Бирок энди оғиз жуфтлаганимда Жонсон курси-пурсиси билан ҳавода бир сапчиб тушди. Иккинчи бор кўтарилганда қармоқ худди камондай букилди-да, дастаси тўғри унинг қорнига келиб тегди.

Балиқ хўракка илинганда, туткич охиригача қотирилганди. Ўлжа илгакни қаттиқ тортиганда Жонсон курсиси билан ҳавога кўтарилиб, қармоқни ушлаёлмай қолди. Қармоқ дастаси унинг ўнг тиззаси остига, илмоқ бўлса чап тиззаси тагига келиб тушди. Агар тасмани ечмаганида, балиқ унинг ўзини ҳам сувга тортиб кетган бўларди.

Мен қайиқ моторини ўчириб, у томонга юрдим. У ҳамон қорнини ушлаганча букчайиб ўтирарди.

– Менимча, бугунга етар, – дедим мен.

– У нима эди? – деб сўради у.

– Қора болта балиқ, – дедим мен.

– Бу қандай юз берди ўзи?

– Яхшиси, зарарни ҳисоблаб қўйинг, – дедим мен. – Қармоқ ғалтагини нақ икки юз эллик долларга сотиб олгандим. Ҳозир бундан ҳам қиммат бўлса керак. Дастаси эса қирқ беш доллар. Қармоқда ўттиз олтиликдан олти юз ярд узунликдаги ип бор эди.

Шунда Эдди унинг елкасига қоқиб қўйди:

– Жаноб Жонсон, – деди у. – Сира омадингиз юришмайдиғанга ўхшайди. Ҳаётимда биринчи марта кўраяпман бунақасини.

– Тилингни тий, ароқхўр, – дедим унга.

– Йўқ, рост айтаяпман, жаноб Жонсон. – деди Эдди. – Умримда бунақасини кўрмагандим.

– Балиқ мени тортиб кетганида, ҳолим нима кечарди? – деди Жонсон ваҳимага тушиб.

– Ахир, балиқни ўзим овлашим керак дедингиз-ку, – дедим нафрат билан унга қараб. Шу топда жаҳлдан ўзимни қўйишга жой топа олмасдим.

– Жуда қатта балиқ экан, – деди Жонсон. – Бу дам олиш эмас, нақ азобнинг ўзи-ку.

– Ҳа, – дедим мен. – Бундай балиқ сизни тортиб кетиши аниқ эди.

– Бирок уларни ҳам овлашади-ку?!

– Эпини қилганлар овлашади. Бирок ҳамма вақт ҳам ов шундай укубатли бўлади, деб ўйламанг.

– Мен шунақа балиқни тутган бир қизнинг суратини кўргандим.

– Наҳотки, – дедим мен. – Фақат тирик ушлай олмаган. Балиқ хўракни ютиб юборгач, қармоқ қорнини ёриб ташлаган ва ўлиб сув юзига қалқиб чиққан. Мен эса балиқ хўракни энди оғзига олганда, тириклайин ушлашни назарда тутаяпман.

– Бирок, – деди Жонсон, – барибир балиқ жуда қатта экан-да. Шунчалик хатарли экан, овлашнинг нима кераги бор?

– Тўғри айтдингиз, жаноб Жонсон, – унинг гапни илиб кетди Эдди. – Ростдан ҳам, бунинг завқли жойи йўқ экан, унда нега жон куйдираяпмиз? Мана охири бошингиз деворга урилди. Агар роҳати шу бўлса – унда балиқ овлашнинг нима ҳожати бор?

Мен ўша балиқни кўрганимдан буён ҳалиям ўзимга келолмасдим. Келтирилган зарарларни ўйлаб эса юрагим шувиллаб кетарди, шунинг учун уларнинг майда гаплари қулоғимга кирмасди. Ҳабашга қайиқни Морро

томонга буришни буюрдим. Уларга бошқа ҳеч нима демадим. Курсилардан бирида Эдди бир шиша пиво билан, бошқасида эса Жонсон ялпайиб жимгина ўтирарди.

– Капитан, – мурожаат қилди у менга бир зумдан кейин. – Хайболга¹ эримайсизми?

Унга индамай, коктейл тайёрладим-да, ўзимга қуруғидан қуйиб олдим. Миямни турли ўйлар аёвсиз пармаларди: бу Жонсон уч ҳафтадан буён балиқ овида юрибди, ниҳоят асл балиқчи бир йил кутадиған ўлжани илантирди ҳам, бироқ уни қўлдан чиқариб, қармоғимни ҳам дабдала қилди. Энди ўзини жинниликка солиб, ҳеч нима бўлмагандек, аллақандай ароқхўр денгизчи билан маишат қилганча коктейл ичиб ўтирибди.

Қирғоқда тўхтаганимизда, ҳабаш тараддудланиб кутиб қолди, мен эса Жонсонга юзландим:

– Хўш, эртага нима қиламиз?

– Билмадим, – деди Жонсон. – афтидан бундан кейин балиқ овига чикмасам керак.

– Ҳабашнинг ҳақини ҳозир тўлай оласизми?

– Унга қанча беришим керак?

– Бир доллар. Истасангиз, бироз чойчақа ҳам беришингиз мумкин.

Жонсон ҳабашга доллар ва йигирма центлик иккита куба тангасини тутқазди.

– Бу нима учун? – дея сўради ҳабаш тангаларга имо қилиб.

– Чойчақанг, – тушунтирдим унга испанчалаб. – Ёрдамнинг учун сенга химмат қилаяпти.

– Эртага овга чикмаймизми?

– Йўқ.

Ҳабаш хўрақларни боғлашда ишлатадиған чилвир ғалтагини ва похол шляпаси устидан қўндириб оладиган қора кўзойнагини олди-да, хайр-хўшни ҳам насия қилиб жўнашга тушди. Унинг биздан қўнгли тўлмагани кундек равшан эди.

– Мен билан ҳисоб-китобни қачон қилмоқчисиз, жаноб Жонсон? – деб сўрадим мижоздан.

– Эртага эрталаб банкка бораман, – деди Жонсон. – Пулингизни тушдан кейин беришим мумкин.

– Неча кун овда бўлганимиз эсингиздадир?

– Ҳа, ўн беш кун.

– Йўқ. Бугун билан ўн олти кун. Келиб-кетишимизга ҳам бир кундан кетганини қўшсак, демак ўн саккиз кун. Кейин бугунги қармоқ, тутқич ва ип ҳақини ҳам қўшасиз.

– Булар бари сизнинг бўйнингизда.

– Йўқ, жаноб. Ахир, уни сиз ишдан чиқардингиз-ку!

– Мен ҳар куни ижара учун тўлайман. Қолгани сизнинг муаммонгиз.

– Йўқ, жаноб, – дедим хавотирга тушиб. – Агар қармоқ сизнинг айбингиз билан бузилмаганда, бошқа гап эди. Уқувсизлигингиз туфайли ўлжани сиз бой бердингиз-ку.

– Балиқ қармоқни тортиб кетди.

– Чунки сиз тутқични тўғри ушламадингиз, нотўғри йўл тутдингиз.

– Бунинг учун мендан пул ундира олмайсиз.

¹ Коктейлнинг бир тури.

– Агар ижарага машина олиб, ўз айбингиз билан қояга бориб урилсангиз, нима, бадалини тўламасмидингиз?

– Йўқ, ўзим бошқарганимда тўламасдим, – деди Жонсон.

– Жуда айёр экансиз, жаноб Жонсон, – деди Эдди. – Қойилмисан, капитан, а? Агар ўзи бошқарганида, қояга бориб урилиши тайин эди. Ўлгандан кейин тўлаб ҳам ўтирмайди-да. Чакки эмас.

Ширакайф Эддига ҳечам эътибор бермадим.

– Қармоқ, ғалтак ва ип учун икки юз тўксон беш доллар беришингиз керак – дедим Жонсонга.

– Бироқ бу инсофдан эмас, – дея бўш келмади у ҳам. – Шунчалик зарар кўрилган экан, нега баравар тўламаслигимиз керак?

– Ҳалиям бўлса, ҳисобни уч юз олтмиш доллардан туширдим. Ипни сизнинг бўйнингизга қўяётганим йўқ. Унақа балик бутун ипингизни тортиб кета олади, шундай экан бу сизнинг айбингиз эмас. Агар бу ерда манави ароқхўрдан бўлак одам бўлганида сизга нисбатан қанчалар инсофли эканимни айтарди. Биламан, бу сизга бир дунё пул бўлиб туюлиши мумкин, бироқ ўша анжомларни сотиб олаётганимда мен ҳам боримни сарф қилганман. Энг пишиқ қармоқ сотиб олмагунингча, бундай баликни овлаётмайсан.

– Жаноб Жонсон, капитан мени ароқхўр деди. Эҳтимол, шунақадирман. Бироқ шуни айтишим керакки, чинданам у ҳақ. У ҳақ ва талаби ҳам тўғри, – деди унга Эдди.

– Майли, тортишмайлик, – деди ён бериб Жонсон. – Гарчанд фикрингизга кўшилмасам-да, майли, тўласам тўлай қолай. Демак, ўн саккиз кун ўттиз беш доллардан ва яна икки юз тўксон беш.

– Менга юз доллар бергансиз, – дедим унга. – Харид қилинган нарсалар рўйхатини сизга кўрсатаман, озик-овқат олингандан кейин ҳам яна бир оз пул қолган. Борйш-келиш учун ёқилғига берган пулингиздан.

– Бу фикрингиз маъқул, – деди Жонсон.

– Қулоқ солинг, жаноб Жонсон, – деди Эдди. – Агар бу ерда хорижликларни қандай шилишларни билганингизда, капитандан ўзингиз миннатдор бўлардингиз. Биласизми, сизга нима демоқчиман? Очиғи, жуда ҳайронман. Капитан сизга худди туғишганларидек муносабатда бўлаяпти.

– Эртага банкка бориб, тушдан кейин бу ёққа келаман. Индинга эса катта кемада қайтиб кетаман.

– Бизнинг қайиқда кетиб, кема пулини тежаб қолишингиз мумкин.

– Йўқ, – деди у. – Кемада кетиб, вақтдан ютаман.

– Бўпти, – дедим мен. – Балки қиттак ичармиз?

– Жуда соз, – деди Жонсон. – Демак, ўртада ҳеч қандай гина-кудураат қолмади, а?

– Йўқ, жаноб, – дедим хотиржам оҳангда.

Кейин учаламиз қайиқ қуйруғида ўтириб олиб, биттадан хайбол ичдик. Эртаси куни тонг сахардан қайиқда ивирсиб юрдим, бақдаги мойни алмаштириб, яна бир дунё ишларни ниҳоясига етказдим. Кун тиккага келгач, шаҳарчага чиқиб, қирқ центга яхшигина овқат олса бўладиган Хитой ошхонасида тамадди қилдим. Шундан кейин хотиним ва уч нафар қизим учун уйга у-бу совға-салом сотиб олдим. Атир-упа, бир жуфт елпиғич ва уч дона испан тароғи дегандай. Харидни тугатгач, Доно-

ваннинг қаҳвахонасида тўхтаб, пиво ичдим ва қаҳвахона эгаси билан чакчаклашиб, кейин Сан-Франциско бандаргоҳи томон юрдим, йўл-йўлакай учраган уч-тўрт жойда пиво ичгани тўхтадим. “Кунард” барида Фрэнкини икки шиша пиво билан меҳмон қилдим ва қайиққа қушдай енгил тортиб, хуш кайфиятда қайтиб келдим. Келиб қарасам, чўнтагимда атига қирқ цент пулим қолибди. Фрэнки билан бирга келувдик, Жонсонни кутиб ўтирарканмиз, у билан муз солинган идишдан бир жуфт муздай пиво олиб ичдик.

Эдди тун бўйи ҳам, кундузи ҳам қорасини кўрсатмади, аммо мен уни эртами-кечми пули тугаши биланоқ яна атрофимда гирдикапалак бўлиб қолишини аниқ-тиниқ билардим. Донован кеча кечкурун Эдди унинг қаҳвахонасида Жонсон билан анча пайт бирга ўтирганини айтганди. Эдди қарз олиб, унга ичкилик улашибди. Биз Жонсонни кутиб ўтирарканмиз, миждимнинг дараги йўқлигидан ўзимни қўярга жой тополмасдим. Бандаргоҳдагиларга уни айтилган жойда кутиб туришимни билдириб қўйишларини тайинловдим, аммо улар Жонсоннинг ханузгача келмаганини айтишди. Мен ҳалиям бўлса уни кеч қолган, эҳтимол, туш пайтигача ўрнидан туролмагандир, деб умидимни узмадим. Банклар соат уч яримгача очиқ бўлади. Самолётнинг учиб ўтганини кўргач, тахминан соат беш яримлигини англаб, бутунлай умидимни узганча, ростакмига ташвишга туша бошладим.

Соат олтида Фрэнкини меҳмонхонага, Жонсон бор-йўқлигини билиб келгани юбордим. У балки шунчаки вақтичқлик қилиб юргандир, ё бўлмаса меҳмонхонада ўзини ёмон ҳис қилиб ётгандир, деб ўйладим. Ўйлай-ўйлай, хаёлларим чувалашиб кетарди. Қош қорайиб тоқатим-тоқ бўлгунча кутиб ўтиравардим. Бироқ кутганим сари баттар хунобим ошарди, негаки у мендан саккиз юзу йигирма беш доллар қарздор эди-да.

Фрэнки бир ярим соатча йўқ бўлиб кетди. Ниҳоят, узокдан унинг қораси кўринди, у тез-тез юриб келар экан, бошини тинмай сарак-сарак қилганча:

– Самолётда жуфтакни ростлаб қолибди, – деди.

Жуда соз. Бўлар иш бўлибди. Консулхона ёпик. Чўнтагимда қирқ цент пул қолган, самолёт эса ҳозир Маямига қўниб бўлгандир. Ҳатто телеграмма юборишга ҳам имконим йўқ эди. Вой, сен муғомбир тулки-ей! Ҳаммасига ўзим айбдорман. Калламни тузукроқ ишлатсам бўларди.

– Майли, – деб қўйдим Фрэнкига. – Яна биттадан пиво ичсак ҳам бўлади, буларни жаноб Жонсон сотиб олган.

Идишда бор-йўғи уч шиша “Тропикал” пивоси қолганди.

Фрэнки ҳам ўзини мендай дилгир ҳис қилаётганди. Кўнглидан нималар ўтаётганини билмадим, аммо юзидан шуни бемалол англаб олса бўларди. У ҳадеб елкамга шапатилаб қўяр, бошини тинмай тебратиб ўтирарди.

Такдирга тан бермай илож йўқ. Мен хонавайрон бўлдим. Беш юз ўттиз долларимдан айрилдим, энди тузук-қуруқ ов анжомини уч юзга ҳам сотиб ололмайман. Бандаргоҳ атрофида ўралашиб юрадиган бекорчилар буни эшитиб роса қувонса керак, дея ўйладим шунда.

Бу ҳолат баъзи қончалар¹ учун айна муддао бўлиши тайин. Ахир кечегина уч хорижликни оролга яширинча ўтказиб юбориш учун бериладиган

¹ Қончалар – “concha” – “чиғаноқ” сўзидан олинган бўлиб, чиғаноқ териб кун кўрувчи оқ танли қашшоқ аҳоли қатламини англатади.

уч минг доллардан воз кечувдим. Қаёкқа бўлсаям майли, Кубадан бошқа ёкка кетишса бўлгани эди.

Бироқ энди нимадир қилишим керак-ку! Лекин мен ноқонуний юк таший олмасдим, чунки виски сотиб олиш учун ҳам пул керак. Қолаверса, бундан унчалик фойда ҳам кўрмайсан. Шаҳар дўконлари ичкиликка тўла, оладиган одамнинг ўзи йўқ. Уйга қуруқ қўл билан қайтсам, очликка маҳқум бўламиз. Оилам менга кўз тикиб турибди. Бандаргоҳда хизмат кўрсатиш бадалини аллақачон тўлаб кўйганман. Одатда олдиндан агентга пулини тўлайсан, у сени рўйхатдан ўтказиб, рухсатнома олиб беради. Жин урсин, ҳатто ёқилғига ҳам пулим қолмаганди. Ҳолимга маймунлар йиғлаши тайин. Вой, жаноб Жонсон тушмагур-эй, роса боплаб кетди-ку!

– Бу ердан қуруқ қўл билан қайтолмайман, Фрэнки, – дедим мен. – Пул ишлаб топмасам бўлмайди.

– Ҳа, ўйлаб кўриш керак, – деди Фрэнки аҳволимдан хомуш тортиб.

Фрэнкининг қулоғи яхши эшитмас, доим қирғоқда каловланиб, хаёлига келган иш билан овунган кўйи, оқшомлари ширакайф бўлиб юрарди. Бироқ ундан яхшироқ ва меҳрибонроқ одамни топиш мушкул эди. Бу томонларга келиб қолган кунимдан буён уни танирдим. Кўп марта менга юкларни ортишга ёрдам берган. Кейин тақиқланган ичимликларни ташишни бас қилиб, сайёҳларга қайикни ижарага бериб, оролда болта балиқ ови билан шуғуллана бошлагач, доим уни қирғоқ атрофида ёхуд қаҳвахонада кўриб қолардим. У телбага ўхшаб мудом кулиб турар, кам гапирар, чунки қулоғи оғир эди.

– Нима бўлса ҳам ташийверасанми?

– Албатта, – дедим мен. – Энди ноз қилиб ўтиролмайман.

– Нима бўлса ҳамми?

– Худди шундай.

– Ўйлаб кўрамиз, – деди Фрэнки. – Қаерда бўласан?

– “Марварид”да бўламан, – дедим мен. – Тамадди қилиб олишим керак.

“Марварид”да йигирма беш центга тўйиб овқатланиш мумкин. Шўрвадан бошқа ҳамма таомлар ўн центдан, шўрва эса беш цент. Фрэнки мени қаҳвахонагача кузатиб борди, камина ичкари кирдим, у эса йўлида давом этди. Кетишидан олдин қўлимни сиқиб, яна бир бор елкамга дўстона қоқиб қўйди.

– Хафа бўлма, – деди у далда бериб. – Мана мен – Фрэнки: на сиёсат, на иш, на ичкилик ва на пул ҳақида сенга жўяли маслаҳат бера оламан. Бироқ содиқ дўстингман. Шундай экан, ҳадеб куйинаверма.

– Омон бўл, Фрэнки, – дедим ундан миннатдор бўлиб. – Кўнглинг хортиржам бўлсин, дўстим.

2-боб

“Марварид” қаҳвахонасига кириб, столга ўтирдим. Ўқ отилган дераза кўзига бошқасини ўрнатишибди, витринадаги ичкиликлар бутунлай янгиланибди. Барда бир тўда gallegos¹ ичиб ўтиришар, баъзилари тамадди қилишарди. Битта столда эса аллақачон домино ўйинини бошлаб юборишибди.

¹ Gallegos – Испаниянинг Галиция музофоти аҳолиси шундай аталади. Бу ўринда ушбу сўз кинояли лақабдек қўлланилмоқда.

Ўн беш центга ловияли шўрва, қайнатилган картошка ва яхна мол гўшти сотиб олдим. Буларнинг бари бир шиша пиво билан чорак доллар бўлди. Отишма тўғрисида официантга сўз очгандим, у чурк этмади. Барчалари юрак олдириб қўйишибди.

Овқатимни еб бўлиб, стулимга ястанганча тамаки чекиб ўтирарканман, бошимга тушган ташвишларни ўйлай бошладим. Шу пайт бир кишини бошлаб эшикдан кириб келаётган Фрэнкига кўзим тушди. Шубҳали нусаха, деб ўйладим ўзимча. Бу ёғига нима бўлса бўлар.

– Бу киши жаноб Синг бўлади, – дея таништирди Фрэнки жилмайиб. У менга тезда мижоз топган ва ўзи ҳам бундан мамнун эди.

– Яхшимисиз? – деб сўрашган бўлди жаноб Синг. Бунақа олифта жанобни биринчи марта кўришим эди. У асли хитойлик бўлса-да, худди инглизлардай равон гапирар, эғнида ипак кўйлак ва оқ костюм, бўйнида қора галстук, бошига бир юз йигирма беш долларлик панама шляпасини кўндириб олганди.

– Қаҳвага тобингиз қалай? – деб сўради у мендан.

– Агар сиз ҳам шерик бўлсангиз, майли.

– Ташаккур, – деди жаноб Синг. – Шу ерда гаплашсак, биров халақит бермайдими?

– Қаҳвахонадагиларни инобатга олмасак, – деб жавоб қилдим унга.

– Ҳазилкашлигингиз менга ёқди, – суюниб кетди жаноб Синг. – Сизнинг қайиғингиз борми?

– Узунлиги ўттиз саккиз фут, – сайраб кетдим унга. – “Кермат” моторли, юз от кучига эга.

– Афсус, – деб юборди жаноб Синг. – Мен бунданам каттароқ деб ўйловдим.

– Икки юз олтмиш бешта катта кутини бемалол кўтара олади.

– Қайиғингизни ижарага олсам бўладими?

– Агар келишсак, бажонидил.

– Ўзингиз боришингиз шарт эмас. Бошқа капитан ва қайиқчиларни ёллайман.

– Йўқ, – деб эътироз билдирдим. – Қайиғим қаерда сузса, мен ҳам ўша ерда бўлишим керак.

– Тушундим, – деди жаноб Синг. – Бизни холи қолдира оласизми? – деди у Фрэнкига юзланиб. Фрэнки қизиксиниб ўтираркан, унга қараб жилмайиб қўйди.

– Унинг кулоғи оғир, – дедим суҳбатдошимни тинчлантириб. – Инглизчаниям яхши тушунмайди.

– Шунақа денг, – деди жаноб Синг. – Испанчани билсангиз, илтимос, унга кейинроқ келиб, суҳбатимизга қўшилишини айтинг.

Бармоғим билан Фрэнкига имо қилдим. У ўрнидан туриб, ичкилик растаси томонга кетди.

– Испан тилини билмайсизми? – деб сўрадим жанобдан.

– Йўқ, албатта, – деди жаноб Синг. – Айтинг-чи, бу ишга сизни нима мажбур қилди?.. Нима учун рози бўлаяпсиз?

– Менга пул жуда ҳам зарур.

– Тушунарли, – деб қўйди жаноб Синг. – Қайикни деб бировдан қарздор бўлиб қолмаганмисиз? Уни мусодара қилиб, олиб қўйишмайдими?

– Йўқ.

- Ундай бўлса, яхши, – дея гапида давом этди жаноб. – Қайиғингиз менинг неча нафар шўрпешана ватандошимни ўз бағрига сиғдира олади?
- Сиз уларни олиб ўтишни назарда тутаяпсизми?
- Шундай.
- Қанча масофага?
- Бир кунлик йўл.
- Билмадим, – дедим. – Агар ҳеч қандай юклари бўлмаса, қайиғим уларнинг ўн икки нафарини бемалол кўтара олади.
- Уларнинг юки йўқ.
- Одамларингизни қаерга олиб боришим керак?
- Буниси ўзингизга боғлиқ, – негадир мужмал жавоб қилди жаноб Синг.
- Қайси маънода? Уларни қаерда тушираман?
- Одамларни Тортугасгача олиб борасиз, у ерда бошқа бир қайиқ келиб, барини олиб кетади.
- Кулок солинг, – дедим унга. – Тортугасдаги Логерхед-Ки деган жойда маёқ ва радиостанция бор.
- Тўғри, – деди жаноб Синг. – Одамларни у ерга тушириш тентаклик, албатта.
- Унда нима қилиш керак?
- Мен уларни ўша ёққача олиб борсангиз бўлди, демоқчиман. Улар билан шунга келишганман.
- Шунақа денг? – бу хитойлик жанобнинг нима демоқчи эканини энди тушуна бошлагандим.
- Кўнглингиз буюрган жойда уларни ташлаб кетаверасиз.
- Қайиқ уларни олиб кетгани Тортугасга келадими?
- Йўқ, албатта. Ақдан озганмисиз? – жаноб Сингнинг энсаси қотди.
- Бир бош учун қанча тўламоқчисиз?
- Эллик доллардан, – жавоб қилди жаноб Синг.
- Бўлмайди.
- Етмиш беш доллар-чи?
- Ўзингиз ҳар бири учун қанчадан оласиз?
- Бунинг сизга алоқаси йўқ. Биласизми, бу ишдаги менинг иштирокимга турлича ёндашиш мумкин. Бу билан ҳеч нарсага эриша олмайсиз.
- Шунақами? – дедим мен. – Демак, мен бажарадиган иш арзимаган пул турар экан-да? Шундай демоқчимисиз?
- Аҳволингизни тушуниб турибман, – деди жаноб Синг. – Майли, юз доллардан бўла қолсин.
- Менга қаранг, – дедим унга. – Бу ишим учун мени қанчага камашларини биласизми ўзи?
- Ўн йилга, – деди жаноб Синг. – Камида ўн йилга. Лекин нега дарров камокни ўйлайсиз, кадрдоним капитан? Сиз атиги бир мартагина таваккал қиласиз – йўловчиларни қайикка чиқараётган пайтда. Қолгани эҳтиёткорлигингизга боғлиқ.
- Мабодо улар қайтиб келиб, сизни жавобгарликка тортиришса-чи?
- Шуям муаммоми? Айбни сизга тўнкайман. Кейин эса озроқ пуллари-ни қайтариб, яна йўлга соламан. Бу хатарли йўл эканини улар билишади, албатта.
- У ҳолда менга нима бўлади?

- Фикримча, сиз ҳакингизда элчихонага хабар қилишимга тўғри келади.
- Тушунарли.
- Бир минг икки юз доллар, капитан. Ҳозирги пайтда бунақа пул ҳаммани ҳам қизиқтириши табиий.
- Мен пулни қачон оламан?
- Икки юзни рози бўлишингиз билан, мингни эса одамлар қайикка ўтиргандан сўнг оласиз.
- Икки юзни олиб жуфтакни ростлаб қолсам-чи?
- Албатта, бу ҳолда мен ҳеч нарса қила олмайман, – кулди у. – Бирок сизнинг бундай қилмаслигингизни яхши биламан, капитан.
- Икки юз ҳозир ёнингиздами?
- Албатта.
- Уларни ликоп тагига қўйинг.
- У индамай айтганимни қилди.
- Жуда соз, – мана энди кўнглим жойига тушгандай бўлди. – Эрта тонгдан рухсатнома билан шуғулланаман. Қош қорайганда денгизга чиқаман. Хўш, одамларингизни қаердан оламин?
- Бакураанаога нима дейсиз?
- Маъкул. Ҳаммасини тайёрлаб қўйганмисиз?
- Албатта.
- У ҳолда келишиб олсак, – дедим. – Сиз кирғоқ яқинида иккита гулхан ёкиб, менга белги берасиз. Гулханларни кўришим билан сизлар томон сузаман. Қайикдаги одамларни менинг қайиғимга ўтказасиз. Пулни ўзингиз билан олиб келинг. Пулни олмагунимча биронта ҳам одамингиз қайиғимга оёк босмайди.
- Йўқ, – деб норози бўлди у. – Пулнинг ярмини юклашни бошлаган пайтингизда, қолганини эса ҳамма қайикка ўтиргандан сўнг оласиз.
- Розиман, – деб маъқулладим. – Шуниси маъкул.
- Демак, ҳаммасини келишиб олдик?
- Фаҳмимча, шундай, – дедим. – Ҳеч қандай юк ва қурооллар йўғ-а? Ҳеч қанақа милтик, пичоқ ёки устара деганларидай, хавфли асбоблар бўлмасин. Шунга ишончим комил бўлиши керак.
- Капитан, – деди жаноб Синг. – Менга ишонмайсизми? Иккимизнинг ниятимиз муштарак эканини сезмаяпсизми?
- Бунга ишончингиз комилми?
- Илтимос, мени ноқулай аҳволга солманг, – деб ўтинди у. – Биргаликда ҳаракат қилсак, иккимизга ҳам фойда.
- Маъкул, – деб кўндим охири. – Айтилган жойда қачон бўласиз?
- Роппа-роса ярим тунда.
- Жуда соз, – дедим. – Ҳаммасини келишиб олдик, чамамда.
- Қанақа пулда тўлашимни хоҳлайсиз?
- Юзталиқ билан тўлаганингиз маъкул.
- Жаноб Синг ўрнидан турди, унинг чиқиб кетишини кузатиб турдим. Фрэнки унинг ортидан жилмайиб қараб қолди. Жаноб Синг эса унга қиё ҳам боқмади. У чинданам сир бой бермайдиган хитойликлардан эди. Вой курмағур-ей!
- Фрэнки стол олдига келди.
- Хўш? – деб оғзимни пойлади у.
- Бу жанобни сен қаердан биласан?

– У қайиқда хитойликларни ташийди, – деди Фрэнки. – Тижорати катта.
 – Кўпдан буён танийсанми уни?
 – У бу ерда тахминан икки йилдан буён юрибди, – тушунтирди Фрэнки. – Олдин хитойликларни бошқа бири жўнатиб турарди. Уни кимдир ўлдириб кетди.

– Жаноб Сингни ҳам кимдир ўлдириб кетади ҳали.

– Бу аниқ, – деди ишонч билан Фрэнки. – Нега ўлдирмасин? Ахир озмунча одамни кийратдим.

– Қойилмақом тижорат, – дея унинг гапига кўшилдим.

– Катта тижорат, – таъкидлади Фрэнки. – У юборган хитойликлар ҳеч қачон ортга қайтишмайди. Баъзилари ҳатто “ҳаммаси зўр”, деб хат ҳам ёзишади.

– Қизиқ, – деб ажабландим мен.

– Бунақа хитойликлар нима деб ёзишни билмайди. Қандай ёзишни бой хитойликлар билади. Булар айтарли ҳеч вақо ейишмайди ҳам. Гуруч билан қоринларини алдашади. Юз мингга яқин хитой эркаклари шу ерда. Аёлларидан эса атиги учта, холос.

– Нима учун?

– Ҳукумат рухсат бермайди-да.

– Жуда қизиқ-ку, – дедим мен.

– Сен хитойликлар билан ишламоқчимисан?

– Шундай қилсаммикин, деб турибман.

– Яхши тижорат бўлади, – деди Фрэнки. – Мўмайгина пул ҳам.

– Кел, бир шишадан пиво ичайлик, – деб таклиф қилдим унга.

– Сен кўп ҳам қайғураверма.

– Йўқ, йўқ. Ҳаммаси жойида, – дедим хотиржамлик билан. – Мўмай даромадли иш-ку, ахир! Сендан беҳад миннатдорман. Раҳмат.

– Арзимайди, – деди Фрэнки ва елкамга шапатилаб қўйди. – Мана кўрасан, ҳаммаси яхши бўлди. Мен доим сенга яхши бўлсин дейман. Хитойликлар яхши пул беришади.

– Тўғри айтасан.

– Мана бу бошқа гап, – деди Фрэнки.

Мен уни қувонганидан йиғлаб юборай деб турганини кўрдиму, елкасига қокиб қўйдим. Оббо, Фрэнки-ей!

Эрталаб қилган биринчи ишим – бандаргоҳ бошқарувчисини топиб, денгизга чиқишим учун рухсатнома ёзиб беришини сўрадим. У мендан кемадаги ҳамроҳларим рўйхатини сўровди, ҳеч ким йўқлигини маълум қилдим.

– Капитан, бир ўзингиз сафарга чиқасизми?

– Шуниси маъкул.

– Шеригингизга нима қилди?

– Ичкилик билан андармон бўлиб қолди.

– Ёлғиз кетиш жуда хавфли-ку.

– Атиги тўксон миллик йўл, – дедим хотиржамлик билан. – Битта пиёнистанинг берган ёрдами нима бўларди?

Мен қайиқни бандаргоҳ бўйлаб “Стандард-ойл” шохобчаси томон бурдим-да, иккала бакни ҳам ёқилғига тўлдириб олдим. Икки юз галлонга яқин ёқилғининг ҳар галлонини йигирма саккиз центдан сотиб олгим келмаса-да, бироқ қаерга боришимиз ҳақида ҳали аниқ тасаввурга эга эмасдим.

Ўша хитойликнинг туркини кўриб, пулини олганимдан буён бу хавфли тижоратни ўйлаб ичимни ит тирнарди. Тун бўйи киприк кокмай чиқдим. Қайикни Сан-Франциско докига қайтариб олиб келдим, у ерда мени Эдди пойлаётган экан.

– Салом, Гарри, – деди у менга қўл силкитиб. Унга қараб тезликни оширдим-да, қайикни борт тумшуғига олиб бордим. Эдди аввалгидан ҳам кўпол ва янаям карахтроқ бўлиб қолибди. Унга индамадим.

– Афтидан, анави Жонсон бизни чув тушириб кетди, шундайми? – деб сўради у мендан. – У ҳақида бирон нима эшитдингми?

– Бу ердан даф бўл, – деб жеркиб ташладим уни. – Сенга қарасам кўнглим айнияти.

– Биродар, ахир мен ҳам сендан кам куйинаётганим йўқ-ку?!

– Қайикдан қорангни ўчир! – деб буюрдим ғазаб билан.

У стулга ястаниб ўтирганча, оёқларини икки тарафга чўзиб олганди.

– Эшитдим, бугун денгизга чиқаётган эмишмизми? – деб қолди у бир маҳал. – Яхши-да, сандироклаб юришдан сира фойда йўқ.

– Сен бормайсан.

– Нима гап ўзи, Гарри? Менга жаҳл қилишнинг нима кераги бор?

– Қани, қайикдан туёғингни шиқиллат-чи!

– Ҳой, ҳаддингдан ошма.

Шунда унинг башарасига бир мушт солдим. Эдди ўрнидан учиб тушди-да, бандаргоҳга ўрмалаб чиқиб олди.

– Мен сенга зиғирча ҳам озор бермаган бўлардим, Гарри, – деди у инқиллаб.

– Ҳаддинг сиғармикан? – жавоб қилдим унга. – Сени олиб кетмайман, тамом-вассалом.

– Хўп, шунинг учун менга қўл кўтариш шартмиди?

– Шундай қилмасам, ақлингни йиғиб олмайсан.

– У ҳолда мен нима қилай? Шу ерда қолиб очимдан ўлайми?

– Нега ўларкансан, жин урсин! – дедим ғижиниб. – Мудом қатнайдиған кемада ишласанг ҳам бўлади. Қорнингни бир амаллаб тўйдирарсан.

– Сен мени сира ҳурмат қилмаяпсан, – норози бўлди у.

– Ўзинг-чи, умрингда бировни ҳурмат қилганмисан, ҳой, ароқхўр?! – силтаб ташладим уни жазавам кўзиб. – Ҳатто тукқан онангни ҳам лақиллатиб кетишдан тоймайсан.

Бу ҳар қанча ҳақиқат бўлмасин, лекин Эддини урганимдан ўзим хи-жолатда эдим. Ароқхўрга қўл кўтаришнинг ўзи аҳмоқлик. Бироқ бундай қалтис вазиятда, ҳатто ўзим истаган тақдиримдаям уни бирга олиб кетол-масдим.

Эдди худди нон емаган одамдай чайқала-чайқала, пастга тушиб кета бошлади. Сўнгра бурилиб, қайтиб ёнимга келди.

– Озроқ қарз бериб туролмайсанми, Гарри?

Унга анави хитойлик ташлаб кетган пулдан беш долларини тутқаздим.

– Жонажон дўстим эканингни билардим, Гарри! Нега мени ўзинг билан олиб кетмайсан?

– Сен палакатсан.

– Шунчаки жаҳлинг чиқиб турибди, – деб кўнглига олмади у. – Ҳечқиси йўқ, кадрдоним. Ҳали яна учрашсак, хурсандлигингдан ўзингни кўярга жой тополмайсан.

Мана энди чўнтагида пули бор, қадамлари тетик эди. Бирок қасам ичиб айтишим мумкинки, ҳатто унинг юриши ҳам ғашимни келтирарди. Эдди қўл-оёғи гўё ўзиники эмасдай айиққа ўхшаб лапанглаб кетарди.

“Марварид” қаҳвахонасига кириб, бандаргоҳ бошқарувчиси билан учрашдим, у қўлимга рухсатнома ва бошқа қоғозларни тутқазгач, ичкиликка эридим. Кейин нонушта қилиб ўтирган вақтимда қаҳвахонага Фрэнки кириб келди.

– Бир бола мана буни сенга бериб қўйишимни тайинлаб, ташлаб кетди, – деди у ва қўлимга найча қилиб ўралган, қизил чилвир билан боғланган бир нарсани тутқазди. Уни очаётганимда бу нарса фотосуратга ўхшаб кўринди, эҳтимол бандаргоҳ атрофида кимдир қайиғимни суратга олгандир деган хаёл билан қоғозни очдим.

Жуда қизиқ. Бу ўлик ҳабашнинг у кулоғидан бу кулоғигача кесилган кекирдагини яқинлаштириб олинган фотосурат эди. Ҳабашнинг томоғи пухта қилиб қайта чокланган, мурданинг кўкрагидаги қоғозда эса испан тилидаги ёзув бор эди: “Lenguas largas”ларни биз шундай жазолаймиз!”

– Буни сенга ким берди? – деб сўрадим Фрэнкидан.

У бандаргоҳда ишлайдиган, эндигина сил касалига чалингандай ранги захил бир испан боласини кўрсатди. Бола егулик қўйилган пештахта ёнида турарди.

– Уни бу ёққа чақир-чи.

Бола ёнимизга келди. У бу қоғозни соат ўн бирлар атрофида иккита йигит бериб кетганини айтди. Улар боладан мени таниш-танимаслигини суриштиришибди, бола эса “ҳа, танийман”, дебди. Шундан сўнг бола буни менга етказиши учун Фрэнкига берибди. Улар болага бир доллар ҳақ тўлашибди. Бола уларни башанг кийинган, деб таърифлади.

– Кўркитишмоқчи, – деди Фрэнки ўйга чўмиб.

– Ҳа, тўғри, – дедим унинг фикрини қувватлаб.

– Сени тунов кун тўнгда бу ерда улар билан учрашганингни полицияга сотиб қўяди, деб ўйлашяпти.

– Ҳа, ҳа, шундай.

– Улар кўркитишолмайди, – деб қўйди Фрэнки. – Жўнаб кетаётганинг соз иш бўлди-да.

– Улар сенга яна бирон нима дейишмадими? – деб сўрадим испан боладан.

– Йўқ, – деб жавоб берди у. – Шунчаки буни сизга етказиб қўйишимни тайинлашди, холос.

Бошқарувчи берган ҳамма ҳужжатларни тўпладим-да, тамадди ҳақини тўлаб, ташқарига чиқдим. Омборни эсон-омон ёнлаб ўтгач, анча енгил тортиб, бандаргоҳга чиқиб олдим.

Анави йигитлар мени кўркитиб қўямиз, деб ўйлашибди-да, жуда соз. Улар ўша кунги суҳбатимизни бировга гуллаб қўяди деб кўркишяпти. Уларнинг ҳам тупроғи Панчоники билан битта ердан олинган экан. Кўрққан дамларида босар-тусарларини билмай қолишади, ҳовлиққанларида эса кимнингдир конига ташна бўлишади.

Бортга чиқиб, моторни қизитдим. Фрэнки қирғоқда туриб атрофга назар соларди ва ўзининг гарангларга хос ғалати табассуми билан жилмаярди. Унинг ёнига бордим.

– Бояги машмашалар туфайли бошинг балога қолмасин-да, ишқилиб, – дедим унга.

У мени эшитмасди. Қулоғига яқин келиб, бакириб гапиришимга тўғри келди.

– Бу мен учун одатий ҳол, – деди Фрэнки пинак бузмай. Кейин қайикнинг арқонини бўшатди.

3-боб

Арқонни менга ирғитган Фрэнкига қараб қўл силтадим-да, бандаргоҳдан чиқиб, қайикни оқим томонга бурдим. Англиянинг юк ташувчи кемаси ҳам шу яқин атрофдан денгизга йўл олганди, мен унинг ёнидан сузиб, олдинга ўтиб олдим. Бу кема шакарни кўп ортиб олгандан сувга ботиб кетган, қопламаси ҳам занглаб бўлганди. Олдида сузиб ўтарканман, кема куйруғидаги эски кўк нимча кийган инглиз денгизчиси менга бир қараб қўйди. Бўғоздан чиқиб олиб, Морродан ўтдим-да, қайикни Ки-Уэст томон, тўппа-тўғри шимолга бурдим. Қайиқ чамбарани ташлаб, орқа томонга ўтиб, арқонни ўраб қўйдим, сўнгра ортимга қайтиб, яна қайикни ўз йўналиши томон бурдим. Гавана аста-секин тоғлар ортига беркинганча кўздан ғойиб бўлди.

Ниҳоят аввалига Морро, сўнгра “Миллий” меҳмонхонаси кўздан ғойиб бўлди. Энди фақат Капитолий гумбази бўй кўрсатиб турарди холос. Оқим биз балиқ овлаган ўтган кундагига ўхшаб, унчалик шиддатли эмасди, юзга енгил шамол келиб уриларди. Бир жуфт балиқ овлайдиган қайикнинг Гавана тарафга қараб сузиб келаётганига кўзим тушди. Уларнинг ғарб томондан келишидан фаҳмладимки, оқим анча суст.

Моторни ўчирдим. Ёқилғини исроф қилишдан нима фойда. Қайикни оқиб ихтиёрига қўйиб бердим. Қоронғи тушганда Морронинг маёқлари, агар янада узоқроқ кетсам Кохимара чироқлари йўл кўрсатади ва мен Бакураанаога қараб сузаман. Чамалаб кўрдим, оқимнинг бу тезлигида қош қорайгунча ўн икки милча сузиб бориб, Бакураанаогача етиб оламан ва Баракоа чироқларига кўзим тушади.

Хуллас, моторни ўчиргач, юкорига чиқиб, атрофни кўздан кечира бошладим. Кўзим ғарбга томон сузиб кетаётган балиқчиларнинг бир жуфт қайиғи-ю, ортимда, уммон четида оппоқ товланиб турган Капитолий гумбазини илғади, холос. Аҳён-аҳёнда уммон сатҳида сув ўтлари кўринар, тепада эса уч-тўртта куш гир айланиб учарди.

Жилла фурсат қайикнинг томида ўтириб, шуларни томоша қилдим, лекин жигарранг майда балиқчаларни ҳисобга олмаганда овлашга арзийдиган бирорта ўлжа йўқ эди. Биродар, мабодо сенга Гавана билан Ки-Уэст ораси бир қадам, деб айтишса асло ишонма. Ҳали бутун йўл олдимда эди.

Анчадан кейин палубага қайтиб тушиб, Эддига дуч келдим.

– Нима гап? Моторга нима қилди?

– Бузилиб қолди.

– Нега туйнукни ёпмадинг?

– Э, куриб кетмайдими, – дедим унга.

Эдди нима қилганини биласизми? Ҳайдаб солганимда биринчи кўзи тушган ковокхонага кириб, икки шиша ичкилик сотиб олган-да, ортга қайтган. Кейин қайикнинг тумшуғидаги дарчадан секингина каютага кириб ухлаб қолган. Моторни ёққанимда уйғонган-у, уни ўчирганимда яна кўзи илинган. Қайиқ бўғозда тебранаётганда яна уйғониб кетган.

– Мени шерик қилишингни билардим, Гарри, – деди у.

– Сени икки дунёдаям шерик қилмайман, – дедим ғижиниб. – Сен ҳатто экипаж рўйхатида ҳам йўқсан. Ҳозироқ бортдан улоқтираман сени.

– Сира ҳазилингни қўймайсан-да, Гарри, – деди у. – Бизлар ҳамкасблармиз, оғир кунда бир-биримизга асқотамиз.

– Тилингни тий, – дедим унга юзланиб, – шу тилинг охири бошингни ейди. Заҳар маҳрингга ичиб олганингдан кейин ким ҳам сенга ишонарди?

– Мен ҳалол одамман, Гарри. Истасанг мени имтихон қилиб кўр, ўшанда қанчалар ҳақ эканимни билиб оласан.

– Яхшиси, шишаларни менга бер, – деб буюрдим унга. Айни чоғда хаёлим бошқа ёқда эди.

Эдди ичкиликни олиб келди, очилган вискидан бир қултум ичдим-да, шишаларни чамбарак ёнига қўйдим. Эдди ёнимда серрайиб турарди, унга бошдан-оёқ кўз югуртириб чиқдим. Боёқишнинг аҳволига қараб, қилишим керак бўлган ишдан ўзимнинг юрагим ачишиб кетди. Минг лаънат, ахир илгари шуям одам эди-ку.

– Қайикқа бирор гап бўлдим, Гарри?

– Ҳаммаси жойида.

– Унда нима гап? Нега менга бунақа тикилиб қолдинг?

– Укагинам, – дедим унга азбаройи раҳмим келиб. – Ишларинг чатокқа ўхшайди.

– Бу билан нима демоқчисан, Гарри?

– Ҳали аниғини ўзим ҳам билмайман, – дедим. – Суяксиз тилим билан бир валақлаб қўйдим-да.

Биз у ерда пича ўтириб қолдик, Эддига ортиқ гапиргани кўнглим бормади. Аввалдан билардимки, у билан суҳбатлашиш энди азоб. Пастга тушдим-да, одатда биз қармоқларимизни осиб қўядиган, чамбаракнинг шундоққина тепасига, қайиқ томининг қўлим етадиган жойига илиб қўйилган ғилофлардан найзачаси пуфлаб отиладиган қувур ва винчестер милтиғини чиқардим. Мен бу қуролларни доимо ичига ёғланган жун солиб, усти қўй юнги билан қопланган узун ғилофлар ичида сақлардим. Қайикда уларни занглашдан ҳимоя қилувчи ягона усул шу эди.

Қўлимдаги найзачали қувурни бир-икки пуфлаб, сўнг ўқладим. Милтик стволига ҳам ўқ жойлаб, кейин ўқдонни тўлдирдим. Бир пайтлар Маямида полицияда хизмат қилган пайтларим олган ўттиз саккизинчи калибрили смит ва вессон тўппончасини ҳам олиб тозаладим-да, ёғлаб ўқлагач, камаримга кистириб олдим.

– Тинчликми? – деб сўради Эдди капалаги учиб. – Жин урсин, тинчликми ўзи?

– Тинчлик, – деб жавоб бердим унга.

– Унда бу лаънати зормандалар нимага керак?

– Уларни бортда доим ўзим билан олиб юрганман, – дедим сира пинагимни бузмай. – Хўрақларга халақит бераётган қуш ёки акулаларни отишда улардан фойдаланаман.

– Нима гап ўзи, ростини айт? – типирчиларди Эдди ваҳимадан ўзини қўярга жой тополмай. – Нима бўлди, ахир?

– Ҳеч нима, – деб тинчлантирдим уни. Қайиқ тўлқинда тебранганда тўппонча “тап-тап” этиб болдиримга урилар, Эддига қараб-қараб қўярдим. Шунда ўйланиб қолдим: анави ишни қилишга шошмасаям бўлади. Ҳали у менга асқатиб қолади.

– Кичкинагина бир иш қиламиз, – дея сўз очдим ниҳоят. – Бакураанао-да, вақти-соати етса, сенга нима қилишингни айтаман.

Унга шундан ортиғини гапиришни истамадим, негаки Эдди хавотирланиб, ваҳимага тушса, унинг бир миричалик ҳам фойдаси тегмаслиги мумкин.

– Мендан яхшироғини топа олмайсан, Гарри, – мактаниб қўйди у. – Сенга энг керак одам – менман. Менга бемалол ишонишинг мумкин.

Унинг карахт нигоҳи-ю, чайқалаётган гавдасига разм солдим, ҳеч нима демадим.

– Қулоқ сол, Гарри, бир қултумгина, холос, йўқ демагин, – дея ялина бошлади у бир маҳал. – Акс ҳолда яна қақшай бошлайман.

Унга айтганини бердим, сўнгра ўтириб, биргаликда кош қорайишини кута бошладик. Қуёш уфқ томон оғиб бораркан, майин шабада эсиб турарди. Қуёш ботгач, моторни юргиздим-да, қайикни аста-секин белги-ланган жой томон ҳайдаб кетдим.

4-боб

Биз қоронғилик қаърида, қирғоқдан тахминан бир милча нари-да тўхтадик. Қуёш ботиши оқимни тезлаштирган, ўтирган жойимда тўлқиннинг оҳиста мавжланаётганини сезардим. Ғарб томонда Морро ҳамда Гавана шуълалари таралиб турар, қаршимизда эса Ринкон ва Баракоа чироклари кўзга ташланарди. Денгиз оқимиға терс сузиб, Бакураанаони ёнлаб ўтдим-да, қайикни Кохимара томонга ҳайдаб кетавердим. Кохимарага яқинлашгач, уни оқим томон бурдим. Қоронғида кўз ҳеч нимани илғамаса-да, мен қаерда турганимизни адашмай айта олардим. Қайикнинг барча чирокларини ўчирган эдим.

– Нимадир рўй бериши керакми, Гарри? – деб сўради Эдди. У яна ваҳимага туша бошлаганди.

– Ўзинг нима деб ўйлайсан?

– Мен билмасам, – деди у. – Сен менинг юрагимни ёрасан.

Унинг тишлари тақирлаб, қалтирай бошлади. Ёнимга келганида эса ўлаксаҳўр қушникидек қўланса ҳидини туйдим.

– Соат неча бўлди?

– Пастга тушиб қараб келаман, – деди у. Қайтиб келгач эса вақт ўн ярим бўлганини айтди.

– Қорнинг очдими? – деб сўрадим ундан.

– Йўқ, – деди у. – Биласан-ку, ичмасам овқат еёлмайман, Гарри.

– Тушунарли, – дедим унга. – Бир қултум ича қол.

Хумори босилганидан кейин ширакайф ҳамроҳимдан ўзини қандай ҳис қилаётганини сўрадим. У энди ўзига келиб қолганини айтди.

– Кўп ўтмай яна бераман, – деб сўз бердим унга. – Биламан, отиб олма-гунингча чумчуқча ҳам жасоратинг бўлмайди. Лекин ичкилик кам, шун-дай экан оз-оздан оласан.

– Ўзи нималар бўлаётганини менга тушунтириб бер, – илтимос қилди Эдди.

– Қулоқ сол, – дея унга тун қоронғисида вазиятни баён қилдим. – Биз-Бакураанао томон сузиб кетаяпмиз, у ерда қайикка ўн икки нафар хитой-ликни чиқарамиз. Мен сенга буюрган пайтда чамбаракни ушлаб, айтган

ишимни адо этасан. Ўша ўн иккита хитойликни бортга оламиз-да, каютага кулфлаб кўямиз. Ҳозир эса қайиқ тумшуғига бориб, туйнукни беркитиб кел.

Эдди чиқиб кетди, мен эса унинг қоронғидаги соясига қараб қолдим. У қайтиб келгач: – Гарри, яна бир култум ичсам майлими? – деб қолди.

– Йўқ, – дедим мен. – Сени довяоракроқ бўлишингни истайман. Ўликдай қотиб қолишингни эмас.

– Мен яхши одамман, Гарри. Кўрасан ҳали.

– Сен арокхўрсан, – қайириб ташладим уни. – Гапни эшит. Битта хитойлик ўша ўн иккитасини четга олиб кетмоқчи. Бошланишида у менга озроқ пул беради. Уларнинг барчаси кемага чиқиб олгандан кейин у кўпроғини тутқазади. Сен уни менга иккинчи марта пулни узатаётганини кўришинг ҳамон қайикни олдинга буриб, очик денгиз томон олға сузиб кетасан. Атрофда нималар бўлаётганига зиғирча ҳам эътибор бермайсан. Бирон гап бўлган тақдирдаям, қайикни бошқариб кетаверасан. Тушундингми?

– Ҳа.

– Денгизда сузаётганимизда мабодо бирор хитойлик каютадан қочиб чиқса ёки туйнукдан калласини чиқарса, найзаси пуфлаб отиладиган қувурни оласан-да, отаверасан. Ундан отишни биласанми ўзи?

– Йўқ. Ўзинг менга ўргатиб кўясан?

– Барибир эслаб қололмайсан. Винчестерни қандай ишлатишни-чи?

– Унинг тепкисини босасану, отаверасан.

– Баракалла, тўғри, – деб маъқулладим. – Фақат қайиқнинг бирор қисмига ўқ уза кўрма.

– Яхшиси, менга яна бир култум берсанг бўларди, – деди Эдди.

– Майли. Фақат озгина ич.

Унга бир култум ичкилик бердим. Мен ҳозир ичкилик уни буткул маст қилиб қўймаслигини, шунчаки кўркувдан араб қолишини билардим. Ахир бир оз вақтдан сўнг ҳар биримиз тер тўкишимизга тўғри келади. Эдди эса, яна отиб олгач, худди қувончи ичига сиғмаётгандай қуш каби тинмай сайрай кетди:

– Шундай қилиб, биз чинқларни ғайриконуний йўл билан олиб ўтарканмиз-да. Фалакнинг гардишини қаранг-а, мен доим, ҳатто танг аҳволда қолган пайтларимдаям, бир кун келиб хитойликларни ташийман, деб ният қилардим.

– Сен қовун туширмайсан-а? – деб сўрадим Эддидан ишончимни янада мустаҳкамлаш учун. У ширакайф бўлиб қолганди.

Соат ўн яримгача унга яна уч култум ичкилик бердим. Уни томоша қилиб ўтириш завқли эди, бу томоша идрокимнинг ҳар-хил бўлмағур ўйлардан хиралашишининг олдини оларди. Мен бунчалик кўп кутамиз деб ўйламовдим. Қоронғи тушгандан кейин бу ердан жўнаб кетишни, лоқал ёруғликдан нарироққа кетиб, Кохимар ёқалаб сузишни режалаштириб қўйдим.

Соат ўн бирларга яқин қирғоқдаги бир жуфт шуълага кўзим тушди. Яна бир оз кутдим-да, сўнг қайикни ўша томонга бурдим. Бакурао бир пайтлар қум юклаш учун фойдаланилган кўрфаз эди. Кўрфаз биқинидан қирғоққа томон ёмғир ҳосил қилган кичикроқ анҳор оқиб ўтарди. Шимолликлар қиш мавсумида қумни уйиб ташлаб, ўша анҳорни беркитиб

кўйишарди. Кейин шхуналарда қатнаб, анҳордан тропик ҳосилни юклашарди. Бир маҳаллар бу жой шаҳарчадек бўлиб қолганди. Бироқ довул бу шаҳарчани вайрон этди, галицияликлар барпо этган биргина уйдан бўлак барча бинолар ер билан яксон бўлганди, галицияликлар эса якшанба кунлари сузишга чиққанларида ва Гаванадан сайр қилгани келганларида бу уйдан клуб ўрнида фойдаланишарди. У ерда делегатлар яшайдиган бошқа уйлар ҳам мавжуд эди, бироқ улар соҳилнинг орқа томонида жойлашганди.

Қирғоқ ортидаги шунга ўхшаш ҳар бир турар жойнинг ўз ҳукумат вакили бор, аммо мен ҳалиги хитойликнинг ўша вакил билан келишганини ва ҳатто унинг шахсий қайиғидан фойдаланишини фаҳмлагандим. Қирғоққа яқинлашимиз биланок димоғимга денгиз ўтлари иси урилди, бу муаттар бўй манаман деган денгизчиниям шошириб кўярди.

– Орқага ўт, – дедим Эддига.

– Сен бу томонда ҳеч нарсага дуч келмайсан, – деди у. – Сув ости тошлари бошқа тарафда.

Кўряпсизми, у чинданам бир пайтлар яхши денгизчи бўлган.

– Сув остига қараб тур, – деб буюрдим унга ва қайикни биз кўзга ташланишимиз мумкин бўлган жойга қараб ҳайдай бошладим. Денгиз сокин эди, демак, мотор товуши уларга эшитилиши аниқ. Хитойликлар бизни кўраётганини ёки кўрмаётганини билмай туриб, бу атрофда кутиб туришни хохламадим, шундай экан, бир лаҳза қайикнинг кизил ва яшил чироғини ёқдим, дарров ўчирдим. Сўнгра қайикни денгизга бурдим, худди уммон бағрида ором олаётгандай, қайиғим ғув-ғув қилиб, бир жойда туриб қолди. Майда мавжлар борт биқинига келиб уриларди.

– Бу ёққа кел, – деб кичқирдим Эддига. Кейин унга яна бир-икки култум ичкилик бердим.

– Милтиқни аввал ўқлаш керакми? – деб пичирлади Эдди менга. У энди руль чамбараги ёнида ўтирарди, мен тепага қўл чўзиб, иккала ғилофни ҳам очдим ва қуролларнинг бир четини чиқардим.

– Жуда соз.

– Эҳ, болакай.

Ажабланарлиси шундаки, ичкилик Эддига таъсир қилган ва у анча эпчил бўлиб қолганди.

У ерда турарканмиз, бутазорлардан нарида, делегатнинг уйида чирок ёниқ экани эътиборимни тортди. Илгарироқ мен пайқаган қирғоқдаги бир жуфт шуъла кўздан ғойиб бўлди-да, кейин қирғоқнинг нариги томонида битта шуъла кўринди. Иккинчисини ўчиришган шекилли.

Шундан кейин, пича вақт ўтгач, кўрфаз тарафдан биз томонга қараб, қуйруғида бир киши эшкак эшиб келаётган қайикка кўзим тушди. Қайик у ёқ, бу ёққа чайқалиб сузаётгани боис қайикчининг оғир эшкак эшаётганини тусмолладим. Кўнглим тоғдай кўтарилди. Модомики эшкак оғир экан, демак, эшкакчи бир киши.

Мижозларимиз ёнимизга яқин келишди.

– Хайрли кеч, капитан, – деди жаноб Синг.

– Бизни ёнлаб ўтиб, қайиғингизни меникига яқинлаштиринг, – маслаҳат бердим унга.

У эшкак эшаётган болага қараб нимадир деди, лекин бола ортга қайтолмаслигини айтди. Шунда мен ўзим планширни ушлаб, қайикни



орқага ўтказдим. Қайикда саккизта одам бор эди. Олтита хитойлик, жаноб Синг ва эшкакчи болакай. Мен қайикни орқага тортаётган чоғимда нимадир келиб бошимга урилишини кутгандим, бироқ ҳеч нарса рўй бермади. Қаддимни ростладим-да, қайиғимнинг куйруғини жаноб Сингга яқингаштирдим.

– Қани, кўрайлик-чи, бу нима экан, – деб унинг кўлидаги бир пачка пулни олдим ва руль чамбарагида турган Эддининг ёнига бориб, қайиғимнинг чироғини ёқдим. Пулларга диққат билан разм солдим. Ҳаммаси жойидадек туюлди, шундан сўнг чирокни ўчириб қўйдим. Эдди бўлса ҳалитдан қалтираётганди.

– Бирор културм ютиб ол, – дея маслаҳат бердим-да, унинг ичкилик олдига бориб, шишани қийшайтирганини кузатиб турдим.

Кейин яна қайиғимнинг куйруғига қайтдим.

– Жуда соз, – дедим. – Бортдаги олтита одам бу ёққа келсин.

Жаноб Синг ва кубалик эшкакчи болакай мавжлар ўйнаётган ўзанда қайиқларини ушлаб туриш билан овора эдилар. Мен жаноб Сингнинг хитойчалаб нимадир деганини эшитдим ва шу заҳоти қайиқдаги барча хитойликлар бизнинг қайиғимизнинг куйруқ қисмига чиқа бошлашди.

– Битта-битталаб чиқинглар! – деб бақирдим уларга.

Жаноб Синг тагин нимадир деганди, олти нафар хитойлик бирин-кетин куйруқ томон ўтиб олди. Уларнинг ҳаммаси гавдали кишилар экан.

– Меҳмонларимизни каютага бошлаб бор, – деб буюрдим Эддига.

– Ортимдан юринглар, жентльменлар, – дея йўл бошлади Эдди. Худо билади, у яна қанча ичиб олдийкан.

– Каютани кулфла, – дедим хитойликлар кириб бўлгандан кейин.

– Бош устига, жаноб, – бош эгди Эдди.

– Қолганлари билан яна қайтиб келаман, – маълум қилди жаноб Синг.

– Яхши, – дедим унга.

Уларнинг қайиғини енгилгина туртдим, бола эса эшкак эша кетди.

– Кулоқ сол, – дедим Эддига. – Анави шиша ўлгурни тинч қўй. Шу жасурлигинг ҳам етади.

– Жоним билан, хўжайин, – рози бўлди Эдди.

– Сенга нима жин урди?

– Мен бажаришни ёқтирган иш шу-да, – фахрланиб қўйди Эдди. – Демак, милтиқни мана бундай ўқлашади, тўғрими?

– Мияси айниган ароқхўр! – жеркиб бердим уни. – Анавинингдан менгаям узат-чи.

– Бори тугаб бўлди, – деди Эдди. – Мени кечир, хўжайин.

– Кулоғингда бўлсин, энди қиладиган ишинг, жанобнинг менга қачон пул беришини пойлаб туриш ва ўша ондаёқ қайикни олдинга ҳайдаб кетиш, уқдингми?

– Уқдим, хўжайин, – тасдиқлади Эдди.

Энгашиб, яна бир шиша ичкилик олдим-да, пичоқ билан шиша пўкагини бураб очдим. Мириқиб ичиб олгач, қайиқ куйруғига қайтиб, шиша пўкагини зичлаб ёпгач, уни иккита сув тўла хумнинг ортига беркитиб қўйдим.

– Жаноб Синг келаяпти, – дедим Эддига.

– Тайёрман, жаноб, – Эдди шай бўлиб турарди.

Қайиқ биз томонга яқинлашиб келарди.

Улар қайиғимнинг орқа томонидан сузиб ўтишди ва мен ёнимизга келишларига изн бердим. Жаноб Синг биз йирик балиқни тутишда ишлатадиган чангакни маҳкам ушлаб олди.

– Уларни бортга чиқараверинг, – буюрдим жанобга. – Битта-битталаб.

Олти нафар сараланган хитойлик қуйруқ оша бортга чиқиб олишди.

– Уларга каютани очиб тур, – ўргатдим Эддига.

– Бош устига, жаноб, – деди у.

– Каютани қулфлаш эсингдан чикмасин.

– Хўп, жаноб.

Эддининг қайтиб келиб, руль чамбарагига таянганини кўрдим.

– Ҳаммаси жойида, жаноб Синг, – дея тинчлангирдим жанобни. – Пулнинг қолганини ҳам чўза қолинг.

Жаноб Синг чўнтагидан пул чиқарди-да, менга узатди. Қўлим пулга тегиши билан шартта унинг билагидан тортиб, бортга ўтказдим-да, томоғидан хиппа бўғдим. Қайиқ шу заҳоти жойидан жилиб, ҳамма ёққа сув сачратиб бораркан, мен айна пайтда жаноб Синг билан овора бўлиб қолгандим. Шунга қарамай қайиғида нима қиларини билмай серрайиб турган кубалик эшкакчи болани ҳам кўздан қочирмадим. Қўлга тушган делфиндай тўлғанаётган жаноб елкамдан тишлаб олсам, уни бир амаллаб тиз чўктириб, гавдамнинг бор залвори билан босиб, икки қўлим билан томоғидан бўғавердим.

То тинчигунча шу алфозда бўғиб турдим. Кейин юзини осмонга қаратиб, қилт этмай қолган жанобни қайиқ қуйруғида қолдириб, сочилган пулларни териб олдим. Қайиқ чироғини ёкиб, уларни санаб чиқдим.

Сўнг Эддидан биз баъзан лангар ўрнида фойдаланадиган қуйруқ тагидаги темир бўлақларини қидириб кўришни буюрдим.

– Мен ҳеч нарса тополмайман, – деди у. Эдди у ерда жаноб Синг борлигидан хайиқиб турарди.

– Рулни ушла, – дедим унга. – Қайиқни денгизга тўғирлаб тур.

Пастда, палуба остида ғовур-ғувур эшитилаётган бўлса-да, мен у ёқдагилар ҳақида ташвишланмасдим.

Ниҳоят кидирган нарсамни, Тортугасда қадимги кўмир докидан қолган иккита темир парчасини топдим ва уларни чилвир билан жаноб Сингнинг тўпикларига боғладим. Қирғоқдан тахминан икки милча узоқлашганимиздан кейин, пешонасига шум қисмат битилган жаноби олийларини сирпантириб денгизга тушириб юбордим. Жаноб Синг бортдан силлиққина сирғаниб сувга тушди. Мен ҳатто унинг чўнтақларини ҳам титкиламадим. Унга ортиқ қўл тегизишдан ҳазар қилардим.

Қуйруқ устига унинг оғиз-бурнидан бироз қон оққан экан, челаққа сув олдим-да, ўқдай учиб бориб, қуйруқ остидан олган чўткам билан қайиқни чиннидай қилиб тозалаб қўйдим.

– Тезликни пасайтир, – буюрдим Эддига.

– Жаноб Синг сузиб чиқиб қолса-чи? – сўради Эдди.

– Мен уни чуқурлиги тахминан етти юз фут келадиган жойга чўктирдим, – дедим Эддига. – У бундай чуқурликдан қалқиб чиқолмайди. Юрагингни кенг қил, укам. То ичи газга тўлмагунча сув бетига қалқиб чикмайди. Оқим билан бирга сузиб, охири балиқларга ем бўлади. Падарига лаънат унинг! Жаноб Синг тўғрисида энди ташвиш қилмасанг ҳам бўлади.

– Унга қарши қандай хусуматинг бор эди? – деб сўради Эдди мендан.

– Ҳеч қандай, – жавоб бердим унга. – У мен шу пайтгача учратган одамлар орасида энг мулойими экан. Бу кимсадан узоқроқ юриш керак-лигини бошидаёқ сезувдим.

– Нима учун унинг жонига қасд қилдинг?

– Қолган ўн иккита хитойликни ўлимдан сақлаб қолиш учун, – дедим.

– Гарри, – Эдди ваҳимага туша бошлади. – Менга тағин бир қултум берадиганга ўхшайсан, аъзойи баданим яна қалтираб кетаяпти. Жаноб Сингнинг боши қандай шалвираб турганини кўрганимдаёқ мазам қочувди.

Унга яна бир қултум ичкилик бердим.

– Хитойликлар нима бўлади? – деб сўради Эдди.

– Каютада бижғимасларидан аввал улардан иложи борича тезроқ кутулмоқчиман.

– Уларни қаерга ташлаб кетмоқчисан?

– Биз уларни Қум соҳилига олиб борамиз, – дедим унга.

– Унда қайикни қирғоққа бурайми?

– Албатта, – деб маъқулладим мен. – Тезликни пасайтир.

Риф устидан сузиб борарканмиз, тезликни пасайтира бошладик. Ниҳоят узоқдан қирғоқ кўринди.

Эдди таёқ билан чуқурликни ўлчаб, менга ҳайдайвер, деб ишора қилиб турди. Ниҳоят ёнимга қайтиб, тўхташни буюрди. Қайикни бир оз ортга бурдим.

– Тахминан беш футча чиқади.

– Лангар ташлаймиз, – дедим унга. – Бирон фалокат содир бўлса, арқонни дарров узамиз.

Эдди арқонни чўзаверди, ниҳоят лангар сув тубига етгач, арқонини маҳкам боғлади. Қуйруғи қирғоққа қараган қайиқ турган жойида аста-секин чайқала бошлади.

– Сув туби кумлоқ, биласан-а? – сўради у.

– Чуқурлик қанча?

– Беш футдан ошмайди.

– Сен милтикни ол, – дедим унга. – Эҳтиёт бўл.

– Бир қултум ичир? – деб сўради Эдди яна. Унинг асаблари анчагина таранглашиб қолганди.

Унга бир қултум ичириб, қўлимга пуфлаб отиладиган куролимни олдим. Каютанинг кулфини бураб, очдим-да:

– Ташқарига чиқинглар, – деб буюрдим.

Шу пайт бир хитойлик бошини чиқарди-да, у ерда милтиқ билан турган Эддини кўриб, яна калласини ичкарига олди.

– Ташқарига чиқавер. Ҳеч ким сени отмоқчи эмас, – деб тинчлантирдим уни.

Ичкарида хитойча гангир-гунгир суҳбат бошланиб кетди.

– Бу ёққа чиқларинг, хой! – деб бақирди Эдди. Жин урсин, у шишани чангаллаб олибди.

– Шишани жойига қўй, – дедим унга. – Бўлмаса, ўзингни кемадан улоқтираман.

– Ташқарига чиқинглар, – амр қилдим хитойликларга. – Ёки ҳаммангни отаман.

Бир хитойликнинг эшикни қия очиб мўралаётганини пайқадим, у қирғоқни кўрди шекилли, тишлари тақирлаб кетди.

– Чика кол, сени еб қўймаймиз, – ундадим уни. – Бўлмаса отаман.

Улар ташқарига чиқишди. Сизга айтишим мумкинки, бир тўда хитойликни йўқ қилиш учун одам ғирт аблах бўлиши керак, устига устак бу жуда бошоғриқ иш.

Ташқарига чиққан хитойликлар жудаям қўрқиб кетишганди, уларнинг қўлларида ҳеч қандай қурол йўқ, аммо нақ ўн икки нафар эканликлари боис, ҳар эҳтимолга қарши пуфлаб отиладиган қуролим билан орқарокка тисарилдим.

– Сувга тушинглар-чи, – буюрдим уларга. – Бу ерда сув саёз.

Ҳеч бири қилт этмади.

– Кемадан тушинглар.

Ҳеч бири жойидан жилмади.

– Ҳой, каламушхўр сарик ажнабийлар! – деб бақирди Эдди. – Бортдан тушларинг, деяпман!

– Сассиқ оғзингни юм! – деб ўшқирдим унга.

– Биз сузолмайди, – деди юрак ютиб битта хитойлик.

– Сузиш шарт эмас, – дедим унга. – Бу ер саёзлик.

– Бўла қолинглар энди, кемадан тушинглар, – шошилтирди Эдди.

– Бу ёққа кел, – дедим Эддига. – Бир қўлингга қуролни, иккинчисида таёқни ушлагин-да, уларга сувнинг саёзлигини кўрсат.

Эдди уларга таёқ билан чуқурликни кўрсатди.

– Сузиш керак эмас? – деб сўради тагин битта хитойлик.

– Йўқ.

– Ростданми?

– Рост.

– Биз қаердамиз?

– Кубада.

– Сизлар қаллоб! – деди у ва қайикнинг бир четидан сувга тушди. Аввалига у бошигача сувга кириб кетди, бироқ тезда калласини чиқарди. Сув иягигача келарди. – Сизлар қаллоб, – дерди у. – Ярамас қаллоб.

У тутоқиб, шерикларига хитойчалаб нимадир деганди, улар ҳам қайик куйруғидан сувга калла ташлай бошлашди.

– Жуда соз, – дедим Эддига. – Лангарни кўтар.

Қайикни олға қараб суздириб кетарканмиз, ой ҳам тепага кўтарилиб қолган эди. Ойдинда сувдан бошларини чиқариб сузиб кетаётган хитойликлар, соҳил ва унинг ортидаги бутазор кўриниб турарди.

Биз рифдан пастлаб кетдик, мен бир марта орқамга қараганимда, эндигина кўрина бошлаган тоғлар ва соҳилга кўзим тушди, шундан сўнг қайикни Ки-Уэст томон ўз йўлига қўйиб бердим.

– Мана энди ухлаб олсанг бўлади, – дедим Эддига. – Йўқ, шошмай тур, пастга тушиб, барча иллюминаторларни очиб юбор, сассиқ хид чиқиб кетсин, кейин менга йод олиб кел.

– Сенга нима қилди? – сўради у йодни олиб келгач.

– Бармоғимни кесиб олдим.

– Қайикни мен бошқариб кетайми?

– Бориб ухла, – дедим унга. – Сени ўзим уйғотаман.

Эдди ёқилғи баки устидаги қўлбола каравотга таппа ташлади-да, зумда ухлаб қолди.

Руль чамбарагини тиззаларим орасига олдим-да, жаноб Синг тишлаб олган жойимни кўриш учун кўйлагимни ечдим. Яхшигина тишлаган экан. Ярамга йод сурдим, сўнг қайикни бошқарарканман, хитойликдан орттириб олган бу жароҳатим газак олмасмикан, дея қайғура бошладим. Қайиғим биқинларини сув ювганча ажойиб тарзда, равон сузиб борар экан, ўйлай-ўйлай, ўзимча, йўғ-е, газак олмас, деб қўйдим. Жаноб Сингдай одам бир кунда камида икки ёки уч марталаб тишини ювса керак. Оббо, Жаноб Синг-ей! Хатарли ишларда унинг кўпам тажрибаси йўк экан. Балки тажрибаси бўлгандир. Балки у менга чин дилдан ишонгандир ҳам. Тўғриси, унинг қанақа одамлигини тушуниб етолмадим.

Ҳа, майли, энди Эддидан бўлак буларнинг ҳеч бири менга бошоғрик бўлмайди. Негаки, Эдди “отиб” олгандан кейин жағи тинмай вайсайдиган арокхўрлардан эди. Қайикни бошқариб борарканман, бир кўзим унда эди. Эй, Худо, унинг тиригиям, ўлигиям бир гўр-ку. Шундай экан, бўлиб ўтган воқеалар фақат ўзимгагина аён. Эддини бортда топиб олганимда ундан кутулишга қарор қилувдим, бироқ ҳаммаси шундай силлик якун топгач, бундай қилишга юрагим дов бермади. Аммо ҳозир унинг қайиқда ётишига кўзим тушиши биланоқ, бошимда тағин бало тоши айланаётгандай бўлди. Лекин ўзимни босиб, ўйладимки, кейинчалик афсус туғдирадиган бирон ҳаракат қилиш билан ичимдаги васвасани даф этиб бўлмайди. Лекин, ахир у лоақал йўловчилар рўйхатида ҳам йўк-ку, мен эса унинг рўйхатда йўклигини била туриб олиб кетаётганим учун жарима тўлашимга тўғри келарди.

Бу иккиланиш бутун фикру зикримни банд этган эди. Қайикни ўз маромида бошқариб борарканман, Эдди бортга қўйиб кетган шишадан бир култум-бир култум отиб олардим. Шишада кўп ичкилик қолмаган экан, уни бир зумда бўшатдим ва беркитиб қўйган шишамни очдим. Биласизми, қайикни шундай енгил бошқара бошладимки, тўн бўлишига қарамай, у бир текис сузиб кетмоқда эди. Можароларга тўла бўлсаям, саёҳат барибир ғаройиб ўтди.

Кун найзага келганда, Эдди кўзини очди. У ўзини жуда ёмон ҳис қилаётганини айтди.

– Бир дақиқа рулни ушлаб тур, – буюрдим унга. – Қайикнинг у ёк-бу ёғига бир қараб келай.

Қайиқ куйруғига қайтиб бориб, у ерга сув сепдим. Мана энди қайиғим ораста бўлди. Унинг сиртиниям чўтка билан ишқалаб тозаладим. Куролларнинг ўқини бўшатдим-да, йиғиштириб, пастга беркитиб қўйдим. Аммо тўппончамни ҳамон камаримда саклаб турардим. Қайикнинг ҳаммаёғи топ-тоза, бадбўй ис қолмаганиди. Каютадаги ўриндикларнинг бирига ўнг томондаги туйнукдан озгина сув сачраган экан, дарҳол иллюминаторларни беркитиб қўйдим. Энди ҳеч бир божхоначи бу қайиқда хитойликлар бўлганини билолмайди.

Қайиғимнинг лицензия белгиси остида осилиб турган тўр халтадаги рухсатнома қоғозларига кўзим тушди, бортга чикқанимизда уларни ўша ерга илиб қўйгандим. Хужжатларни бир кўриб қўйиш учун халтадан чиқардим. Сўнгра палубага чикдим.

– Менга қара, – дея юзландим Эддига. – Йўловчилар рўйхатига сен қандай қилиб кириб қолдинг?

– Мен бандаргоҳ бошқарувчиси билан учрашдим, у консулхонага бораётган экан. Кетаётганимни унга билдирдим.

– Ҳмм... Телбанинг ишини Худо ўнглабди-да, – дедим унга ва тўппончамни камаримдан олиб, уни ҳам беркитиб қўйдим.

Пастда бироз қаҳвахўрлик қилгач, яна тенага чиқдим-да, Эддидан рулни олдим.

– Пастда қаҳва бор, – дедим унга.

– Биродарим, ахир менга қаҳва ёрдам бермайди-ку.

Шу топда унинг аҳволини кўрганингизда сизнинг ҳам раҳмингиз келарди. Ачинганимдан унга яна ҳиммат қилдим.

Тахминан соат тўққизларда рўпарамизда Сэнд-Ки маёғи кўринди. Айни пайтда кўрфаз томон сузаётган танкерларни ҳам учратдик.

– Бир-икки соат ичида ўша ерда бўламиз, – маълум қилдим Эддига.

– Сенга Жонсон билан сузган пайтимиздагидек, бир кунинг учун тўрт доллар бермоқчиман.

– Ўзинг ўтган тунда қанча пул ишладинг? – деб сўради у.

– Атиги олти юз доллар, – жавоб бердим унга. Эдди бу гапимга ишондим-йўқми, буниси менга қоронғу эди.

– Пулни мен билан бўлишмайсанми?

– Сенинг улушинг – тўрт доллар, – уқдирдим унга. – Борди-ю, ўтган тун воқеалари ҳақида гуллагудай бўлсанг, сени нима қилишни ўзим билман.

– Биласан-ку, мен чақимчи эмасман, Гарри.

– Сен – ароқхўрсан. Мабодо ўша воқеалар тўғрисида гуллаб қўйсанг, ўзингдан кўр.

– Мен ишончли одамман, – унинг ҳеч бўйин эгтиси келмасди. – Менга бу тарзда гапиришингга ҳожати йўқ.

– Ароқ сенинг ҳалоллигингни ювиб бўлган, – деб таъкидладим унга. Лекин бу борада ортиқча ташвишланмай қўйдим, ахир ким ҳам унга ишонар эди? Жаноб Синг бошқа шикоят қила олмайди. Хитойликлар бўлса қайтиб келишмайди. Уларни эшаккли қайиқда олиб келган бола ҳам бошини ғалвага тиқишни истамайди. Эҳтимол, Эдди бу сирни эртами, кечми очиб кўяр, бироқ ароқхўрнинг сафсатасига ким ҳам ишонарди, дейсиз? Ҳар нима бўлгандаям бу ишда омадим келди. Эддига ҳам омад кулиб боқди. Кулгандаям хандон отиб кулди.

Ва ниҳоят, биз Гольфстрим четига етиб келдик, сув эса мовий рангини йўқотиб, тобора нимяшил тус ола бошлади. Узоқда ғарбий ва шарқий Қурук қоялар, Ки-Уэстнинг радиомачталари ва пастқам уйлар орасидаги “Ла-Конча” меҳмонхонаси бўй кўрсатиб турар, чиқиндилар ёкиладиган жойда осмонга тутун ўрларди. Сэнд-Ки маёғи анчагина яқинлашиб қолди, қайиқлар бандаргоҳи ва маёқ остидаги док бемалол кўринарди. Қирғоққа етишимизга атиги қирқ дақиқа колганини билардим, уйга қайтаётганимдан ва ёзги мавсум учун етарлича маблағ жамғарганимдан кўнглим чоғ эди.

– Ичишга тобинг қалай, Эдди? – деб сўрадим ундан.

– Оҳ, Гарри, – хурсанд бўлиб кетди у. – Сенинг жон дўстим эканлигингни билардим.

Ўша кеч ўз уйимда сигара тортиб, сув қўшилган вискидан ҳўплаб, радиодан Грэйси Алленни тинглаб ўтирардим. Қизларим кинога кетишган,

мен эса ўтирган жойимда мудроқ босиб, ўзимни сархуш сезардим. Эшиқ тақиллаб, рафикам ўтирган жойидан туриб, эшиқни очгани кетди. Қайтиб келиб:

– Анави пиёниста Эдди Маршал экан. Сенда гапим бор, деяпти, – деди.

– Унга бориб айт, ҳайдаб солмасимдан аввал туёғини шиқиллатиб қолсин, – таҳдид билан маълум қилдим хотинимга.

Хотиним яна жойига келиб ўтириб, деразадан ташқарига қаради. Мен ҳам ўтирган еримдан кўча фонусининг нури остида яна битта ароқхўр билан кўлтиқлашиб, йўлда чайқалиб кетаётган Эддини кузатиб турдим. Уларнинг ҳар иккиси ҳам гандираклаб кетар, кўча фонуси нуридан ҳосил бўлган соялари эса ўзларидан ҳам хунуқроқ чайқаларди.

– Бечора пиёнисталар, – деди ачиниб Мария. – Ароқхўр одамга раҳмим келади.

– Эдди омади бор ароқхўрлардан.

– Омадли ароқхўр бўлмайди, – эътироз билдирди Мария. – Билиб туриб гапирасан-а, Гарри.

– Ҳа, – маъқулладим мен. – Бу гапингдаям жон бор.

Иккинчи фасл

ГАРРИ МОРГАН

Куз

6-боб

Улар тунда бўғозни кесиб ўтишаётганда шимоли-шарқий тарафдан шиддатли шамол эсарди. Кун ёришганда кўрфаз томондан келаётган нефть танкери кўзга чалинди. Танкер тонгги совуқда куёш нуридан чараклаб, шу қадар баланд кўринардик, худди денгиз бағридан кўтарилган кўп қаватли иморатга ўхшарди. У шу тобда ҳабашга қараб:

– Қайси гўрга келиб қолдик ўзи? – деб сўради.

Ҳабаш атрофга қараш учун қадини кўтарди.

– Маямининг бу томонида бунақа бинони кўрмовдим.

– Ўзинг яхши биласан-ку, биз Маямига кетаётганимиз йўқ, – деб койиб берди у ҳабашни.

– Билганимни айтаман-да, лекин бунақа иморатлар Флорида оролларида ҳам учрамайди.

– Биз бошидан Сэнд-Ки томонга кетаётувдик.

– Сэнд-Ки аллақачон кўриниши керак эди-да. Ҳеч бўлмаса Америка кум соҳилига кўзимиз тушарди.

Аммо ҳаял ўтмай у кўринган нарса бино эмас, танкер эканлигини билди ва бир соатга қолиб-қолмай тўғри денгиздан кўтарилиб турган ёруғ, тикка, узун ва жигарранг Сэнд-Кига кўзи тушди.

– Кемани бошқаришда, аввало, ўзингга ишонч бўлиши керак, – ўргатди у ҳабашга.

– Мен ўзимга ишонардим, – деди ҳабаш. – Лекин бу сафар якунида зигирдек ҳам ишончим қолмади.

– Оёғинг қалай?

- Тинмай оғрияпти.
- Ҳечкиси йўқ, – юпатди у ҳабашни. – Озода сақлаб, боғламини янгилаб турсанг, ўз-ўзидан тузалиб кетади.
- Вуман-Кидаги бутазор панасида бир кун туриб, қайикни кутиб олиш учун энди у ғарбга сузмоқда эди.
- Соғайиб кетасан, – деб далда берди у ҳабашга.
- Бунга сира кўзим етмаяпти, – деди ҳабаш. – Ёмон азоб бераяпти.
- Қайтиб борганимиздан кейин сени яхшилаб даволайман, – ваъда берди Гарри унга. – Жароҳатинг хавфли эмас, ваҳима қилавермасанг-чи.
- Мен ўқ едим, – деди ҳабаш. – Илгари сира ўқ еган эмасман. Барибир жароҳатим оғир.
- Сен бор-йўғи кўркиб кетгансан, холос.
- Йўқ, жаноб. Мен ўқ едим. Мана энди жоним оғрияпти. Кечаси билан қалтираб чиқдим.
- Ҳабаш шу тахлит вайсашда давом этаркан, тоқат қилолмай, бинтни ечиб ташлади.
- Ярангга тегма, – деди у қайикни бошқараётиб ҳабашга. Ҳабаш каюта полида ётар, ҳамма ёқда ликёр қоплари тоғдай уйиб ташланганди. Ҳабаш ётиш учун у ердан ўзига боп жой ҳозирлаб олганди. Ҳар сафар жойидан қимирлаганида, қоплардаги синиқ шишаларнинг шарақ-шуруқ этган овози келар ва тўкилган ликёрнинг ҳиди бутун атрофни тутиб кетарди. Ҳамма ёқда ликёр оқиб ётарди. У эса қайикни тўғри Вуман-Ки томонга бошқариб борарди. Энди бу жой аниқ-тиник кўриниб турарди.
- Қийналиб кетяпман, – дерди ҳабаш. – Оғриқ тўбора забтига олаяпти.
- Мени кечир, Уэсли, – узр сўради у ҳабашдан. – Аммо мен қайикни бошқаришим зарур.
- Сен одам боласига итданам паст муомала қиляпсан, – деди ҳабаш куюниб. Энди унинг жаҳли чиқа бошлаганди. Бироқ қайиқ бошқарувчиси ҳамон ундан узр сўраш билангина чекланиб қолмоқда эди.
- Бир оз сабр қил, Уэсли, – такрорлади у. – Бир пас вой-войламай тургин.
- Сенинг бировларга нима бўлгани билан ишинг йўқ, – дерди ҳабаш тинмай. – Одам-подам эмас экансан.
- Айтяпман-ку, сени яхшилаб даволайман ҳали, деб, – дерди у такрор. – Тинчгина ётиб тургин.
- Мени даволаш сенинг қўлингдан келмайди, – жаврашда давом этди жабрдийда. Бунга жавобан қайикни бошқараётган Гарри Морган ҳеч нима демади, негаки у ҳабашни ёқтирар, айни пайтда эса уни урмаса бўлмасди, бироқ уни шу топда қандай ура олади. Ҳабаш эса тиним билмай вайсарди.
- Нимага улар ўқ уза бошлаганида қайикни тўхтатмадик?
- Гарри жавоб бермади.
- Ликёр юки инсон ҳаётидан ҳам азиз бўптими?
- Гаррининг бутун диққати рулда эди.
- Қайикни бирров тўхтатиб, уларга ликёрни берганимизда нима қиларди?
- Йўқ, – рад этди Гарри. – Улар ликёр билан қайикка эга бўлиб олишарди-да, сени камокқа тикишарди.
- Мен камокдан кўркмайман, – деди ҳабаш. – Бекорга ўқ ейишни асло истамагандим.
- Ҳабаш энди Гаррининг асабига тега бошлаганди. Унинг тоқати тоқ бўлди.

– Ким оғиррок яраланган, жин урсин? – деб сўради у ҳабашдан. – Сени ёки менми?

– Сен ёмонрок ўқ единг, – деди Уэсли. – Лекин мен умримда ўқ емагандим. Ўқ еб қолишимни кутмагандим ҳам. Ўққа тутилиш учун ишга ёлланмагандим. Бунақа бўлиши тушимга кирибдими?

– Ваҳима кўтаравермагин, Уэсли, – тинчлантиришга уринарди уни Гарри. – Бу тахлит жаврашдан ҳеч барака топмайсан.

Улар оролга яқинлашиб қолишганди. Сув остидаги чўгиртошлар оралаб сузишаркан, денгиз юзасини қуёш нурида илғаб бўлмай қолди. Ҳабашнинг жағи эса бир зумгаям тинмасди.

– Бу замонда ликёр ташишнинг нима кераги бор? – дерди у. – Ахир ичкиликни тақиқлов қонуни бекор этилган-ку. Уни ноқонуний ташишга нима ҳожат бор? Нега ликёрни парохода ташишмайди?

Қайикни бошқараётган Гарри оқимга тикилиб қолганди.

– Нима учун одамлар виждонан ва ҳалол, тартибли ва тоза тирикчилик қилмайди?

Гарри қуёш шуъласи туфайли оқимни аниқ кўролмаётган бўлса ҳам, сув юзасидаги мавжларни илғади-ю, қайикни бўғоз томонга бурди. У бир кўли билан руль чамбарагини айлантириб, бир муддат қайикни чайқатиб турди, сўнг оқимни ёриб чиқди-да, уни тўғри бутазор четига оҳиста суздириб кетди. Кейин иккала моторниям ўчирди.

– Энди лангар ташласак бўлади, – деди у. – Аммо лангарни бир ўзим кўтара олмайман.

– Мен ҳатто кимирлай олмайман, – деди ҳабаш бўшашиб.

– Ростакмига адои тамом бўлибсан, – ачинди Гарри унга қараб.

Чоғроқ лангарни кўтариб, сўнг сувга ташлагунча Гарри жуда қийналиб кетди, аммо у буни уддалади. Ниҳоят узун арконни қўйиб юборди, қайик бутазор ўртасида чайқалиб турар экан, буталарнинг учлари унга урилай-урилай дерди. Шундан кейин у ортига қайтди-да, каюта ичига тушди.

Гарри ҳабашнинг ярасини боғлаб, яраланган кўлини унга боғлатгач, тун бўйи компасдан кўз узмай, қайикни бошқарди. Кун ёришганидан кейин эса, каютанинг қоқ ўртасидаги қоплар ичида чўзилиб ётган ҳабашга кўзи тушди, сўнг яна денгиз ва компасга юзланди-да, Сэнд-Кини қидирди. Хуллас, каютага диққат билан разм солмаган экан. Бу ерда ҳаммаёқ хароб аҳволда эди.

Ҳабаш оёғини кўтарганча, ликёрли қоплар орасига суқулиб олганди. Саккизтача отилган ўқ каюта деворларида тешик ҳосил қилибди. Дераза ойнаси ҳам чил-чил синганди. У яна қанча нарсаси хонавайрон бўлганидан хабари йўқ эди. Ҳабашнинг қони оқмаган жойга унинг ўзининг қони оққанди. Аммо ҳаммасидан ёмони – ичкиликнинг хиди эди. Ҳамма нарса ичкиликка бўкканди. Қайик бутазор орасида тинч турган бўлса ҳам, у кўрфаздаги силкинишни ҳамон ҳис қилмоқда эди.

– Бироз қаҳва тайёрлаб келаман, – деди у ҳабашга. – Кейин ярангни яна боғлаб кўяман.

– Мен қаҳва ичмайман.

– Мен ичаман, – деди Гарри унга. Аммо боши айланаётганини сезди-ю, жойидан жилмади.

– Билишимча, қаҳвахўрлик қилолмайдиганга ўхшаймиз, – маълум қилди у.

– Мен сувсаб кетдим.

– Ҳозир бераман.

У кичкина идишдан бир кружка сув олиб, ҳабашга узатди.

– Нима учун улар отишмани бошлаганида сузиб кетдингиз?

– Отгани учун суздим-да.

– Менга доктор керак, – деди ҳабаш унга.

– Докторинг мендан тузукроқ муолажа қила олармиди?

– Доктор мени тузатади.

– Қайиқ келганида докторни ҳам кўрасан.

– Ҳеч қандай қайиқни кутишни истамайман.

– Жуда соз, – рози бўлди Гарри. – Ҳозир манави қопларни сувга ташлаймиз.

У ичкилик тўла қопларни сувга ташлай бошлади, аммо бир қўл билан буни амаллаш қийин эди. Бир дона ликёр копи қирқ фунтча келарди. Уч-тўртта қопни ташлади-ю, яна боши айланиб, қолганига кучи етмади. У каюта ичига ўтириб олди, кейин эса чўзилиб қолди.

– Ўзингизни хароб қиласиз, – деди унга ҳабаш.

Гарри эса қоплардан бирига бошини қўйганча каютада жимгина ётарди. Буталар каюта ичигача суқилиб кирган бўлсаям, у ётган ер соя эди. У бутазор остидан ғув-ғув эсаётган шамол овозига кулоқ тутар, баланд, совуқ осмонда шимолдан енгил сузиб келаётган булутларга термиларди.

Бунақа ҳавода ҳеч ким келмайди, деб ўйлади у. Тўфонда денгизга чиққанимизни улар кутмаган.

– Қайиқ келармикан? – деб сўради ҳабаш.

– Албатта, – ишонч билан деди Гарри. – Нега келмасин.

– Шамол жуда зўрайиб кетди-ку.

– Улар бизни кутишяпти.

– Бунақа ҳавода эмас. Нега мени алдамоқчи бўлаяпсиз?

Ҳабаш унга эмас, гўё қопга гапиргандай сўзларди.

– Тинчлан, Уэсли, – деди унга Гарри.

– Тинчлан, дейди-я, – жаврашда давом этарди ҳабаш. – Нега тинчланай? Итдай ўлганимда тинчланаман. Мени бу ерга сиз олиб келдингиз. Ўзингиз олиб чиқинг.

– Ўзингни бос, – деди Гарри мулойимлик билан.

– Қайиқ келмайди, – ҳабаш умидини узганди. – Мен биламан, улар келмайди. Сизга совқотиб кетдим, деяпман. Оғриқ ва совуқ жон-жонимдан ўтиб кетди, ахир.

Гарри маъюс тортиб, шалвираганча туриб қолди. Ҳабаш унинг бир тиззасини кўтарганини, ўнг қўли осилиб турганини, кейин уни чап қўли билан ушлаб, тиззалаб турганини, сўнгра пастга қараб турган жойида – планшир устидаги михланган тахтачага таянганини кузатиб турарди. Гарри аввал ҳеч қачон бундай оғриқни ҳис қилмаганини ўйларди.

– Агар қўлимни чўзиб турсам, унчалик оғримайди, – деб изоҳ берди у.

– Келинг, қўлингизни бўйнингизга боғлаб қўяй, – таклиф қилди ҳабаш.

– Тирсагимни бука олмайман, – деди Гарри. – Шу аҳволда қотиб қолган.

– Энди нима қиламиз?

– Манави ликёрларни сувга ташлаш керак, – деди Гарри унга. – Қўлинг етган қопларни сувга ташлашга уриниб кўр, Уэсли.

Ҳабаш қопга етиш учун судралишга уринувди, войвойлаганча, яна ётиб олди.

– Судралишга ҳам чоғинг йўқми, Уэсли?
 – Э, Худойим, – деб ёзғирди ҳабаш.
 – Агар кимирлаб кўрсанг, балки бунчалик оғримас?
 – Мен яраланганман, – дерди ҳабаш. – Қимирлай олмаяпман. Ўзи яра-
 дорману, бу кишим мени ликёр тушир, дейди.

– Тинчлан.

– Агар яна бир марта шунақа десанг, жинни бўлиб қоламан.

– Тинчлан, – деди яна Гарри.

Ҳабаш увиллашга ўхшаш овоз чиқарди-да, палубани қўллари билан пайпаслаб, қандайдир қайроқтошни олди.

– Ўлдираман сизни, – дея жавради у. – Юрагингизни суғуриб оламан.

– Фақат қайроқтош билан эмас, – деди шериги. – Тинчлан, Уэсли.

Ҳабаш қопга юзини босиб, йиғлаб юборди. Гарри эса қопдаги ликёр боғламларини оҳиста кўтаришда давом этар экан, уларни қайикнинг бир четидан битта-битта ташлаб юбораверди.

7-боб

Ликёрларни сувга тушириш билан овора экан, Гарри қайик моторининг товушини эшитиб, ўгирилиб қаради ва тўғри улар томон сузиб келаётган қайикка кўзи тушди. Бу соябони тўк сарикка бўялган оппоқ қайик эди.

– Қайик келаяпти, – деди Гарри. – Тура қол, Уэсли.

– Туролмайман.

– Шу пайтгача бўлган гапларни унутишга тайёрман, – деди Гарри. – Лекин буёғига ҳаммасини эслаб қоламан.

– Мен ҳам ҳеч нарсани эсдан чиқарганим йўқ. – истехзо билан деди ҳабаш.

Тиним билмай ишлаганидан юзларидан шов-шов тер оқар экан, Гарри оқим бўйлаб аста сузиб келаётган қайикдан кўз узмас, соғ қўли билан эса ликёр боғламларини сувга ташлашда давом этарди.

– Четроқ тур, – у ҳабашнинг боши остидаги қопга етиб, уни ҳам даст кўтарди-да, сувга отиб юборди. Шундагина ҳабаш кадини ростлаб, ўтириб олди.

– Ана улар, – қўли билан кўрсатди ҳабаш. Оқ қайик уларга етай деб қолганди.

– Бу капитан Уилли-ку, – хитоб қилди ҳабаш. – Меҳмонлари билан келаяпти.

Оппоқ қайик қуйруғида бошларига оқ матоли шляпа қўндирган, фла-нел костюм кийган икки нафар эркак қармоқ ушлаб ўтиришар, кигиз шляпа ва куртқадаги чол эса рулни ушлаганича, қайикни бутазор томонга бошқариб келарди.

– Ишлар қалай, Гарри? – ҳол-аҳвол сўради қария уларнинг ёнидан ўтиб кетар экан.

Гарри унга жавобан соғ қўлини силтади. Оқ қайикдаги балиқ тутаётган иккала эркак ичкилик бор қайик тарафга синчиклаб қараб қолишди ва бояги кекса кишига гапира бошлашди. Гарри уларнинг гап-сўзларини эшита олмасди.

– Улар денгизга чиқиш жойида қайрилиб, қайтиб келишади, – деди Гарри ҳабашга қараб. Кейин унга адёл олиб келди. – Кел, ўраб кўяй.

– Мени ўрашга кечикдингиз. Улар анави қон қуйқаларини пайқашган бўлса керак. Энди ҳолимиз не кечади?

– Уиллига ишонавер, – деди Гарри. – У аллақачон бу ердалигимизни шаҳардагиларга айтади. Анави балиқчилар бўлса бизга халал беришмайди. Уларнинг биз билан неча пулик иши бор?

Гарри энди батамом кучдан қолганини ҳис қилар экан, рул чамбараги рўпарасидаги курсига ўтириб, ўнг қўлини сонлари орасига қўйиб маҳкам қисди. Унинг тиззалари қалт-қалт титрар, қўлининг суяклари гўё мажақланиб кетгандай эди. Сўнг тиззаларини ёзди-да, қўлини чиқариб, ёнбошига осилтириб олди. Шу тарзда ўша ерда ўтирар экан, унинг ёнидан ўтиб кетган қайик яна қайта бошлади. Балиқ тутаетган ҳалиги иккала киши ҳамон гаплашиб келарди. Улар қармоқларини сувдан кўтаришди ва улардан кўзойнак таққан бири Гарри тарафга тикилиб қаради. Гаррига уларнинг гаплари эшитилмас, масофа хийла узоқ эди. Эшитгандаям бунинг унга ҳеч фойдаси йўқ.

Вуман-Ки бўғози бўйлаб “Жанубий Флорида” моторли қайиғида иккита балиқчини у ёқдан бу ёққа олиб ўтаётган капитан Уилли Адамснинг миясида шундай ўй-хаёллар чарх урарди: “Демак, Гарри ўтган тунда Кубадан келган. Бу болада жасорат кучли-да. У бўронда қолган бўлса керак. Қайиғи ҳам дурустгина, денгизбоп қайик. Қизиқ, тўсқичининг ойнасини қаерда синдирибди? Ўлсам ҳам ўтган тунда денгизга чикмасдим. Кубадан ичкилик ташиш ҳам жуда хавфли. Ҳозир ичкиликни Мариелдан ташишади. Айтишларича, у ердан ташиш бемалол экан...”

– Нима дедингиз, жаноб?

– Анави қанақа қайик? – деб сўради балиқчилардан бири.

– Анавими?

– Ҳа, ўша.

– Э, у Ки-Уэстнинг қайикларидан.

– Мен сиздан бу кимнинг қайиғи, деб сўрамоқчийдим?

– Бунисини билмадим.

– Нима, эгаси балиқчимми?

– Шунақа десаям бўлади.

– Бу нима деганингиз?

– У дуч келган ишни қилиб кетаверади.

– Унинг исмини билмайсизми?

– Йўқ, жаноб.

– Сиз уни Гарри деб чақирдингиз-ку.

– Мен-а? Бўлиши мумкин эмас.

– Ахир эшитдим-ку, сиз уни Гарри деб чақирдингиз.

Капитан Уилли Адамс унга қараб сўзлаётган эркакка беозор назар ташлади. Унинг нигоҳи брезент шляпа остидан бўртиб чиққан иякка, ингичка лаб, чуқур ботик кулранг кўзлар ва кип-қизил юзга ҳамда унга қараб очилаётган хунук даҳанга тушди.

– Адашиб кетиб чақирган бўлсам, чақиргандирман, – сир бой бермади капитан.

– Доктор, анави киши яраланган экан, каранг, – деди бошқа бир эркак, ҳамроҳига дурбинни узатаркан.

– Уни дурбинсиз ҳам илғай оламан, – рад этди “доктор” дея мурожаат қилинган кимса. – У киши ким?

- Билмадим, – мужмал жавоб берди капитан Уилли.
- Яхши, бўлмаса ҳозир билиб оласиз, – истехзоли кулди хунук даҳанли киши. – Қайиғининг рақамларни ёзиб олинг.
- Ёзиб олдим, доктор.
- Ўша ёққа сузиб кўрайлик-чи, – деди доктор.
- Сиз доктормисиз? – сўради капитан Уилли.
- Тиббиёт бўйича эмас, – деди унга кулранг кўзли эркак.
- Модомики, доктор эмас экансиз, у ёққа сузолмайман.
- Нега?
- Агар унга ёрдамимиз керак бўлганида, ўзи ишора қилган бўларди. Кўмагимизга муҳтож эмас экан, демак бу бизнинг ишимиз эмас. Бу ерда ҳамма ўз ишини қилишни маъқул кўради.
- Жуда соз. Унда сиз ҳам ўз вазифангизни бажариб, бизни анави қайик тарафга олиб боринг.
- Капитан Уилли эса қайиғининг эски моторини тарриллатиб оқим бўйлаб сузиб кетаверди.
- Гапимни эшитмадингизми?
- Эшитдим, жаноб.
- Нима учун буйруғимга бўйсунмаяпсиз?
- Сиз кимсизки, менга буйруқ берасиз? – тутақиб кетди капитан.
- Мен билан ишингиз бўлмасин. Айтганимни бажаринг!
- Сиз ўзи кимсиз, деб сўраяпман?
- Яхши. Ахборотингиз учун мен ҳозирги кунда Қўшма Штатлардаги энг обрўли учта инсондан бириман.
- Унда Ки-Уэстда нима қилиб юрибсиз?
- Докторнинг шериги олдинга эгилишди-да:
- У Фредерик Гаррисон бўлади, – деди.
- Унақа одам ҳақида эшитган эмасман, – писанд қилмади капитан.
- Яхши, олдин эшитмаган бўлсангиз, энди эшитасиз, – деди Фредерик Гаррисон. – Искирт, хароба шаҳарчадаги ҳар бир киши менинг кимлигимни билиб олади. Бунинг учун шаҳарчангизни ер билан битта қилиб кўмсам ҳам майли.
- Жуда ғалати экансиз-ку, – тўнғиллади капитан Уилли ижирғаниб. – Бунчалик обрўга қандай эришдингиз?
- У ҳукуматимизнинг энг йирик арбобларидан бири, – деди нариги киши.
- Ишонмайман, – капитаннинг ҳамон бўйин эггиси келмасди. – Шунчалик валломат бўлса, Ки-Уэстда нима қилиб юрибди?
- У бу ерга ҳордиқ чиқариш учун ташриф буюрган, – деб изоҳ берди валломатнинг котиби. – Яқинда генерал-губернатор бўлади...
- Бас, Виллис, – тўхтатди уни Фредерик Гаррисон. – Энди бизни қайик ёнига олиб боринг.
- Арбобнинг чехрасида бу каби вазиятлар учун одат бўлиб қолган табасум зоҳир эди.
- Йўқ, жаноб.
- Менга қаранг, сиз калтафаҳм балиқчи экансиз. Мен сизни туғилганингизга пушаймон қилдираман.
- Майли, – деди капитан Уилли.
- Менинг кимлигимни ҳали билиб оласиз.

– Гапларингнинг менга бир чақалик аҳамияти йўқ, – совуқконлик билан деди капитан.

– Анави одам тақиқланган ичкилик сотувчилардан бири, тўғрими?

– Нималар деяпсиз ўзи.

– Уни қўлга туширганларга мукофот берилса керак.

– Бундай деб ўйламайман.

– У жиноятчи.

– Унинг ҳам оиласи бор, у ҳам болаларини едириб-ичириши керак. Жин урсин, бу ерда, Ки-Уэстда ҳафтасига олти ярим доллар эвазига сизларга ўхшаган ҳукумат вакиллари учун тер тўқувчи одамлар нонини яримта қилмоқчимисиз?

– У яраланган. Демак, қандайдир можарога йўлиққан.

– Шунчаки ўйин қилиб, ўзини ўзи отган бўлса керак.

– Сиз бу жиноятчини ҳимоя қиляпсиз. Ҳозирок ўша қайик олдига сузасиз, биз эса анави эркак билан қайикни полицияга топширамиз.

– Қаёқдаги полицияга?

– Ки-Уэстдаги.

– Сиз полиция амалдоримисиз?

– Мен сизга унинг ким эканлигини айтдим-ку, – деди котиб.

– Яхши, – деди капитан Уилли. У рулни ўзига тортди-да, қайикни бурди. Қирғоққа шу қадар яқин келдики, моторнинг парраги оҳақгилни ҳар томонга соча бошлади. Қайик бутазор орасида турган Гаррининг қайиғи томон тариллатиб сузиб кетди.

– Куролингиз борми? – деб сўради Фредерик Гаррисон капитан Уиллидан.

– Йўқ, жаноб.

Фланел кийим кийган икки эркак энди қайикнинг қуйруғида туриб ичкилик ортилган қайикқа тикилишарди.

– Бу иш балиқ тутишдан қизиқарлироқ экан-а, доктор? – деб сўради котиб завқ билан.

– Балиқ овлаш ҳам иш бўптими?– писанда қилди Фредерик Гаррисон.

– Энг катта болта балиқни тутдинг ҳам дейлик, уни нима қиласан? Уни ея олмасанг. Мана бу эса жуда қизиқарли ҳодиса. Бу қайикдаги вазиятни бир карашдаёқ фаҳмлаб, яйраб кетдим. Ярадор экан, анави киши ҳеч қаёққа қочолмайди. Денгизда бу ишни эплаш мушкул. Қайиғининг рақаминиям биламиз.

– Менимча, уни бир ўзингиз ҳам тутоласиз, – деди котиб қойил қолиб.

– Тағин қуролсиз, – деди Фредерик Гаррисон.

– Махфий полиция кўмагисиз, – қўшиб қўйди котиб.

– Махфий полиция бошлиғи Эдгар Гувер ўзини кучли деб лоф ураверсин, – деди Фредерик Гаррисон. – Менимча, биз унга жуда катта ваколат бериб юборганмиз. Қайиғимизни анави қайикқа тақаб боринг, – деб буюрди у капитан Уиллига. Капитан моторни ўчириб, қайикни оқим ихтиёрига қўйди.

– Ҳой, – деб чақирди у нариги қайикдагиларни. – Бошларингни эгиб туринглар.

– Нима дедингиз? – деди Гаррисон аччиқланиб.

– Овозингизни ўчиринг, – капитан Уиллининг ҳам тепа сочи тикка бўлганди. – Ҳой! – деб бақирди у яна нариги қайикқа. – Гапимни эшит,

қайиқни шу ерда қолдириб, шаҳарга хотиржам кетавер. Қайиқдан хавотир олма. Улар қайиқни тортиб олишмоқчи. Юкингни тушир-да, шаҳарчага бор. Бу ерда, менинг қайиғимда Вашингтондан келган бир жосуссифат жаноб ўтирибди. Президентдан ҳам каттароқман, деб лоф ураяпти. У қайиқ рақамини ҳам ёзиб олди. Ҳой, мен сени сира кўрган эмасман, шундай экан, кимлигингни ҳам билмайман. Агар бир гап бўлса, сени барибир таний олмайман.

Оқим оқ қайиқни четга суриб кета бошлади. Капитан Уилли эса ҳамон жон куйдириб бақирарди: – Бу ерларни мен билмайман. Бу жойга қандай қайтиб келишни ҳам билмайман.

– Майли! – нариги қайиқдан овоз келди.

– Мен бу валломатни то қоронғи тушгунча балиқ овлатиб юраман, – деб кичкирди капитан Уилли.

– Майли!

– У балиқ овлашни яхши кўраркан, – гумбурлаган овозда кичкираверди Уилли. – Бирок, энағар, бу ернинг балиғини еб бўлмайди, дейди.

– Раҳмат, ака, – Гаррининг овози келди.

– Ўша йигит сизнинг укангизми? – деб сўради Фредерик Гаррисон, унинг юзи қип-қизариб кетган, бироқ қизиқувчанлиги босилмаганди.

– Йўқ, жаноб, – деди капитан Уилли. – Бу ердаги қайиқчилар бир-бирини ака-ука деб чақиришади.

– Ҳозироқ Ки-Уэстга қайтамиз, – деди Фредерик Гаррисон; лекин гапининг оҳангида қатъият йўқ эди.

– Йўқ, жаноб, – рад этди капитан Уилли. – Сиз жаноблари мени бир кунга ёллаб олгансиз. Мен берган пулингизни ҳалоллаб олмоқчиман. Мени эси паст дедингиз, лекин шундай бўлсаям сизни кун бўйи қайиқда сайр қилдираман.

– Ки-Уэстга сузинг, – деди Гаррисон яна.


– Хўп бўлади, жаноб, – деди капитан. – Фақат сал кейинроқ. Кулоқ солинг, болта балиқ ҳам худди мерлан балиғидек эса арзигулик неъмат. Уни Гавана бозори учун сотган пайтларимизда худди мерлан балиқдай бир фунтига ўн центдан ишлаб олардик.

– Вайсашни бас қилинг, – деди Фредерик Гаррисон.

– Ўйлашимча, бу каби савдоларга ҳукумат кишиси сифатида албатта, қизиқиш билан қарайсиз. Шу каби биз ейдиган ёки фойдаланадиган нарсаларнинг нархи сизни қизиқтирмайдими? Уларнинг нархини яна-да оширсак қандай бўларкин? Нонни янаям кимматроқ, харидоргир балиқни эса арзонроқ қилсак?

– Вайсашни бас қилинг, – деди Гаррисон.

(Давоми келгуси сонда)





ФИН ШЕЪРИЯТИ

*Рус тилидан
Рустам МУСУРМОН
таржимаси*

Эдит СЁДЕРГРАН

1892 йилнинг 4 апрелида Петербургда ўзига тўқ финляндиялик швед оила-сида туғилган. Невский шоҳкўчасидаги нуфузли немис хотин-қизлар гимназия-сида ўқиган. Мюссе, Рильке, Стриндберг асарларини кўп мутолаа қилган. Гим-назияда ўқиётган пайтдан бошлаб шеърлар ёза бошлаган. Эдит Сёдергран Европа заминида кечган ниҳоятда оғир ва таҳликали даврда яшаб ижод қилди. 1916 йилда Хельсинкида биринчи шеърлар тўплами “Шеър” номи билан нашр этилади. Бадиий маҳорати ҳаётлигидаёқ муносиб эътироф этилган. Фран-цуз символизми, немис экспрессионизми, рус футуриزم ижодкорнинг шаклла-нишига кучли таъсир кўрсатади. У фин-швед шеърлятига биринчи бўлиб мо-дернизм ижодий йўналишини олиб киради.

Болалигидан мерос бўлиб қолган касаллик хуружи туфайли 1923 йилда 31 ёшида Райволда вафот этади. Вафотидан сўнг “Топилмас замин” номли ик-кинчи китоби нашр этилади.

ЮЛДУЗЛАР

*Тун чўкди.
Пешайвонга чиқдим, тингладим,
богда гужум-гужум юлдузлар,
қоронгулик ичра пойлаб турдим жим.
Эшитдингми, жаранглаб синди бир юлдуз,
сира оёқяланг юрма ўтлоқда:
богимда юлдузлар синиги гиж-гиж.*

СЎЗ

*Ўтли сўз, чиройли сўз, теран сўз...
Бу – қоронгуда кўринмайдиган гуллар ифори.
Уларнинг ортида – чексиз кенгликлар.
Балки бу – севгининг оташ гулханидан
ўрлаётган ҳалқа-ҳалқа дуд?*



ҲАЁТНИНГ ОПАСИ

Ҳаёт – ўлимга ўхшар,
 ҳаёт билан ўлим тус опа-сингил.
 Ўлим – ҳаётга ўхшар:
 уни эркалагин, қўлларидан тут,
 унинг сочларини силагин –
 жилмайиб гулдаста тутар сенга у.
 Унинг кўкрагига юзларинг яшир –
 кўзларини юмиб шивирлайди: бўл!
 бироқ феъли
 сингисига ўхшамаслигин айтмас.
 Рангпар-кўкиш юзларини
 тупроққа босиб ётмас.
 оппоқ, тоза тўшакда
 чалқанча тушиб ётмас:
 ёноқлари қирмизи, гул-гул
 кезиб юрар дунёда сарҳуш,
 ҳамма билан бир хил гаплашади ул.

Гул юзлари майин, қадрдон,
 нозиккина қўллари билан
 юрагингни ушлар ногаҳон.
 Унинг бармоқлари теккан юракни
 сира иситолмас ўт ҳам, қуёш ҳам,
 Унинг қўли теккан юрак
 музлаб қолар муздан ҳам совуқ,
 тошдек қотар, ҳеч кимни севмас.

МЕНИНГ РУҲИМ

Менинг руҳим гапиришини ҳам, ишонтиришини ҳам билмас,
 менинг руҳим фақат йиғлашни, кулишни,
 бармоқларимни қарсиллатиб қайиришини
 билади, холос.
 Менинг руҳим эслаб қолишни ҳам, ҳимоя қилишни ҳам билмас,
 менинг руҳим ҳукм қилишни ҳам, исботлашни ҳам билмас.
 Болалигимда қизил атиргулни кўргандим илк бор,
 энди ёнимдаги гул бегона, рангсиз,
 Бироқ мен ундан
 пари аждаҳодан кўрққанидай кўрқмайман.
 Рицар қутқарган паллада қирмиз ёноқ эди пари,
 менинг эса кўзларимнинг тагида
 қора ҳалқа, қора ҳалқа.

Ууно КАЙЛАС

Ууно Кайлас 1901 йилда туғилган. Замонавий фин шеърятининг ёрқин намояндаларидан бири. Матти Куусининг шоир ҳақидаги: “Кайлас буюк, умрибоқий, биз уни илоҳийлаштирамиз”, деган сўзлари шеърят оламида машҳур. Адабиётшунослар эса Кайлас шеърятини жаҳон адабиёти хазинасидаги гавҳарлардан биридир, дея эътироф этишади. Кайлас “Шамол ва бошоқ” (1922), “Денгизчилар” (1925), “Кўзим кўзингга тушди” (1926), “Оёқяланг” (1928), “Уйқу ва ўлим” (1931) номли бешта шеърый тўплам муаллифи. 1933 йилда вафот этган.

БОЛАНИНГ УЧҚУР ХАЁЛИ

Тоғдан сирпаниш

Осмон – қалин қорли, музли баланд тоғ.
 Қуёш олтин чанага миниб сирпанчиқ ўйнар.
 Ерга гуп-гуп ёғар ялтир-юлтир қор.
 Ўрмонга тушар қуёш юзи қизариб.
 Сўнг ўйиндан зеркииб уйига қайтар.

Осмон – оқ қорли тоғ,
 қувноқ ўйингоҳ.
 Тоғ устидан ҳар кун сирпанар қуёш.
 Ҳар кун қия ердан чанасин тортиб,
 Баланд тоққа яёв чиқади қуёш.

Ақлсизлар ва ақллилар

Қуёшнинг юзига қараб куламан,
 У ҳам кулар менга қараб.

Қуёшга қараб кулиш, ахир, нодонлик.
 Менинг онам ва отам,
 менинг тоғам ва холам
 ҳеч қачон кулмаслар қуёшга қараб.
 Улар – катта одамлар.
 Катта одамлар – улар ақлли одамлар.
 Ақлли одамлар эса ҳеч нимани кўрмаслар.
 Ақлли одамлар ҳеч нимани тушунмаслар.
 Ақлли одамлар ҳеч нарсани билмаслар қуёш ҳақида.

Менинг эсим йўқ-да, ақлсизман-да –
 Нуқул кулавераман қуёшга қараб.
 Қуёш, сен ҳам ақлсизга ўхшайсан мендек.
 Ақллилар устидан куламиз, қуёш!

Катри ВАЛА

Катри ВАЛА (ҳақиқий исм-фамилияси Ваденстрём Карин Алисе) фин шоираси ва публицисти. 1901 йил 11 сентябрда туғилган. Адабий фаолияти-ни ёзувчиларнинг “Туленкантаян” (“Машъаладорлар”) тўғарагида бошлаган. “Олис боғ” (1924), “Кўк қопқа” (1926), “Қайтиш” (1934), “Ёнаётир жонажон ошён” (1942) шеърий тўпламлари нашр этилган. 30-йилларда фашизмга қарши оммавий чиқишлар қилган (“Рух ва материя ёхуд ёлғиз аёлнинг чангютгичи” шеъри машҳур). Иккинчи жаҳон уруши даврида Швецияда яшаган, 1944 йил 28 майда вафот этган. 1945 йилда шоиранинг хоки Хельсинкига кўчирилган.

САМОЛЁТГА

Чин ҳаётга эврилди эртак.
Самолёт!
Сен одам ундирган бир улкан гулсан,
сен оппоқ дур, кумуш гулсафсар;
Сен ҳаворанг кўлда ўсасан,
ҳамда қуёш нури таралган
замин узра қанот ёзасан,
жуда баланд-баланд учасан.
Илдизинг узилиб қолади ерда,
поянгни қолдириб кетасан ерда,
сенинг гўзал гулгунчанг
очилади фақат
осмонда!

Фазода
гулбарглари орасидан
ерга қарайман.
Эҳ, нақадар бахтиёрман.
Нақадар яқин осмон,
одам кўкда ундирган гулга
Худонинг нигоҳи тушади.
Бу мўъжиза, янги кашфиёт;
номаълум диёрларни
кашф этмоққа ошиқиб,
елаётган кема янглиг
олисларга интиласан,
сержило гулгунча.
Кашф этишининг севинчли ва
эҳтиросли орзуси
ўртайди дилимизни.
Қаердасан, ҳали оёқ етмаган
гаройиб маъво?
Янги кенгликлар бор тақдиримизда.

БАХТ

Тушларингнинг ёнида уйғондим,
қўлларимни чўздим нафасларингга.
Тунда саҳрода қолган йўловчи
ёнаётган гулханга
қўлларини тутиб,
ҳузур билан
иситмайдими
шундай?

ҚИСМАТ

Тонгда мендан сўради дўстим:
“Нима учун уйқунгда кулдинг?
Кулгинг шундай қайғули эди...
Дардинг шундай кучлими ҳамон?”

Мен унга жавоб бердим:
“Кеча қайтиб келган эдим,
эртага эса – кетаман.
Тушлар билан менинг ишим йўқ”.

“Кулдинг-ку, ахир?”
“Бир ҳўкизни кўрдим тушимда.
Эгатларга экар эди
нафис атиргул...
Мана нимага кулдим.
Юрагимга санчилди
шу гул тикани –
мен кулдим”.

ТУНГИ ОСМОН

Осмоннинг зангори даласи
бўрон билан қилинган шудгор,
юлдузларнинг кумуш дони экилган –
олмосдек бебаҳо донлар юлдузлар...

Ким ўроқчи бўлар?
Ой ўроғи билан
галла ўрар ким?

Аня ВАММЕЛВУО

(Аня) Лайло Хемминки Ваммелвуо шоира, адиба, драматург. 1921 йил 7 октябрда туғилган. Онаси фин аёли Хульда Мария Селин, отаси эса петербурглик Алексей Веселов номли рус савдогари бўлган. Хельсинки университетида таҳсил олган. “Қуёш қизи” номли илк шеърлар китоби 1943 йилда нашр этилган. Икки роман, драма, ҳикоя ва шеърлар тўпламлари муаллифи. Финляндиянинг Pro Finlandia номли адабиёт ва санъат соҳасидаги юксак давлат мукофоти билан тақдирланган. 1988 йил 66 ёшида вафот этган.

ВАСИЯТНОМА

*Мардлар кўндир бу дунёда!
Халқ гамидан қочиб улар
қўрган ўраб олмайдилар!
Улар деразалари панжараланган,
пардалар билан тўсилган
уйлардан бахт изламаслар,
кулбасида елвизак эсадиган
қўшилларнинг устидан
мийиқ тортиб кулмаслар.*

*Мардлар бордир – мардлар бор!
Уларга Ватаннинг тақдирини
ишониб топшираман
васият қилиб.*

ОТАЛАР ЮРТИДА

*Ҳорғин ҳам қудратли руҳларга
бағишлаб шеърлар яратдим.
Хотиржам изғиб юрган руҳларнинг
қадамлари остида
кузги япроқлар каби
шитирлайди шеърларим.*

*Улар тупроққа айланадилар
оталарнинг юртида.*

* * *

*Азизим, ўзингни тут,
Ватан тоғларидан жарга қулама,
қояларнинг тошларига
тирноқларинг билан тирмаш.*

*Маҳкам тирмаш, қулама зинҳор,
эҳтиёт бўл, пастдаги водий –
тоғдан қулаганларга мазор,
қулаганлар – тирик-ўликлар.*

*Биз чидайлик, қулаб тушмайлик!
Тошга ботсин тирноқларимиз,
чангалимиз айлансин тошга,
йиқилмайлик тогдан ҳеч қачон,
бекорларга ўлиб кетмайлик.*

*Чўққиларда бизнинг сўзимиз
қоялардан кутар
акс-садо.*

Эйла КИВИККАХО

Шоира ва таржимон 1921 йил 2 февралда Сортавала ўлкасининг Ваккосалми қишлоғида туғилган. 1940 йилда Хельсинки университетига ўқишга кирган. 1942 йили биринчи шеърлар тўплами нашр этилган. Уруш даври фожиалари ҳақида бир неча китоблар ёзган. Шоиранинг ҳаётлигидаги охирги “Танланган шеърлар” номли китоби 2000 йилда нашр этилган. 2004 йил 21 июнь куни Хельсинки шаҳрида вафот этган.

ТАШХИС

*Юрагинг қулбасин могор босган, нам,
ёғоч деворлари чирик, бенаво.
Остона ҳатласа таққиллаб пошнам,
эшик очса қўлим – дардига даво.*

*Қулба деворларин чиритар ҳижрон,
висолсиз тонг отса нурсиз бўлур кун.
Қулба қадамларни қўмсаган ёмон –
юрак айрилиқдан зада бўлган, хун.*

*Қулба, ёр қадами билан шовқин қил,
ўчоқни ёқ, қишиги кўз ёшни қурит.
болор-ёғочларинг барг ёзсин яшил,
юрақдан ҳажру гам могорин арит.*

СУКУНАТ

*Бутоқлар сояси ҳузурбахш, ҳамдам,
шамол ипак каби майин багоят.
Бўсагамдан босиб оҳиста қадам,
уйимдан далага чиқар сукунат.*

*Сўнг ёғоч курсида ўтирар бирпас,
сўнг “қайга борсам...” деб хаёлга толар,
севганим туфайли бўлиб ҳамнафас,
бир умрга менинг ёнимда қолар.*

АЁЛ

Мен дарахт бўлганимда эди
илдизларимни суғуриб,
чоғиб борар эдим
сенинг деразангинг ёнига.

Афсуски, мен дарахт эмасман,
деразамнинг ёнида
сени кутиб ўтирибман
ёлғиз.

ГАЛА

Учар қушлар галаси
омоч каби
осмонни тенг ёриб борар
йўл бошида.

Фақат кўзланган ерга қўнар
қушлар галаси.

КУЧ

Тамганинг
оташи доирасида –
темир этикнинг изи.

ЧИЗМА

Булутлар настга тушди
ва дарахтларнинг
япроқсиз, яланғоч шоҳларига айланди.

АСЛ МАНБАДАН

Сукутнинг харсангтошдек
бўлаги устида
тер тўкиб ишлайди
айтилмаган сўз.

Эва-Лиза МАННЕР

1921 йилнинг 5 декабрида Хельсинки шаҳрида туғилган. “Қизил ва қора” номли илк шеърлар тўплами 1944 йилда нашр этилган. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр Финландия модерн адабиётининг йирик намояндаларидан бири саналади. Театр ва радио учун драматик асарлар ёзган. В.Шекспир, Льюис Кэрролл, Ҳерманн Хессе ва Франц Кафка асарларини она тилига бадиий маҳорат билан таржима қилган. 1995 йилнинг 7 июлида вафот этган.

БУНДА

Мендан ёлғизлик тўлқини таралар,
буталар ичига кирар шитирлаб,
югуриб қочади дарахтлар,
ҳурпайиб йўргалар сувсарлар.
Совуқ олисларга чекинар оқшом
музликларнинг узоқ чеккаси янглиг,
аёзда жонсиз қотар митти жониворлар,
шоҳларга ёпирилар фалак гумбази,
ёлғизлик дарахтдан дарахтга
кўчар тош каби.

Бепоён кенгликлар,
ҳамма томон қор.

ХИЛВАТ ЎРМОНДА

Мен – дарё бўйига келгач
сувда ўз аксин кўриб,
чўкиб кетдим деб ўйлаган
гўл бугига ўхшаб қолдим.

Ўша бугу ўз аксин
бошқа бир бугу дея
ўйлагандир эҳтимол?

Бироқ бунинг фарқи йўқ.

Фақат ўзимга ўхшашига ҳаракат қилишим зарур.
Мен ўзим тасаввур қилган одамга ўхшашига
уринишим керакмас,
мен ўзим ҳавас қилган одамга ўхшашига
уринишим керакмас,
сенга, унга ёки бошқа бировга ўхшашига
уринишим керакмас.

Ўзлимнинг барқарор бўлиши
сув бўйида аста-секин ечинишимга,
ҳамда шахсиятимнинг либосларини
қиргоқ яқинида қолдириб,
сузиб кетишимга ўхшайди.

Нариги қиргоққа етгунча
муттасил сузишим шарт;


Бир бор элас-элас
ўзлимнинг номаълум соясини кўрдим,
у сув бўйидан қиялаб қиргоққа чиқди,
сўнг секин ўрмон ичига кирдию
қайтмас бўлиб
йўқолиб кетди.

* * *

Сен томонга елдим, интилдим
ёй ўқи нишонга учгани мисол.
Бироқ нишон ўқни танимади ҳам.

* * *

Энди эса мусиқанг ичинда музни парчала,
Бундан математика пайдо бўлади.
Музни қиздир энди мусиқа билан.



Ольга ГУРЬЯН

(1899–1973)

БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИ

Қисса

*Рус тилидан
Маҳкам МАҲМУДОВ,
Зайниддин БАҲРИДДИНОВ
таржималари*

БИРИНЧИ ҚИСМ¹

САРКАРДА ФАНЬ БОШПАНА ИЗЛАЙДИ

Ҳали тонг отмасданок амалдор Цзюй Унинг саройи дарвозаси ёнида катта тантаналар бошланди. Одамлар оқими Янь давлати валиаҳди Дань саройига эрталабки саломга кела бошладилар.

Жанубий дарвозага яқинлашганда сарой маслаҳатчиси Цзюй У ёнидаги ташкачилар, супурувчилар ва тан кўриқчиларига тўхташни буюриб, ўзи сарой томон йўл ола бошлади. Орқадагилар эса ялангликда чўккалаб олганча энглари орасидан суяк ва сопол ошиқларини чиқариб, ўйинларини бошлаб юбордилар. Уларнинг ёнига сахро ва чўллар орқали йўл босиб келган ўзга ерлик карвон соқчилари, йўл бошловчилари, фаррошларининг маҳофачилари² ҳам кўшила бошлади.

Сарой кўриқчилари амалдор Цзюй Уга биринчи дарвозадан киришига рухсат беришди. У дарвозадан ўтиб, биринчи кенг ва ёруғ залга кирди. Бу ерда жимлик ҳукм сураб, одамлар шивирлашиб сўзлашардилар. Фақат аҳён-аҳёндагина отларнинг кишнаши, пўлат учли найзаларнинг тош деворларга тегиб жаранглаши эшитиларди. Цзюй У маҳофадан тушди. Мулозимлари шошмасдан, бир қисми отларни кўриқлашга киришди, қолганлари эса амалдор орқасидан иккинчи дарвоза томон юра бошлашди. Иккинчи зал аввалгисидан ҳам кенг ва катта эди, деворларидаги оппоқ тош қопламалар тонг нурида ялтирарди. Ҳовли ўртасидан оқиб ўтувчи анҳор туташган супалар ҳам оппоқ тошлар билан безатилган. Тош супалар бўш, баъзи жойларда тошлар орасидан ўтлар кўкариб чиққан эди.

¹ Журнал варианты.

² Маҳофа – от ёки одам кўшиладиган усти ёпиқ арава.



Бу манзарани кўриб Цзюй Унинг юраги орзиқди, нималардир эсига тушди. Бир вақтлар тарошланган бу оппоқ тошлар устида курбонликлар учун ишлатиладиган зарҳал бронза қозонлар турарди. Бундан эллик йиллар муқаддам Янь давлати Ци мамлакати кўшинини тор-мор келтириб, бош шаҳри Линьцзи талон-торож этилганда бу қозонлар ўлжага олинган эди. Бу унинг болалик хотиралари. Бундан йигирма беш йиллар аввал Чжао мамлакати кўшини Яннинг Си-ван шаҳрини қамал қилганида у навқирон йигит бўлган. Ёвуз Чжао қамални бўшатиб, ушбу қозонларни ўзи билан олиб кетганлигини у алам билан эслади. Мамлакат бахт-саодати ҳам қозонлар билан бирга кетгандек эди.

Цзюй У мулозимлари билан кўприкдан ўтар экан, анҳорнинг лойка яшилранг сувида ҳеч қандай акс кўринмасди. Бу кичик тантанали юриш қатнашчилари яна бир зинапоядан кўтарилиб, шарқ томон бурилдилар ва икки баланд деворнинг оралиғидан ўтиб, учинчи шарқий дарвоза олдида тўхтадилар. Тўқ бўёқли дарвоза эшиклари фақат Цзюй Уга очилди, мулозимлари ўз хўжайинларини жимгина кузатиб ортда қолишди.

Хувуллаган осуда кузги боғда дарахтлар олтинранг хазон япроқлар билан безанган эди. Бу ерда қачонлардир сарвлар соясида шохи бугуниқига ўхшаш, илондумли, хўкизтуёқли, танаси ҳам хўкизникига ўхшаш, аммо усти балиқ тангачалари билан қопланган қандайдир бир ваҳший ҳайвоннинг ҳайкали турарди. Ўша ҳайкални ҳам Чжао кўшини идишлар билан бирга кўшиб олиб кетишганди. Уларнинг қувончлари узоққа бормади. Бир йилдан кейин Цинь кўшинлари Чжаога хужум қилиб, унинг пойтахти Хэньданни забт этдилар, ҳукмдорини асир олдилар ва бойликларини талаб кетдилар.

– Эй, осмон руҳлари! – ўзича гапирарди Цзюй У. – Агар бундай қирғинлар тўхтовсиз давом этаверса, бу ёруғ оламнинг аҳволи не кечаркин? Юртимни парчаланиб кетишдан сақланг.

Маслаҳатчи нақшлар билан безатилган тош йўлаклардан ўтиб, ҳукмдор ва олимларни, амалдорларни қабул қилувчи олий даргоҳ томон юрди. Чапдаги шийпонда эса ҳарбий амалдорлар тўпланган эдилар.

Цзюй У қабулхонага кириб бўш ўрин топиб ўтириши биланоқ унга шахсий кўрикчилардан бири яқинлашиб, уни валиаҳд йўқлаётганини айтди.

– Валиаҳд амрига мунтазирман, – деди маслаҳатчи ва хизматкорга эргашди.

Валиаҳд паст ва кенг курсида оёқларини чоғиштириб ўтирарди. Унинг устидаги қора шойи уст кийими ва бошидаги олимлар киядиган қалпоқ соч турмагига ёпиштирилганди.

– Сиз билан маслаҳатлашиб олмоқчи эдим, – деди валиаҳд Цзюй Уга.

– Хизматингизга тайёрман, – деди тавозе билан Цзюй У таъзим қилиб.

Валиаҳд Дань бошқа сўз айтмади. У қўлини кўксига кўйиб йўғон бармоқларни ўйнатганча жимгина ўтирарди. Цзюй У эса тиззалаб ўтирганча чидам билан унинг оғзини пойлар эди.

– Туринг, мураббий! – деди ниҳоят валиаҳд. Цзюй У ўрнидан туриб валиаҳднинг амрини кутди.

– Ўтиринг, мураббий, – деди энди валиаҳд Дань. Цзюй У ўтирди.

Валиаҳд чуқур хўрсиниб олгач, деди:

– Сиз Цинь саркардаси Фанни биласизми? Унинг исми Юй-ци. Хукмдори жаҳл қилиб, уни жазоламоқчи экан, у биз томонга қочиб келди ва менинг оёғимга бош урди. Мен унга бошпана бердим.

– Нима қилаётганингизни ўйлаб кўринг, қиблаи олам! – деди Цзюй У ҳаяжон билан. – Наҳотки, шу йўл билан аждар бўйнидаги аррасига қўл теккизганингизни билмасангиз.

– Тушунмадим, – деди валиахд Дань. – Гапимга эътироз билдиришга қандай журъат этдингиз? Мен аллақачон болалик либосини ечиб, улуғлик тўнимни кийганман. Энди мураббийга зор эмасман. Энди мен билан катталардек гаплашинг! Аждар бўйнидаги арралар дедингизми?

– Агар сиз аввалги сабоқларни унутмаган бўлсангиз, – деди Цзюй У, маълумингизким, аждарлар кишиларга нисбатан хайрихоҳдирлар. Аммо унинг бўйнида алам арралари бор, унга тегиб кетилса борми, тўғри келган нарсани ямлай бошлайди.

– Буни яхши биламан, – деди валиахд Дань, – мен сиздан кимни аждар билан тенглаштираётганингизни сўраяпман.

– Албатта Чжэн Ванни-да...

– Бундай ўхшатиш мени ҳайрон қолдирыпти, – дея гапни чўрт кесди валиахд. – У биз учун ашаддий душман, ярамас қотил. Сиз эса уни аждарга тенглаб мақтаётирсиз. Ахир, аждарлар оби ҳаёт ёғдирувчи булутларнинг хукмдори ҳамда қўллар хукмдоридир. Агар улар биздан юз ўгирса, мамлакат харобага айланади. Аждарлар ерга ҳаёт бахш этади. Мен эса ўша ланъати Цинь махлуқини бошқа ваҳший ҳайвонга ўхшатган бўлардим.

Цзюй У валиахднинг сўзларини сабр-тоқат билан эшитди ва эҳтиром билан тушунтира бошлади.

– Шундай бўлса ҳам, қиблаи олам, такрор айтаманки, сиз нима қилаётганлигингиз ҳақида яна бир ўйланг! Сиз ҳозир давлат ворисисиз, озгина эҳтиётсизлигингиз сабабли... Биласизки, Янь кичик бир мамлакатдир. Унда атиги олти юзта жанг аравасини ёки олти минг лашкарни ҳам тўплаш амримаҳол. Циннинг отлик жангчилари бир неча юз мингни ташкил этади. Ер юзида Цинь каби кучли мамлакатни топиш қийин. У йилдан-йилга ҳудудларини кенгайтормоқда. Ци мамлакатига тортаётган қўшин сони кундан-кунга кўпаймоқда. Чу давлатига ҳужумни кенгайтириб, олтин подшолик аталмиш – Учта Цзинь – Чжао, Вей ва Хань юртларини босиб олди. Бу ишда уларга Иблис ёки парилар ёрдам бераётибди, шунинг учун ҳам улар ҳужумини қайтариш қийин бўлаяпти, деб ўйлаш мумкин. Ҳозиргача Хань қўшинини енгилмас деб ўйлашарди. Чунки унинг камончилари осмондаги бургутнинг кўзидан урадиган бўлиб, энг яхши камонлар айнан шу Хань мулкида тайёрланади. Ҳар бир Хань сарбози олдинга юраётиб камондан кетма-кет юзтагача ўқ бўшатишга қодир. Қилич ва ойболталари шунчалик кескирки, от ёки каркидонни бир уришдаёқ, иккига бўлиб ташлай оларди. Совут ва қалқонларидан жангда на камон ўқи на қиличу найза ўтарди. Энди қани ўша жанг санъати?! Цинь ҳаммасини йўққа чиқарди. Энди эса чегараларимизга тобора яқинлашиб келмоқда. Ана шулар юракларга гулгула солмайдими?

– Мен саркарда Фанга бошпана беришни ваъда қилиб қўйдим, энди сўзимдан қандай қайтаман? Осмон ости етти подшолиги уруш қилиб

бир-бирининг гўштини еб ётибди. Энди бунга кўникишимиз керак. Мен ҳеч кимдан кўрмайман ва саркарда Фанни ҳеч кимга бермайман, тирик эканман, айтганимни қиламан.

– Саркарда Фаннинг бу ердан бошпана топганлигини Чжэнь-ван билиб қолса нима бўлади? Бу худди оч йўлбарснинг йўлига лаҳм гўшт ташлангандек гап-ку?! Унда бу фалокатдан қочиб қутулиш қийин!

– Цинь олдида етти букилавёрсангиз, – деди валиаҳд, – мен сизнинг садоқатингизга шубҳа қиламан, сизнинг фикру ўйларингиздан сотқинлик хиди келмоқда, деб гумон қиламан. Эсингизда бўлса Хань ҳукмдорига унинг маслаҳатчиси: “Сигирнинг думи бўлгандан кўра, хўрознинг тумшуғи бўлган аъло”, – деган эди. Сизнинг сигир қўйруғидан нима фарқингиз борки, ўзингизни Цинь подшоси олдида ожиз сезмоқдасиз? Бу билан ўзингизга “Сигир қўйрук” деган лақаб ортириб оласиз, деб кўрқаман. – Хань Ванига маслаҳатчи мана шуларни айтган эди. Вань бу сўзларга чидаган эди. Мен ҳам чидайман. Саркарда Фанни ҳеч кимга бермайман.

– Цинь Ханни енгганлиги айни ҳақиқат, бундай хавф энди сизга таҳдид солмоқда, – дея овозини бир поғона кўтариб гапирди Цзюй У. – Хавфга юзма-юз бўла туриб, тинчлик-хотиржамликни; фалокат сари юриб, бахт-омадни ўйлаб, чуқурликни, бир одамга ҳомийлик қиламан деб, бутун бошли мамлакат хавфсизлигини ўйламаслик бу ўзни ҳалокат ва ўлимга маҳкум қилиш билан баробар. Ланғиллаб ёнаётган кўмирга оккуш патини тутсангиз ундан нима қолади? Агар Цинь Вань қутуриб ҳужум қилса, ўзингизни омон сақлай оласизми?

– Янь ва Цинь ҳеч қачон ёнма-ён яшай олмайди, – ўшқирди валиаҳд Дань. – Бу гапни бир ўйлаб кўринг, – дея қўли билан имлаб Цзюй Уга ижозат берди.

– Эшик ёпилгач, валиаҳд яширин чиқиш йўли пардасини кўтарди. Парда ортида бўйдор, қизил юзли, мўйловдор семиз бир киши турарди. Устида дабдабали кумуш безакли чопон, тумшуғи кўтарилган этик кийган бу одам Цинь саркардаси Фань Юй-ци эди.

– Эшитдингизми? – деди валиаҳд Дань. – Менинг мураббийим, олим Цзюй У сизни тутиб беришимни сўради, аммо мен рози бўлмадим. Энди сиз ўзингизга ажратилган уйда бамайлихотир дам олишингиз мумкин.

Саркарда Фань чуқур хўрсиниб кўйди-да, юқорига қаради. Унинг кўзларидан оққан ёш тўладан келган юзини юва бошлади. “Бу яхшилингизни ҳеч қачон унутмайман!” – деди кўз ёшларини енги билан артар экан.

Саркарда чиқиб кетгач, валиаҳд хизматкорга буюрди:

– Ботир Цзин Кэни ҳузуримга чорланг!

– Жаноби олийлари, – деди хизматкор, – ботир Цзин Кэ бугун кўринмайди, ҳойнаҳой бирон ерда кечаги ичкилик хуморини бостираётгандир.

– Келиши билан ҳузуримга киритинг, – буйруқ берди валиаҳд. – Ҳузуримда ким бўлишидан қатъи назар, майли, банд бўлсам ҳам кири-таверинг!

ЭРКАТОЙ ЦЗЮЙ ЦЗИНЬ ШИКОРГА ОТЛАНАДИ

Тонг отди. Куёш чарақлаб чикқан. Осмон тиниқ, зангори. Маслахатчи Цзюй Унинг эркатой ўғли Цзинь иссиқкина ётоғида барвакт уйғонди. Қисик кўзларини қўллари билан уқалар экан, уйга тушиб турган куёш нуридан билдики, ҳаво очик.

– Овга бораман! – деди хурсандчилигини яшира олмай. Ўриндиқ четида чўкка тушиб, уйқудаги болани кўриқлаб ўтирган хизматкор ўрнидан турди-да, бу ҳақда энагага хабар беришга югурди. Энага бир хизматкорни муаллимга хабар бериш учун юборди, бошқа бир хизматкорга эса бола учун ювиниш ашёларини тайёрлашни буюрди.

Муаллим Ю Ши дераза қаршисида боғда зағизғонларнинг шақиллашини кузатиб ўтирарди. Хизматкорни кўриб ўрнидан турди ва чуқур тин олганича Цзинь ётоқхонаси томон юрди. Боланинг ёнига келиб, ўзининг жуда безовта бўлганлигини билдириш учун кўлини силкитиб, узун енгини тушириб деди:

– Наньци у чжи – дунь те у ган... Бу билан у ғайратсиз одам тобланмаган темирга ўхшайди, демоқчи эди.

– Сиз, – деди у гапини давом эттириб, – ҳафта бўйи яхши ўқимадингиз. Доно отангиз, маслахатчи Цзюй У боланинг ахлоқини яхшиламасдан туриб, ўйинларга берилишини ман этган эдилар.

Цзинь муаллимга эркатой болаларга хос кўполлик билан жавоб қайтарди. У айтган сўзларни сўконғич отбоқар ва аравакашлар ҳам айтишга истиҳола қиларди. Хуллас, ҳеч ким ва ҳеч нима уни овга бориш фикридан қайтара олмаслигини билдирди.

Муаллим кўлини яна силкитиб узун енгини йиғишга, кийиминиғижимланган жойларини текислашга ҳаракат қилди, сўнг бурилиб кавуш кийган оёғини кериб юрганча ўз хонасига йўл олди.

Муаллим зағизғонлар сайрашига яна қулоқ тута бошлади. У олақанот бу қушларнинг “шақ-шақ” қилишидан доимо бир маъно излар, улар ҳамиша яхшилиқ келтиради, деб ўйлар эди. Ҳозир эса кайфияти ўта бузилганлигидан бу “ирим”га унчалиқ ишонмади. Бошқа иш ахтариб яна қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар саргардон кезишлар кўз олдига келди.

Ўсмир Цзинь ўриндиқдан сакраб турди, эшикда бош энага, кейин ёрдамчи энагалар пайдо бўлдилар. Уларнинг қўлларида куритилган қандайдир ўт боғламлари кўринарди. Улардан кейин хонага икки хизматкор қиз бўйи одам билан тенг сопол тосни кўтариб киришди, улардан сўнг эса тўрт нафар қиз қувачаларда иссиқ ва совуқ сув олиб киришди.

Цзинь англай олмай қолди, қизлар тезлик билан тосни ўриндиқ ёнига кўйиб, унга куритилган ўт боғламларини солишди-да, устидан иссиқ сув қуйишди. Икки энага Цзинни ечинтириб, тос ичига ўтқазишди. Кичик энага хушбўй ўтлар обдон ивигунча тосга сув қуйиб турди. Сув боланинг ияги тагигача келгач, катта энага Цзинни:

– Ювина қол, оппоқкина ғозчам. Ювинақол, менинг гўзал қоматли бамбукчам! Менинг баҳодир филим, чўмилақол! – дея эркаларди.

Цзинь ҳар гал тосдан сапчиб чиқишга уринганида энага унинг елкасидан охиста босиб, ўтқазиб кўярди ва ювинтириш шу тарзда давом этарди. Ниҳоят, Цзинга тосдан чиқишга рухсат беришди. Энага юмшоқ сочик

билан боланинг баданини артаётганда қорнидан тепки еди. Бу эркатой, бетийиқ Цзиннинг тепкиси эди. Энага қорнини ушлаганича икки букилиб қолди ва вой-войлаб бақирди:

– Вой, эркатой-ей! Сендан тепки ейман деб ўн тўрт йилдан буён энагалик қилган эдимми? – У оксоклана-оксоклана қизлар билан хонадан чиқди.

Цзинь дарҳол суворийбоп калта кийим кийиб, этагини белига қистирди, саҳтиён этигини оёғига кийди, бошига узун сочини ёпмаса-да, кичик рўмол танғиди. Буларни унинг ўзи, бошқаларнинг кўмагисиз ба-жарди. У жуда шошиларди. Ҳали замон отаси Вань саройидан қайтиб, воқеадан хабар топиши ва орзуси амалга ошмай қолиши мумкин эди. Агар муаллим уни отасига чакиб берса, таёқ еб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмасди. Отасига у доимо боланинг ўйинқароқлигини, фақат жазоламай рағбатлантириб турушлигини айтарди. Афсуски, унга мукофотдан кўра, кўпроқ жазо қўлланилар эди. Бу жазоларнинг кўп қисмини хизматкорлар ва кичкинтой дудуқ Цзеба билан баҳам кўрарди.

Цзинь отхона томон югуриб борар экан, Цзевани ҳам ёрдамга чакирмоқчи бўлди.

Цзеба ҳали уйғонмаган эди. У от жабдуғини ушлаганча ғужанак бўлиб ухлаб ётарди. Каттиқ турткидан уйғонган бўлса-да, биқинига тепган Цзинь тепкисини ҳис этиб, сапчиб ўрнидан турди ва отни эгарлашга тушган Цзинга ёрдамлаша бошлади. Катта отбоқар Цзинни бу ишидан қайтара олмади. Отга миниб олган Цзинь ва Цзеба ҳали отбоқар ёпиб улгурмаган дарвоза ташқарисига отилиб чиқдилар-да, катта йўл бўйлаб от чоптириб кетдилар.

Вақт жуда эрта эди. Шунга қарамай Янь мамлакати пойтахти Цзи уйғонган эди.

Сотувчилар кечаси оғир ёғоч панжара билан ёпилган дўконларини эндигина очишган эди, ичкаридан тонгги шафақда шойи газмоллар жилваланар, мис идишлар эса ярқираб кўринарди. Кўчада овқат пишириб сотувчилар аллақачон қозонлари тагига олов ёқишган, пиширилаётган бўтқаларнинг буғи аччиқ тутун аралаш кўкка кўтарилар, қўлларига овқат ейиш чўпи ва ёғоч ликобчалар ушлаган одамлар ғуж-ғуж бўлиб чордона курган ҳолда овқат тайёр бўлишини кутишарди. Уларнинг кўпчилиги фаррошлар ва ҳаммоллар, уларнинг ёнгинасида сартарошлар мижозларнинг соқолларини тартибга келтиришарди.

Катта майдондаги тут дарахти остида эса қассоблар семиз чўчка ва ит гўштларини аравачалардан туширишарди. Бир қассобнинг араваси бир филдиракли эди. Унда уйда ёлғиз қолишни истамаган отаси ўтирарди.

– Цзинь минган асов от югуриб келар экан, бозор ўртасида оёғи тойиб, кечадан буён маст ҳолда ўтирган бақалоқ йигитнинг устига лой сачратди, пушти рангли янги яктагини расво қилди. Йигит ўрнидан турди-да, бошига қўйиб ётган бўш кути устига чиқиб, мушт ўкталиб кичкирди:

– Ҳой бола, баҳодир Цзин Кэни эслаб қўй! Сачратган ифлос лой учун ҳали жавоб берасан, сен лой сачратган бўлсанг, мен балки қон сачратарман! – Шундай деди-ю, у тесқари қараб қандайдир бир қайғули кўшиқни куйлай бошлади. Унинг кўшиғини эшитган қассобларнинг ҳам кўзларига ёш келди.

*Дарада куй чалиб оқади дарё,
Биз унга боқамиз беғам, бепарво.
Доно дарёларни тингламаса ким,
Кеч қолмай топади шарафсиз ўлим.*

Қассоблардан бири Цзин Кэни туртиб кулоғига шивирлади.

– Тилинга эҳтиёт бўл! Бу бола каттанинг ўғли...

Шу пайт баҳодир Цзин Кэ дўконча томон югура кетди. Болакай эса ҳамон от чоптириб борарди.

Йўл бўйидаги баланд минора устида қоровуллик қилаётган сарбоз шу пайт пастга қараб тупурди. Тупуги Цзиннинг елкасига келиб тушди. У сарбознинг жазосини бериб қўймоқчи эди, аммо “осмонга тупурсанг, бетинга тушар”, деган мақол эсига тушди-ю, ҳеч нима бўлмагандек йўлида давом этди ва чиқиш дарвозаси томон от сурди.

Баланд деворли тор ва нимкоронғи йўлакдан бундан бир неча дақиқа аввал мевафурушлар шовкин-сурон билан сотадиган нарсаларини олиб, шаҳар ичига кирган эдилар. Энди эса кўплаб аёллар тўрваларга солинган ўрдаг-у ғозларни кўтариб, дарвоза олдида тўпланишган ва дарвоза очилишини сабрсизлик билан кутишарди. Ҳар ким паррандаларини шаҳар ташқарисидаги сув манбаларига тезроқ ёйиб боқишни истарди. Цзинь одамлар оқимига қўшилди, туртиниб-суртиниб, сўкиниб илгари юришга ҳаракат қилди. Шу пайт дафъатан унга юқоридан қараб турган икки-та даҳшатли башарага кўзи тушди. Унинг юзига оппоқ бўёқ чапланган, кўзлари юмалоқ, оғзи қийшайган бу кимсалар эртароқ ўз томошаларини бошламоқ илинжида баланд чўп оёқлари билан кўчаларга ошиққан саёк фокусчилар эди. Цзинь уларнинг бир-икки ўйинини томоша қилмоқчи бўлиб ортига қаради. Аммо қайтмади. Отга қамчи уриб тезроқ олға юришга қистади.

Нихоят, шаҳарнинг баланд дарвозаларини ортда қолдирди. Бироқ уста қосибларнинг кўримсиз уйлари, устахоналари, дўконлари, катта тош бўлаклари устига қўйилган ва оқиш кузги гуллар ўстирилган туваклар, бўёқчиларнинг ёркин ранглар билан бўялган матолари илинган узун таёқлар ҳамон болаларни таъкиб этарди.

Цзинь отини қамчилаганича ҳамон олға елиб борарди.

ҚОЯЛАР ЭТАГИДАГИ КУЛБА

Тиниқ куз осмонида жануб томонга учаётган ғозлар галаси яккол кўзга ташланарди. Қандайдир йигитча оила умиди, овул фаҳри бўлиб ушбу сўзни такрорлар эди:

– Ғозлар учар бурчак бўлиб, бу “аёл” маъносини англатар.

Цзинь ва Цзеба соатлаб пойтахтни бошқа шаҳарлар билан боғловчи йўл бўйлаб от чоптириб боришарди. Бу йўл баланд деворлар билан ўралган кўрғон ва кишлоклар, бепоён далалар, ўрмонлар, полиз ва экинзорлар, мазорлар оралаб ўтарди. Сўнг атрофи текислик бўйлаб қир-адирлар бағрига сингарди. Цзинь ва Цзеба катта йўл ниҳоясига етгач, энди сўкмоқ бўйлаб кетишмоқда эди. Улар юрган ёлғизоёқ йўл аввал юмшоқ тупрокли, кейин эгри-бугри, тор йўлларга айланиб, тобора баландлашиб борарди.

Тепадан ғозлар галаси учиб ўтаётганида Цзинь кушларга камондан ўқ узди. Ўқи нишонга етиб бормасданок, у: “Агар ўқ нишонга текканда ҳам, овчи ит бўлмаса, ўлжани қандай излаб топаман?” – деб ўйлаб қолди.

Шунда Цзеба итга ўхшаб “вовуллади” ва “воу-у-у-во-у-ув” дея кўлини орқасига пахмоқ дум килди.

Цзинь хохолаб кулди ва қарсақ чалди ҳамда завқ билан йўлини давом эттирди. Соялар эса тобора қисқариб борар, вақт тушга яқинлашар эди.

– Хў-хўжайин! – деди ниҳоят Цзеба. – Қорним очди.

– Аҳмоқ, – деди Цзинь. – Нега ғинғиллайсан, бу тошлар орасида сенга овқатни қаердан топаман? Ўзингни ғоз деб отиб кўяқолай!

– Хў-хўжайин! Мен ғо-о-оз эмасман, аммо ғоз е-е-егим келаяпти.

– Жим бўл, Цзеба аҳмоқ, дудук! Менинг ҳам қорним оч. Омадимиз келмаяпти. Бунга ким айбдор? Сабр қил, дудук!

– Хў-хўжайин, ана егулик! – дея Цзеба олд томонни кўрсатди.

Аввал Цзинь баргларнинг тебранишидан айқаш-уйқаш шох новдаларининг орасидан ҳосил бўлган нур жилоси туфайли кўзи қамашиб ҳеч нарсани ажратолмади.

– А-а-ана, у-у-ёқда, – деди Цзеба қатъий.

Шунда Цзиннинг кўзи илонизи бўлиб кетган йўлак тепасида қоятошга ёпишиб турган бир уйчага тушди. Аввал нега кўрмади экан? Энди унинг похол билан ёпилган томи, лой билан чапланган деворлари, хатто очик айвони унинг кўзига яққол кўринаётган эди. Хужра тепасида баргини бутунлай тўккан хурмо дарахти ва унинг шохларида осилиб турган икки-учта мўъжаз меваси кўзга ташланарди. Хужра томидан юқорига тутун ўрлаб чикмоқда эди.

Цзинь лабини ялаб, сўлагини култ этиб ютди-да, Цзебага ҳазил аралаш деди:

– Цзеба, ҳозир бизни ювуксиз деҳқон аёли вино ва унинг газаги билан меҳмон қилади, деб ишониб ўтирма.

– Э, йўқ хўжайин, – дея Цзеба, – бу деҳқоннинг хужраси эмас. Эҳтимол, бу уйча ҳориган йўловчиларнинг тўхтаб бироз дам олишлари, сув ичиб чанқоқ босишлари учун қурилгандир.

Улар гап билан бўлиб хужра остонасига келганларини сезмай ҳам қолишди. Шу пайт худди ўргимчак тўрига чивин илинишини кутиб тургандек эшик ланг очилиб, остонада уй бекаси пайдо бўлди.

Аёл қирқ ёшлар атрофида бўлиб, кўйлагининг этагини белига кистириб олган, ранги ўчган ҳолатда эди, сочи эса тўзиган, семиз билақларини белига тираб олганди. Цзеба аёлга қўрқа-писа қараб, бўйнини ичига тортди. Уй бекаси унга кўз қирини ташлаб олгач, Цзинга кулиб қаради ва деди:

– Садағангиз кетай, отдан тушинг хўжам, отингиз ҳам бироз дам олсин, узоқ йўл юриб чарчаганга ўхшайсизлар. Қандай ажойиб отингиз бор экан. Чарчабди отингиз.

– Қани тез бўл, бизга овқат тайёрла! – деди Цзинь тўнглик билан.

– Хўжам, – деди аёл Цзиннинг сўзларига эътибор бермай ва отнинг сағриси синалар экан: “Агар хизматкорим бўлганида унинг терларини артиб, совутиб, олдига сув, беда кўярди, шу билан бу жонивор яна куч тўплаб оларди. Аммо хизматкорим йўқ-да. Энди бу ишларни ўзим бажаришимга тўғри келади. Айвонга чиқинглар, овқат тайёр бўлгунига қадар дам олиб турсизлар”.

Цзинь яна кўполлик қилди. Уй бекаси ҳамон хафа бўлганини билдирмай, арзандани юпатарди:

– Агар уйимга сиздек улуғ зотнинг боласи ташриф буюришини билганимда, қаердан бўлса ҳам бир бўлак гўшт топиб келардим ёки эринмай ўзим овга чиқиб келардим. Сомса пишириб берардим. Ҳозир эса уйимда сабзавот тузламасидан бошқа ҳеч вақо йўқ.

– Алда-я, алда-я! – Цзинь уй бекасининг сўзини бўлди, – фақат сабзавот еб семирганингга ишонмайман. Турки-сумбатингга кара, бир қоп ёғсан-ку!

– Ха-ха-ха-ха, жуда ҳазилкаш экансиз-у, хўжам, – деди аёл, – бундай сўзларни сира эшитмаган эдим...

Аёлнинг илиқ муомаласи Цзинни бироз жаҳлидан тушурди, у бўйра устига ўтирди, муштуми билан ерни уриб бақирди:

– Менга егулик келтир! Гўшт келтир, қуш эти ҳам бўлсин, сабзавотларингни чўчкаларингга бер!

Уй бекаси мулойим жилмайиб:

– Хўжам гўшт егиси келган бўлса энди эт билан сийламасам бўлмас. Қўли ширин ошпазман, қовуришни ҳам, қайнатишни ҳам биламан. Уни шундай пиширайки, ҳар бўлаги хил-хил пишсин. Қайла тайёрлашни ҳам биламан. Шундай меҳмон қилайки, оғзингиздан сўлакларингиз оқсин.

У гапира-гапира болаларга яқинлаша бошлади. Яқинлашган сари қовоғи уюлар, чимирилиб, ғазабдан ёнаётган кўзлари устида қалин қошлари илон каби биланглар эди. Цзинь ўзини орқага олди, сеҳрланган каби аёлдан кўз узмай қолди, Цзеба эса кўрққанидан бўйни елкасининг ичига кириб кетди.

– Менда гўшт нима қилсин, уни қаердан топай? Яхшиси, мана бу хизматкорингни сўяман-да, тушликка чўчка ўрнига қовуриб бераман.

– Мен одам гўштини емайман! – йиғламоқдан бери бўлиб бақирди Цзинь. – Ўзинг одамхўрга ўхшайсан. Шошмай тур Цзеба, буни отамга айтиб, калласини олдирмасамми?!.

– Ҳали шундайми? – кўзини олайтирди аёл. – Қани менинг қассоб пичоғим? Э-ха! Хизматкорини ҳам сўяман, хўжайинини ҳам. Кўполликнинг, одамларни ҳақорат қилувчининг жазоси шу! Ҳа-ҳа!

Кўрқиб кетган болаларнинг иккаласи ҳам деразадан қандай сакраб ўтганликларини билмай қолишди. Улар чакалакзорга ўзларини уриб, кийимларининг чакалак тиканларига илиниб йиртилганлиги, баданларининг тирналганига қарамай йиқилиб-суриниб пастга қараб югуришди. Орқадан эса уй бекасининг йўғон хохолаган товуши эшитилди, бу товуш тоғ қоялари узра акс-садо берди. Бироздан сўнг ҳаммаёққа жимлик чўқди, фақат қаердандир тоғ жилғасининг шилдираши эшитилиб турарди.

– О-о-отларимиз-чи? Тепада қо-о-олиб кетди-ку! – деди Цзеба тирналган кўлини ялар экан.

– Мен отни деб яна баландга чиқмоқчи эмасман, – деди Цзинь, – агар хоҳласанг, ўзинг олиб туша қол, бор!

– Э-э, бормайман. Майли, қола қолсин.

Уй бекаси отни, эгаларининг орқасидан ҳайдаб юборди. От келган изидан болалар томон елиб кетди.

ЦЗЕБА ОВДАН ҚАЙТДИ

Оқшом. Янь мамлакати пойтахти Цзи қаттиқ уйқуда. Дарвозабон Ио Чжа маслаҳатчи Цзюй Унинг дарвозаси ёнидаги хужрада ухлаб ётарди.

Ио Чжа бўйра устида ётган қўлтиқтаёқларини дўқиллатганича, дарвоза олдига келди-да, дарвозадан ташқарига қараб: “Ким экан шу маҳалда эшик қокқан?” – деб қўйди.

Тўлин ой ён-атрофни кумушранг нурга чўмдирган. Ҳамма нарса, ҳатто дарахтларнинг япроғи ҳам ойдинда аниқ кўринарди. Фақат дарвозани қокқан кишини кўриб бўлмасди. Дарвозабон қоровулни чақирди ва қулфга калит солди. Қоровул оғир лўкидонни суриб, кўча эшигини очди. Улар лағта уюмларини титқилаб, ёш жаноб Цзиннинг сеvimли тенгдоши дудуқ Цзевани хушсиз ҳолда кўрдилар.

Дарвозабон эрталаб дарвозадан чиқиб кетган болаларни эслади ва бу ҳақда қоровулларга сўзлаб берди. Ҳамма Цзеванинг ой нури тушиб турган юзига кўрқа-писа қарашарди. Хушсиз ётган Цзевани ичкарига олиб кириб дарвозани беркитдилар.

Қоровуллар оддий йигитлар бўлиб, улар бу ерга ақлли бўлгани учун эмас, балки жисмонан кучли бўлгани учун қўйилган эди. Бири бўйнини икки қўли орасига олиб кўркувдан дир-дир титрар, иккинчиси нуқул: “Энди нима қиламиз?” – деган саволни такрорларди, учинчиси эса озроқ шумроқ эканми: “Келинг, соқовни сойдаги сувга улоқтирамиз, туя кўрдингми, йўк! Ҳеч ким билмайди”, – деди.

Иккинчиси хурсанд ҳолда кичкирди:

– Яхши ўйлабсан. Келинлар, уни сойга улоқтирамиз, зоғора балиқларга ем бўлади.

Биринчи қоровул ҳамон кўркувдан титрар ва гўё бўйнига ўткир қилич зарби тушадигандек қўллари билан бўйнини янада қаттиқроқ қисиб олган эди.

– Каллаларинг ишламайди, – деди дарвозабон, – Цзюй У жаноблари хабар топгач, сенларни қийнашга тушади, шунда айбларингни дарҳол бўйнингизга оласизлар. Бундан кўра болани тинч қўйинлар-да, муаллими томон учаланг ҳам ғизиллаб боринлар!

Қоровуллар кетиши биланоқ дарвозабон оғзига сув олиб, Цзеванинг юзига пурқади.

Цзеба биров ўзига келиб, кўзини очмасдан баралла йиғлай бошлади. Дарвозабон Цзеванинг елкасидан ушлаб, бир-икки силкиди. Цзеба кичкириб юборди, кўзини очиб, ётган жойидан туриб ўтирди.

– Хўжайининг қани? – сўради дарвозабон.

– Қирда қолди! – деб ғарб томонни кўрсатди Цзеба.

– Тирикми, ўзи?

– Билмайман.

– У ўлдими? – Цзевани гавдасидан ушлаб силкитди дарвозабон.

– Билмайман, дедим-ку! – ҳиқиллаб жавоб берди Цзеба.

Шу пайт қоровуллар ҳовлиқиб келиб қолишди. Тунгги ҳалат ва уй шиппагини кийиб олган муаллим Ю Ши ҳам улар билан бирга эди.

– Энди сизларнинг керагингиз йўқ, бориб ухланлар! – деди дарвозабон қоровулларга қараб.

Ҳаво салқин эди. Муаллим жунжикканча ортга қайтар экан, қайрилиб хужра ичида ётган Цзебага кўзи тушди ва хўмрайганча деди:

– Цянь ю чэ, хоу ю чэ – олдинда арава, орқасида изи. Қаерда жанжал, тўполон бўлса, ўша ерда жаноб ҳозир у нозир.

– Э, йўқ, – деди дарвозабон, – бу гал бирон кори ҳол рўй берганми, деб кўрқаман.

– Айтинг-чи, Ио Чжа, – деди муаллим, нима бўлди, қани, бир бошдан билганингизни гапиринг.

– Кўп захмат чекишга тўғри келадими, деб кўрқаман, ахир у ҳақда ҳеч нарса билмаймиз-ку, – жавоб берди дарвозабон.

Талай таҳдид ва тепкилардан сўнг Цзебадан кун бўйи бўлиб ўтган воқеалар ҳақида маълумот олишди.

...Кўрқинчли хужрадан қочиб чиқишгач, Цзинь ва Цзеба дара бўйлаб узоқ вақт тентираб юришди. Охири, таниш ғарбий қирлар сари йўл топиб олишди. Қуёш тобора ўнг томонга оғар, болалар чап томонни қора тортиб йўл босишарди. Жаноби Цзиннинг оёғини сахтиён этик қисаётганди. Улар иккинчи қирга умид билан қадам қўйишди, қирларнинг эса адоғи йўқдек эди. Бир неча қир ошгач, қаршиларидан бир бола чиқди. Афтидан тенгдош бўлса керак, деб ўйлашди. Елкаси кенг бўлгани учун бўйи паст кўринарди. Уст-боши ҳам оддий. Пешонабоғи чиройли матодан тикилган экан. Қўлида камон, елкасида иккита ёввойи ғоз осилганча турар эди. Афтидан мерганлиги билан уйдагиларга мактанмоқчи бўлган.

Ғозларни кўриб, Цзинь севиниб кетди.

– Ғозларингни сотасанми? – деб сўради.

– Йўқ, – деди бола ва уларни четлаб ўтиб кетмоқчи бўлди.

– Менга “йўқ” деб айтишга қандай ҳақдинг сиғди? Сен кимсан-у мен кимман? Мен амалдор Цзюйнинг ўғли Цзюй Цзинь бўламан.

– Мен эса Цинь У-Ян, қатта ер эгаси Цининг ўғлиман. Қоч, ўтиб кетай, – деди.

Цзинь ғозга қўл узатди. Уни шундай қаттиқ тортганди, У-ян унга қараб хезланди.

– Мен сенга бировнинг нарсасига қўл чўзишни кўрсатиб қўяман.

У ғозларни ерга қўйиб, энгашди-да, Цзиннинг ёқасидан ушлаб юқорига кўтариб, боши узра айлантира бошлади. Кейин сочидан тутди ва яна боши узра айлантириб, ёнбағирдаги қоятошга улоқтирди. Оёғидан ушлаб тошга боши билан урди. Уни шу ҳолатда ташлаб кетмоқчи эди, аммо ўгирилиб қараса, бола йўл устида қимирламай ётибди. Кўрқиб кетиб, бақира бошлади:

– Эҳ, ўлдириб қўйдим уни... Ўн уч ёшимда одам ўлдирдим... энди нима қиламан?

У шундай деди-ю, шоша-пиша ўқ-ёй ва ғозларни олиб кўздан ғойиб бўлди.

Цзеба шундан кейин қанча йўл юрганини ва орадан қанча вақт ўтганлигини айта олмади. У учрашувнинг биринчи дақиқаларидаёқ ўргимчак тўрининг нозик ипига илашиб қолган эди, У-ян ғойиб бўлгандан кейин ҳам ана шу ипга осилиб тураверди, кўркувдан қотиб қолган эди. Кичкинтой жаноб Цзинь эса қимир этмай ётарди.

Цзеба қочишга тушди. Қуёш ботиб, қоронғи тушса ҳам тўхтамади, югураверди, югураверди. Ниҳоят, мана, етиб ҳам келди.

– Балки у ҳали тирикдир, унга сув бериш керак эди, – деди Ю Ши.

Цзеба дудукланиб, Ю Шига:

– Б-б-бун-дай ҳолда тирик қолиш мумкин эмас... – деди.

Шу пайт кимдир дарвоза тўсинини тирнагандек бўлди, худди дарвоза лўкидонини узун тирнок билан кўчириб олаётгандек эди.

– Ким у? – бақирди дарвозабон.

– Бу менман, ҳурматли жаноб Ио Чжа!

– Ўрмон кўзикоринларидан териб келган эдим, қайлага зўр кетади. Эшикни очинг, мен олиб келган нарсаларни жаноб ошпазга кўрсатмоқчиман. Аввал ҳам бир неча бор кўзикорин сотганман, қуритилганлари ҳам, тузлангани ҳам бор.

– Дарвозани очинг, – деди муаллим. – Барибир, фалокатни яшириб бўлмайди. Бир соатдан кейин бутун шаҳар хабар топади. – Дарвозабон ўрнидан турмасданок муаллим эшикни оча бошлади.

Дарвоза очилиб, остонада кексароқ семиз аёл пайдо бўлди. У шаҳарликлар киядиган эски ва ранги ўчган кўйлақда эди. Сават кўзикоринларга тўла эди.

Цзеба бирдан бақириб юборди:

– Одамхўр! – дея қочишга тушди.

– Мени бутун шаҳар билади, – деди озорланган ҳолда ҳалиги аёл.

– Одам гўшти емайман. Озиқ-овқатим етарли. Мен бутун шаҳарни кўзикорин билан таъминлайман. Виждонли савдогарман. Мен кимнингдир кўполлиги учун кўрkitган бўлсам, нима қипти? Мендек кекса аёлга кўполлик қилиш яхши эмас? Ахир, таникли одамлар ҳам хушмуомала бўлишлари керак-ку!

– Ли до жэнь бу гуай – ортикча хушмуомаладан ҳеч ким хафа бўлмайди, – ғамгин қиёфада деди муаллим.

– Бу ерга бошқа вақт келарсиз, – деди дарвозабон аёлга. – Бугун уларнинг оиласида ҳеч ким бирор лукмани оғзига олмаяпти, оғзига олса ҳам томоғидан ўтмаяпти.

ҚАНОТСИЗ ҚУШЛАР ПАРВОЗИ

Кишининг қони қизиса, қаҳрланганда юзи қизаради, жони қизиса юзи кўкаради, суяги қизиса юзи оқаради. Агар руҳи вазмин ва мустаҳкам бўлса, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзгармайди. Углининг ўлимини эшитган амалдор Цзюй Унинг юзи ўзгармади. У занг чалиб хизматкорини чақирди.

Ғарбий қир томонида табиб ва дуохонлар ўтирган арава елиб борарди. Кичкина Цзи учун тиббий ёрдам зарур. Олдинги аравада ўтирган Цзеба йўл бошлаб борарди. Бечора довдир ўз хўжайини Цзилар оиласига қанчалик ғам-андух ёғилганини ҳис этмай, нуқул “қорним о-о-очди”, деб ғўлдирарди.

Амалдор Цзюй У дарвозани тезроқ очмоқчи бўлиб эшикларни бетоқатлик билан икки томонга сура бошлади. Баногоҳ устидаги қимматбаҳо ипакдан тикилган кийими бошдан-оёқ йиртилди, устига қадалган марварид доналари дувиллаб тўкилди. Зудлик билан маҳофа ҳам етиб келди. Цзюй У маҳофага ўтирар-ўтирмас: “Ҳайда тезроқ!” дея ҳайқирди. У Вань ҳовлиси томон ошиқаётган эди, юраги ўч олиш

иштиёки билан ёнарди. Дарвоза очилиши билан фаррошлар супургила-ри билан кўчани супуриб, чангитиб “пўшт-пўшт” деганча ўткинчиларга дўқ уриб, шаҳар ташқарисига ошиқар эдилар. Бошқа кўриқчилар ҳам учи қиррали ойболталарини силкитиб йўл танобини тортишар, маҳофачи енгил ва қалин кийимлар солинган тўрт-беш сандикларни кўтариб, хўжайиннинг маҳофаси ортидан югуриб боришарди. Маҳофага парда ту-тилган бўлиб, ичидаги одам кўринмасди. Пиёда-ю отликлардан иборат карвон шитоб билан йўл босарди. Дарвозабон ҳали дарвоза эшикларини ёпиб улгурмасданоқ карвон кўзга кўринмай кетди. Дарвозабон эшик-ни ёпатуриб ичкаридагиларга: Энди ташқарига одам қўйилмаслигини, ҳамма уй-уйига тарқалишини ва уйдан чиқмасликларини тайинлади.

Шундан сўнг барча уйдагиларни кўрқув ва қайғу-изтироб қамраб олди, ўткинчилар кўчаларда тўхтаб, девор ортидаги аёлларнинг дод-войларига кулоқ сола бошлашди.

Ю Ши муаллим дарвозабон олдига келиб, бир чеккага ўтирди ва мўйқаламини икки тиззаси ўртасига қўйиб, бошини ерга эгганча деди:

– Энди жаноб амалдор бошига тушган қайғу ва нафрат исканжасида одамларни сиқувга олади, тириклайин гўрга тикади.

– Шундай бўлиши ҳам мумкин, – деди дарвозабон.

– Хизматкорини тириклай гўрга тикмоғи тайин. – давом этди муал-лим, бундай одат ҳали ҳам бор.

– Ҳамма нарса бўлиши мумкин, – такрорлади дарвозабон.

Унинг гап оҳангидан ажабланган муаллим дарвозабонга қаради, у эса кўзини ерга тикканча ўтирарди.

– Ўйлаш ҳам даҳшатли, – гапида давом этди муаллим, – энди қанчадан-қанча бегуноҳлар ўлдирилади. Энагалар ва хизматкорлар ҳам тириклай кўмилади, деяверинг. Буни хўжайинга ёқиш учун атайлаб ҳам қилишади.

– Худди шундай, – деди дарвозабон.

– Бечора соқов Цзебага ачинаман, уни ҳам соғ қўймайдилар, мусикачилару, фокусчилар ҳам жазодан четда қолмайдилар... Жумладан, севимли оти ҳам.

– Сиз ҳам, жаноби Ю Ши...

Бечора муаллим қўлга тушган сичқондай югуриб ўзини дарвозага урди. Қарасаки, дарвоза кулф, икки қўли билан бошини чангаллаб, бир тутам сочини юла бошлади. Дарвозабон муаллим томон одимлади. Муал-лим кўрка-писа бошлади:

– Вань си, и шэн.

– Тоу шэн – би си, – дея дарвозабон ҳам шивирлади.

– Ча и нань фэй.

– У и эр фэй.

Бу сўзлашув шунчалик тез ва паст овозда бўлдики, китобхон гап нима-да эканлигини англамай қолган бўлиши мумкин. Шунга кўра, айтилган гапни батафсил баён қиламиз.

– Мени ўн минг марта ўлдира оладилар, хаёт эса битта, у қайта берил-майди, – дея шивирлади муаллим.

– Ўлимдан қочинг, – яширининг.

– Нима, қанот боғлайми, учолмайман-ку, ахир.

– Қанотсиз ҳам учадилар...

Мен уларнинг гапини такрорлаётган пайтимда дарвозабон эшикни очишга улгурган эди.

– Сиз менинг отам ўрнидасиз. Сиздан бир умр қарздорман, – дея муаллим дарвозабоннинг оёғига йиқилди.

– Сиз менга доимо меҳрибон эдингиз, солих фарзанддек ҳурмат кўрсатардингиз, – деди муаллимга жавобан дарвозабон. – Тезроқ чикинг-да, қочинг бу ердан, – деди-ю, тезда эшикни ёпиб кулфлади.

Агар бир лахза кечиккандами?.. У энди девор ёнида узала тушиб, юзларини энги билан тўсиб ётган ҳам эдики, дарёнинг кучли тўлкини оқиб келаётган ёғоч ва тош парчаларини четга чиқариб ташлагандек шашт билан ёнгинасида бир гуруҳ одамлар пайдо бўлди. Соқчилар узун калтакларини кўтариб кўринмас йўловчиларга нуқул “пўшт, пўшт” деб бақиришарди. Бошқа соқчилар ҳам туғли найзалари ва ойболталарини ўқталганча елиб борар эдилар. Тўрт-бешта сандиқ солинган замбилларини кўтариб махофачилар ҳам чопиб ўтдилар. Сандиқларда хўжайиннинг юпка ва қалин кийимлари тахланган бўлиб, йўлда жаноблари кийим алмаштиргиси келиб қолса, улар ҳозир у нозир эдилар. Кийим алмаштираётганда хўжайин баданини тўсиб туриш учун икки давангирдек хизматкор тайёр туришарди. Улар захирага яйдоқ отлар ҳам олишганди. Ахир, хўжайин бирдан отда юргилари келиб қолиши мумкин эди-да. Ўртада махофа елиб борар, очик пардалар ортида хўжайиннинг тунд башараси кўриниб турарди. Орқасидан кимдир отда, кимдир пиёда югуриб борарди.

Худди улкан илон унинг ёнгинасидан ўтиб кетгандек бўлди. Сўнгги хизматкорлар оқими ҳам ўтиб кетгач, дарвоза ёпилди. Ю Ши тиззалари қалтирашини зўрға босиб, тор кўча томон бурилди ва ғарбий дарвоза томон йўл солди.

Бу ерда у шаҳар деворига ёпиштириб қурилган кийим дўкончаси ёнида бир қариянинг офтобда исиниб ўтирганини кўрди. Чолнинг ёши юздан ошган бўлса керак. Аммо у чаққонлик билан ўрнидан туриб Ю Шига салом бериш учун эгилди ва дўконига таклиф этди.

– Мен кийимимни алмаштирмоқчи эдим, – деди Ю Ши.

Қария унинг устки кийимини ечиб, ўрнига чиройли янги кийим берди. Ю Ши устидаги кийимини қўли билан сийпалар экан, савдолашмоқчи бўлди.

– Мен пул тўланг демайман, ёнингизда ҳамёнингиз ҳам йўқ-ку!

– Наҳотки, у ҳақдаги гап ҳаммага аён бўлган бўлса! – хайронлигини яширмади Ю Ши.

– Мана бу ёпинчикни олинг-да, шаҳардан аста чиқиб кетинг, одамларда шубҳа уйғотманг.

Ю Ши кийган кийими ва ёпинчиғининг узунлигидан яхши юролмади. Унинг лапанглаб, катта-катта қадам ташлаб юриш одати бор эди. Қария уни тўхтатиб тайинлади:

– Ҳамма қатори юринг, бичими кенг кийимдасиз, аста қадам ташланг, соқчилар сизни тўхтатиши мумкин, секинроқ юринг, ҳамма қатори...

– Бошқалар қандай юряпти, ахир? – сўради Ю Ши. Қария дўкон панасига ўтиб, дарҳол ғойиб бўлган эди.

Ю Ши атрофда бораётган дехқонлар, шаҳар камбағаллари каби аста қадам ташлар, лекин оёқлари ўзига бўйсунмасди. Ҳеч ким унга эътибор

бермас, хамма ўз хаёли ва иши билан банд эди. Ниҳоят, у шаҳар дарвозасидан чиқиб олди.

Аравакашлар, табиблар ва дуохонлар тўдаси ва болалар катта йўлдан қирлар оралаб бурама йўлга етиб келдилар. Ёлғизоёк йўл тобора кичрайиб баландлаб борар, юриш қийинлашар эди. Табиблар уловдан тушиб пиёда юра бошладилар. Боғланган Цзевани ҳам ерга туширдилар. У юролмас эди, дам-бадам йиқилиб тушарди. Уни ўрнидан турғазиб, арқон билан боғладилар ва олдиларига солиб ҳайдадилар. У йўл кўрсатувчи эди.

– Ана, ана, анови қарғалар тўпланишаётган жойда, – деди Цзеба, – тезроқ, қ-қ-қарғалар еб қ-қ-қўйиши мумкин.

Шу пайт одамлар кўзи дам учиб, дам пастлаётган, ноъмалум ўлжа устида айланаётган қоп-қора зоғларга тушди. Табиблар ва дуохонлар йиқилиб-суришиб ўша томонга югуриб кетишди. Цзеба боғланган арқон уларнинг эсидан чиққан, ипнинг учи шундоққина ерда ётарди. Цзеба кутилмаган турткидан бир бута тагига қулаб тушди, иккинчи бута тагигача юмалаб бориб, учинчи бута остидан тўпа-тўғри пастга қулади.

Цзебага боғланган арқон таранглашди, бечора соқов учаётган каби қўлларини кермоқчи бўлди. Унинг оёғи ердан узилган бола зангори бўшлиқ кучоғида сингиб бораётгандек сезарди ўзини. Кимдир тупроғи ва тошлари эндигина кўчиб тушган жойни титкиламаса соқов Цзевани топиши мушкул эди.

ЦЗИН КЭ МАСЛАХАТ БЕРАДИ

Цзин Кэ аслида Вей мамлақатида туғилган. Келишган дўмбоққина бола эди. У болалар билан ўйнаб юрганида бир нотаниш йўловчи унга кўзи тушиб, ёнига чақирди-да, унга шакарга ботирилган олхўри берар экан, сўради:

– Кимнинг боласисан? Мен сендек чиройли болани кўрган эмасман. Сен бутун оламга машҳур инсон бўлиб етишасан ва номинг ўн минг йилларгача сўнмай яшажаксан.

Цзин Кэ олхўрини еб бўлгунича ўша одам кўздан ғойиб бўлган эди. Балки у ўлмас руҳлардан биридир деб, унинг гапларини Цзин Кэ бир умр ёдда сақлаб юрди.

Цзин Кэнинг онаси камбағал оиладан эди. У бозорда бамбук билан савдо қиларди. У Цзин Кэнинг ўқиши ва катта қилич билан машқ қилиши учун барча шароитларни яратиб берган эди. Бола тинимсиз ўқиб-ўрганар, қиличбозлик машқини қанда қилмасди. Онаси эса ҳамир қорар, сўнг зувала тутиб, уни пиширарди.

Онаси вафот этгач, Цзин Кэ емак учун пулни ўзи топишга мажбур бўлди. У бир неча кун Вей ҳукмдорига маслаҳатчи бўлиб ёлланди, унинг ҳеч бир маслаҳати ҳукмдорга маъқул келмади.

Шунда у машҳур қиличбоз билан жанг қилиб, ўзини синамоқчи бўлди. Қиличбоз уни менсимеди. Шундан сўнг Цзин Кэ ўз юртини тарк этиб, Чжао мамлақатига боришга аҳд қилди. Бу ерда у ҳукмдор маслаҳатчиси билан илмий баҳслар олиб борди. Маслаҳатчи охир-оқибат қаҳри келиб, уни бу ердан ҳам ҳайдади. Шунда Цзин Кэ шарққа ва шимолга юриб, Янь давлатига келиб қолади. У пойтахт Цзида қассоблар билан дўстлашди

ва кун бўйи бозорда ичкилик ичиб юрди. Гао Цзян-ли билан танишди. Цзян-ли цитра мусика асбобини яхши чаларди. Ароқ ичиб олган Цзян-ли мусика чалар, Цзин Кэ эса ўзининг саёҳати ва қаҳрамонликлари ҳақида қўшиқ куйлар эди:

*Оғзим битта, юрагим битта,
Сўзим ҳам бир, қонун каби чин.
Тушаман мен денгиз қаърига,
Сийпаламоқ-чун аждар сағрисин.*

Ичиб олган Цзин Кэ ана шундай қўшиқ куйлаб, хурсандчилик қилар ва... Гао Цзян-лининг елкасига бошини қўйиб йиғлар эди. Цзин Кэнинг довриғи кундан-кунга ошиб, охири Дань валиаҳдининг қулоғига етиб борди.

Пок виждонли инсон учун киборлар қароргоҳига кириш мушкул эди. Аммо миш-мишнинг оёғи ҳам, қаноти ҳам кўп, у мустаҳкам деворлар оша, қанча-қанча соқчи-ю қўриқчилар орасидан ўтиб, ҳукмдор қароргоҳига кириб борди. Валиаҳд Дань ҳам Цзин Кэнинг номини шу тариқа эшитган эди.

– Менга худди шундай одам керак, – дея ўйлади у ва дарҳол Цзин Кэни олиб келиш учун олдига одам жўнатди.

Цзин Кэ: “Янь ҳукмдори мени маслаҳатга чақирди”, деб севинганча валиаҳд қароргоҳига посбонлар орасидан дадил ўтиб борди-да, баланд овозда қоидага биноан ўзини таништирди. Сўнг иккиланиб қолди, аввалгиларга ўхшаб бу ердан мени қувиб солсалар нима қиламан, деб ўйлади ўзича ва таъзим қилишда давом этиб, эшикдан чиқиш йўлини излай бошлади. Бироқ валиаҳд қўли билан имлаб, уни ёнига чақирди. Цзин Кэ забардаст гавдасини кўтариб салобат билан олдинга икки қадам ташлади. Бироқ яна иккилана-иккилана юриб, валиаҳд ўтирган жойга яқинлашди.

– Шухрати оламни тутган Цзин Кэ сизмисиз? – дея сўради валиаҳд Дань унинг ғалати ҳаракатларини кузатар экан.

– Худди ўзиман, – деди Цзин Кэ кўкрак кериб.

– Ундай бўлса, марҳамат, ўтиринг!

Цзин Кэ устки кийимини тўғрилаб, ўриндикнинг бир четига ўтирди.

– Янь осмони ярақлаб кўринади киши кўзига. Негаки, еримизга ботир бир киши ташриф буюрмиш, унинг бутун бадани оловдан иборат дейишди. Сиз ҳақингизда аждарни енгадиган, тоғда йўлбарс билан олишадиган киши деб эшитдим. Менинг бир истагим бор, шуни бажо келтирсангиз.

– Марҳамат, буюринг, бажаришга тайёрман, – деди Цзин Кэ қандай топшириқ эканлигини ўйлаб ўтирмай.

Валиаҳд шундай мурожаат қилди:

– Осмон қулаб тушмоқда, замин йўқликка юз тутмоқда. Осмон ости қозондек қайнамоқда! Янь ва Цинь ёнма-ён яшай олмайди. Бунинг устига Цинь атрофдаги мамлакатларни бирма-бир забт этмоқда, бизнинг чегараларимизгача ҳам етиб келади. Қутулиш йўли борми? Бу ҳақда фикрингизни сўрамоқчиман!

Бу саволдан Цзин Кэ ўйланиб қолди, сўнг валиаҳдга юзланиб:

– Мен бир саводсиз одамман, ок билан қоранинг фарқига бормаيمان, гапларингизни тушунмадим, – деди.

– Нега тушунмайсиз? – хайрон бўлди валиахд, – сиз ўша доно Цзин Кэ эмасмисиз? Сизга руҳлар ўн минг йиллик шараф ва машхурликни ато этган эдими?

– Ўша зотман, – деди Цзин Кэ.

– Унда менга яқинроқ келинг, тиззаларингиз менинг тиззаларимга тегиб турсин, сизга айтган сўзларимни бошқа ҳеч ким эшитмасин.

Цзин Кэнинг қулоғига валиахд аста шивирлади:

– Цинь ванини ўлдириш керак!

Узоқ вақт жим туриб қолган Цзин Кэ ниҳоят деди:

– Бу давлат аҳамиятига эга бўлган катта ишдир. Мен эса кичик бир одамман. Латифада айтилганидек тилим узун-у кўлим калта. Сизга хизмат қилиш мен учун шараф. Аммо кучим етмайди-да.

– Хотирингиз жам бўлсин, мукофоти катта, – деди валиахд.

– Мен ундай кишилардан эмасман, – деди Цзин Кэ, – яъни ичимда гавҳар яшириш учун қорин қаппайтирмайман. Ёки бошқача айтганда, бошим хавф остида турганда сизнинг мукофотингизни нима қиламан?

– Э-ха... – деди валиахд ва юзи ғазабдан қизариб кетди, сўнг сапчиб оёққа турди. – Менинг юрагим ғаш! Нафратим чексиз! Наҳотки, шунча сирдан вокиф бўлатуриб, сиз шу ердан тирик чиқиб кета оламан деб ўйласангиз?!

Шунда Цзин Кэ валиахднинг оёғига йиқилиб, унинг шартига рози эканлигини айтди.

Валиахд Цзин Кэга ҳашаматли уй, қимматбаҳо кийим ва бошқа қимматбаҳо ашёлар тақдим этди, аравага қўшиладиган ва миниладиган отлар ҳада этди. Кун ортидан кунлар ўтиб борарди. Цзин Кэ қассоб дўстлари билан айш-ишрат қилиб юраверди, Цинга жўнаш хаёлига ҳам келмади. Ҳар гал валиахд унга одам юборганида ҳар хил баҳоналарни рўкач қилар, яқинда жўнайман деб ваъда берарди.

Бир куни Цзин Кэ валиахднинг ёнига келиб шундай деб қолди.

– Чин ҳукмдорини оддий пичоқ билан ўлдириб бўлмайди. У ичидан совут кийиб олган бўлиши мумкин. Менинг пичоғим ўтмас, совутни тешолмайди. Менга ўтқир пўлат ханжар керак.

Валиахд дарҳол ўтқир ханжар топиш учун хизматкорларини қўшни мамлакатга жўнатиб юборди. Ханжар топилгач, уни юз тиллага сотиб олди ва тиғини заҳарли сувга ботириб тоблашни усталарга буюрди. Цзин Кэни чақириб, ханжарни унинг қўлига топширди. Бироқ Цзин Кэ ханжарни қўлига олмай, узоқдан томоша қилди-да:

– Ханжарга сингдирилган заҳар кучсиз эмасми? – деб сўради.

– Бу заҳар даҳшатли кучга эга, – деди валиахд, – у Чжэнь деган бургутнинг паридан олинган. Бургут фақат заҳарли илонлар билан овқатланади. Ҳатто у сув ичган дарё балиқлари ҳам заҳарланади, унинг уяси атрофида ўт ўсмайди, патларидаги заҳар куйдириб юборади.

Бургутни тутиб келган хизматкор ўша заҳотиёқ тил тортмай ўлган. Бургут пати винога қўшиб қайнатилган, ушбу қайнатмада ханжар тиғлари тобланди.

– Тўғри айтасиз, – деди Цзин Кэ, – сизни алдаган бўлишлари ҳам мумкин. Уни аввал синаб кўриш керак.

Жаҳли чиққан валиаҳд дарҳол хизматкор болани чақирди. Бола жуда чиройли эди. Цзин Кэ уни дарҳол ёнига чакириб, ханжар билан яралади. Бола бир ингради-ю, ерга қулаб жон берди.

– Қойил, – деди Цзин Кэ, – мен учгача санаб улгура олмадим, заҳар жуда тез таъсир қилар экан. Бунни чинакам ханжар деса бўлади.

Цзин Кэ ханжарни олгандан кейин ҳам жўнашга шошилмади. Шу орада Цинь кўшинлари Янь чегарасига жуда яқин келиб қолган эдилар.

Валиаҳд Дань хизматкорларига Цзин Кэни топиб келишни буюрди. Уни уйидан тополмадилар. Таниш-билишлариникида ҳам йўқ эди. Ниҳоят, уни бўзахонадан топдилар. У майда ўғрилар, гадоёлар орасида кийимлари йиртилган, юзлари ювуқсиз, сочлари патала ҳолатда эди. Кўлида соз – кўшиқ куйлаб ўтирарди:

*Анҳорда ойнинг акси бор,
Сув тубига шўнгийди такрор.
Бахт топарман мен кичик жомдан,
Май аталган оби ҳайвондан.*

Унга Даннинг одамлари чақиршаётганини айтишганда ер тепиниб:

– У мени бунча кистайди, мени нега шошилтиради? Бундай ишдан кечаман, майли, бошқа жангарини топа қолсин, – дея кичқирди.

Хизматкорлар уни йўлга солмоқчи бўлдилар, сув келтириб юзқўлларини ювдилар. Бироз ўтгач Цзин Кэ бақиршдан тўхтади. Хуллас, уни ўзлари билан олиб кетдилар. Йўлда у бутунлай ўзига келди.

Цзин Кэ валиаҳд хузурига келгач, муомаласи бутунлай юмшаб, таъзим бажо келтириб, деди:

– Агар шу туришда ҳозир Цинга борадиган бўлсам, мени ҳукмдор хузурига киритишмайди. Ким қуруқ қўл билан борса, қуруқ қўл билан қайтади. Мен билан бирга яхши бир совға юборишингизни маслаҳат бераман. Мен ҳукмдорнинг хузурига киролмасам қандай қилиб уни ўлдира оламан.

– Эй, дўстим Цзин Кэ, – деди валиаҳд. – Наҳотки, сиз Цинь ҳукмдорига ўзида йўқ нарсани совға қилайлик, деб ўйласангиз? Ахир, унда йўқ нарсанинг ўзи йўқ-ку!

– Албатта шундай деб ўйлайман, шуни яхши биламанки, мен олиб борган совға уни ўзида йўқ хурсанд қилсин, – дея кулди Цзин Кэ. – Ахир бекорга саркарданинг баҳосини шунча кўтарган эмас, минг тилла ҳамда хонадони ўн мингдан ошган бутун бир шаҳар ваъда қилинган.

– Бу билан нима демокчисиз? – ранги оқариб кичқирди валиаҳд.

– Сиз Цинь саркардаси Фанга сиёсий бошпана бердингиз. Унинг боши учун катта мукофот тикилган. Фаннинг бошини менга беринг ва мен уни Цинь ҳукмдорига совға қилиб олиб борай.

– Йўқ, – дея унинг гапини кесди валиаҳд. – Мен берган сўзимдан қайтмайман. Бошқа бир совға ҳақида бош қотиринг!

– Яхши, – деди Цзин Кэ, – ўйлаб кўраман...

САРКАРДА ФАННИНГ КЎЗГУСИ

Цзин Кэ саркарда Фань турган боғчага етиб келганда кун қорайиб колган эди.

Фань эскирок бир шолча устига чўкди. Юмалоқ корни тиззалари устига тушган, семиз лунжлари бағбақаси қадар осилиб тушган эди. У ёнидаги кўзгуга тез-тез қараб қўярди.

Цзин Кэ қувончини яширолмас, тиззасига шаппатилаб, оғзини йиғиб ололмас эди, кула-кула:

– Нимани кўраяпман? Наҳотки Цинь баҳодирлари аёлга ўхшаб ойнага қарасалар, ундан ўтиб кетган ёшлиги-ю, чиройини изласалар керак-да? – деди.

Фань сўроқсиз кириб келган ва одобсизларча гапираётган нотаниш одамга қаради. Энсаси қотганини билдирмай деди:

– Хато қиялмасиз! Мен энди қариб қолдим. Кўримсиз ва ғамгинман, ойнадаги аксимни кўришга унча муштоқ эмасман. Аммо мамлакатимнинг бронза ойнаси шундай мукамал яралганки, биз уларда ҳар хил хусусиятларни кўрамиз. Биз кириш эшигимизга ойна қоқиб қўямиз. Уйга кирмокчи бўлган ёмон одам ёки ёмон рух эшикдаги ойнада аксини кўриб, ўз-ўзидан кейинга тисарилади ва уйга кирмай қайтиб кетади. Табибларимиз кўзгуга қараб касалликнинг турини ва ҳолатини аниқлайдилар ва даволашнинг маъқул йўлини топадилар. Биз қозиларимизга, амалдорларимизга кўзгулар берамизки, уларнинг қилмишлари ва виждонлари ойнадек тиниқ ва пок бўлсин, улуғлик ва ҳурмат пиллапояларини дадил эгалласин деб. Менинг кўзгум “ҳимоячи қалб” деб аталади. Уни урушда, хавфли сафарларда ўзим билан бирга олиб юраман. Бошпана топган бугунги кунларда унга эҳтиёжим йўқ ва кўксимдан олиб қўйганман.

– Мен эса ҳимояга муҳтожман, – жуда тез гапиради Цзин Кэ, – мени хавфли сафар кутмоқда. Мен ўзимда худди шундай кўзгу бўлишини хоҳлайман.

Шундай дея Цзин Кэ ойнага қўл чўзди. Бироқ Фань Юй-ци ойнани икки қўллаб ушлади-да деди:

– Илтимос, шошилманг! Сизга ойнани беришдан аввал машҳур исмишарифингизни сўрамоқчиман.

– Наҳотки, сиз мени танимайсиз? – сўради Цзин Кэ.

– Мен бор-йўғи валиахд Даннинг яқин дўстиман. Каминаи камтаринни Ке деб чақиришади, Цзиннинг ўғлиман.

– Кўзгуни валиахд Даннинг яқин дўстига тортиқ қилганимдан ниҳоятда фахрланаман. Мана, кўзгуни олинг. Аммо эҳтиёт бўлинг: у жуда юпка, бронза қатлами жуда мўрт, синиб қолиши мумкин. Мен унинг яна бир хусусияти ҳақида гапирмокчи эдим.

Фань Юй-ци дераза ёнига бориб парданинг бир қисмини очди. Шунда деразадан тушган бир қатим нур кўзгунинг сайқалланган қисмига тушди. Шу вақтнинг ўзида оппоқ деворда шундай бир манзара пайдо бўлдики, нақшлари четида паға-паға учаётган булутлар ва ярим доиралар ҳаракатга келдилар.

Кўзгу худди ёнбошдан кўринаётгандек эди.

– Бу мўъжиза-ку! – даҳшатдан ўзини бирдан четга олди-да, хайқирди:

– Йўк, бу бизнинг металл эритувчилар ва сайқалловчилар эришган буюк санъатлари маҳсулидир. Бунинг сири нимада? Биз буни билмаймиз. Аммо ҳамма Цинь ҳукмдори хазинасида куёш ва ой каби балқиган кўзгу бор эмиш деб гапириб юборди. Унга ким қарамасин фақат ўзини кўрар экан. Агар ичидаги қораликни яширса, у балога йўлиқаркан. Ҳукмдор ўшанинг елкаси оша ойнага бокиб, унинг кўнглида қандай хаёл борлигини дарҳол билиб оларкан. Кишининг кўнглидан нима кечаётганлигини кўзда акс этганидек, ўша ойнага ҳам ким қараса, ичидаги сир дарҳол намоён бўлармиш. Мен ҳам шу ойнага боккан кишининг кўнглидаги “сир”ни дарҳол билиб оламан.

Фань шундай деди-ю, чуқур хўрсиниб кўзгуни Цзин Кэга узатди.

Цзин Кэ кўзгуни олди-да, кўзини ойнага қаратмасдан, тезда кўйнига яширди. Кўз қири билан оппоқ деворга қараб олди, кўнглидан ўтган ғараз деворда акс этиб қолдимикан, деб кўрққан эди. Цзин Кэ шуларни ўйлаб, кўлини кўйнига тикди-да кўзгуни юраги тўғрисида нарирокка силжитиб кўйди.

– Цинь ҳукмдори сизга ҳаддан ташқари жабр қилади, – деди Цзин Кэ, – барча қариндошларингиз қатл қилинган. Эшитишмча, бошингиз учун мукофот тикилган эмиш. Сиз бу ҳақда нима дейсиз?

Фань Юй-ци юзини осмонга қаратди, юзига шашқатор ёшлар думалаб тушарди.

– Ҳа, аммо нима қилишни билмаяпман...

– Мен сизга бир маслаҳат берсам, нима дейсиз? – деди Цзин Кэ, – сиз мени Янь мамлакати тарафдан келаётган хавфдан қутқаринг. Мен эса сиз учун қасос оламан.

– Қалбим қасос истайди! – хайқирди Фань ва тишларини ғижирлатиб кўйди. – Кеча-ю кундуз шу ҳақда ўйлайман: қасос олиш учун нима қилишим керак?

– Бошингиз керак, – жавоб берди Цзин Кэ, – ҳа, қасос олишингиз учун Цинь ҳукмдорига сизнинг бошингиз керак. Мен уни Цинь ҳукмдорига олиб бораман, – у мамнун жилмайиб кўйди. Шунда мен чап кўлим билан бошни унга тортиқ қила туриб, ўнг кўлим билан захарли ханжарни кўксига санчаман. Шу йўл билан сиз унинг барча қилмишлари учун қасос олган бўласиз. Шунга розимисиз?

– Яхши ўйлабсиз. Эҳ, мен қандай бахтлиман-а! Фань шундай деди-ю, Цзин Кэ узатган ханжарни ўзига урди ва йиқилиб жон берди.

Хизматкорлар Фаннинг ўлими ҳақида валиаҳдга хабар бергани югуришди. Валиаҳд бу пайт ким биландир шатранж ўйнаб ўтирарди.

Рақиб энди “от”ни илгари сурган эди. “От” шахмат тахтасидаги “Чега-ра – Сарик дарё (Хуанхе)” ёзувли чизик устидан ҳатлаб ўтди. Валиаҳднинг кўзи “жанг майдони” (шахмат тахтаси) узра югура бошлади. Рақиб отарава ва енгил пиёдалар билан ҳужумга ўтди.

Рақиб унинг кучсиз кўшинини тобора қисиб қеларди. Валиаҳд “сян” (фил) дея ёзувли донани илгари сурди. Аммо фил “дарёдан” кечиб ўтолмас эди. Филнинг қадамлари катта, аммо имконияти чегараланган, валиаҳд учун шарққа ҳам, ғарбга ҳам йўл берк эди. Жанг якуни яқин, фақат таваккал қилиш йўли қолганди.

– Ўлдираман, – хаёлидан ўтказди у, – эртага шикор пайти унга қарта камондан ўк узаман.

Шу пайт хизматкор тартибга ҳам риоя қилмай ҳовлиқиб ичкарига кирди-да:

– Саркарда Фань Юй-ци ўз кўксига ўзи ханжар урибди! – деди.

Валиаҳд жойидан сапчиб турар экан, ҳаяжонланганидан шахмат тах-тасини тепиб юборди ва ютқазилдан кутулди, шоша-пиша югуриб кетди. У йўлда чопиб борар экан, белидаги тақинчоклари баданига тартибсиз урилар эди. Саркарда Фань яшаб турган уй эшигини икки қўллаб зарб билан очиб юборди. Хонага отилиб кирди-да Фань Юй-ци жасади устига ўзини ташлади ва бетўхтов кўзидан ёш тўка бошлади.

Цзин Кэ унинг атрофида айланар ва уни юпатиш учун сўз кидирарди:

– Бўлар иш бўлди, бўёғи синди. Энди буюринг, унинг бошини тана-сидан жудо қилсинлар. Энди унинг бошига тушган кулфат якунига етди.

Цзин Кэ энгида кўзгу борлигини унутиб, валиаҳдни кўтариб олди. Шу пайт энгидан кўзгу сирғалиб ерга тушди.

Валиаҳд намли кўзлари билан атрофга қарар экан буюрди:

– Фань Юйцининг бошини қутига жойланг ва тезда Цзин Кэга топши-ринг, – деди, сўнгра Цзин Кэга юзланиб деди:

– Умид қиламанки, энди тез жўнайсиз.

– Йўқ, – деди Цзин Кэ, – менга ёрдамчи ҳам керак.

Валиаҳднинг жаҳли чиқди.

– Нима, сизда яна бошқа фикр пайдо бўлдимми? Вақт кетмоқда. Бу ҳақда икки қарра, ҳатто тўрт қарра ўйланг. Чунки менинг қалбим қасос истайди.

Цзин Кэ тахт ворисига овозини баландлатиб:

– Мени нима учун шошилтираяпсиз? Ахир, мен бораётган жойдан қайтиб келмайман-ку! Қудратли Цинь империясига ёлғиз ханжар билан қарши бормоқдаман. Ахир, мени у ёқда ўлим кутаяпти! Бу мен учун сиз-нинг тахдингиздан кўра даҳшатлироқдир. Шошмай юрганлигимнинг боиси менга ёрдамчи зарур. Сиз ўринсиз қистовларингиз билан мени жўнаш фикридан қайтармоқчисиз шекилли, шундайми? – деди.

– Ўзингизни босинг, дўстим! – деди валиаҳд овозини Цзин Кэдан баландроқ кўтариб. – Ғазабингизни босинг, ўртоқ! Ўзингизга қулай вақт то-пиб боринг? Ёнингизга бир ёрдамчи ҳам топинг! Истасангиз, борасиз! Унга-ча душман бизни ер билан яксон қилади. Шуни билингки, мен сизни сарой-дан чиқариб юбормайман, охириги дақиқаларгача ёнимга чорламайман!

– Минг лаънат сизларга! – деди Цзин Кэ ва унинг орқасидан ухламоқ учун хобхонага кириб кетди.

ЮРАК ҚАСОС ИСТАЙДИ

Тахт вориси Даннинг мураббийси Цзюй У ўғлининг ҳалокати ҳақида эшитганч, қасос алангасида саройга шошилди. Аммо қанча шошилма-син, шарқий павильон олдида тўхташига тўғри келди. Чунки бу ерда рух-сатсиз илгари силжиш мумкин эмас эди, табиатан босиқлиги учун оғир ва секин кечаётган бу сонияларни чидам билан ўтказди. Ҳатто ичини ке-мираётган қасос ва қайғу ҳисси бироз босилгандек бўлди. У энди устида-ги йиртиқ кийимлардан уялаётган эди. Кўчадагиларнинг кўпчилиги унга ҳайрат ва танбех назари билан қараётган эдилар. Шу пайт тахт вориси Дань кириб келди.

Цзюй У валиаҳд истиқболига елдек югуриб келди. Валиаҳднинг ўзи ҳам мураббий устидаги кийимнинг тартибсиз ҳолатини кўриб, у томон шошилди ва:

– Сизга нима бўлди? Қандай кулфат ёпишди сизга? – деб сўради.

Цзюй У чўк тушиб қўлларини валиаҳдга чўзган ҳолда шундай деди:

– Давлатпаноҳ, ягона ўғлимдан ажралиб қолдим! Наслим тамом бўлди! Қалбим қасос истайди.

– Ҳақли талабингизни ким рад эта олади! Сизни ғам-кулфат тамом қилганини кўриб турибман. Мен билан юринг, устоз, нима бўлганини ба-тафсил сўзланг.

Улар шарқий павильондан чиққанларида Цзюй У валиаҳднинг юзи бирдан ўзгарганлигини, унинг юзида ҳамдардлик аломатлари ўрнини қандайдир тушуниб бўлмас ҳислар эгаллаётганини сезди. Бундай ҳолатни аввал кўрмаганди, кўриб кетди. Одамларнинг валиаҳд ҳақида гапирганлари эсига тушди. Унинг ичи қабоҳатга шунчалик тўла эдики, ҳатто у туфласа, ўша одам сўлақдаги заҳардан ҳалок бўларкан. Валиаҳднинг бети от юзига, боши ҳўкиз калласига ўхшарди. Унга ишониб бўлмайди, у бир кунда минг марта турланиб, ўн минг марта ўзгаради. Шунинг учун ишониб бўлмайдики, унда қатта оғиз бор-у қалб йўқ. Шу ва бошқа хаёллар билан Цзюй У анча вақт туриб қолди. Бироздан кейин фикри тиниклашди, валиаҳд ҳеч қачон унга ёмонлик қилмаганлигини, барча яхши-ёмон кунларда унга хайрихоҳ бўлганлигини эслади.

Тахт вориси Даннинг ёшлик ва ўсмирлик йиллари кўпинча хорижда кечди. Дастлаб Чжаода гаров сифатида ушлаб турилди. Кейин Цинда озод бўлиб ўз юртига қайтганига энди бир неча йил бўлганди. Бунга одатдаги ҳол деб қараларди. Чунки бундай қисмат бошқа ўлкаларни ҳам четлаб ўтмасди. Етти иқлимдаги етти давлат ҳамиша бир-бири билан қирпичоқ бўлиб ёки бир-бирига қарши иттифоқ тузиб яшар эдилар. Улар бир-бирига ҳеч қачон ишонмас, шунинг учун ҳукмдор оиласидан кимдир гаровга ушлаб турилар, агар қайбирида хоинона ҳаракат содир бўлса, ёхуд хиёнаткорона ҳужум қилинса гаровга турган киши ҳаёти хавф остида қоларди. Шунда ҳам гаровдагилар ҳаёти ҳавас қиладиган даражада бўлмасди, доимо ёмон шароитларда, камситилган ҳолда ҳаёт кечиришарди. Бундай ҳаёт гаровдаги одам феълига таъсир этмасдан қолмасди, албатта. Валиаҳд Дань ҳам бундан мустасно эмас эди.

Ана шундай хаёллар билан Цзюй У валиаҳд хузурига кирди. Хона саранжом ва нимқоронғи эди. Валиаҳд хонасида ўтирган нотаниш йигит унинг истиқболига ўрнидан турди. У парчадан тикилган уст кийимида, бошига ялтироқ қалпоқ кийиб олган, чорпахилдан келган ботир бир йигит эди. Валиаҳд Цзюй Уга ишора қилди ва у ортига бир қадам ташлаб, ўриндикнинг бир четига ўтирди. Кўлига чолғу асбобини олиб, аста чертиб, хиргойи қилди:

*Қушлар учар куз осмонида,
Учавер, шунқорим, учавер.
Сен ботирсан, кучлисан, мардсан,
Мақсадга ет ва шон қучавер.*

Кўшиқнинг сокин оҳанги Цзюй Уга ўзгача таъсир қилди. Валиахд эса берилиб кўшиқ тингларди ва ниҳоят, у тилга кирди:

– Ишимиз қандай кетмоқда? Олинадиган қасос ҳақида биргалашиб фикрлашайлик.

Цзюй Унинг жавобидан кейин у тутақиб кетди:

– Мен ўша ярамасни ушлаб қатл этишни буюраман. Истасангиз, унинг танасини арра билан иккига бўлиб, кейин бошини кесиб, шаҳар дарвозаси тепасига илиб қўясиз! Ёки тириклайин терисига сомон тикдиринг!

– Унинг исми Цинь У-ян.

– Э-ҳа! – ҳайқирди, ёш йигит.

У ҳамиша суҳбатдошининг гапини безътибор тингларди, ҳозир эса бирдан ўрнидан сапчиб турди-да, қўлидаги чолғу асбобини кулокашлаб ерга урди. Чолғу асбоби синди, унинг торлари инраган овоз чиқариб, узилди.

– Ўзингизни босинг, дўстим! – деди валиахд. Ажабо, Цзюй У энгашиб, чолғу асбоби синиқларини тера бошлади. – Ахир биз ҳозиргина содир бўлган воқеани муҳокама қилган эдик, пойтахтдаги янгилик ҳақида менга хабар қилишган эди. Энди сиз ўзингизга ёқадиган ёрдамчини топдингиз шекилли. Мен сизга уни топишлари билан бу ерга келтирадилар, деб айтган эдим-ку. Мен ўз сўзимдан қайтмайман. Сизга ким керак бўлса олинг, мен қарши эмасман. Бунинг учун аччиқ қилмаслик керак, – дея Цзюй У томонга бурилди ва сўради: – Бу ўша У-янми, ҳали ўн учга тўлмасдан қотилликка қўл урибдими? У ҳақда бутун шаҳар гапирмоқда.

– Ҳа, бу ўшанинг ўзи, – деди Цзюй У – у менинг ўғлимни ўлдирди.

– О! – дея аста гапирди валиахд, – бу жуда ачинарли ҳол!

Бояги ёш йигит Цзюйга ҳайқирди:

– Ўз қаҳрингизни юта оласизми, қасдингиздан кечасизми?

– Жаноби олийлари! – Цзюй У валиахд оёғига йиқилиб нола қилди, – у менинг яккаю ягона ўғлим. Кувончим, бахтим эди, унинг ўлими билан ҳаммаси тугади, наслим ҳам тугади!

– Балким яна уйланарсиз? – деди валиахд, – ва яна ўғиллик бўларсиз. Дўстим Цзин Кэ – ҳақ. Мени ўйлаб қасд олишдан воз кечарсиз. Ўша У-ян ўзимга керак. Қотил бошқа эмас, айнан у бўлиб чиққанлиги ачинарли. Ҳей, аттанг! Аввал ҳам мени қизиқтирган, хаяжонга солган нарсаларга сиз лоқайд эдингиз, буни сезардим. Аммо бу гал мен сизга эмас, сиз менга ён беришингиз керак. Менинг бу гапларимни чуқур ўйлаб кўринг. Агар гапларим маъқул бўлмаса, осмон ости кенг, зеро, кимдир ўтлар илдизи остида ётибди, майсаларни ҳам, гулларни ҳам, дарахтларни ҳам кўрмайди.

Цзюй У икки букилиб орти билан уйдан чиқди. Ҳашаматли маҳофада борар экан, валиахднинг сўзлари ҳамон кулоғи остида жарангларди, сўзларининг мағзини чаққан сайин уни ваҳима ва кўркувдан бадани бўшашиб борарди.

“Ҳукмдорларнинг марҳамати шул, – ўйлади у, – шу вақтгача, яъни Янь элига қайтгандан буён унга мураббийлик ва маслаҳатгўйлик қилдим у мени оқлаб, кўкларга кўтарди. Аммо бир гал унга эътироз билдирганим учун мени ёнидан ҳайдади, қандайдир бир ўткинчини ўз ёнига олди. Мана, бугун илк бор кўриб турибман. Доно Фан Ли айтганидек: “Чаққон ва югурик куён ўлдирилса, овчи итнинг кераги йўқ. Чаққон ва эпчил қушлар қирилиб битгач, таранг тортилган ўқ-ёйни нарига суради-

лар”. Энди мен унга керак бўлмай қолсам, мени ўлдиради. Ҳа, айтган сўзларининг маъноси шу. “Осмон ости кенг”, деди. Бу дегани – қаёққа борсанг, боравер дегани эмасми? “Ўтлар илдири” иборасини ишлатганда менга аниқ таҳдид қилмоқчи бўлди. Чунки тахт ворисининг ички сирларини билган кишининг тирик қолиши мумкин эмас. Ҳа, у мени уш-лашга ҳаракат қилди. Агар кетсам, ўлдириши аниқ. У менинг Цинга кетиб қолишимдан кўрқади. Мен эса Янда қолишдан кўрқаман. У менга мунофиқларча далда бериб: “Душманнинг сомон тикилган терисини дарвозага илиш зарур”, деди. Шунда у менинг теримга сомон тикажагини ва уни ўз дарвозасига илажагини ўйлаб гапирди. Мен унинг ҳимоясида бўлган бир кишидан қасос олиб беринг, деб қаердан ҳам айтдим!”

Цзюй У ўз ховлисининг жанубий дарвозаси ёнига келиб тўхтади-да, сўнг ичкарига кирди. Озгина фурсат ўтмай, қора рангли кийимда қайтиб чиқди. Ҳеч кимга билдирмай Янь пойтахтидан ғарбий дарвоза, яъни ун-гача муаллим Ю Ши яшириниб турган дарвоза орқали ташқарига чиқди. Ҳамон унинг қулоғи остида ўғлининг жасади устида фарёд чекаётган аёллар товуши эшитилиб турарди.

МАРВАРИДГУЛ ВА ҚАЛДИРҒОЧ

Янь мамлакати жойлашган шарқи-шимолий минтақадан ғарби-жанубий томонга буриламиз. Янь ва Чжао мамлакатлари чегараси Ишуй дарёси орқали ўтарди. Утайшань тоғининг баланд тизмалари ва бешта юксак чўққиси остида оппоқ булутлар қўйнида чўмилиб ётган бу бепоён Чин замини урушлар туфайли уч бўлакка, яъни Чжао, Вэй ва Хань деб аталган давлатларга бўлиниб кетди. Бир вақтлар ҳосилдор бўлган, ҳозир харобот ичра ҳувуллаб ётган мағрур Фэнь дарёси ва лойқа сувли Сарик (Хуанхе) дарёси оқиб ўтган замин устида асалари уясига ўхшаш лойли қуйқаларга тўла ланг очик дераза ва эшиклари шундоққина кўриниб турарди. Ғарби-жанубий томонда Цинь ва Вэй ерлари, Вэй дарёсининг қирғоқлари бўйлаб Цинь мамлакати пойтахти Саньян жойлашган. Пойтахт юқорисида ҳукмрон жаноб Цзян хонадони соқчилик гуруҳи бошлиғининг қароргоҳи кўриниб турибди. У ҳозир саркарда.

Цзян хоним сарой соқчилари гуруҳи бошлиғининг рафиқаси. У бошқа хитой аёллари каби бичиш-тикишни, тўкишни, пилла толаларини калава қилишни ўрганмаган. Кун бўйи кўзгу қаршисида ўтирар, хизматкор аёллар уни қоп-қора зулукдек қуюқ сочларини тараб, турмаклаш билан машғул эдилар. Сочини гоҳ куш уяси каби гоҳо икки-уч бурмали жингалак қилиб турмаклашар эди. Эр бўлмиш уни кўздан қочирмас, рақсларини завқ билан томоша қилар, ингичка овоз билан қуйлаган ашулаларини ёқтирар эди. Оилада илк бор қиз туғилди. Бундан Цзян хоним қувонмади, дояларга захрини сочди ва қўчқордек ўғил ўрнига бир қиз бергани учун тақдирдан шикоят қилди.

– Энди мени хўжайиним севмай кўяди! – дея юм-юм йиғларди у нозик бармоқларини юзига босиб.

Аммо жаноб Цзян қиз кўрганидан нолимади. У энди қизалоғига чиройли исм қўйишни айтиб, хонимга далда берарди. Шу пайт қаттиқ шамол туриб эшик тепасидаги қўнғирокни тебратгани, қўнғирок жиринглаб кетди.

– Келинг, кизчамизнинг исмини “Кўнғироқ – Лин” кўямиз, – деди кувониб жаноб Цзян.

Бундан Цзян хоним хурсанд бўлди, лабларига табассум кўнди ва:

– Яхшиси, унинг исмини Лин-лань – яъни Марваридгул деб атаймиз, – деди.

Кизчага чиройли исм топиб кўйишгач, унинг учун барча нарсанинг бекаму кўст бўлишини ўйлашди. Цзян хоним уни ўз ҳолига ташлаб кўйди. Айниқса, хотин-қизлар учун зарур бўлган тўрт фазилат – камтарлик, ташқи гўзалликни сақлаш, ширинсўзлик ва қўл хунарларига бирон-бир устоз ёллашмади. Отасига тортган кизча жангарилик руҳида ўсди, жажжи Лин-лань муштчалари билан энагаларини урар, овқат едирувчиларнинг юзига чанг солар эди. Қизалоқ ёшлигидан бакуват бўлиб ўсди, дарвоза орти кўчаларида ялангоёқ бўлиб чопар ва тўрт-беш ёшли ўғил болалар билан ўйнади. Энагалар унинг орқасидан югуришга улгурмас, Цзян хонимга арз қилишар ва ётоқхонага киришга мажбурлашарди. Цзян хоним уйкули кўзларини зўрға очиб:

– Бу аҳволда мен ўз гўзаллигимни қандай сақлайман. Ахир, сизлар мени тинч ухлагани кўймайсизлар-а? – дерди норози оҳангда.

Сўнгра жаноб Цзяннинг ўзига арз қилишарди. Жаноб эса кулиб шундай дерди:

– Жасур қиз! Бобосига, бобосининг бобосига ўхшайди. Қани уни чакиринглар-чи, бу ёққа!

Жаноб Лин-ланни таззасига ўтказиб таълим бера бошларди: – Пулат тирноқлар – йиртқичлар химоя қуроли, мушт эса қишлоқиларнинг уруш қуроли. Ўғил болалардан кўкмаслигинг – бу яхши. Аммо тепкилашиш қонун-қоидалари ҳам бор.

Шундан сўнг Лин-Ланни сахар-мардондан туришга ўргатдилар ва у билан машғулот ўтказа бошладилар. Боғ ичидаги майдонда тўғри нафас олиш машқини ва аскар учун нимаики зарур бўлса ҳаммасини ўргатдилар.

– Қани, кушнинг думидан тут-чи! – деди ота кизига.

Лин-лань оёғини кенг ёйиб, ўнг кўлини баландга узатди, чап кўлини эса елкаси узра орқага ташлаб, олдинга энгашди ва кушни пойлагандек ҳаракат қилди.

– Тек тур! Хужум! Тут! – дея буйруқ берди жаноб Цзянь. Лин-лань эса ҳавонинг “думидан” тутгандек қилиб муштумини кисарди.

– Оқ турна қанотига дам берсин! – деди ота.

Лин-лань эса юзини буриб, кўлларини навбатма-навбат тушириб ўтирарди.

– Денгиз қаъридан игнани топ!

Бир кўли билан иккинчи кўлининг тирсагидан тутган Лин-лань худди еңгини хўл қилишдан чўчигандек ерга қапишиб, гавдасини тўғрилаб оёқ-кўлини баланд қилди.

– Йўлбарсни тоғ томонга ҳайда!

Лин-лань кўлларини тушириб йўлбарс деб тахмин қилган нуқтани аста-секин ҳайдагандек икки кўлини хоч қилган ҳолда оёқларини керди ва оҳиста қадам ташлаб баландликка чиқаётгандек ҳаракат қилди.

– Олтинхўроз тумшуғини ўткирласин!

Лин-лань бир оёғида туриб, иккинчи оёқни қорни томонга тортди, кўлларини башараси олдида сермади, гўё тез қанот қоққандек бўлди.

У барча машқларни бекаму кўст қилиб бажаргандан кейин жаноб Цзян кизини қиличбозликка ўргата бошлади. Албатта, ўн саккиз турли жанг куроллари билан муомала қилишни ўрганиш киз бола учун қийин эди. У болта, камон, болға билан жанг қилиш усуллари ўргана олмади. Бирок, мана ўн йилдирки, у кичик ўрама қамчи, ойболта билан яхши муомала қила оларди. Ҳаммасидан ҳам унга икки тўп билан машқ қилиш ва камондан нишонга қараб ўқ узиш машқлари ёқарди.

Бир куни шундай воқеа содир бўлди. Лин-лань боғни сайр қилиб юриб, яшил-зангори рангда тобланувчи бир қушчага кўзи тушди. Қушча қўшни боғда ўсган, аммо бир бутоғи девор оша Лин-ланлар боғига тушиб турган дарахтга қўниб олган эди. Лин-лань қушчага қараб ўқ узди. Ўқ мўлжалга тегиб, қушча киз оёғи остига қулаб тушди. Шу пайт нариги томондан ингичка овоз ва йиғи товуши эшитилди.

*Бу қуш эди дилгир, юпанчим,
Ким ўқ узди билмайин қолдим,
Ўлди қуш ҳам, бахтим – қувончим.*

Йиғи аралаш айтилган бу қўшиқ Лин-лань қалбига ўқ каби қадалди у: “Ўзим хоҳламаган ҳолда кимга жафо қилиб қўйдим?!” – деди-ю, қўшни бир қизга кўзи тушди. Қиз ёш бўлишига қарамай, ниҳоятда гўзал эди. Чиройи ойни уялтирарди. Қоши нафис қайрилган, юзлари шафтоли гули рангида, бодом қовоқлари гўзал эди.

Қиз гўзал бўлишига қарамай оддий кийинган, сув тўла ховуз ёнида чўкка тушиб қандайдир бир мис идишни кум билан ишқаб юварди, но-зик бармоқлари қонаб кетганди. Лин-ланнинг кўлидаги ўқ-ёйни кўриб, йиғиси зўрайди ва деди:

– Эй, золим қизча, нега менинг дўстимни ўлдирдинг?

Лин-лань билмасдан қилган хатоси учун узр сўради. Қизча унинг узрини қабул қилди. Кўз ёшларини артди ва ўзининг ғамли, қайғули кассасини бошлади.

Сарой табибининг бир эмас уч нафар хотини бор эди. Улар табибга ўн нафар қиз туғиб беришди. Хафа бўлган табиб тўртинчи марта хотин олди. У энди ўғиллик бўлишига қатъий ишонган эди. Аммо, бахтга қарши, тўртинчи хотин ҳам қиз туғди. Таниш-билишлари ҳазил ва зил аралаш табибни ўн биринчи қиз билан табрикладилар. Табиб эса уларга шеър билан:

*Агар ўғиллик бўлсам,
Шоҳи-шалвор йўргаги
Зумраддан ўйинчоги
Бор-йўғи у қиз бўлса
Ўйинчоги сополдан,
Чиптадандир йўргаги, –*

деб жавоб берди.

Қиз туғилган хона томига қалдирғоч уя қўйган эди. Қанотлари қоп-қора қалдирғоч дам ўтмай болаларига оғзида егулик бериб кетарди. Она тортинибгина эрига:

– Кизимизнинг исмини Қалдирғоч кўямиз! – деди.

– Эсингни едингми? – деди табиб унга жавобан. – Ахир, қалдирғочлар бизга душман бўлган давлат номини айтиб сайрашади-ку! Қўй, бу исм бўлмайди. Яхшиси, уни оддий “Ши-и” деб атай қолайлик. (“Ши-и” ўн биринчи деган маънони англатади) Бу ном ҳам ўта оддий. Майли, унинг исми У-и бўла қолсин. Қалдирғочларнинг ҳам каноти қора-ку! Бунинг устига, бу исм жуда чиройли жаранглар экан.

Ўз хўжасининг гапини тинглаган ёш она кизчасини бағрига босибди-ю... бесўз, индамасдан жон берибди. Хизматкор аёллардан бири У-ини бокиб катта қилибди. У бироз улғайгач, уч ўгай она зуғумлари остида қолибди. Улар беш яшар кизчага оғир юмушларни буюрар, овқатларининг сарқитини унга беришар, эски-туски кийимларни кийдиришар экан.

Шу орада табиб хотинларидан бири уст-устига иккита ўғил туғибди. Сарой табиби энди ўзининг ўн биринчи кизини бутунлай унутибди. Ўша пайтда у яшайдиган кичик омборхонага яшил ранг бир кушча уя қуриб, бола очибди. Кушча У-ининг ягона овунчоғига айланган эди.

– Жонгинам У-и, – деди Лин-лань, – қилган ишимдан уятда ва пушаймонда қолдим. Сенга ўйламай-нетмай ёмонлик қилдим. Энди мени кушча ўрнига дўст деб қабул қил. Мен қарағайдек мустақкамман, сени дуч келган ёмонликлардан химоя қилоламан. Қани, идишларингни бер-чи, тозалаб бераман, гарчи умримда бу ишни қилмаган бўлсам ҳам, – дебди.

Лин-лань ҳар куни девордан ошиб, У-ининг ёнига ўтиб, у билан тўйиб-тўйиб суҳбатлашар, Лин-лань олиб келган овқат билан бирга овқатланишар бир-бирларини сочларини тараб ўришар, У-ига топширилган оғир юмушларни бирга бажаришар, улар бир-бирларига қаттиқ боғланиб қолишган эди.

Ю ШИ ЕГАН БЎТҚА

Вань оиласи яшайдиган қишлоқ Ваньцзяцунь одамзод кўзидан пана бир жойда эди. Сервиқор тоғлар орасидаги бу қишлоқни кўз илғамас деворлари ҳам кулранг. Шу жиҳатдан уларни бир-бирларидан фарқ қилиб бўлмасди. Биргина ёлғизоёқ йўл эски ибодатхона вайронаси орасидан ўтиб, ўтлоқ томон бурилар, чағиртошлар, тиканли чакалакзорлар орасига сингиб, қишлоқ бош дарвозаси ёнигача чўзилиб келганди. Қишлоқ ёнидан шилдираганча кичик жилға оқарди. Жилға бурмали қоялар қўйнига кириб ғойиб бўларди. Тоғ ости ўрмон билан қоплаган, қалинлигидан ўтиб бўлмасди. Қишлоқ ёнида ястаниб ётган дала ҳамда чўллар бир-бирига тутшиб кетган ва ғарбдан шарққа қараб чўзилган эди. Бу далалар шимолдан келадиган кўчманчи қавмлар ҳужумига ғов сифатида чўзилган эди. Ҳозир бу далалардаги ҳосил йиғиб олиб кетилганди.

Жилға четида Вань Си ва Вань Люнинг хотинлари калта кийимлар кийиб, ярим яланғоч ҳолда кир ювишарди. Улар тупроқ ва тер сингиб роса кирланган кийимларни тошларга уриб ишқалашарди. Вань Люнинг хотини бошини кўтариб, йўлак томон қаради ва кўзи нотаниш бир кимсага тушди. Ваньцзяцунь қишлоғи пойтахтдан ярим кунлик йўл бўлса-да, бу ерга бегоналар жуда кам келишарди. Аёл кўрқиб кетди. У овоз чиқармай дугонасининг кўлидан маҳкам ушлаб олди. Икки дугона дарҳол дарахт-

зорга кириб, кўздан ғойиб бўлдилар. Вань Сининг хотини дугонасидан бироз катта ва жасуррок эди. У эрининг ҳўл уст кийимини дарахт панасига яширди. Нотаниш кимса уни кўриб турарди. У қўл силкитди-да, бута остида чўк тушиб гапира бошлади:

– Цань-юнь во юе – булутлар-ла биргаман доим, ой нурида ухлайман. Мен мусофир бечора...

Аёллар яширинган буталар томондан жавоб бўлмади. Мусофир яна гап котди:

– Чан вэй гань цзао – корин ва ичак-чавоқларим куриб битди... – деди ва чуқур “ух” тортиб кўйди.

Мусофир эса гапида давом этарди:

– Ҳозиргина вайрона ибодатхонада Худога ёлвориб ибодат қилдим. Наҳотки, Тангрим менинг нолаларимни эшитмаган бўлса?!

– Бу ерда ҳеч қандай Тангри йўқ, – дея қичқирди Вань Люнинг хотини ва яна яшириниб олди.

Вань Сюнинг хотини эса бута тагидан чикмай, дугонасининг гапини тасдиқлади.

– Ўша ибодатхона аллақачон бузиб ташланган. Биз бўлсак оддий деҳқонлармиз. Бизга ибодатхона куриш таъқиқланган. Ибодатларимизни даланинг ўзида қилмоқдамиз. Марҳумлар руҳига эса улар кўмилган жойга бориб ибодат қиламиз.

– Эҳ, аттанг! Ҳеч кимнинг менга ёрдам бергиси келмайди. Мен очдан ўлишни истамайман. Ёғли кулча расмини чизиб, очликни йўқотмасам бўлмас, ана шу сўзлар билан ёлғизоёқ йўлдан ўтиб қумлоққа келди-да, бармоқлари билан алланарсаларни чизди.

Бута туби аста кимирлаб, мусофирнинг қулоғига уларнинг шивири эшитилди.

– Афтидан ёмон одамга ўхшамайди, балки бизга тегмас...

– Барибир, бегона-да!

– Товуши мулойим, сўзлари маъноли.

– У бегона-ку!

– У нимани чизаётибди, ҳозир бориб кўраман.

– Бир ўзинг бора кўрма! Бироз кут!

Икки аёл бута тагидан чиқишди, беўхшов эгилиб, бегона кишининг елкаси оша мўралаб, қумлоққа кўплаб нукталар чизилганлигини кўрдилар.

– Бу нима? – сўрашди улар.

– Тарик доналари. Агар улар рози бўлишса, мен улардан бўтқа тайёрлайман.

Иккала аёл бирдан кулиб юборишди ва бир овозда: “Юринг, сизга бўтқа берамиз”, дейишди.

Вань Сининг хотини олдинда кўз илғамас тор йўлакдаги тўсиқлардан чакконлик билан ўтар, йўлда икки-уч кишига дуч келишди. Улар бир боғламдан шох-шабба кўтариб олишган эди. Шу сабабли бош кўтариб уларнинг юзига қарай олишмасди. Саломлашиш ўрнига “Хао! Хао!” – яъни саломга алик олмоқ яхши, дея ўтиб кетишди.

Қишлоққа киргач, бу ерда истиқомат қилувчилар сони кўпайди. Ўзларининг учбурчакли супургилари билан тош ётқизилган кўчаларни супуриб, устига тарик боғламларини уюшар, оғир тош ғилдираклари би-

лан тарик пояларини янчиб донини донга, сомонини сомонга ажратишарди. Офтобда қуриган тарик донларини хирмон қилиб уюшарди. Мусофир бироз тўхтаб уларни томоша қилмоқчи бўлар, аёллар уни: – Юраверинг, юраверинг! – деб тезроқ юришга ундардилар.

Улар анчагина йўл босишди. Уйлар қаршисидаги боғчаларда ёш-яланглар дарахтлардаги охирги меваларни теришар, аёллар эса том чордоқларига чиқиб, пишиқ ипларга меваларни тизиб, қуритиш учун офтобруя жойга илишар эди.

Уйлар орасидаги тор йўлакларда болалар уймалашиб, лойдан уй қуришар, ниманингдир шаклини ясаб ўйнашарди ва бирови бўғирсоқ, бирови олма, бирови холва еб, ўйин билан машғул эдилар. Баъзилари қоринчаларини шаппатлаб чилдирма қилиб чалишар ва кўшиқ ҳам айтиб кўйишарди:

*Эй сариқ ит, уйим қўриқла,
Хурма ва қопогон бўлма, чопгил айланиб.
Майли чопгил, чопмагил, лек қочиб кетма
Аталанг ич, егил бўғирсогингни.*

Ёки:

*Лағмон
Яхши!
Қайла
Ажойиб!*

Бир кичкинтой офтобда ўтирар, қўлида ярми ейилган бўғирсоқ, қорни тўйиб кетганидан еяолмай, уни бировга ҳам бергиси келмай, унга қараб-қараб кўярди. Хуллас, бу ердагиларнинг барчаси ҳозир тўқ эди, балки ҳамма вақт ҳам шундай бўлмагандир. Бир ҳовли дарвозаси ёнига келганда аёллар тўхтаб, болалардан:

– Муҳтарам оқсоқол уйдаларми? – деб сўрадилар.

– Уйда эмас! Эмас уйда! Уйда эмас! Эмас уйда! – хор бўлиб кўшиқ қилиб айтишди болалар. Улар бир-бирларига лой чаплашиб ўйнашарди, бутун баданлари, то оғизларигача лой чапланган эди.

Вань Сининг хотини мусофирга қараб:

– Ҳаммамиз иш билан бўлиб, болаларимизга одоб беришни ҳам унутганмиз, кечиринг уларни! – деди.

Мусофир индамади, биргаллашиб дарвозадан ичкарига киришди.

Салқин ҳовлида, дарахтга суянганча махсус ўриндикда бир қари чол ўтирарди. Узун ва сийрак соколи кўксига тушганди. У тетик кўринарди.

Икки аёл ҳам бошларини ергача эгиб, чолга таъзим бажо келтиришди. Мусофир ҳам таъзим бажо этди.

– Хўш! – деди қария, – менда нима гапинглар бор.

– Отахон! – деди аёллар, – биз бу одамни ибодатхона ёнида учратиб қолдик. Унинг қорни оч экан.

– Ундай бўлса, қорнини тўйғазинг! – деди қария.

Шу пайт қаердандир ёшгина бир қиз қўлида бир товоқ бўтқа билан пайдо бўлди. Яна бошқалари эса бири куймоқ, узун баргли пиёз ва ҳозир узил-

ган хурмо билан пайдо бўлдилар. Мусофирнинг қувончдан юзи ёришиб кетди ва дарҳол ўзини овқатга урди. Мусофир ютоқиб овқат тановул қила бошлади. Тўйиб кетганидан оғир нафас оларкан, ниҳоят, тилга кириб:

– Энь шэнь си хай – мурувватингиз ва сахийлигингизнинг чеки йўк, – дея миннатдорлик билдирди мусофир.

– Сиз олимпсиз? – сўради қария ундан, – сўзларингиз оҳанги ёқимли ва бизнинг қишлоқ одамларининг овозларига сира ўхшамайди. Сизни муносиб сийламаган бўлсам, узр сўрайман.

– Улуғ ёшингиз сизнинг ақл-заковатингизни, донишмандлигингизни кўрсатиб турибди, – деди мусофир. Мен бир камбағал бечораман, сиздан химоя излаб келдим.

– Биз оддий деҳқонлармиз, – деди қария, – ер ҳайдаб, ер чопамиз. Ёшлигимиздан ана шу машаққатли ишга ўрганганмиз. Сиз биз билан яшай оласизми? Бу покиза оппоқ кўлларингиз бел ва кетмонларимиз сопида кавариб кетмаса, деб кўркаман.

Мусофир сукутда эди. Қария ундан сўради:

– Сиз бармоқлар билан ер ҳайдашни, кўл билан ўтоқ қилишни била-сизми?

– Би гэн, шэ ноу? – қайта сўради мусофир. – Болаларни ўқитишни айтаяпсизми? Албатта хоҳлайман!

– Шошилманг, мухтарам муаллим! – деди қария. – Бугун сиз қишлоғимиздаги маъмурчиликни кўриб турибсиз ва унинг меваларини ҳам татиб кўрдингиз. Аммо бизда ҳаммавақт шундай бўлавермайди. Биз ҳосилни йиғиб олганда байрам қиламиз, бироқ ҳали замон бизга уруғликни қарзга берган судхўрлар келиб қолишади, улар берган донларни бир неча баравар қилиб қайтариб олишади. Заминдор ўз улушини талаб қилади. Амалдорлар қарз ва солиқларини ундириш учун шошилади-лар. Тежамкор уй бекаси бир ҳовуч донни қозонга солиш учун у кафтидан бу кафтига олиб пуфлаб тозалайди ва ҳар пуфлаганда дон камаяверади. Қишда бу ерда қорни тўқ одамни учратмайсиз. Ҳозир ортиқча бурда номимиз бор, уни сиз билан баҳам кўриб турамиз. Бироқ қишда қишлоқда очарчилик бошланади. Сизлар шаҳар маъмурчилигига ўргангансизлар, бу ердаги қийинчиликка ўргана оласизми?

– Бу ҳақда ўйламасангиз ҳам бўлади, – деди муаллим, – мен асли қишлоқданман ва бундай йўқчиликларга ўрганиб кетганман. Шаҳарда мен булардан ҳам хавфлироқ кулфатга дучор бўлдим.

– Биз билан бирга қолаётганингиз учун хурсандман, – деди қария, – энди сизга бошпана излаб топайлик.

ЧЖИНИНГ СИРЛИ ҚЎЗИҚОРИНЛАРИ

Хо Нюй қўзиқорин териб, баъзан тузлаб, баъзан қуришиб сотарди. Ўшанда амалдор Цзюйнинг ошпази уни уйга киритмаган эди. У бошқа бир неча уйларга ҳам кириб-чиқишга улгурди ва териб келган барча қўзиқоринларини пуллади. Шунда бир ошпазнинг хотини унга:

– Эрталабдан буён тинмай югурасиз, жоним, роса оч қолган кўринасиз. Бизнинг бекамиз кеча меҳмон кутган эдилар, дастурхонга егулик ва ноз-

неъмат шунча мўл тортилдики, кўпи ейилмай қолиб кетди. Юринг менинг хужрамга, идиш-товоқ ювишда ёрдамлашиб юборинг, – деди.

– Марҳаматингиздан бошим осмонга етди.

Ошпазнинг хотини бундай юмшоқ муомаладан эриб кетди ва деди:

– Мен сизни чин дилдан сийламоқчиман. Тортинманг, мен билан бирга ўтираверинг.

– Эй бекахоним, – деди Хо Ньюй, – бир оғиз илиқ сўз уч қишда одамни совуқдан сақлайди! Сизнинг меҳрибон марҳаматингиздан оч қорним тўйгандек бўлди.

– Ош бўлсин, еяверинг! – гапида давом этди аёл, – бу билан камбағаллашиб қолмаймиз, – деди-да, пиширилган катта балиқ солинган товоқни меҳмон олдига суриб қўйди.

– Ҳай-хай, қандай ажойиб балиқ экан! Бундай балиқларни қаерлардан тутишади? Илохий ороллардан эмасми, ишқилиб? Мен бундай балиқларни кўрмаганман, ҳатто қандай ейишни ҳам билмайман.

– Албатта билмайсиз-да! – деди мезбон аёл, – аммо бу сизнинг айбингиз эмас. Чунки сизга ҳеч ким ўргатмаган. Шаҳарликларнинг ҳаммаси овқатни чўп билан ейишади. Бироқ кишлоқларда қандай ейишларини билмайман. Балки қўл билан ейишар. Агар сиз чўп билан ея олмасангиз, бемалол қўл билан еяверинг. Чўп билан мана бундоқ қилиб ейдилар, – деди-да иккита чўп келтириб, балиқдан бир бўлагини назокат билан олиб, оғзига солди.

– Овқатга ювуқсиз қўлимни теккизишга ботина олмайман. Сизга ўхшаб чўп билан бир еб кўрай-чи, – деди Хо Ньюй.

У бир бўлак балиқ гўштини чўпга илиб оғзига солар экан, уй бекаси уни диққат билан кузатиб турганига кўзи тушди.

Хо Ньюйнинг юзи бирдан тундлашди, бир бўлак балиқ гўшти унинг чўпидан сирғалиб товоққа тушди

– Худди оёқ чиқаргандек кочади-я, сабил! Денгизда сузиб юрибсан-а?! Қуш бўлиб уч-е, жонивор! – жағи ҳам тинмас эди Хо Ньюйнинг. Хайрият, гўштнинг бир бўлагини чўп билан қисиб олиб энди оғзига солмоқчи бўлиб оғиз очган ҳам эди, гўшт чўплари орасидан яна чиқиб кетди ва тиззасига тушди, охири барибир бармоқ ишлатишга тўғри келди, гўштни қўли билан олиб оғзига солди.

Ошпазнинг хотини буни кўриб, кулгидан ўлиб қолаёзди. Икки қўллаб қорнини ушлаганча гапира олмай қахқаҳа отарди.

– Яна келинг! Ха-ха-ха! Сизни худди шундай боқиб тураман! Ха-ха-ха!

Сўнгра ошпазнинг хотини Хо Ньюйдан бирон ашула айтиб беришни илтимос қилди. – Хо Ньюй дарҳол ўрнидан туриб ашула бошлади:

*Мен тоғларда яшайман,
Илдиз қоқи ошайман,
Тўйгунимча кавшайман.*

– Эҳ, қандай тўмтоқ ашула! – яна кулгидан ўзини тўхтата олмади ошпазнинг хотини. – Ха-ха-ха! Илдизни қандай еб бўлади? Қорин шишади-ку.

Уй бекаси Хо Ньюйни энди май билан меҳмон қилмоқчи бўлди ва шаҳарда содир бўлган кейинги янгиликларни гапириб берди. Шу билан бирга амалдор Цзюй Унинг ўғли ваҳшийларча ўлдирилганини ҳам айтди.

– Овга бораман, деб чикибди-ю қайтмабди. Шундай чиройли, шундай мағрур бола эди, шоввоз! Кўчада учратсанг бўлди, ё у биров билан ёкалашиб, ё ҳеч бўлмаса уришиб турганини кўрардинг.

Шу заҳотиёк Хо Нюй англадики, арафа куни унинг хужрасига келган эркатой бола худди ўшанинг ўзи. У тирик одамнинг қандай ўлдирилганини ўз кўзи билан кўрдим, дея мактанмоқчи бўлиб турган эди, аммо тилини тийди. Уни ҳар куни гувоҳликка чақириб гаранг қилишларини, ҳатто судгача уни сўроқ қилиб қийнашлари, бўйнига ёғоч бўйинтуруқ солиб қамаб қўйишлари, ҳар куни эрталаб оёғига таёк билан уриб, азоб беришлари мумкин эди. Бошга бало ва офат тилга эҳтиёт бўлмасликдан келиб чиқишини ўйлади.

– Уни ўлдирган қотил ҳали ўн учга ҳам кирмаган ёш бола эмиш, – деди ошпазнинг хотини суҳбат сўнгида ва овқат сарқитларини аёлнинг бўшаган саватига солди.

Хо Нюй бу ердан дили қувончга тўлиб чиқди. Майнинг ёқимли ҳароратидан чайқалганча кетиб борар, гўё косадан боягина кўтарилиб турган буғ унинг миясига ўтгандек, кўз олди жимирашар эди. Бир пайт кимнингдир дарвозаси ёнига келиб колди, у факат бир гапни:

– Пўшт, йўл беринг! – дея такрорларди, холос.

У йўлда кетиб бораркан:

– Қандай ақлиман мен, қандай қувман мен! – деган гапни қайтариб борарди.

– Озгина масҳарабозлик, майнабозлик қилдим-у, икки баравар фойдага эга бўлдим. – Сўнгра чуқур тин олиб деди: – Менга икки карра фойданинг нима кераги бор ўзи? Ахир ёлғизман-ку!

Худди шундай гоҳ шодон, гоҳ андуҳли хаёллар билан йўлнинг ярмини босиб ўтди. Йўлнинг ярмини эса бир аравада босиб ўтишга тўғри келди. Аравакаш ёш йигит бўлиб, шаҳардан қайтаётган экан, нуқул одам ўлдириш ҳақида гапирарди. Хо Нюй унга ҳеч нарса демади. Унинг сўзларини тинглар экан, муғомбирона кулиб қўяр ва оғзидан ортиқча сўз чиқиб кетмаслиги учун лабларини бармоқлари билан маҳкам қисиб олганди. Аравакашга миннатдорчилик билдириб, муюлишга етганда аравадан тушди ва таниш уйча томон юрди. Энди у ўз уйида эди. “Бу ерда ҳеч ким овозимни эшитмайди”, деб қўшиқ бошлади:

*Қарагайга чиқаман,
Ойни қўлимга олиб,
Саватимга соламан...*

Ашула айта-айта қўлларини силкитиб рақсга тушиб кетди.

Бирдан унинг кўзи ярқираган бир нарсага тушди. Яқинроқ бориб қаради. Қараса, сарғайган куз ўтлари орасида ялтираб бир кўзикорин турибди. Бу оддий кўзикорин эмаслигини дарҳол фаҳмлади. У сирли замбуруғ эди. Киссасидан чопки чиқариб, кўзикоринни қирқиб олди. Қараса, бошқа бир тўнканинг ёнида бундан ҳам каттароқ ва чиройлироқ кўзикорин турибди. Бу ерда битта эмас, ўнлаб кўзикоринлар ялтираб ётар эди. У кетма-кет кўзикорин тера бошлади.

Унинг шодлиги чексиз эди. – “Қумуш эвазига, тилла эвазига кўзикорин сотаман, ҳаммадан бой бўламан!” – Аёлнинг юзига ғам-андуҳ бирдан

кўланка солди. “Бойлик менга нима учун керак? Ёлғиз аёл бўлсам...”

У оёғининг бирдан тойиб кетаётганини ҳис қилди. Қайрилиб қараса, атрофидаги ҳамма нарса, буталар, тупроқ пастга қараб куламоқда, дарахтларнинг илдизи кўпорилмоқда. Аёл ҳам юмалаб, ўмбалоқ ошиб пастга қулай бошлади. У тўғри келган бутами, ўт-ўланними ушлаб қолишга уринарди. Ниҳоят, бир дарахтнинг илдизини маҳкам ушлаб қолди.

У ён томонини сийпалаб кўрди – оёқлари соппа-соғ, елкасини ушлаб кўрди – кўллари бутун. Шу пайт бирдан бута тубида тупроққа беланиб беҳуш ётган бир болага кўзи тушди.

Хо Нюй дарахт илдизларини суриб болани тупроқ орасидан тортиб олди. Боланинг аъзойи бадани, юзи тирналган, кўкариб шилинган, қонга беланган бўлса-да, дарҳол уни таниди.

“Ҳа, бу кеча кўрган ўша дудук бола, бу ерга қандай тушиб қолди, тирикми ўзи?”

У боланинг кўкрагига бошини кўйиб, қулоқ сола бошлади. Юраги урапти!


“Омад ҳам, омадсизлик ҳам кўш келади”, ўйлади аёл. – Омадим кўш келадиганга ўхшайди: кўплаб кўзикорин топдим, болани ҳам топдим. Энди тезгина йўлга тушиб, оининг ёруғида уйга етиб олиш лозим.

У атрофга аланглаб кўзикорин тўла саватчасини излади. Бироқ саватча кўринмади. Балки бояги тўполонда бирон нарсага илиниб юқорида қолгандир. “Омадсизлик ҳам кўш бўлади”, деб кўйди у.

– Энди нима қилишим керак? Саватчасини изласинми? Ундай бўлса, бола ўлиб қолиши ёки йиртқич ҳайвонларга ем бўлиши мумкин. Болани аввал уйга олиб борай деса, замбуруғ тўла саватни бирон ўткинчи олиб кетиши мумкин. Аёл ана шуларни ўйлаб турган пайтда бола яна ингради.

“Кундузи ёмонлик қилмасанг, кечаси ифлос руҳлар эшик қоқиб безовта қилмайди. Агар бола ўлиб қолса, унинг арвоҳи мени тинчитмайди”, дея ўйлади Хо Нюй ва болани даст кўтариб елкасига олди-да, пастликдан чиқиб уйи томон йўл олди.

(Давоми келгуси сонда)



БУЮК САКРАШ ФОРМУЛАСИ

Ҳали-хануз “Собиқ тузум нега қулади, ахир у дунёнинг катта қисмини эгаллаган, таъсир доирасига олган, ҳарбий мушти Амриконинг ҳам шаштини қайтариб турган империя эди-ку?” деган савол кулоққа чалиниб туради. Жавоб аниқ: шўролар салтанатини кимдир қасддан бузиб ташламади, у ўзининг ҳаётийликдан кўра ҳаёлотийликка яқин, мантуксиз иктисодий сиёсати, ялпи даҳрийлиги, ғайриинсоний мафқураси ҳамда миллий туйғуга зид тақиқлари сабаб қақшатқич инқирозга юз тутди.

Шуниси таажжубли эдики, дунё мамлакатлари иктисод юритиш бобида бозор муносабатларига асосланиб, юксак натижаларга эришаётган, оғир ва енгил саноат гуриллаб ривожланаётган бир пайтда собиқ иттифоқда хил таъқиқлар мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган, расмий сиёсатга биноан хусусий тадбиркорлик, ишбилармонлик, халқ тилида айтиладиган бўлса, оддий ташаббускорлик фаолияти қонунга, шўроларча турмуш тарзига зид деб эълон қилинганди. Болаларини тўйдириш, кийинтириш, рўзғор қозонини қайнатиш учун уйда маҳси, дўппи, белбоғ ёки чопон тиккан, ота-бобоси касбини давом эттириб, атлас тўқиған, дурадгорлик қилган, савдо-сотикка доир бирор янгиликка интилган укувли одамлар “кўшимча даромад топиш”да айбланди, жиноий жавобгарликка тортилди. Ҳалол меҳнати билан даромад топиб, томи тунукали уй-жой қурганлар, дурустроқ уй-рўзғор буюмлари сотиб олганлар ҳам “қора рўйхат”га олинди. Узоққа бормайлик, таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов дала ҳовлисидаги чокқина уйининг тепасини “монсарда” қилиб олгани учун мамлакатнинг бош газетасида эълон қилинган “Чорбоғчилар” фельетонида аёвсиз танқид қилиниб, университетдаги ишидан бўшатилади. Ўзим туғилиб ўсган Сафед Булонга туташ Заркент қишлоғидан чиққан биринчи қалдирғоч тадбиркорлардан бири, эл-юрт дарди билан яшаган Тўрахўжа Ҳасановнинг тақдири ҳам шундай аянчли бўлди.

Чотқол тоғ тизмалари этақларида жойлашган Сафед Булон, Нанай, Мамай, Қизилёзи, Октом, Заркент қишлоқлари ҳавоси боғдорчиликка мослиги билан бошқа қишлоқлардан бир мунча ажралиб туради. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида ҳам, бугун ҳам бу ердаги боғларда шиғил-шиғил мева, айникса, сархил олма мўл етиштирилади. Бундан олтмиш йил аввал заркентлик тадбиркор Тўрахўжа Ҳасанов қишлоқ таъминот жамиятига раҳбарлик қилар экан, ҳар йили боғларда етиштирилдиган ҳосилнинг катта қисми сотилмай қолишини, боғ маҳсулотлари ўта қийин шароитда яшаётган аҳоли учун яхшигина даромад манбаи бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, ўша кезлари ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган

бир ишни бошлайди: Россиянинг қатор шахарлари таъминот ташкилотлари билан маҳсулот айирбошлаш тўғрисида ҳамкорлик шартномасини имзолайди. Унга кўра, Заркент “селпо”си қуритилган олма қокисини кўп миқдорда темир йўл орқали шартномада кўрсатилган шахарларнинг савдо базаларига жўнатади, иккинчи томон эса Заркентга ёғоч, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари юборади. Маҳаллий боғбонлар бундан ғоят мамнун бўлишади. Тўрахўжа ака қишлоқма-қишлоқ, ҳовли-ма ҳовли юриб, бўлажак ҳосилни чамалаб, одамларга, кўпроқ мухтожларга аввалдан бўнак (аванс) тарқатганига ўзим гувоҳ бўлганман. Одамлар томорқаларида етиштирилган маҳсулотларининг ортиқчасини Заркент “селпо”сига олиб келиб, ёғ, гуруч, қанд-курсга алмаштириб кетардилар. Бу тажриба чор-атрофга ёйилиб турган бир пайтда қишлоқларга ёмон бир хабар оралади: “Ҳасанов давлат сиёсатига тўғри келмайдиган иш билан шуғулланаётган экан, текширувчилар келиб, “сельпо” омборларига қулф уришибди, Тўрахўжа ака қамоққа олинибди...”

Эл-юртнинг дарди бошқа, давлатнинг расмий сиёсати бошқа замонлар эди. Истеъдодли одамларнинг фойдали ҳаракатларига йўл бермаслик фақат савдо соҳасида эмасди. Бўёқчининг ишига сувоқчи араллашиб, умрида экин даласи ёнига келмаган раҳбарлар деҳқонга, хат-саводи тўла чикмаган бошлиқлар ижодкор зиёлиларга, умрида кўли лой кўрмаган раҳбарчалар қурувчиларга кўрсатма берадиган бўлганди.

Бозор иқтисодиёти талаблари, қонун-қоидалари деган тушунча бир четда қолиб кетганди. Тузумнинг сиёсийлашган мафқураси жамиятнинг ҳамма аъзоларини бир хил фикрлашга ўргатмоқчи бўлди. Бу ҳаракатга қўшилмаганлар жазоланди. Собиқ тузумнинг катта-кичик раҳбарлари тадбиркорликсиз мамлакатни ривожлантириб бўлмаслигини яхши билсалар-да, тақиқ йилдан-йилга кучайиб борди. Оқибат натижада “зўр билан бўлган иморат” вайронага айланди. Халқдан узоқлашган бошқарув тизими чок-чокидан сўкила бошлагач, миллий республикаларда ўзига хос уйғониш нафаси юзага келди, ўзликни аниқлаш, тарихий илдизларга қайтиш жараёни бошланди ва бу шабада миллий ҳудудларни истиклолдек буюк иноятга олиб келди.

Бу тўғрида кўп ёзилди. Аммо бугун давлат ва жамият бошқаруви, тадбиркорлик умумхалқ ҳаракатига, сиёсий партиялар раҳбарлигига келаятган янги дунёқарашга эга ёш авлод вакиллари учун ўтмишнинг бу хатоларини яна бир бор эслаб ўтиш фойдадан холи бўлмайди.

Халқимиз 2020 йилга улуғвор режалар, кўтаринки кайфият билан қадам кўйди. Мамлакатда янги ислохотлар оғушига кирмаган бирорта соҳа қолгани йўқ. Ўзбекистон йил мамлақати деган юксак эътирофга сазовор бўлди. Халқаро экспертлар мамлакатимизни изчил ривожланаётган давлатлар сафига қўшишди. Озарбайжонда нашр этиладиган “Тарихий шахсиятлар” журнали Шавкат Мирзиёевни “Йил одами” дея эълон қилди. Янги ислохотлар Ўзбекистоннинг янги тарихи саҳифаларига айланаётганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Мамлакатимиз дунё қизиқиш ва ҳавас билан қарамоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Парламентга Мурожаатномасида олдимизда турган янада улуғвор, масъулиятли вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилди. Чунончи, “Демократик ислохотлар йўли – биз учун яккаю яго-

на ва энг тўғри йўлдир. Бу борада биз ҳар куни изланишдамиз, хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, ҳаётимизни, иш услубимизни янгилашга ҳаракат қилмоқдамиз... Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”.

Мурожаатномада жуда кўп жамиятларни чирмовуқ каби ўраб олган коррупция иллатига қарши кураш вазифаси, бу курашга аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб этилиши зарурлиги, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинацияси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаслигимиз алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бунинг боиси шуки, коррупция, биринчи навбатда, тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳаракатига зарба беради, уни сусайтиради, сармоядорларнинг режалари ва ишончига путур етказилади. “Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик, – деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев, – биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқимиз. Биз ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликлардан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли буюк халқимиз. Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, яқдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга кодир халқимиз”.

* * *

Ҳеч ким ўз-ўзидан тадбиркор бўлиб қолмайди. Тадбиркорлик юксак ақл-заковат, билим ва тажриба, кузатувчанлик фазилатларига хос кишилар учундир. Бу соҳада ҳар бир ишни бамаслаҳат, етти ўлчаб, имкониётларни аниқ чамалаб, пухта режа асосида бошлаш халқимизнинг қонқонига сингиб кетган десак муболаға бўлмайди. Олис ўтмишга назар ташласак, эл-юрт шу фазилат боис ўта мураккаб шароитларда ҳам муаммоларнинг адолатли ечимини топа олган, қийинчиликларни омилкорлик билан енгиб ўтган. Тужжорлар дунёни обод қилишган, уни зебу зийнатга буркашган. Буюк ипак йўли, чўл-биебонларда қурилган карвонсарой ва сардобаларнинг ўзиёқ бу кўҳна заминда одамлар азал-азалдан тадбиркор бўлишганидан далолат беради.

Соҳибқирон Амир Темурнинг Оврупо қироллари билан ёзишмаларига кўз ташласак, қадим Мовароуннаҳрда тадбиркор, ишбилармон кишиларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилгани, ўзаро савдо алоқаларини йўлга қўйиб, юртни обод қилувчи савдогарлар учун шароитлар яратилгани ва ҳеч ким бундай кишиларга зулм ўтказмагани, мол-мулкига кўз тикмагани маълум бўлади. “Энди ул Амири Кабирдан илтимосимиз ва умидимиз шулки, – дейилади Соҳибқироннинг Фарангистон қироли Карл VIга йўллаган номаларидан бирида, – бизга муборак мактубларини ҳаммиша йўллаб турсалар, токи улар бизни Амири Кабирнинг саломатликларидан хабардор этиб, бу борада хотиримизни жам қилғай. Яна, ҳазратлари ўз тожирларини биз томон юборсалар ва биз уларнинг ҳурмат-эътиборларини

бажо келтирсак, ҳурмат-иззатлари сакланса, уларга ҳеч ким зўрлик кўрсатмаса, (мол-мулкига) зиён-заҳмат етказмаса. Чунки дунё тожирлар билан ободдир...”

Бундан англашиладики, тадбиркорлар турли замонларда ҳам мамлакатлар, миллату элатлар ўртасида яхши қўшничилик, фойдали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганлар. Қаердаки тадбиркорлик, ишбилармонлик ривож топса, соҳа фидойиларига рағбат берилса, бу ҳолат нафақат ўша ерга, унга туташ жойларга ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Ҳар бир тадбиркор ўз ортидан уқувли, лаёқатли ёшларни эргаштирган, демакки, уларнинг бирор фойдали иш билан банд бўлишига кўмаклашган. Фақат шу эмас, олис юртларни бир-бирига боғлайдиган савдо қарвонларида фақат чиройли матолар, тақинчоқлар, кийим-кечак, уй-рўзгор буюмлари билан бирга ноёб китоблар, илмий мажмуалар бўлган. Тужжорлар маданият, илм-фан, адабиёт элчилари ҳам бўлишган. Улар уйларига қайтгач, ўзга юртларда кўрган-кечирганларини, ибратга молик янгиликларни, эзгу урф-одатларни сўзлаб беришган, бу билан ёшлар тарбиясига муҳим ҳисса қўшишган.

Тадбиркорликни кимдир машаққатли касб, кимдир туғма истеъдод, яна кимдир авлоддан авлодга ўтадиган илоҳий иноят деб тушунади. Бу қарашларга эътироз билдириш қийин. Чунки, ҳақиқий тадбиркор бу ишни касб даражасига етказиш учун бор истеъдодини ишга солади, ўзигача бўлган тадбиркорларнинг тажрибаларига қизиқади, йиллар давомида тинимсиз меҳнат қилади, изланади. Гоҳ янгилашади, ҳисоби чиқмай қолади, аммо шунда ҳам ниятидан қайтмайди. Аксинча, танлаган касбини фарзандларига, набираларига ўргатиб, уларни ёнига олади. Шу тариқа юртда савдогарлар, дурадгорлар, ўймакор ёки заргарлар каби сулолалар пайдо бўлади. Давлатимиз раҳбари айтганидек, битта тадбиркор ўнта оилани боқади, қанча кишини иш билан таъминлайди, бандлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга ҳисса қўшади. Йирик хусусий корхона ёки заводда неча юзлаб ёшлар меҳнат қилар экан, бу – бежорчиликнинг, демакки, кўпдан-кўп майда жиноятларнинг олдини олиш дегани ҳамдир.

Тадбиркор аввало, бозорни, ишчи кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларини ўрганиши, қаерда қандай маҳсулот (хомашё) мавжудлигини, уларнинг сифати ва заҳирасини, одамларнинг талаби ва харид қувватини билиши, шу асосда ишга киришиши талаб этилади. Иккинчидан, чинакам тадбиркор, биринчи навбатда, эл-юртга хизмат қилиш, бозорни тўлдириш учун ҳам бу хайрли ишга бел боғлайди. Нима қилиб бўлса-да, фойда кўришни, даромадни оширишни ўйлайдиганлар, аслида, бу соҳага тасодифан кириб қолган кишилардир. Тарихий манбаларда ёзилишича, фойда ортидан қувиб, бозорга сохта, сифатсиз маҳсулот олиб чиққан, ҳисоб-китобда фирромлик қилган, харидорнинг ҳақиқа хиёнат қилган “тадбиркор”ларга жазо чоралари қўлланилган. Уларнинг усти ялтироқ, ичи қалтироқ буюмлари бозор дарвозаларига ҳамма кўриши учун осиб қўйилган.

Холис ниятли тадбиркорларни миллатпарвар, фидойи инсонлар дейиш мумкин. Қадимда тижорат билан шуғулланувчи кишиларга айна шундай муносабатда бўлишган. Чунки улар савдо-сотик боис, элларни элларга, мамлакатларни мамлакатларга боғлаганлар, ўзга юртларда кўрган яхши

амаллари, хайрли-савобли ишлар тўғрисида юртдошларига сўзлаб берганлар, “Фалон юртда мана бундоқ урф-одат, удум бор экан, бирор муаммога дуч келишса, уни кўплашиб ҳал қилишар экан”, дея эзгуликларни тарғиб-ташвиқ қилишган. Бундан-да муҳими, тадбиркорлар ўзга юртларга боришганда ўз юртлари, ватандошлари тўғрисида яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қилишган, беодоб хатти-ҳаракатлардан тийилишган, харидорларнинг ишончини қозонишган, таъбир жоиз бўлса, ҳалоллик, поклик, диёнатлилик элчилари бўлишган. Соҳибқирон Амир Темур даврида Самарқандга келган тужжорлар бу юртда раиятни бошқаришда адолат тамойилларига қатъий амал қилинишини ўз кўзлари билан кўрганлар ва бу тўғрида ўз ватандошларини хабардор қилиб туришган.

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарлигига келгач тадбиркор ва ишбилармонларга муносабат жиддий ўзгарди. Озод юрт келажаги, миллат равнақи, янгидан қад ростлаётган эркин жаҳмият пойдеворининг нечоғли мустаҳкамлиги жаҳмиятда юзага келган янги ижтимоий қатлам – мулкдорларнинг самарали фаолияти билан боғланди. Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тегишли қонунчилик юзага келди. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир оила, ҳар бир киши, миллати, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ўз умридан рози бўлиб яшашга, мулкка эгалик қилишга, ҳалол меҳнати самараларидан баҳраманд бўлишга, фаразандларининг камолини кўришга ҳақли эканлиги расман эътироф этилди. Улар фаолиятига асоссиз аралашиб ҳолатларига чек қўйилди. Натижада одамларнинг Президент раҳбарлигида амалга оширилаётган янги ислўҳотларга ишончи ортди, фикри, дунёқараши ўзгарди, кўнглида жаҳмият тараққиёти учун масъулилик ҳисси пайдо бўлди, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги кўзга ташлана бошлади. Бугун Ўзбекистон замонавий ривожланган демократик давлатлар сафидан мустаҳкам жой олиш учун иқтисодийни модернизация қилиш йўлидан бораётган экан, бунда мамлакат бўйлаб тобора кенг кулоч ёзаётган “Ҳар бир оила – тадбиркор” ҳаракатининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Кейинги йиллар ичида халқимизнинг турмуш тарзи, дунёқараши ва онг-шуурида юз берган ўзгаришлар мамлакат иқтисодийтидаги ўзгаришлардан кам эмас. Халқ билан мулоқот, уларни тинглаш, муаммоларига кулоқ тутишнинг ўзи Ўзбекистонни дунёга янги мақомда намоян этди десак, муболаға бўлмайди. Қишлоқ жойларида маҳаллий ишлаб чиқариш изчил ривожланаётгани, замонавий инфратузилма шаклланаётгани, ёш оилалар, хаста ва ногиронлар уй-жой билан таъминланаётгани дунё давлатчилиги тарихида камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Юртбошимизнинг саховатли бу сиёсати бугунги кунимизнинг оддий воқелиги бўлиб қолди. Халқ эртақларида тасвирланган улкан қурилишларни реал ҳаётда кўриб турибмиз. Собиқ тузум пайти “Оддий деҳқон оиласидан илм-фан, маданият ва санъат, спорт ва бошқа соҳаларда жаҳон чемпионлари, халқаро Олимпиада ғолиблари етишиб чиқади, маърифатли дунё Ўзбекистондан кўп нарсаларни ўрганади” деса, бунга ишониш қийин эди.

Шундай кунларни узоқ кутгандик. Истиқлол бу орзуларимизни рўёбга чиқарди. Ўқиш, ишлаш, яратиш учун барча имкониятлар мавжуд. Аммо эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолмаслик керак. Дунё чайқалиб

турибди. Бир томонда янгиланиш, эврилишлар, иккинчи томонда иқтисодий бўҳронлар, мафкуравий тазйиқлар, бўлинган дунёни қайта бўлиб олиш ҳаракатлари. Азизиддин Насафий ҳазратлари уқдирганидек, дунё ўзи шундай: тинимсиз ҳаракатда, айланишда, тўлқин янглиғ гоҳ авжланиб, гоҳ сокин тортиб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишда, воқеа-ҳодисалар, бурилишу янгиланишлар занжири бир-бирига уланишда, бир бирини тўлдиришда, тун қоронғилиги тонгги шафакка ўрин беришда, ногаҳоний довулдан сўнг майин шабада эсишда давом этаверади. Бу мангу тартиботга ҳеч нарса таъсир ўткази олмайди.

Бундай шароитда халқимизга азалдан хос бўлган яна бир тадбиркорлик – огоҳлик ва зукколик, фикр уйғоқлиги, кузатувчанлик, чуқур мулоҳаза, босиқ-вазминлик, узокни ўйлаб иш тутиш, таълим-тарбияга бефарқ бўлмаслик муҳим аҳамият касб этади. Бойлик, куч-қудрат еча олмаган тугунни маънавий деб аталмиш инсоний фазилат ечиши мумкин. Кейинги йилларда бунга кўп бор амин бўлдик, шу боис, маънавий тарбия ҳаётимизнинг ўзаги бўлиб қолди. Бу ўзак молиявий танглик машаққатини бошидан кечираётган дунё мамлакатлари учун ҳам халоскор куч бўлиши аниқ.

Инсон ҳар янги йилни, ҳар ёруғ кунни, ҳар янги фаслни умид билан кутиб олади. Дуога қўл очиб, яратган Эгамдан эл-юртга тинчлик, болаларига ризқ-насиба сўрайди. Унинг буюк умиди учинчи минг йилликдан эди. Иккита жаҳон уруши, ядро қуролининг кашф этилиши, қирғинбарот жанглари, аёвсиз босқинчилик, миллий ва диний туйғуларнинг оёқости бўлиши каби иллатлар иккинчи минг йилликда қолиб кетади, одамзот янги асрга руҳан покланиб, ақл-идроқи, фаҳм-фаросатини чархлаб, маънан улғайиб ўтади, йўл қўйилган хато ва янлишишлардан ҳулоса чиқаради, ўзини, она заминни, сув ва ҳавони, бошига соябон бўлиб турган беғубор осмонни пок тутуди, қуролланиш пойгаси жиловланади, тўпларнинг оғзига кабутарлар ин қуриб, шу ерда бола очади, бундай қилмаса, ўзи ҳалок бўлади, деб ўйлаган эди.

Таассуфки, бундай бўлмади. Дунё мураккаблашишда давом этмоқда, инсон ўз моҳиятидан узоклашиш, ўзи ўтирган дарахт шохига арра тортиш (Эркин Воҳидов), ўзи ва болаларини тўйдираётган ерни захарлаш, океан сувларини чиқиндиларга тўлдириш каби хатти-ҳаракатлар билан банд. Бунини ногаҳоний ер силкинишлари, ваҳимали тошқинлар, неча минг йиллик ўрмонларнинг ёниб қулга айланаётгани, абадий музликларнинг эриши, сув сатҳининг кўтарилиши ва бошқа кўплаб фалокатларда яққол кўриш мумкин.

Фақат шу эмас. Иқтисод ва сиёсатда яққа ҳукмфармолик қилиш ниётлари, ирқий, диний можаролар “совуқ уруш” сиёсати пайтидагидек шитоб билан, янада кучли суръатда давом этмоқда. Қуроолларнинг мисли қўрилмаган янги турлари, жумладан, психологик таъсир воситалари, оний сафо, кайфият бахш этувчи, оқибатда эса энди-энди катта ҳаёт остонасига келаётган, қалби орзу-умидларга тўла ёш авлоднинг хону монини қуйдирувчи ҳидлагичлар пайдо бўлди. Бу овозсиз қурооллар ёшларни нишонга олаётгани ғоят ташвишлидир. Бугун бутун инсоният – каттаю кичик, ўғрию тўғри, олимун золим, қаттолун донишманд бир замонда, бир сайёра, бир қайиқда ёнма-ён яшамоқда. Макон, бешик ва осмон битта экан, алоҳида, ўз ҳолича, бошқалардан узилиб яшаш мумкин эмас. Бундай шаро-

итда ўзликни сақлаб қолиш, фарзандларни илм-маърифатга йўналтириш, уй қуриш, боғ яратиш, келажак наслларнинг насибасини қирқмаслик олдимизда турган энг муҳим вазифа, виждон ва имон ишидир.

Ўтган аср адоғида Ўзбекистон миллий мустақилликка эришди. Ўта қалтис пайтда тақдиримизни қўлимизга олдик, келажакимизни ўзимиз белгилайдиган бўлдик. Собиқ марказдан туриб қилинган “башорат”лар тасдиғини топмади, яъни Ўзбекистон йўлини йўқотиб қўймади, диний ва миллий қобикқа ўралмади, эшик-деразаларини ёпмади, махдудликка берилмади, аксинча, маърифий дунёга, илм-тафаккурга, замонавий ривожланишга, очиклик ва бағрикенгликка, яхши қўшничиликка юз тутди. Миллатнинг асрлар давомида шаклланган тарихий тажрибаси, юксак инсоний фазилатлари қўл келди. Ягона тўғри ечимларни излаш, ички имкониятларни ишга солиш, бошқарувни янгилаш, собиқ тузум кадриятларидан воз кечиш ҳаракатлари билан ўтди бу йиллар. Кўзлаган мақсадларимизга тўла эришмаган бўлсак-да, ҳар қалай, дунё кенгликларига чиқдик, тинчлик-тотувликни, аҳил-иноқликни сақлаб қолдик, ортга қайтмадик, гоҳ сусайиб, гоҳ тезлашиб, излаб-қидириб яшашда давом этдик. Шу аснода бугунги янги бурилиш нуқтасига етиб келдик.

Йиллар занжири ҳеч қачон узилмайди. Улар, тарих кўзи билан караганда, бир-бирига ўхшаш оний вақт ҳалқачаларидир. Аммо ҳеч бир инсон, ҳеч бир кун, ой ёки йил бир-бирига айнан ўхшамаганидек, вақт ҳалқачалари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Ўтган, ўтаётган умримизнинг ҳар куни ўз хирмони ва тарозисига эга. Буни сезмаслик мумкин эмас.

Ўзбекистон бугун янгича ривожланиш йўлидан бормоқда. Бу йўл Президент Шавкат Мирзиёевнинг янги ички ва ташқи сиёсатидан, мамлакатда юзага келган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-психологик ва бошқа ҳолатларни реал баҳолашдан, танқидий мушоҳадаларга йўл очишдан, халқни тинглашдан бошланди. Бу сиёсатнинг бош мақсади биз билан бир минтақада яшаб келаётган, суви сувимизга, йўли йўлимизга, ери еримизга туташ, миллий ва диний кадриятлари, урф-одатлари бир жуғрофий қўшнилар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини қайта тиклаш, ўзаро меҳр-оқибат кўрсатиш, йўлларни сунъий тўсиқлардан тозалаш, асоссиз тақиқларни, кўринмас “қора рўйхат”ларни бекор қилиш, қонун бузилишлари, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишга йўл қўймаслик каби эзгу мақсаддан иборат эди.

Мухтасар айтганда, халқимизнинг буюк салоҳиятини, улуғ тарихимизни, дунё тамаддунини ҳамон машъала янглиғ ёритиб келаётган маънавий меросимизни жаҳонга олиб чиқиш, илм-маърифатда миллий курашимиз қоидалари каби ҳалол баҳсга киришиш, тафаккур майдонида ўзликни намён этиш фурсати аллақачон етиб келганди.

Бу тарихий жараёни бошлаш учун, биринчи навбатда, жамиятда соғлом маънавий муҳит, ижтимоий адолатнинг қарор топишига ишонч руҳини юзага келтириш, бутун вужуд, онг-тафаккур, малака ва тажриба ҳамда юксак масъулият билан ишга киришиш, тадбиркорлик ва ишбилармонликни умумхалқ ҳаракатига айлантириш, янги авлоднинг янги тарбиясини йўлга қўйиш зарур бўларди. Жамиятнинг ҳаракатсиз ётган сон-саноксиз мурватларига жон ато этиш, фикр мудроқлигига барҳам бериш учун ўзида бугунги кун руҳиятига мос янги ҳаётбахш шиорлар

зарур эди. Янги раҳбарнинг “Одамлар давлат идораларига эмас, давлат идоралари одамларга хизмат қилиши керак”, “Одамлар бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади”, “Юртдошларимиз ўз умридан бугун рози бўлиб яшашлари зарур”, деган даъватлари бу борадаги маънавий бўшлиқни тўлдирди, мамлакатнинг янги қадамларига янгича маъно-мазмун бахш этди. Бугун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, халқаро алоқаларда, маданият ва маънавиятда, мактабгача тарбия, олий ва ўрта махсус таълим тизимида, туризм ва спорт соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг самаралари, Ўзбекистоннинг тинч, беҳавотир мамлакат сифатида эътироф этилиши, иқтисодимизнинг ишончли қадамлари, ёшларимиз эришяётган ютуқлар, халқаро инвесторлар учун яратилаётган имкониятлар Ўзбекистон чин маънода янги уйғониш фаслига, ўз тарихининг шонли саҳифаларига яқинлашаётганидан, “Миллий тараққиётдан – миллий юксалишга” ғояси асосида тараққиётнинг янги босқичига ўтаётганидан далолат беради.

Мамлакатимиз иқтисодиётида, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, одамларнинг онг-шуури, турмуш тарзида юз бераётган ўзгаришларни дунё хайрат ва ҳавас билан кузатиб турибди, нуфузли минбарларда эътироф этмоқда. Ўзбекистоннинг яхши кўшничилик сиёсати минтақа худудларидан ошиб ўтиб, дунёга ёйилмоқда.

Улуғ Конфуций “Умрида йиқилмаган киши буюк эмас, неча бор йиқилган, аммо ўрнидан шахд билан туриб, ўзига ишонч билан олдинга интилган одам буюкдир”, деган экан. Унинг яна бир фикри шуки, йўлга мақсадсиз чиққан инсон, шубҳасиз, фалокатга йўликади. Биз бугун ўтган йўлимизни, эришган ютуқларимизни, йўл кўйган хато-камчиликларимизни холис баҳолаб, уларни қайта такрорламаслик тадоригини кўриб, аниқ мақсад билан олдинга интилмоқдамиз. Ўзбекистон раҳбарининг янги сиёсати бизни бир вақтлар илм-фан тараққиёти бобида дунёга муаллимлик қилган улуғ аждодларимиз руҳи ва меросига яқинлаштирмоқда.

Яна Конфуцийга қайтайлик. Улуғ муаллим “Дунё сени билмаса, бундан ранжима, дунёни билмаганинг учун ўзингни койи”, деган. Истиқлолнинг дастлабки йилларида хорижий сафарларга борган кўплаб юртдошларимиз “Бизни билишмас экан, мамлакатимизни Афғонистонда деб ўйлашар экан”, дея кулиб юришди. Аммо, нега энди билишмайди, деган саволни ҳеч ким ўртага қўймади. Ўшанда беистисно ҳаммамиз, дунё деганлари шўролар сиёсатидаги “чириётган, тарих ахлатхонасига яқинлашаётган капитализм”дан бутунлай бошқача эканлигига гувоҳ бўлганмиз. Эртаю кеч “камбағалларни эзиш, таҳқирлаш билан шуғулланадиган бойлар”нинг хайрли-саховатли ишлари олдида донг қотганмиз. Аммо кўпчилигимиз бир-биримизга, “Улар бу даражага қандай қилиб, ниманинг ҳисобига эришди?” деган савол бермаганмиз. Нуфузли олимлар жадид боболаримизни халқ душманлари, миллий-озодлик ҳаракати йўлбошчиларини “босмачи”, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носирни “миллатчи” деб таърифласалар, бош ирғаб тураверганмиз. “Нега энди душман бўлар экан, ахир улар...” дейишга журъатимиз етмаган. Етганида эса, масалан, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида Чўлпон, Усмон Носир ҳақида йирик тадқиқот мақолалар эълон қилганимизда, марказқўмда пўстагимизни қоқишган.

Миллий тараккиёт, ўзликни англаш, дунёга чиқиш ҳеч қачон ва ҳеч ерда силлиқ кечмаган. Бунинг боиси, дунё йўллари, бозор ва минбарлари аллақачон бўлиб олинган, эгасиз бирорта дўконча ҳам қолмаган, бунинг устига, у ерда ҳеч ким бизни курук савлатимиз учун кутиб тургани йўқ, турмайди ҳам. Дунё ҳамжамиятидан ўрин олиш учун амалий ҳаракатлар, натижалар, бирлик, якдиллик, муштарак мақсадлар зарур.

Яқинда ғоят кизиқарли бир китоб қўлимга тушди. Иқтисод фанлари доктори Муртазо Раҳматов ва жаҳон физиологлар жамияти Стокгольм академияси аъзоси, профессор Бакридин Зариповлар ҳаммуаллифлигида чоп этилган “Истеъдодли инсонлар мамлакатнинг бебаҳо бойлигидир” сарлавҳали китобни худди шу чокқача китоб кўрмаган ўқувчидай ютоқиб ўқиб чиқдим ва... қўлимга қоғоз-қалам олиб, қайта ўқишга тушдим.

Бу китоб нима ҳақида? Бу саволга: “Бундан салкам ўттиз йил аввал истиклолга эришган давлатлар учун бугун ҳам, бундан кейин ҳам ғоят муҳим бўлиб қолаётган вазифалар, ечими изланаётган муаммолар, дунёга чиқишнинг “сир-асрор”лари ҳақида”, деб жавоб қайтариш мумкин. Унда ғоят оғир шароитда йирик давлат таркибидан ажралиб чиққан, бор мол-мулки ўн уч қаватли ижара уйидангина иборат бўлган Сингапурни қисқа вақт ичида жаҳоннинг иқтисоди бақувват, коррупциядан холи, бугун ҳам шитоб билан ривожланаётган мамлакатига айлантирган, барча дунёвий рейтингларда биринчиликни сақлаб келаётган ушбу мамлакатга узоқ йиллар раҳбарлик қилган машҳур давлат арбоби Ли Куан Юнинг бир қарашда ўта ноёб, аслида эса оддий, ҳаётий тажрибалари ҳақида гап боради.

Мутахассислар Ли Куан Юни ғайрат-шижоатда, тафаккур ва жасоратда бир вақтлар ўзининг машҳур “Очик эшиклар сиёсати” билан Хитой иқтисодини юксак чўққига олиб чиққан, ялпи ички маҳсулотнинг бардавтом ўсишини таъминлаган Ден Сяопинга қиёслашади. Сингапур босиб ўтган йўлга эътибор берсак, бу киёснинг ғоят ўринлилигига ишонч ҳосил қиламиз.

– Мендан қисқа вақт ичида Сингапур қандай қилиб дунёнинг ривожланган мамлакатига айлангани ҳақида сўрашади, – дейди Ли Куан Ю. – Мен уларга “Бу ерда ҳеч қандай сир йўқ, мўъжиза яратганим ҳам йўқ. Шунчаки, Ваганим олдидаги бурчимни бажардим, холос”, деб жавоб берман. Ишни шундай ташкил қилдимки, давлат бюджетининг катта қисмини таълим соҳасига йўналтирдим. Муаллимлар мавқеини жамиятнинг қуйи табақасидан юқори мартабага кўтардим. Бизда мўъжиза яратган кишилар, шубҳасиз, муаллимлардир. Улар илм, ахлоқ, меҳнатни севадиган, ҳақиқатни қадрлайдиган янги ватанпарвар, айни чоғда камтарин авлодни тарбиялаб етиштирдилар”.

Китобда янги авлод яратган “мўъжиза”ларга доир кўплаб маълумотлар келтирилади. Мамлакат аҳолиси 5 миллион киши. Эркалар ўртача 80, аёллар 85 ёш умр кўришади. Бизнес билан шуғулланиш шароити бўйича жаҳон Doing Business рейтингига Сингапур 1-ўринда туради. Ли Куан Ю мамлакат бош вазири бўлиб ишлаган 1965–1990 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши ўртача 9,2 фоизни ташкил этган. ЯИМ аҳоли жон бошига 400 АҚШ долларидан 12,2 минг долларгача кўтарилган. 2014 йилда бу кўрсаткич 81364 долларга тенг бўлди. Сингапур рақобатдошлик бўйича 2015 йил маълумотларига кўра, Швейцариядан кейин иккинчи

ўринда туради. Бундан кўринадики, Сингапурда, гарчи буни жаноб Ли Куан Ю эътироф этмаса-да, чинакам “мўъжиза”, фаровонлик сари “буюк сакраш” юз берган. Давлат арбоблари, сиёсатдонлару иктисодчиларни айни шу феноменнинг сири кизиқтиради.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида АҚШ раҳбари Ричард Никсон, сиёсатшунос Генри Киссинжер, кейинчалик Оқ уйга келган мамлакат президентлари сингапурлик донишманд ҳаёти ва давлатни бошқариш сиёсатига жиддий қизиқишган, имкони бўлди дегунча Ли Куан Ю билан учрашиб, суҳбатларини тинглашган. Маргарет Тэтчер Сингапур раҳбарининг нутқларини ўқиб чиқиб, у ҳеч қачон хато қилмаслигига амин бўлганини айтади. “Ли Куан Ю Сингапурни учинчи дунёдан биринчи дунёга олиб чиқишга муваффақ бўлди”, деган эди БМТнинг собиқ Бош қотиби Кофи Аннан. Г. Киссинжернинг фикри янада муҳим: “Фавқулодда истеъдодли одамлар ўртамеёна тафаккур билан тузилган режаларни ўзгартириб юборишганига тарих кўп бор гувоҳ бўлган. Сингапур давлатчилиги асосчиси Ли Куан Юга келсак, бунда воқеалар ривожини билан боғлиқ вазият ҳамда индивидуаллик ўртасидаги азалий рақобатда шахсият мутлақо ғолиб бўлганини кўриш мумкин”.

Собиқ Президент Барак Обама Сингапур раҳбарини Осиёнинг XX–XIX асрлардаги афсонавий шахсларидан бири деб ҳисоблайди. Чунки у “ўзининг ақл-заковати билан Осиё иқтисодий мўъжизасини юзага келтирди”. Франциянинг собиқ Президенти Жак Ширак шундай ёзади: “Ли Куан Ю ҳукумат тизимида ғоят муҳим талабларга жавоб бера оладиган стандартларни шакллантириб, атрофига юксак малакали ақл-идрок эгаларини тўплади. Унинг раҳбарлигида умумий манфаатларнинг устуворлиги таъминланди, таълим, меҳнат ва жамғарма маданияти, шаҳар эҳтиёжларини олдиндан кўра олиш салоҳияти юзага келдики, бу ҳолат Сингапурга юксалишнинг энг қисқа ва самарали йўлидан бориш имконини берди”.

Ли Куан Ю 1923 йил 16 сентябрда келиб чиқиши хитойлик бўлган оилада туғилган. Иккинчи жаҳон уруши тугаган йили Сингапурдаги Раффлз коллежини битиргач, ўқишни давом эттириш учун Лондонга бориб, дастлаб иқтисод мактабида, сўнг Кембриждаги Фицуильяма коллежида таҳсил олади. Талабалар орасида ўта зийрак ва тиришқоқлиги билан ажралиб туради. Ҳуқуқшунослик ва иқтисодиёт бўйича иккита аъло даражадаги диплом эгасига айланади. Сингапурга қайтгач, иш фаолиятини “Лейкок энг Он” адвокатлик идорасида бошлайди. Орадан икки йил ўтгач, ўзининг мустақил адвокатлик конторасини йўлга қўяди. Адвокат сифатида оддий ишчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Алоқа ходимлари касаба уюшмасининг Буюк Британия мустамлакачилар маъмуриятига қарши даъвоси билан шуғулланиб, судда ютиб чиқади ва машҳур бўлиб кетади. 1955 йили Сингапур конунчилик ассамблеясига сайланади. 1959 йили Сингапур ўзини ўзи бошқарувчи давлат мақомини олади, Ли Куан Ю аъзо бўлган Халқ ҳаракати партияси парламентда 51 ўридан 43 тасини эгаллаганидан кейин, мамлакатнинг биринчи Бош вазири бўлади. Унинг олдида иқтисодиётни қисқа вақт ичида йўлга қўйиш, халқнинг турмуш шароитини яхшилашдек ўта мураккаб вазифа турарди, негаки, турли ирқлар ўртасидаги ўзаро келишмовчилик яқдил бўлиб олға қадам

кўйишга имкон бермасди. Маҳаллий саноат ривожланмаган, хомашё четдан келтирилар, аҳолининг 40 фоизи саводсиз, мамлакатда ягона иш берувчи – Британиянинг ҳарбий-денгиз флоти бўлиб, бундай шароитда ҳар бир қарор пухта ўйланган, аҳоли манфаатларига тўла мос келиши зарур эди.

1965 йили Сингапур расмий равишда мустақил давлат деб эълон қилинган, Ли Куан Ю мамлакатда тартиб-интизом ўрнатиш, хорижий инвесторларга солиқ ва экспорт имтиёзлари бериш, коррупцияга қарши аёвсиз кураш бошлаш дастурини эълон қилди. Турли даражадаги амалдорлар, уларнинг оила аъзолари жазога тортилмаслик ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Судларга коррупция ва бошқа ноқонуний йўллар билан орттирилган даромадни давлат фойдасига мусодара қилиш ваколати берилди. Бу тўғрида бош вазир шундай ёзади: “Коррупцияга ружу қўйганларни жазолаш муаммосига дуч келар эканмиз, биз, аввало қонунларимизни кучайтирдик. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва коррупция ҳолатларини аниқлаш бюроси раҳбарига тўла ишонч билдирдим, унга қонун доирасида чекланмаган ваколат бердим, у ҳар куни 24 соат давомида менга бевосита мурожаат қилиш имкониятига эга бўлди. Иқтисодий масалаларни, инвестиция киритишдаги муаммоларни ҳал қилиш муддатини бир кун қилиб белгиладим. Коррупция қадам-бақадам бартараф этила бошланди...”

Бу муҳим тадбирларнинг натижаси ўлароқ, мамлакат миқёсида ўтказилаётган ислохотларнинг камрови кенгайиб боради. Хавфсизлик эҳтиёжидан келиб чиқиб, мамлакатда ёшлар, кекса ёшлилар ва хотин-қизларга ҳам тааллуқли умумий ҳарбий мажбурият жорий этилади. Таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, саводсизлик тугатилади. Дунё давлатлари тарихида бундай жадалликни учратиш қийин. Аммо Сингапур раҳбари саводсизликни тугатиш масаласини бир кунга бўлсин кечиктириш мумкин эмаслигини ҳаммадан кўра яхшироқ биларди. Фақат шу эмас, мамлакатда омонатларнинг марказлашган жамғармаси ташкил этилиб, ҳар бир сингапурлик унга ойлик маошининг 20 фоизини ўтказиб бориши керак, деган қоида жорий этилди. Йиғилган маблағ мамлакатда соғлиқни сақлаш, пенсия тизимини ривожлантириш, турар-жой бинолари барпо этиш имконини берди. Коммунал ислохотлар натижасида мамлакат аҳолисининг 90 фоизи кўп қаватли уйларга кўчиб ўтди.

Дунё сиёсатдонлари Сингапур раҳбари қатъият ва ишонч билан ўтказган ислохотларни бежиз “инқилобий” деб аташмаган. Унинг биргина тозалikka риоя қилиш борасидаги сиёсати бугун ҳам дунёнинг кўпгина мамлакатлари учун ноёб намуна бўлиб турибди. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Сингапурда умуммиллий тозалик компанияси ўтказилади. Унга кўра, белгиланмаган жойга чиқинди (тўкинди, ахлат) ташлагани, кўчага (жамоат жойларига) тупургани учун катта миқдорда жарима жорий этилади. Масалан, сигарета қолдиргани ерга ташлаган кашандадан 1000 долларгача, бу иш қайта такрорланса 2000 долларгача, учинчи мартасида 5000 долларгача жарима ундирилади. Тўпланган пуллар ахборот технологияларини ривожлантиришга сарфланади.

Сингапур ислохотлари ҳақида фикр юритганда, Япония ва Жанубий Кореяда бўлиб ўтган баъзи нохуш воқеалар ёдга тушади. Иккинчи

жаҳон урушидан кейин Япония олдида издан тамомила чиққан мамлакат иқтисодиётини қисқа муддат ичида тиклаш вазифаси турарди. Манбаларда қайд этилишича, ўшанда бу вазифани амалга ошириш учун ҳукуматга учта таклиф киритилади. Биринчиси – йирик давлатлардан қарз кўтариш, иккинчиси – ички имкониятлардан унумли фойдаланиш, учинчиси – бюджетнинг асосий қисмини мактабга сарфлаш. Учинчи таклиф қабул қилинади ва замонавий технологиялар илмини пухта ўзлаштирган янги авлод мамлакатни кутқариб қолади.

Бундан ўн-ўн беш йил аввал Жанубий Кореяда ташқи инвесторларнинг оғир шартлари боис дефолт ҳолати юзага келганида мамлакат раҳбарлари халққа мурожаат қилиб улардан ёрдам сўрашади. Бу даъватга биринчи бўлиб аёллар жавоб беришади: улар қимматбаҳо тақинчоқларини давлат хазинасига ихтиёрий равишда топширадилар. Бу билан муаммо ҳал бўлмайди, албатта, аммо давлатни давлат мақомида асраб қолиш истаги, бу борадаги яқдиллик, ватанпарварлик ҳисси иқтисодиётни қайта йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

Ли Куан Ю инглиз, малай, хитой ва япон тилини яхши билгани боис, тахмин қилиш мумкинки, у саводсизликка қарши курашда, аниқроғи, мамлакатда янги илмли авлодни тарбиялашда Япониянинг урушдан кейинги тажрибасини, шубҳасиз, инобатга олган. Унинг “Сингапур: тараққиёт йўли ҳақида аччиқ ҳақиқат”, “Сингапур: учинчи дунёдан биринчи дунё сари”, “Дунё келажаги хусусида шахсий қарашларим” китобларини ўқиган китобхон ўзи учун кўп саволларга, жумладан, ялпи ички маҳсулотнинг ақл бовар қилмас даражада ўсиши, Сингапурнинг Нью-Йорк ва Лондондан кейин дунёнинг энг йирик молия марказига айланиши сабабларини билиб олади. Унинг россиялик талабалар билан учрашувда айтган қуйидаги сўзларига эътибор берайлик: “Ҳокимият тепасига келганимизга қадар мамлакатда коррупция кенг тарқалган, барча соҳаларда чуқур илдиз отган эди. Британияликлар ўз ҳукмронликларидан фойдаланиб, маҳаллий раҳбарлар билан ҳокимиятни бўлишиб олган, айниқса, ўтиш даврида уларга катта ваколат бериб қўйишган эди. Бу келишув порахўрликни авж олдирди, совға олиш, кейинчалик пул билан “миннатдорлик” билдириш ялпи одат тусига кирганди. Биз бунга қатъий чек қўйишга қарор қилдик. Коррупция иллатини енгишнинг бошқа йўли йўқ эди. Кўшни давлатларда улкан табиий заҳиралар – нефт, газ, ўрмонлар, дарё ва гидроэлектростанциялар бор. Бизда-чи? Кичик бир оролмиз, холос. Нима қилишимиз керак? Энг аввало бутунлай бошқача яшаш тамойилларига суянмоғимиз керак, деган фикрга келдик. Яъни, сен – порахўрсан, мен эса бундан ҳазар қиламан, сизнинг мамлакатингизда яшаш хавфсиз эмас, бизда эса бунинг тамомила акси, яъни тинчлик, хотиржамлик ҳукмрон. Аёл киши тунги соат учда кўчага чиқса ҳам, унга ҳеч бир таҳдид бўлмайди, дея олишимиз керак. Шундай бўлди ҳам. Сизлар мендан “Бунга қандай эришдингиз? – деб сўрамоқдасиз. Одамларга токи ўз йўлимизни топа олмас эканмиз, яшаб қололмаслигимизни тушунтирдик. Бизда нефть ҳам, газ ҳам йўқ, аммо минтақадаги энг йирик нефтни қайта ишлаш мажмуалари мамлакатимизда гуриллаб ишлаб турибди...”

Ли Куан Юни ўз мамлакатада кўришни истаган раҳбарлар жуда кўп бўлган. Жумладан, Қозоғистоннинг биринчи Президенти Нурсултон На-

зарбоев Жанубий Кореяга давлат ташрифи билан боришдан аввал Сингапурнинг машхур раҳбарини ўз юртига таклиф этади. Элбоши ўзининг “Қозоғистон XXI аср бўсағасида” номли китобида шундай ёзади: “Бу учрашув мен учун жуда аҳамиятли эди. Ли Куан Ю қирқ йил ичида Сингапурни ривожланган, халқнинг турмуш тарзи юксак, табиати соф, сиёсий ва миллатлараро муносабатлар мўътадил бўлган мамлакатга айлантирди. Жуғрофий кулай жойлашувдан оқилона фойдаланиб, портлар, терминаллар, замонавий аэропорт қурилишига жиддий эътибор берди. Айтиш керакки, сингапурликлар бу ишларни йўқ жойдан – ҳамма нарса издан чиққан ҳолатдан бошлашган, шу боис, бу тажриба биз учун ниҳоятда муҳим эди. Ли Куан бизда бир ҳафта бўлди. Кўп жойда, жумладан, Президент аппаратида, Вазирлар Маҳкамасида, Олий Советда, Қозоғистон университетида ва бошқа жойларда маъруза ўқиди. Мен унинг эркин ва рақобатдош иқтисодий шакллантириш, фирмалар ўртасидагина эмас, ҳар бир фирманинг ичида ҳам рақобат муҳитини юзага келтириш зарурлиги тўғрисидаги фикрини муҳим хулосадай эслаб қолдим”.

Сингапур раҳбари хорижий сафарлари ҳақида хотиралар ёзар экан, сиёсатдонлар, турли соҳа мутахассислари ва, айниқса, талабаларнинг саволларига берган жавобларини умумлаштириб, шундай дейди: “Сиёсий етакчи бўлиш шуки, атрофингиздаги одамлар, энг аввало халқ, мамлакат сизнинг оқилона раҳбарлигингиз туфайли бойиб бораётганини эътироф этсинлар”, “Бугунги дунёда ҳар бир кишининг, айниқса, раҳбарнинг кадр-қиммати унинг билими ва кўникмалари билан ўлчанади. Агар сиз доҳий даражасига кўтарилган бўлсангиз-у, меҳнат бозорида одамларга ҳеч нима таклиф этмасангиз, кадрингиз бир пул деяверинг”, “Иқтисодий ҳамкорлар ўртасида ўзаро ишонч бўлиши зарур. Биз ҳар бир шартномани имзолашдан аввал, унинг шартларини чуқур ўрганиб чиқамиз, кейин ё имзолаймиз ё имзоламаймиз. Имзо қўйган бўлсангиз-у, бирор камчилиги аён бўлиб қолса ҳам, уни, албатта бажарамиз. Бирор келишув натижаси бўйича ютқизиб қўйган бўлсангиз ҳам, оқибатда сиз, албатта, ютуққа эришасиз”, “Раҳбарлик лавозимларини ижтимоий келиб чиқиши ва молиявий аҳволдан қатъи назар, қобилиятли кишилар эгаллашлари лозим”, “Агар биз кучсиз инсонлар бўлганимизда, шубҳасиз, ҳалокатга юз тўрт эдик... Сингапур минтақадаги бошқа мамлакатларга нисбатан янада уюшқоқ, янада самарадор ва шижоатли бўлиши керак”, “Кичкинагина, бор-йўғи 150 нафар балиқчи яшайдиган қишлоқча ўрнида экватордан икки градус масофада жойлашган дунёнинг энг йирик шаҳарларидан бирини қурдик...”

Ли Куан Ю ўзи билан бирга ишлаётган фидойи, ташаббускор ва билимли ходимларни рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор берган. Тўғри рағбатлантириш ташкилот, корпорация ёхуд мамлакатнинг узок муддатли ютуқларини белгиловчи омилдир, деб ҳисоблайди у. Айни пайтда, Ли Куан Ю ҳокимият бошқарувидаги барча ходимларга юқори маош бериш тарафдори эмас. Юқори маош ишбилармон, изланувчан ва яхши натижаларга эришадиган раҳбарларга берилмоғи керак. Бу – жуда муҳим хулоса.

Заҳматқаш икки олимнинг саъй-ҳаракати билан ўқувчилар қўлига етиб борган ва қизиқиш билан ўқиладиган ушбу китобда Ли Куан Юнинг ўзи

учун белгилаган кўпдан-кўп ҳаётӣй қоидалари ҳам келтирилган. Мана, уларнинг айримлари:

“Ҳаётнинг барча соҳаларида ютуққа эришиш ҳамма нарсани биламан деб ўзингизни алдашга эмас, ҳаётӣй воқеликни тўғри англаш ва баҳолашга асосланади”.

“Кўлингиздан келадиган ишларни билганингиз яхши, аммо нима ишларга кодир эмаслигингизни билганингиз янада яхшироқ”.

“Ўзингизни англани, имкониятларингиз доирасидан чиқиб кетманг”.

“Агар сиз иқтисодий ривожланишни хоҳласангиз, яқин кўшнилар билан жанжалга борманг, аксинча, улар билан савдо-сотик ва бошқа алоқаларни кучайтиринг”.

“Умр бўйи ўқинг, ҳамиша ўқувчи мақомида қолинг, мутолаа қилишдан чарчаманг, энг яхши ғояларни ўзлаштиринг. Муваффақиятга эришишнинг ягона формуласи – ўқиш, ўрганиш”.

“Ўз устидан қулишларига йўл қўйган раҳбар раҳбар эмас. Фақат иродаси кучли инсонларгина ҳақиқатни гапира олади. Раҳбарнинг ёнида шундай инсонлар кўп бўлиши шарт”.

“Ёнингиздагилар сизга садоқатли бўлишлари учун, аввало, сиз ўзингиз уларга садоқатли бўлинг. Ишончли одамларни ишончсизлардан фарқлай олмайдиган раҳбарлар таназзулга юз тутади”.

Ли Куан Юнинг бу қоидалари фақат Сингапур учун эмас, дунёнинг кўплаб давлатлари учун ҳам бевосита тааллуқли десак, янглишмаган бўламиз. Расмий маълумотларга кўра, АҚШ ва Европадаги кўплаб нуфузли олий ўқув юртлари, илмий ва иқтисодий тараққиёт марказларида Сингапур тажрибаси ўқитилади ва таҳлил қилинади.

Шу ўринда айтиш мумкинки, Ли Куан Ю ўзининг “Ҳамиша ўқувчи, яхши ғояларни ўрганувчи талаба мақомида қолинг”, деган қоидасига аввало ўзи қатъий амал қилганини сезиш қийин эмас. Бизнингча, у улуғ муаллим Конфуцийнинг бугун ҳам ўз моҳиятини йўқотмаган назарий таълимотини, Хитой раҳбари Ден Сяопиннинг амалий тажрибасини жуда чуқур ўрганган. Буни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин.

Конфуций шундай дейди: “Ҳақиқатпарвар раҳбарнинг дастлабки қадамлари қийин кечиши мумкин, аммо бу қадамларнинг келажаги порлоқ бўлиши аниқ”, “Олижаноб кишилар ҳамиша ўзларини англашга ҳаракат қиладилар, пасткашлар эса бошқалардан бир нималарни қидириб кун кечирядади”, “Ҳаёт аслида жуда оддий, уни ўзимиз мураккаблаштирамиз”, “Ортда қолган, ўтмишга айланиб бўлган ишлар тўғрисида баҳслашиб, уларни қоралашдан заррача наф йўқ”, “Агар сен халқингни бир йил бокмоқчи бўлсанг, буғдой эк, ўн йил бокмоқчи бўлсанг, дарахт кўкартир, асрлар давомида бокмоқчи бўлсанг, илмли қил”.

Ли Куан Ю сиёсатида Хитой раҳбари Ден Сяопиннинг салмоқли “из”лари кўзга ташланади. Бу улуғ ислохотчи Хитой давлати раҳбарлигига келгач, энг аввало Ғарб давлатлари билан яхши муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилади. 1979 йили Оқ уйда АҚШ Президенти Жимми Картер билан учрашади. Япон-Хитой муносабатларида илиқлик пайдо бўлади. 1984 йили Хитой-Буюк Британия келишувига имзо чекилади. Кейинроқ Португалия билан ҳам битим қабул қилинади. Мамлакат иқтисодиётида ғоявий принципларнинг роли камайтирилади. Расмий йиғилишда “Капи-

тализмми ёки социализмми?” деган мавхум баҳсга ўралашиб қолмай, олдинга қараб интилиш зарурлигини уқтиради. “Мушукнинг ранги қандай бўлиши муҳим эмас, сичқонни тутса бўлди”, деган қондаси дунё бўйлаб қанот қоқади. Мамлакатда “Очиқ эшиклар сиёсати” амалга оширилади. Иқтисодиётни ислохот қилишнинг тўрт принципи ишлаб чиқилади. Унинг сиёсати Михаил Горбачевнинг сиёсий бюрода тантанавор руҳда тасдиқланиб, ижро учун пастга пешма-пеш тушириладиган мажбурий топшириқларга асосланган қайта қуриш сиёсатидан жиддий фарқлангани учун ҳам яхши самара беради.

Улуғ донишмандларнинг давлатчиликка доир юқорида келтирилган фикрларининг ҳаётийлигини бугунги Ўзбекистон мисолида яққол кўриш мумкин. Мамлакатимизнинг истиқлол йилларида шаклланган ва кейинги йилларда янги ижтимоий маъно-моҳият касб этган сиёсатида халқимизнинг асрлар синовидан ўтган ҳаётий тажрибалари, улуғ алломаларнинг давлат ва раиятни бошқариш хусусидаги кўрсатмалари, хусусан, Соҳибқирон Амир Темур ўғитларига амал қилиш мавжудлиги сезилади. Шавкат Мирзиёевнинг Президентлик фаолияти, янги халқпарвар сиёсати эл-юртни тинглашдан бошланди.

Дунё ривожининг бугунги шиддати шундайки, тадбиркорлик, ишбилармонликка кенг йўл очмай, инновацион ғоялар ва технологиялардан унумли фойдаланмай туриб, кўзланган юксак марраларга етиш қийин. Шу боисдан ҳам мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим-тарбия асосларини янгилаш, яхши қўшничилик муносабатларини йўлга қўйиш давлат сиёсатининг, мамлакатни янада ривожлантириш билан боғлиқ Ҳаракатлар стратегиясининг ҳал қилувчи йўналишлари этиб белгиланди. Мактабгача тарбия, инновацион ривожланиш вазирликларининг ташкил этилиши миллий тарққиётнинг янги босқичига ўтишда локомотив ролини бажара бошлади.

Фикр жамиятни ривожланишда, изчил ҳаракатда, соғлом ҳолатда ушлаб туради. Фикр фикрдан унади. Фикрлар хилма-хиллиги ҳаётимизни таракқиёт сари йўналтиради. Фикрсизлик дунёнинг катта бир қисмини титратиб турган шўролар салтанатини инқирозга олиб келди. Шўро мафкурачилари “Давлат-жамият-шахс” муносабатларини чалкаштириб, одамлар онгига “Давлат бошқа, жамият бошқа, халқ бошқа”, деган сохта тушунчани сингдиришди. Бу билан улар “Давлат – бу ўз номи билан давлат, сиёсат ҳам шундай, сен улар ишига аралашма, тинчгина юравер”, демоқчи бўлишди. Шундай бўлди ҳам. Бугун барча-барчамизга, ҳатто энди-энди вояга етаётган фарзандларимизга ҳам аёнки, давлат – биз, ўзимиз, жамият ҳам ўзимиз. Бугунги кунимиз, эртанги ҳаётимиз қандай бўлиши ўз қўлимизда. Шундай экан, бугун ҳаётимизда юз бераётган энг муҳим ўзгариш – ижтимоий фаоллик, жамоатчилик фикрининг озод бўлиши десак, хато бўлмас. Матбуот, радио-телевидение бироз сусткашлик, эҳтиёткорлик билан бўлса-да, журъатсизлик иллатидан халос бўлаётгани, воқеа-ҳодисалар моҳиятига чуқур кириб бораётгани, жамият аъзоларининг хабардорлик даражаси ошаётгани ҳар жиҳатдан қувонарлидир.

Фикр ривожига нима туртки беради? – Жамият ҳаётидаги умумий эркинлик, фикрлар хилма-хиллиги, танқидга тўғри муносабат, албатта. Матбуотда киёсий таҳлиллар, аччиқ, аммо ўринли танқид, эътиборга молик

таклифлар қанча кўп бўлса, ҳақиқатни англаш, муаммоларнинг адолатли ечимларини топиш имконияти шунча ошади. Ўз-ўзига танқидий муносабатда бўлган, бошқаларга эмас, энг аввало, ўзига, виждонига ҳисобот беришга одатланган, ўз ҳисоботидан биринчи галда ўзи қониқиш ҳосил қиладиган жамият ҳеч қачон кам бўлмаган ва бўлмади ҳам.

Дунё тарихида машҳур давлат ва жамоат арбоблари каби, машҳур нутқ, машҳур маъруза ва фавқулодда муҳим баёнотлар ҳам бўлади. Жамият ривожини, эл-юрт равнақига хизмат қилган бундай чиқишларда баён қилинган қамровли фикрлар, орадан йиллар ўтса-да, эл-юрт эътиборида бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТнинг мўтабар минбарида туриб сўзлаган нутқи, шубҳасиз, ана шундай муҳим тарихий ҳужжатлар сирасига кириди.

Дунё фавқулодда шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги вазиятда инсон ва унинг ҳаёти, она заминнинг тақдири, сув ва ҳаво, келажак наслар ризки билан боғлиқ ўта мураккаб муаммолар ҳам юзага келмоқда. Бу муаммолар бир миллат ёки бир мамлакатга эмас, жами инсониятга тааллуқли экан, ечим йўллари биргалашиб, ақл-идрок ва яхши кўшничилик тафаккури билан кидиришдек қадим шарқона одоб зарур бўлади. Давлатимиз раҳбарининг маърузаси дунё аҳлини мана шу заруратдан огоҳ қилди.

Истиқлол йилларида кечган умримизга танқидий кўз ташлаб, хатокамчиликларни таҳлилдан ўтказиб, халқимизнинг салоҳияти ва имкониятларини чамалаб, ғайрат-шижоатга тўла ёшларимизни руҳлантириб, янги ҳаракатлар стратегиясини қабул қилганимиз, халқни тинглаш, унинг ичида бўлиш, муаммоларини ҳал қилиш давлат идораларининг бирламчи вазифасига айлангани Ўзбекистонда янги уйғониш фасли мева туғаётганидан далолатдир. Дунёнинг жуғрофий жиҳатдан бир-бирига туташиб кетган неча-неча давлатларида диний ва иркий можаролар авж олиб турган бир пайтда Президентимизнинг “Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши кўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир. Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроаса асосида ҳамкорлик қилишга тайёرمиз”, деган сўзлари ва бу ниятнинг босқичма-босқич амалга ошаётгани кўпларнинг ҳавасини келтирмоқда. БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш, инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Ал-Хусайн мамлакатимизга ташрифлари чоғи бу сиёсатнинг самараларини ўз кўзлари билан кўришди, миллий ва умуминсоний кадриятлар Ўзбекистонда юксак мақомга эга эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. Самарқандда ўтказилган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро анжуман мамлакатимизнинг янги халқчил йўли, инсон омилига бўлган юксак эътиборни дунёга намоян этди.

Ўзбекистон бугун дунё ҳамжамяти олдида ўзининг беғубор ташқи ва меҳр-мурувватга тўла ички сиёсатини тўла намоян этмоқда. Яқин ўтмишнинг одамларнинг эркин ҳаракат қилишини чеклайдиган, бир оила аъзолари, бир сулола, илдизи бир миллат вакиллари бир-бирларидан узоклаштирадиган чекловлар бекор қилинди, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича миллий ва халқаро нодавлат ташкилотлар би-

лан ҳамкорлик фаоллашди, инсонпарварлик, кечиримлилик тамойилларидан келиб чиқиб, тўғри йўлдан адашганларни соғлом ҳаётга, хорижда боқувчисиз қолиб кетган болаларни Ватанга қайтариш чора-тадбирлари белгиланди.

Бир вақтлар Япониянинг собиқ бош вазири, таниқли иқтисодчи Танака: “Аллоҳ яратган ерости ва ерусти бойликларидан кимнинг фойдаланиши эмас, уларнинг ҳазрати Инсонга хизмат қилиши муҳим”, деган эди. Ўзбекистоннинг яхши қўшничилик сиёсати замирида айни шу теран маъно мавжуд.

Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг бугунги иқтисодий, маданий-маънавий даражасини кўрсатувчи факт ва рақамлар, киёсий таҳлиллар, таниқли давлат ва жамоат арбобларининг эътирофларидан деярли фойдаланмадик. Бундан анча йиллар аввал Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов вилоят раҳбарларидан бирининг “Кўйиб берсангиз, бу кўли гул халқимиз нималарни ўйлаб топмайди-я”, деган ҳайратига лутф қилиб, “Бир кўйиб бермайсизми?” деган эдилар. Улуғ шоирнинг бу нияти тўла маънода амалга ошганига бугун наинки ўзимиз, хунармандларнинг Кўқон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўрғазмасида бутун дунё гувоҳ бўлди. Мақолада мисоллар келтириш бошқа, азиз юртимизни келиб кўриш, ҳис этиш, ҳайратга тушиш ва ҳавасланиш бошқа. Юртимиз эшиклари нияти соф, кўнгли покиза кишилар учун ҳамиша очик.

Ўзбекистон янги ижтимоий-маънавий мақомга кўтарилмоқда. Йиллар ўтиб, дунё матбуотида янги “Ўзбекистон феномени” хусусида бугунгидек тадқиқотлар ёзилишига шубҳа йўқ.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ





Карл Густав ЮНГ

(1875–1961)

“УЛИСС”

Монолог¹

*Рус тилидан
Аҳмад ОТАБОЙ
таржимаси*

ТАРЖИМОНДАН

Карл Густав Юнг швейцариялик руҳшунос, руҳий касалликлар шифокори, таҳлилий руҳшуносликка асос солган олим. У Базелдаги университетнинг тиббиёт факультетида таҳсил олади. 1900 йилдан 1906 йилгача Цюрихдаги руҳий хасталиклар шифохонасида машҳур шифокор Э.Блейернинг ассистенти сифатида ишлайди. 1909–1913 йиллари Зигмунд Фрейд билан ҳамкорлик қилади. Халқаро руҳшунослик жамиятининг биринчи президенти бўлади.

Ўзи “аналитик психология” – “руҳий таҳлил” деб атаган йўналишнинг назарияси ва амалиётини ишлаб чиққан К.Г.Юнг ўз ғоялари билан психиатрия, психология, шунингдек, антропология, этнология, маданиятшунослик, динларнинг қиёсий тарихи, педагогика ва адабиётга сезиларли таъсир ўтказган. К.Г.Юнг илмий ишларида фалсафий-руҳий муаммолар кенг кўламда: таҳлилий руҳиятшунослик учун анъанавий бўлган асаб-руҳий бузилишларни даволаш амалиётидан тортиб, инсоннинг жамиятда мавжудлигига оид глобал муаммоларгача қамраб олинган. Жумладан, у онгсизликнинг бир нечта: шахсий, оилавий, муайян гуруҳларга оид, миллий, ирқий ва жамоавий даражаларини ажратиб кўрсатади. Унинг фикрича, руҳиятнинг юз минглаб йиллар мобайнида ривожланган муайян меросий структураси мавжуд ва у одамларни турли кечинмаларни бошдан кечиришга мажбур қилади. Буни К.Г.Юнг архитиплар деб атайди, улар кишиларнинг фикрлашига, ҳис-туйғуларига, саъй-ҳаракатларига таъсир ўтказишига. Одамнинг хатти-ҳаракатида онгли назоратга бўйсунмайдиган, мустақил тарзда юзага келадиган ҳолатларни олим комплекслар деб атайди. Комплекслар асосида, унинг фикрича, доимо архитиплар мавжуд бўлади...

Хуллас, К.Г.Юнгнинг қарашларидаги инсон руҳиятига, хусусан, руҳият таҳлилига оид атамалар, ғоялар, назарий хулосалар бугун ҳам илм аҳлининг эътиборини тортиб келмоқда. Жумладан, унинг адабиётга, санъатга, алоҳида асарларга ва уларнинг муаллифларига доир асарлари ҳам.

Таржимаси ўқувчиларга тақдим этилаётган “Улисс” эссеси ирландиялик адиб Жеймс Жойс шахси, фаолияти ва, асосан, унинг “Улисс” романига

бағишланган барча тадқиқотларда юксак эътибор билан тилга олинган. Шу фактнинг ўзи К.Г.Юнг ишининг аҳамияти ва долзарблигини тасдиқлайди. Бир мисол. Италиялик машҳур адиб ва олим Умберто Эко “Жойс поэтикалари” (У.Эко, “Поэтики Джойса”, Санкт-Петербург, Symbiosim, 2006) номли фундаментал тадқиқотида К.Г.Юнгнинг “Улисс” эссесига бир неча марта мурожаат қилган ва бир ўринда шундай ёзади: “Улисс” романига “...Юнг берган таърифлар ҳар қандай адабий танқидга уриниш ёки мунозара қилишдан холи, бу таърифлар, мумкин қадар, “Улисс” романининг назарий аҳамияти ҳақида яратилган энг ёрқин ва теран тадқиқотлар сирасига киради” (“Поэтики Жойса”, 170–171-бетлар).

Ж.Жойснинг учта романидан иккитаси ўзбек тилига таржима қилиниб, аввал “Жаҳон адабиёти” журналида, кейин китоб ҳолида босилди. Булар “Мусавирнинг ёшликдаги шамойили” ва “Улисс” романлари. Бу асарларнинг ноанъанавийлиги китобхонларга мутолаа жараёнида қийинчилик туғдириши табиий. Шунинчун олиб, Ж.Жойс ижоди, унинг романлари таҳлилига бағишланган ғарблик етук олимларнинг тадқиқотлари таржима қилиниб, тақдим этилса фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлаймиз. Жаҳон адабиёти тарихида “Улисс”дек воқеа бўлган асарларнинг моҳиятини тушуниб етиш, уларни тушуниб ўқиш маърифатли китобхон учун наф келтириши тайин. Бундай китобхон учун К.Г.Юнгнинг “Улисс” эссеси энг муҳим манбалардан бири бўлиши мумкин.

Биз мазкур эссени К.Г.Юнгнинг рус тилида чоп этилган “Тўпланган асарлар”и (Москва, “Ренессанс”, 1992) 15-жилдидан олиб таржима қилдик. “Санъатда ва фанда руҳ феномени” деб номланган бу китобга жамланган материаллар К.Г.Юнгнинг маданиятшунослиги (культурологияси) ҳақида тўла-тўқис тасаввур беради, унинг тиббиёт, руҳий таҳлил, шарқшунослик билан бир қаторда адабиёт ва тасвирий санъат соҳалари бўйича ўзига хос хулосаларни тақдим этади. “Улисс” эссеси, унинг ёзилиши билан боғлиқ жараёнлар, К.Г.Юнг билан Ж.Жойс ўртасидаги муомала ва шу каби муҳим нуқталар таржиманинг илова қисмида ҳавола этилган. Изоҳларда келтирилган “Улисс”дан парчалар Иброҳим Ғафуров таржимаси (Ж.Жойс, “Улисс саргузаштлари”, “Ўзбекистон” НМИУ, 2013)дан олинди. Эссенинг русча таржимасида кўрсатилган қисқа изоҳлар ҳам ўзбекчада берилди. Ўқувчиларига енгиллик туғдириш мақсадида айрим атамаларнинг мазмуни (“трансцендентал”, “антропоморфизм”, “суггестивлик”, “солипсист” каби) ҳам биз томонимиздан ихчам тарзда ифодаланиб, қавс ичидаги “тарж.”, яъни “таржимон изоҳи” деган маънода қайд этилди.

Муаллиф муқаддимаси

Дастлаб “*Europaische Revue*” журналида эълон қилинган ушбу адабий эссе, илмий тадқиқот сифатида, китобда ундан кейин келадиган Пикассо ҳақидаги очеркдан пеш эмас. Шунга қарамай мен уни ўзимнинг “Психологик асарлар” тўпламига киритаман, зеро, “Улисс” бизнинг даври-миз учун қимматли ва жиддий назар-эътиборга лойиқ *document humain*¹ ҳисобланади ва, қолаверса, менинчга, бу шундай психологик ҳужжатки, ўзимнинг ишларимда ҳам кам аҳамиятга эга бўлмаган унинг зоялари китобда мужассам ҳолда намоён бўлишига қараб бемалол муайян хулосаларга келишига имкон беради. Менинг эсsem нафақат илмийликдан, балки қандайдир дидактик мақсадлардан ҳам йироқ ва шу боисдан ўқувчи унга шахсий фикрлар ҳамда бирор-бир нарсага мажбурламайдиган мулоҳазалар сифатида қараши лозим бўлади.

¹ Одам ҳужжати (фр.).

Эссенинг сарлавҳасида айёрлик ва устамонлик билан илоҳларнинг ҳам, одамларнинг ҳам душманлигию қасоскорлигидан ўзини эҳтиёт қила билган ва машаққатли саёҳатини яқунлаб, туғилган гўшасига қайтиб келган қадим Гомер замонининг¹ элказар топқир қахрамони эмас, балки Жеймс Жойс назарда тутилган. Антик замондаги адашининг буткул акси бўлган Жойснинг Улисси фаолиятсиз, ўзига фақат ташқи таъсирларни юқтирадиган онгни намоён этади, бизнинг кўз олдимизда шунчаки кўз, кулок, бурун, оғиз, сезувчан асаб намоён бўлади, улар тиним билмай ва фарқлаб ўтирмай қарийб фотографик аниқликда руҳий ва жисмоний мавжудликнинг мавж уриб ётган, тартибсиз ва маънисиз таъсирларига жавоб кайтаради, холос.

“Улисс”^{II} – 735 саҳифага чўзилган китоб; кўз ўнгимизда 1904 йилнинг ўн олтинчи июнида Дублинда кечган шунчаки оддий, бекорчи бир кундангина таркиб топган вақт оқими гавдаланади, унинг қанча давом этиши – 735 соатга, кун ёки йилга чўзиладими, маълум эмас, унда аслида бирор-бир жиддий ҳодиса рўй бермайди ҳам. Бу оқим Ҳеч нарса билан бошланиб, Ҳеч нимасиз яқун топади. Нима ўзи бу? Бирдан-бир, беҳад чўзилган, ақлга сиғмайдиган даражада чувалашган, гап нима ҳақдалиги охиригача айтилмай китобхоннинг эс-хушини қочирадиган инсон ҳаётининг моҳияти ҳақидаги стриндбергча ҳақиқатми? Ҳаёт “моҳияти” ҳақидалиги рост. Ҳа, афтидан шундай, бироқ ҳаётнинг ўн минглаб томонлари ва юз минглаб майда кўз илғамас фарқу тафовути ҳақида. Бу 735 саҳифада, мен қанчалик илғай билдим, на бирор-бир яққол қайтариқ, на китобхон кўнгли таскин топадиган бирор-бир оролча борки, у бир зум нафасини ростлаб, ўтган, дейлик, бундоқ юз саҳифага чўзилган йўлга бир қайрилиб қараб олса ва, майлига, қандайдир сийқа, жўн бўлса-да, ниманидир эсласа, қошки. Йўқ, сизнинг нигоҳингиз қаршисида ҳали-ҳамон ўша оқим тинимсиз ва тутқич бермай оқиб ўтаверади, унинг тезлиги ёки тинимсизлиги шу даражага бориб етадики, муттасил эзаётган, бўғаётган, чидаб бўлмас даражада зўрайиб бораётган бўшлиқни ўта ваҳимали тарзда ифодалашда асарнинг охириги қирқ саҳифасида тиниш белгилари ҳам йўқолади. Ҳамма ёққа ёйилиб кетаётган, зиғирча умид қолдирмаётган бу бўшлиқ бутун бир китобнинг лейтмотивидир. Оқимнинг наинки ибтидо-сию интиҳоси Ҳеч нима билан хотима топади, балки китобнинг ўзи Ҳеч нимадан иборат^{III}. Бу ерда ҳаммаси ҳаддан ташқари арзимас ва китоб бусбутунича, агар унга санъатшунослик нуқтаи назаридан ёндашилса, ўзида чиндан ҳам дўзахнинг дабдабали оқибатини намоён этади^{IV}.

Менинг бир амаким бор эди, қочирик-учирикларни ёқтирмасди. Бир сафар, кексайган чоғида, мени кўчада тўхтатиб олиб: “Сен биласанми, жаҳаннамга тушган жонларни шайтон қандай қилиб азоблашини?” – деб сўради. Мен билмайман, деб жавоб берганимдан сўнг у: “Шайтон уларни куттириб қўйиб тинқасини қуритади” деди ва бурилиб ўз йўлига равона бўлди. “Улисс”ни биринча марта ўқишга бел боғлаб киришганимда ана шу фикр ҳаёлимга келди. Бу китобда ҳар бир гап ўқувчини кутишга мажбур этади, бироқ бу кутишлар эса самарасиз бўлиб чиқаверадики, кўникиб, босимга бўйсунган ўқувчи энди нафақат бошқа ҳеч нарсани кутмай кўяди, боз устига, унинг ачинарли ҳолати ҳақиқатан ҳам ниманидир кутиш бекорчилигини англагани сайин зўрайиб бораверади. Ҳақиқатан ҳам, бу

¹ Улисс (Uliises, Ulixes) – Одиссей исмининг лотинча шакли.

ерда ҳеч нима рўй бермайди ва қандайдир сабаб билан бир нима содир бўлмайди^V, бироқ шунга қарамай саҳифадан саҳифага ўтганингиз сайин, умидга ўрин қолдирмайдиган итоаткорликка зид тарзда сизни аллақандай тушунарсиз кутиш ҳолати ҳеч тарк этмайди. Ҳеч қандай маъно, мазмун ташимайдиган бу 735 саҳифа шунчаки оппоқ, топ-тоза қоғоздан иборат эмас, балки бу тиғиз босма ҳарфлар билан қопланган варақлардир. Сиз ўқийверасиз, ўқийверасиз, ўзингизча гўё ўқиганларингизни тушунасиз. Кутилмаганда бўшлиққа қулайсиз ва буни кейинги гапга келганингизда пайқаб қоласиз, бироқ сизни, муайян даражада итоаткорликка эришган одамни энди ҳеч нима ҳайрон қолдирмайди. Мен ҳам “Улисс”ни шундай ўқидим, орада икки марта мизғиб олишга улгуриб, 135-саҳифага етиб, умидсизликка тушгунимча ўқидим. Жойс ўзининг услуоби ёрдамида эришган ҳаддан ташқари кўпмаънолилиқ бир оҳангда зерикарли ва гипноздек таъсир қилади. Ўқувчи ушлайдиган бирор-бир нарса йўқлигини пайқайди, матн эса ўқувчини ўқиганларини тушунишга уринишлари билан ёлғиз қолдириб, кўзидан қочади. Унинг олдида ҳаёт ўзини намоён этади, бир тўлиб оқади, бир саёз тортади, бироқ ҳеч ўзига ўзи маҳлиё бўлишга рағбат сезмайди, ўзига киноя ва аччиқ истехзо, умидсизлик, нафрат ва андуҳ билан қарайди, ўқувчида ўзига ҳамдард муносабатни уйғотади, бундай муносабат, агар кучини беҳудага сарфлашни тўхтатиш учун уйку ёрдамга шошилмаса, ўқувчини буткул ютиб юбориш хавфини туғдириши мумкин.

135-саҳифага етгунимча фикру зикримни китобдан узмаслик мақсадида бир неча марта жасорат кўрсатишимга, китобнинг “обрўсини сақлаш”имга тўғри келди, охир-оқибат мен йиқилдим, қаттиқ уйкуга кетдим^{VI}. Узоқ ухлаб уйғонганимдан сўнг, менинг бу китобни тушунганим ойдинлашди ва мен энди уни охиридан бошлаб ўқишга қарор қилдим. Ўқишнинг бу усули ҳаммага маъқул одатдаги китоб ўқишдан кўра ёмон туюлмади, яъни Жойснинг китобини охиридан бошига томон ўқиш мумкинлиги маълум бўлди, чунки унда, очиғини айтганда, боши ҳам, охири ҳам, тепаси ҳам, пасти ҳам йўқ. Ҳар бир саҳифада нимаики рўй берган бўлса, шубҳасиз, ўтмишга ҳам, келажакка ҳам тааллуқли бўлиши мумкин^{VII}. Масалан, китобни бошидан ёки охиридан ўқиб бир хил завқ олиш мумкин, чунки улар моҳиятдан ҳеч қандай бир қатъий фикр туғдирмайди. Яхлит олганда эса, улар мазмундан холи, бироқ ҳар қайси гап, фикр-мулоҳаза алоҳида олиб қаралганда ўзича маънили кўринади. Ёки бир гапни ўқиётиб ўртасида тўхташ мумкин, зеро, унинг ярми етарли даражада *raison d’etre*¹, яшашга яроқли ёки шундай бўлиб кўринади. Бутун китоб эса чувалчангни эслатади, агар бўлиб-бўлиб ташланса, бошидан думи ўсиб чиқади, думидан – боши.

Жойс услубининг бу ўзига хос хусусияти, ғалатилиги ва қўрқинчли экани унинг ишини бир қадар совуққон, масалан, чувалчангларга яқин қилиб қўйганки, агар чувалчанглар бадий ижод билан шуғулланишга қобилиятли бўлганида эди, бош мияси йўқлиги боис ажойиб нерв системасини ишга солган бўларди^{VIII}. Мен Жойсни рўпарамизда турган айнан ички аъзолари билан фикрлайдиган одам сифатида тушуниш мумкинлигига шубҳа билан қарайман^{IX}, бу одамнинг бош мияси фаолияти шу қадар сустлашганки, у моҳиятан фақат турли *сезгиларгагина* диққатини

¹ Яшашга ҳақли; оқилона асос, маъно (фр.).

қаратган, холос. Жойсга кўра, одам доимо ўзининг сезги органлари фаолиятдан: у нимани ва қандай кўраётганидан, қандай эшитаётгани, таъмини, хидни қандай билаётганидан ва ушлаб-пайпаслаб сезаётганидан завқ туйиши керак... Сезги ёки идрок масалалари бўйича ўртамиёна мутахассислар – бундайлар минглаб топилади – эътиборларини ё сезги органларига ёки идрокка қаратишади. Жойсда эса иккаласи ҳам осонгина амалга ошади. Қатор субъектив ассоциациялардан тузилган гулчамбараклар Дублин кўчаларининг объектив кўринишлари билан чирмашиб кетади. Объектив ва субъектив, ташқи ва ички таъсирлар тинимсиз бир-бирига қоришадики, алоҳида олиб қаралган бир тасвир нечоғли аниқ-равшан бўлмасин, охир-оқибат кўз олдингизда эшилиб-буралаётган тасма чувалчангларнинг нималиги: жисмоний мавжудотми ёки трансцендентал¹ мавжудотлиги номаълумлигича қолади^х. Ўзида ҳаётни бутун маҳобати билан намоён этадиган ва ғаройиб серпуштлик қобилятига эга тасма чувалчанглар – менинг назаримда, гарчи бу чиройли ўхшатиш бўлмасда, бироқ умуман номувофик, деб айтмаса ҳам бўлади – Жойс китобини ташкил этган бобларнинг кўриниши. Жойс, умуман, қандайдир муҳим гапни айтмоқчи бўлганми. Бу ўринда урфдан қолган ушбу эски даъво қанчалик ўринли? Оскар Уайльднинг айтишича, санъат асари қандайдир наф келтиришдан маҳрум. Бизнинг замонда ўзини илмли санайдиган тор фикрли кишилар – филистёрлар ҳам бу фикрга эътироз билдирмаган бўларди, бироқ улар барибир қалбан санъат асаридан қандайдир “моҳият, маъно”ни кутишади. Бу тўғри, бироқ қани у Жойсда? Нега у ўқувчига ўша “моҳият, маъно”ни очиқ-ойдин ифодалаб бермадики, китобхон адашмасин, унинг олдида “*semita sancta ubi stulti non errent*”^{х¹} бўлсин?

Мана, мен китобни ўқиётиману китоб мени лақиллатаётганини, сабртоқатимдан мосуво қилаётганини ҳис этаяпман. Китоб менга пешвоз чиқишни – мутолаага ёрдам беришни истамайди, ўзининг мазмунини тушуниб олишни енгиллатишга зиғирча уринаётгани сезилмайди, бу эса китобхон сифатида менда камситилганимни, ўзимнинг қадрсизланганимни туйган ҳис-туйғуларни уйғотади. Менинг ўзимда, афтидан, конимда ўзини илмли деб биладиган тор фикрли – филистёрга хос туйғу бордек, бу туйғу менда гўлларча: ўқиётган китобим менга ниманидир айтади ва мен учун тушунарли бўлади, деган илинжни уйғотади; бироқ бу, эҳтимол, мифологияда чуқур илдиз отган оламга антропоморф² муносабатнинг объектга, айни ҳолатда эса китобга кўчирилишидир! Умуман айтганда, бу китобни ўқиб ўзинг учун муайян фикр-хулосаларга келишнинг иложи йўқ, бу китоб – зиёли китобхоннинг аламли мағлубияти тимсоли, ахир, охир-оқибат, у ҳам... (дейман мен Жойснинг суггестив³ услубига таяниб). Китоб, албатта, мазмунсиз бўлмайди, унда нимадир тасвирланган бўлади, бироқ мен Жойснинг ниманидир “тасвирлаш”ни хоҳлаганига жудаям шубҳаланаман. Пировард натижада асарда унинг ўзи тасвирланган

¹ Трансцендентал – трансцендентал (идеалистик фалсафада: ҳодисаларни тажриба билан эмас, балки фақат ақл-идрок билан тасаввур қилиш мумкин, деб тушуниш (тарж.).

² Антропоморфизм – 1.Одамга хос психик хусусиятларни нарсалар, жониворлар ва табиат ҳодисаларига ҳам хос деб билиш, уларни одамга ўхшатиш; 2. Баъзи бир динларда худоларни одам образида тасаввур қилиш (тарж.).

³ Суггестивлик – адабий атама сифатида поэтик мотивлар, образлар, сюжетлар, шунингдек адабий усулларни тавсифлайди. Бадий образ, агар у китобхон тасаввурини зўр бериб ғайрат билан ишлашга мажбур этса, ёрқин эҳтиросли кечинмаларни уйғотса, янгича дунёқарашни очса ёки эскисини янгиласа, суггестив деб аталади (тарж.).

эмасмикан – ва, эҳтимол, китобдаги бу ростакам ёлғизлик, гувоҳларни истисно этадиган бу амал, ғайратли китобхонни қуюшқондан чиқарадиган ҳурмат-эҳтиромнинг бу бегоналиги сабаби шунда эмасмикан? Жойс ўзини менинг эътирозларимга дучор қилди. (Ҳеч қачон ўқувчига унинг шахсан аҳмоқлигини кўрсатишга уринмаслик керак, бироқ айти шу нарса “Улисс”да амалга оширилган.)

Менга ўхшаган психотерапевт ўзининг психотерапиясисиз, хусусан, уни ўзида татбиқ қилмай, яшай олмайди. Агар одам жаҳл отига минса, унинг нуқтаи назарича, бундай ҳолатда у ўзига: “Сен шундай бир нуқтага келдингки, ундан нарёғига ҳали қараганинг йўқ”, демоқчи бўлади. Ушбу ҳолатда унинг кайфияти бузилиши оқибатида юз берадиган кўнгилсизликларни кутиш табиий; мана, муаллифнинг солипсистларча¹ бетакаллуф, илтифотсиз муносабати менинг – китобхонлар оммасининг илмли, зиёли вакилининг, босма матнга хайрихоҳ, холис қарайдиган ва унда нима борлигини билиш, тушуниш мақсадида зўр бериб қилаётган эзгу ниятдаги саъй-ҳаракатлари адолатли тарзда тақдирланишини кутаётган одамнинг асабларига таъсир қилаётир^{xii}. Мана у, совуққон одамлар учун хос бўлган, Жойснинг фикрлаш тарзига сингиб кетган бепарволикнинг таъсири; бу совуққонлар, афтидан, ўз илдизлари билан калтакесакларга ва яна-да қуйига қараб кетади, гўё у ўзининг ичида – ичак-чавоқларида тургандай ва улар билан кўнгилхушлик қилаётгандай – ўша тош одам айнан ўша Моисейнинг ўзгинаси, тош шохлари, тош соқоли ва тошга айланган қорину ичак-чавоқлари – ичи билан қоядай хотиржам туриб Мисрнинг гўшт солинган дошқозонларига ҳам, илоҳлар қавмига ҳам орқасини ўгиради ва бир йўла хайрихоҳ ўқувчининг туйғуларини шафқатсиз жароҳатлайди.

Тошдан иборат ички аъзолар оламининг бу дўзах қаъридан сизнинг кўз ўнгингизда ошқозон, ичакларнинг тўлқинсимон керилиши ва сиқилишига монанд тўлғаниб, бир маромда ўзининг барча аъзоларини ишга солиб ва ўзининг азалий озуқасини ҳазм қилаётган, чўзилиб-қисқараётган тасма чувалчанглар чиқиб келади. Гарчи бу аъзолар бир хилда бўлмаса-да, улар ўзаро шунчалик ўхшашки, адаштирмасликнинг ўзи мушкул. Китобнинг, майли, жуда кичик бўлсин, қайсидир бир парчасини олиб қараманг унда сиз Жойсни кўрасиз, танийсиз ва шу билан бирга ушбу парчада шу парчанинг ўзигагина тегишли мазмуни бўлади. Ҳаммаси бу ерда биринчи бор, бошидан бошлаб ва то охиригача бир хиллигича пайдо бўлади. Ахир, бу юксак даражадаги ўзаро боғлиқликки, фақат табиатдагина шундай бўлиши мумкин! Яна қанақанги тўқислик ва бироқ айти пайтда қандай диққатбозлик бу! Жойсни ўқиётганимда мен жуда зеракман, хуноб бўламан, йиғлагудек ҳолатга тушаман, боз устига бу зерикиш хосиятсиз, оқибати хатарли, бундай ҳолатни ҳатто ҳолдан тойдирадиган фиску фужурлар ҳам юзага келтира олмайди. Бу зерикиш Табиатнинг ўзида бор, Гибралтар қояларида шамолнинг мудом саросар увиллаши, Саҳронинг кимсасиз, овлоқ жойларида куёшнинг мудом бир зайлда чиқиши ва ботиши, денгизнинг бир зум тиним билмайдиган шовқини – бу Куртиус мутлақо тўғри айтганидек, “вагнерча поёнсиз мусиқа”; шу билан бирга, бу асрлар оша келаётган такрор, бир хиллик.

¹ Солипсист – ўзинигина реаллик деб биладиган, ташқи дунёнинг мавжудлигини инкор этадиган субъектив идеализм тарафдори (тарж.).

Ўзининг хайратланарли серкирра билимига қарамай Жойс, гарчи буни у, эҳтимол, англамагандир, муайян оҳангларга эргашади. Эҳтимолдан холи эмаски, уни умуман ҳеч қандай мусиқа қаноатлантирмайди, чунки унинг дунёсининг на сабабиятга, на олдиндан тайин этилган мақсадларга, қолаверса, қандайдир қадриятга боғланган жойи ҳам, мазмуни ҳам йўқ. Бироқ гап шундаки, ҳеч ким мусикалардан холи бўлолмайди, улар маънавий ҳаётда рўй берадиган воқеаларнинг ўзагини ташкил этади, кимдир қай йўсинда бўлмасин рўй бераётган воқеалардан руҳини тозалашга қанчалик уринмасин – ҳатто бу Жойсникидек жидду жаҳд билан қилинса-да – бефойда. Унинг китобида ҳаммаси қандайдир руҳсиз гавдаланади, барча томирларда қайноқ қон ўрнида тўнглаган суюқлик оқади, воқеалар аллақандай совуқ худбинлик ичида бекинган ҳолда бирин-кетин содир бўлади – ҳа, яна қандай воқеалар денг! Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу ерда ҳеч қандай дилтортар, ҳеч қандай руҳни равшан қиладиган, умид уйғотадиган нарсани учратмайсан, аксинча, рўй бераётган воқеаларга нисбатан зулмат, даҳшат, кўрқинчли, эҳтиросли, фожиали ва истехзоли каби аниқловчилар мос келади; бу ерда ҳаммаси – ҳаётнинг ички, майда ташвишларидан, боз устига, тартибсиз, мантиксиз турмуш уринишларидан иборатки, воқеаларни боғлаб турадиган мусиқий асосларни кўзойнақ тақиб излашга тўғри келади. Бироқ барибир уни топиш мумкин, дастлаб шундай кўринишда, яъни ўта шахсий хусусиятни ғижиниб муғомбирона сўз ва иборалар шаклида ғазаб билан намоён этганида, таҳқирланган ёшликнинг сирқиндисиди, муваффақиятли интихо топган руҳнинг умумий тарихи харобаларида, байрамона қайфиятдаги оломонга факирона ҳаёт борича кўз-кўз қилинганида кўриш мумкин. Ўтмиш ўзини диний, эротик ва интим қирралари билан ходисалар оқимининг жилосиз сатҳида намоён этади; китобхоннинг кўзидан ҳатто орийтсиз ишбилармон, ўзининг табиий майлларига берилган Блум ва қарийб самарасиз маънавий изланишлар билан машғул Стефан Дедал (боз устига аён бўладикки, биринчисининг ўғли йўқ, иккинчисининг отаси) ҳам, ўқувчи кўзидан яшириниб қолмайди, улар муаллифнинг ўз шахсини икки таркибий қисмга ажратганини кўрсатади.

Китобнинг боблари орасида қандайдир боғлиқлик ёки мувофиқлик бордай туюлади ва буни етарлича асосларга кўра таъкидласа бўлар^{xiii}, бироқ агар бу шундай бўлса, унда улар шу қадар пухта яширилганки, мен бошида ҳатто уларнинг борлиги эҳтимолини ҳам пайқаман эдим. Яна шуки, уларни билиб олиш учун китобхон сифатида жуда кўп бош қотиришимга тўғри келди, буни эса, афтидан, муаллиф – худди ўртамиёна одам ҳаётининг енгил-елпи манзаралари бизни мутлақо қизиқтирмагани каби – умуман инобатга олман.

Бугун ҳам “Улисс” мени ўша, 1922 йили, мен уни дастлаб қўлга олиб, озроқ ўқиб ҳафсалам пир бўлиб ва ранжиб бир четга суриб қўйганимдагидай зериктиради. Хўш, унда мен нима учун у ҳақда ёзаяпман? Мен ўз-ўзимча у билан хоҳлаган бошқа бир, тушунчамни бойтадиган “surrealism” шакли (бу яна қандай surrealism бўлди?) билан шуғуллангандан ортиқ шуғулланмаган бўлардим. Бироқ мен, мана, Жойс ҳақида ёзаяпман, зеро, бир ношир дабдурустдан у ҳақда ва яна “Улисс” ҳақида қандай фикрда эканимни сўраб қолди; сир эмас, “Улисс” ҳақидаги фикрлар ҳозиргача турли-туман. Ҳеч шубҳасиз, “Улисс” – бу аллақачон

ўн марталиқ нашрга бардош берган китоб ва унинг муаллифини бировлар кўкка кўтариб мактаса, бировлар ерга уриб танқид қилади. Шу билан бирга, у баҳс-мунозаралар марказида, уни мисли кўрилмаган воқеа сифатида кўрсатишади, ҳар қандай психологнинг бу асарни четлаб ўтиши мушкуллигини айтишади. Албатта, Жойснинг ўз замондошларига таъсири фавқулодда кучли ва “Улисс”га ўзимнинг эътиборим тушганидан, биринчи навбатда, менинг ўзим кўпроқ манфаатдор бўлдим. Агар бу китоб унутиб юборилганида, ўзидан бирор-бир из қолдирмаганида, у ҳолда балки мен унга ҳеч қачон қайтмаган бўлардим: у дастлаб ниҳоятда менинг аламимни келтирди, менда аранг қизиқиш уйғотди, энг муҳими, мени шу қадар маъюс аҳволга солиб зериктирдик, ҳатто ўзимнинг ижодий қобилиятимдан ҳам хавотирлана бошладим, умуман айтганда, у менга фақат салбий таъсир кўрсатди.

Албатта, менинг ҳам ўзимга хос хусусиятларим бор. Мен психиатрман, бу деганим, психик фаолиятнинг ҳар қандай кўринишига мен профессионал сифатида ёндашаман. Шу боис ўқувчини огоҳлантирмоқчиман: одамнинг ўртамиёналигининг ҳам қайғули, ҳам кулгили ҳолати – трагокомедияси, тирикликнинг совуқ зулмат чулғаган терс томонлари, умидсизликка тушган руҳиятининг қайғули ҳолати – буларнинг бари менинг одатдаги кундалиқ ишим – оши ҳалолим, бу менда эскириб кетган, сийқаси чиққан, ўзининг жозибасини йўқотган мотивдан кўра ортик кўнгилчанлик уйғотмайди. Инсон руҳиятининг ачинарли ҳолати мендан изчил тарзда тиббий ёрдамни кўрсатишимни тақозо қилади, бу жараёнда мен ҳаяжонни ёки аллақандай ҳис-туйғуларни бошимдан кечираман. Руҳий касаллик – бу мен учун шундай нарсаки, унга мен доимо қарши туришим керак, деб ҳисоблайман; бемор менинг ёрдамимга қаттиқ ишонаётганини кўрганимда унга жоним ачиётганини ҳис этаман. “Улисс” эса мендан нажот кутмайди. Мен унга керакмасман; унга ўзининг битмас-тугамас хиргойисини тинимсиз давом эттириш ёқади (бу менга нафратимни кўзғайдиган даражада таниш хиргойи), бир зайлда ва тиним билмай ўзининг ички аъзолари орқали фикрлаш ва миянинг бевоқифа ҳис-туйғуларни идроклаш фаолиятини чеклаш системасини такрор ишга соладики, бу доимо бир хил, худди арқондан тўқилган нарвондаги ҳаракатдай ўзига ўзи боғланган ва ўзгаришга чоғланган бирор-бир белгини намоён этмайдиган система. (Бу жараёнда ўқувчи анчайин ночор аҳволга тушади, чунки у ўзини буткул ожиз ҳис этади.) Умидлар барбод бўлиш ибтидоси шу ерда, шу тарзда, ягона мақсад сифатида бошланади.

Буларга матннинг характеристикаси сифатида эмас, балки муаллифнинг симптоматикаси – шахсий хусусиятларининг аломатлари сифатида қараш мумкин! Зеро, китобни ўқиётиб, айнан руҳий ҳасталарнинг бир қанча қўлёмаларида ҳам аклий фаолият узук-юлуқ ифодаланганини, мантикий хулосалар, арзирли мақсад-муддаолар умуман учрамаслигини таъкидламасликнинг иложи йўқ. Боз устига тез-тез сезги идроки кескин тарзда зўраяди; кузатувчанлик ниҳоятда кучайган бўлади; ўта аниқлик билан хотирадаги идрокланадиган предметлар эсланади; ҳис-туйғу энг майда ички ва ташқи ўзгаришларни қайд этишга қаратилади; ўтган воқеалар хотираси ва яширин ранж-аламлар хулқ-атвордан устун келади; довдираш ҳолати рўй беради; субъектив тарзда йўналтирилган изтироблар объектив воқелик билан қоришади; бирор нарсани тасвирлаб, таърифлаб

бериш, янги сўз яшашга, узук-юлук иқтибослар келтириш, тақлид қилиб ясалган товушлар (масалан, қийкирик, вакиллаш ва ҳоказо) ва бир тасаввурдан кескин тарзда бошқа тасаввурга ўтиш ҳамда диққатнинг бир сезги азсосидан бошқаларига беихтиёр кўчиб ўтиши билан характерланадики, буларнинг барчаси китобхон учун тушунарли бўлиши кераклиги инобатга олинмайди; рухий кечинмаларни бошдан кечириш қобилиятининг заифлашуви шундайки, одам энг бемаъни ва беҳаё ҳаракатлардан ҳам тийилмайди^{XIV}. Шизофреник психикаси билан “Улисс” муаллифининг рухий ҳолати ўртасидаги ўхшашликни кўриш учун психиатр бўлиш шарт эмас. Бироқ шунга қарамай, бу ҳолда хаёлга келадиган ўхшашликларни ҳеч бўлмаганда шунинг учун ҳам бўрттириш керак эмаски, акс ҳолда бирор-бир қоникмаган китобхон чуқур мулоҳаза юритиб ўтирмай китобни четга суриб, унга “шизофрения” деб ташхис қўйиши мумкин. Психиатриянинг ўзидан келиб чиқадиган бўлсак, бу ўхшашликлар, албатта, мутахассисларнинг назарига тушмай қолмайди, бироқ айнан улар Жойснинг асарида рухий беморларнинг шунчаки ёзув-чизувларига хос бўлган бир хилликнинг учрамаслиги эътиборни тортишини қайд этишган бўларди. “Улисс”да, хоҳиш бўлса, ҳамма нарсани, баённинг мазмунан бир нарсанинг такрорига айланишидан бошқа ҳамма нарсани топиш мумкин. (Бу юқорида таъкидланган фикрларга умуман зид эмас. “Улисс”ни тушунишда зиддият ғояси умуман тўғри келмайди.) Китобнинг мазмун-мундарижаси изчил ва раво тарзда ифодаланган, бу ерда ҳаммаси ҳаракатда ва бир жойда депсиниб туриш кузатилмайди. Қалбнинг ҳаётбахш қаъридан туғилган бутунлик оқим шаклида, яхлит, қатъий тартибга солинган тарзда намоён бўлади, бу эса, шубҳасиз, ягона, шахсий ирода ибтидоси билан суғорилган ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракатга ишора қилади. Бу ерда онг туйқусдан ва тартибсиз ишлаб турмайди, балки у қатъий назоратга бўйсундирилган. Китобнинг бошидан охиригача зехнга, туйғуларга ва интуицияга кенг имконият берилади, улар афзал кўрилади, айни пайтда фикр-мулоҳаза, тафаккур ва ҳиссий идрок фаолияти мутгасил тийиб турилади. Кейингиларига китобда аҳамиятсиз, муҳим бўлмаган жиҳатлар ёки муаллифнинг шунчаки идроклаш предмети роли берилади. Таъкидлаш жоизки, муаллиф инсон руҳияти ички ва ташқи ҳаётининг яширин, терс томонларини кўрсатишдек мақсадда қатъий туради, гарчи шунга қарамай у туйқусдан намоён бўлган, кўнгил суёт кетадиган гўзалликка кизиқишни бошдан кечирса-да. Бироқ буларнинг бари рухий хасталарга хос хусусиятлар эмас. Мабодо сиз бу ҳақда бошқа фикрда бўлсангиз, у ҳолда бунини энди олдимизда турган психиатрия доирасидан ташқаридаги ҳолат, деб таъкидлаш лозим бўлади. Соғлом одамга ҳар хил рухий оғишлар хос бўлиши мумкин, бундай оғишлар рухий касаллик воситаси сифатида юзага келади.

Шахсан менинг хаёлимга ҳеч қачон “Улисс”нинг муаллифига шизофреник сифатида ёндашиш фикри келгани йўқ. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, агар биз “Улисс”нинг кучли таъсир кўрсатгани сабаби нима билан изоҳланишини билмоқчи бўлсак, унинг яратувчиси у ёки бу даражада шизофренияга дучор бўлганми, деган фикр иш бермайди. “Улисс” – замонавий санъат сингари носоғлом хаёлнинг маҳсули. У тўла маънода “кубистик”, зеро, воқелик образини ақл бовар қилмайдиган даражадаги мураккаб манзараларга қориштириб юборади ва унинг асосий оҳанги,

ранг-туси мавхум предметлар оламига боғлиқ меланхолия, яъни дилгирлик, ғамгинлик ва ҳазинлик. Кубизм эса, бу касаллик эмас, санъатнинг бир йўналиши, гарчи у воқеликни гротескли усулда – ўта муболага билан бўрттириб тасвирланган предметлар ёки гротескли мавхумлик орқали кўрсатса-да. Буларнинг бари, албатта, биз шизофренияда кузатадиган ҳолатларга жуда ўхшаб кетади – бундай ҳолатларда бемор, афтидан, худди ўша босим таъсири остида бўлади: у воқеликни ўзидан бегоналаштиради ёки, худди шу тарзда, воқеликка бегонасираб қарайди. Бирок шу билан бирга, одатдагидек, шундай онгсиз ҳолатда ҳаракат қилади ва биз бу ҳолатда муайян аломатларга, ташқи белгиларга гувоҳ бўламиз; улар шахс бутунлигининг беихтиёр алоҳида (мустақил, ўзини-ўзи бошқарадиган комплекслар деб аталадиган) фрагмент (парча, қисм)ларга бўлиниб кетиши оқибатида рўй беради. Замонавий санъаткорларга келсак, уларнинг ижодида ушбу тенденция ўзида *замон белгиларини* акс эттиради, бироқ бу уларнинг ҳар бирининг шизофрения касаллигига чалингани оқибати эмас. Бу ерда муҳими қандайдир ўз-ўзича юзага келадиган индивидуал турткига тааллуқли эмас, балки айнан жамоавий интилишларга, истак хоҳишларга тегишли бўлиб, бу интилишлар ўзининг тўғридан-тўғри манбаларига эга; бунда, албатта, бирор-бир одамнинг онги эмас, балки хийла катта микёс – бизнинг замонамизнинг жамоавий онгсизлиги (psych) назарда тутилади. Модомики, гап жамоавий руҳий ҳолатнинг намоён бўлиши ҳақида бораркан, бу шуни англатадики, жамоавий руҳий ҳолат турли соҳаларга: тасвирий санъатга қандай таъсир кўрсатса, адабиётга ҳам, ҳайкалтарошликка қандай таъсир кўрсатса архитектурага ҳам шундай таъсир кўрсатади. (Дарвоқе, биз сўз юритаётган санъат йўналишининг маънавий оталаридан бири Ван Гог чиндан ҳам руҳий касал эди ва буни таъкидлаш ўринли.)

Руҳий касал одам билан боғлиқ ҳолатда гўзаллик ва мазмунни предметларнинг моддийлигига алоҳида урғу бериб, бўлақларга бўлиш орқали ёки уларни асл кўринишларидан бир қадар маҳрум этиш орқали бузиб кўрсатиш, нотўғри акс эттириш ўша беморнинг шахси бузилгани оқибатида юзага келади; санъаткорни эса бу йўлга аниқ мақсадга қаратилган куч етаклайди. Санъат асари яратиш жараёнига ўз шахси бузилишининг турли кўринишларини бошдан кечириш ва уларга бардош беришга мос усул сифатида қарашдан йироқ бўлган замонавий санъаткор айнан улар орқали ўзининг бутунлигини тасдиқлаш мақсадида бузилиш жараёнига берилиб кетади. Мефистофелнинг мазмунни маънисизликка, гўзалликни эса хунуқликка, мазмун билан мазмунсизлик орасидаги ҳаддан ташқари яқин ўхшашликка, гўзаллик сифатида гавдаланган маънисизликнинг ўзига тортувчи жозиба кучига доир мурожаати – буларнинг бари ҳозирги вақтда ижодий ҳаракатни шундай изчиллик билан рағбатлантирадики, унга тенг келадиган куч инсониятнинг бутун маънавияти тарихида кузатилмаган, гарчи бу ҳаракатларнинг ўзини алоҳида олиб қараганда ҳам уларда принципиал жиҳатдан ҳеч қандай янгилик бўлмаса-да. Шунга ўхшаш ҳолатни биз, мисол учун, Аменхотеп IV подшоҳлиги даврида ягона ҳукмрон услубдан одатга зид тарздаги чекиниш юз берганида, илк христианлик вақтида Агнц тасвиридаги мураккаб бўлмаган оддий символикада, таназзулга юз тутган барокконинг ўзига хос нақшларидаги бежаб ташланган жимжимадорликда кузатамиз. Юқорида

ёдга олинган замонлар бир-биридан қанчалик кескин фарқ қилмасин, улар ўзаро яқин, узвий боғланган, зеро, уларнинг бари ўзида ижоднинг илк – инкубация босқичларини акс эттиради; уларни моҳиятини умумлаштириб бўлмайдиган тасодифий ҳолатлар сифатида изоҳлашга уриниш мутлақо қониқарсиз натижаларни беради. Уларни жамоавий психологик ҳодиса сифатида кўриб чиқарканмиз, бизга шу нарса маълум бўладики, фақат бир ҳолатда: агар уларнинг мазмун-моҳияти келажакни башорат қилишда эканини уқишга уринилса, яъни агар уларга теологик – илоҳиёт нуқтаи назаридан ёндашилсагина уларни тўғри тушуниш мумкин.

Аменхотеп IV (Эхнатон) даври – бу кейинчалик бутун жаҳон учун яхудий анъаналарида сақланиб қолган, монотеизм – яккахудоликнинг бешиги. Илк христианликнинг ёввойи инфантилизи, яъни гўдакларга хос нодонлиги фақат бир сабаб билан майдонга чиқдики, бу вақтга келиб, Рим империясининг ўзи давлат-худого айланган эди. Илк рафаэлитларнинг ибтидоий, жўн тасаввурлари тўғридан-тўғри илк антик даврдан сўнг унутилган, кўз кўриб кулоқ эшитмаган тана гўзаллиги оламига қайтишдан дарак беради. Барокко – сақланиб қолган энг сўнгги черков услуги эса, ўзини ўзи таназзулга дучор этиб, ўрта асрнинг ақидага асосланган, догматик руҳи устидан илмий руҳнинг устун келишини дараклади. Шу йўсинда, агар Тьеополо санъатини, унинг руҳ учун бехатар бўлмаган даражага етган ўз ижодий шахсини намоён этган санъатини кузатадиган бўлсак, гап унинг ўзининг бўлиниб кетганида эмаслигини, балки бўлиниб кетиш, парчаланиш унинг учун ўзининг ижодий индивидуаллигини, услубининг ўзига хослигини ифодалашнинг зарур воситаси эканини кўрамиз. Агар илк христиан ўз замонининг санъати ва фанини тан олмаган бўлса, бу билан у ўз ҳаётини саробга айлантирмаган, балки ўзида инсонни қарор топтирган.

Шу тариқа биз нафақат “Улисс”да, балки бу асар маънавий қардошлик ришталари билан боғланган барча санъат турларида самарали ижодий кадрият ва моҳият бор, деган фикрга асосланишимиз мумкин. Гўзаллик ва мазмунни ифодалашнинг ҳозирча амал қилиб келинган мезонлари бузилишига келсак, айтиш жоизки, бу борада “Улисс” энг юқори ўринда туради. У ҳис-туйғунинг қарор топган одатларини таҳқирлайди, у одатда, китобнинг ҳар бир қисмидан моҳият ва мазмунни кутишга йўл қўймайди, у китобни ўқиш жараёнида туғиладиган фикрлардан яхлит бир хулосага келиш учун қилинган ҳар қандай ҳаракатни масхаралайди. Эҳтимол, фақат оми одамгина “Улисс”да қандайдир бир умумий хулоса ёки образли яхлитликка мойилликни кўрар; негаки, агар у “Улисс”да шунча замонавий бўлмаган нарсалар борлигини исботлашга эришса, у ҳолда ўзи тасдиқлаб турган гўзаллик қоидаларидан жиддий тарзда чекинган бўлади. “Улисс”даги қоникмаслик хиссини уйғотадиган нарсаларнинг ҳаммаси фақат унинг фазилатларини тасдиқлайди, чунки бундай қоникмаслик хисси модернга модерн бўлмаган тарафнинг ёқтирмай қарашидан юзага келади ва ушбу тараф айнан “тангрилар” ҳозирча “ўз марҳаматлари туйғайли унинг кўзидан” яширган нарсани кўришни хоҳлайди.

Айнан модернистларнинг асарларида биринчи марта ўзини тийишга ёки жиловлашга бўлган ҳар қандай уринишларга мудом қарши чиқиш хусусияти тўла-тўқис намоён бўлган, бу хусусият эса Ницшега беҳад завқшавқ бағишлаган ва унинг мураккаб, оғир руҳий изланишларга берил-

ган интеллектдан устун келган (бу интеллект, қайд этиш жоизки, Ancian Regime¹ даври учун айнан мос). Ҳатто “Фауст”нинг иккинчи қисмидаги, “Зардушт”, шунингдек, “Ессе Номо”нинг энг мавҳум, қоронғи жойлари ҳам, ҳар қалай, бу ёруғ оламга хайрхоҳликдан дарак беради. Фақат модернистлар оммага орқа ўгирган санъатни ёки бошқача айтганда, санъатнинг сиргини, тесқари томонини оммага ҳавола қилишни уддалашди; бу санъат оммага зиғирча хайрихоҳликни на баралла ва на босиқлик билан кўрсатмайди; ва бу санъат, умуман олганда, ўзи яратган қаҳрамонлари кечинмаларини ўқувчилар ҳам ўз қалбидан кечиришларига зарурат сезмаслигини, шу билан бирга – гарчи очик-ошқора бўлмаса-да, бироқ анчайин изчиллик билан – модернизмнинг ўтмишдаги барча салафлари (Гельдерлинни ҳам эътиборидан соқит қилмайлик!) ижоди йўл очиб берган, бурунги идеалларнинг барбод бўлишига олиб келган қаршилик кўрсатиш тенденциясини давом эттириб, бунинг нима эканини ошқора кўрсатади.

Масаланинг фақат бир жиҳати билан чекланганда унинг мазмун-моҳиятини мутлақо тушуниб бўлмайдигандек туюлади. Ахир, биз учун муҳими – бу қандайдир бир алоҳида туртки эмас, гарчи қаердадир бу турткидан юзага келган ҳаракат муваффақиятли бўлса-да; ҳозирги замон кишисининг ҳаётида қарийб ҳар ёқда юзага келадиган ўзгаришлар эса, афтидан, унинг эски дунёга тааллуқли барча нарсани рад этаётганини англатади. Модомики биз, афсуски, келажакка кўз ташлайдиган аҳволда эмас эканмиз, демак, биз ҳали-ҳануз Ўрта асрларга қай даражада мансуб эканимиз – бу сўзнинг асл маъносида, бизга маълум эмас. Ҳеч бўлмаганда, шахсан менинг ўзим, келажак нуқтаи назаридан, биз Ўрта асрларга қулоғимизгача ботганимизни билганимда, ҳечам ажабланмаган бўлардим. Фақат мана шундай вазият билан боғлиқ тарзда “Улисс”га ўхшаш китоблар ва бошқа санъат асарларининг пайдо бўлишини қоникарли тарзда тушунтириш мумкин бўлади. Бу асарларнинг бари сурги доридек ўта таъсирчан, агар унга жуда қаттиқ ва кучли тўсиқ қаршилик кўрсатмаса тозартувчи таъсири беҳудага сарф бўлди. Уларнинг бари руҳ учун шундай тозаловчи воситаки, уларни қўллаш фақат бир ҳолатда – агар уни янада ўжар ва қатъиятли таъсирлардан халос қилиш зарур бўлсагина – ўзини оқлайди. Бу жиҳатдан улар Фрейд назариясидан бирор-бир жиҳати билан фарқ қилмайди, зеро, бу назария ҳам мутаассибликка ўта хос бўлган чекланганлик билан шундай ҳам таназулга юз тутган кадриятларни мағзидан маҳрум этади.

“Улисс” муаллифи гарчи илмий жиҳатдан қарийб холис бўлиб кўринса-да, ҳатто баъзи ўринларда “илмий” тилга ружу қўйса-да, шунга қарамай, унинг асари ноилмий бирёқламалиги билан ажралиб туради; “Улисс” – бу бошдан-оёқ инкор. Бу инкор, албатта, ижодий. “Улисс” – бу ижодий бузиш, барбод қилиш, геростратча ном қозониш учун актёрлик қилиш эмас, балки замондошига ҳаётнинг аслида қандайлигини уқтириб, кўрсатиб қўйишга қаратилган жиддий томоша, боз устига, бу ёмон ниятда эмас, балки холисликка амал қиладиган ижодкорнинг беғидир соддадиллиги билан амалга оширилган. Бу китобни соф виждон билан пессимистик деб аташ мумкин, гарчи унинг охирида, деярли энг сўнгги саҳифасида булутлар ортидан холоскор рўшнолик нури порлагандай бўлса-да. Ҳа, фақат ушбу саҳифага келиб, тахминан 734-бетда сиз жаҳаннамни ортда

¹ Қадимги (қироллик) давр ҳокимияти (фр.).

қолдирганингизни англайсиз. Олдингизда оқайтган лойқа оқимнинг у ер, бу ерида ажойиб нур таратаётган биллурнинг ярқираган ёғдуси кўзга тушади, уларни кўриб ҳатто модернист бўлмаган ҳам Жойс – ҳақиқий санъаткор эканини, у нималарга “кодир”лигини билиб олади; замонавий санъаткор учун эса, шубҳасиз, бу ўзи бўладиган, ҳазилакам иш эмас – ҳатто у уста санъаткор бўлса-да ва гарчи бу уста юксак мақсадларни кўзлаган, шу мақсадлар уни чин ихлос билан ўзининг ижодий имкониятларини ерга уришга мажбур этган бўлса-да. Жойснинг инкори қанчалик кескин бўлмасин, бу унинг учун янги бир эътиқодга юз буришга айланмади, у қандай бўлса шундай – серғайрат католиклигича қолади: у ўз талантининг портловчи кучини асосан черков ва психологик таълимни ажратишга, уларнинг бевосита ёки бавосита туғдирган оқибатларга қарши йўллади. Замонавий олам Жойс томонидан улуғвор Ўрта асрларга хос хусусиятларга муносиб эмаслиги, ўта қолоқ ва ео ipso¹ ўзининг сиёсий мустақиллиги баҳонасида шодланишга жоникиб уринаётган Эриннинг² католик мухити ҳануз барқарорлиги боис Жойс томонидан рад этилади. “Улисс” муаллифи асари устида қайси бир узоқ мамлакатларда ишлаган бўлмасин, у содиқ ўғил сифатида Она-Черкови ва ўзининг Ирландиясидан кўзини узгани йўқ; унинг учун бегона юртлар фақат ирланд хотиралари ва улар билан боғлиқ аламли изтиробларнинг ёпирилган тўфонида кемасини ҳалокатдан асрайдиган лангар сифатида зарур эди. Бироқ хусусан бундай олам, ҳеч бўлмаганда “Улисс”да бўлса-да, айтиш жоизки, у ҳеч қачон, лоақал сукут сақлаб қабул қилинадиган фикр тарзида ҳам Жойсгача етиб бормади. Улисс ўзининг Итакасига талпинмайди, аксинча, у зўр бериб ўзининг Ирландияда туғилгани фактининг ўзидан бекинишга уринади.

Тўғриси, бизнинг кўз ўнгимизда намоён бўладиган асардаги нарса-ҳодисалар шунчалик чекланганки, у қолган бошқа оламда ўзига нисбатан қандайдир қизиқиш туғдирмаслиги мумкиндек туюлади! Бироқ “Улисс” олами, аксинча, эътиборсиз қолмади. Агар “Улисс”нинг замондошларига кўрсатган таъсиридан келиб чиқиб сўз юритилса, унинг чекланганлиги ўзида озми-кўпми универсал хусусиятларни жамлагани аён бўлади. Шундай бўлгач, “Улисс” ўзининг замондошларига, умуман айтганда, айни вақтида етиб келди. Бизда, афтидан, модернистларнинг бутун бир жамоаси мавжуд ва уларнинг сони шунчалик кўп эканки, улар 1922 йилдан бошлаб бу асарнинг ўн нашрини бемалол ҳазм қила билди. Бу китоб уларга, ҳали эҳтимол ўзлари билмаган ва ҳис этмаган қандайдир сирни очиб кўрсатгандир. Улар бу китобни ўқиб дўзах азобига тенг зериклишни бошдан кечирмайдилар, балки, аксинча, у билан бирга ўсадилар, ўзларида ўзгариш, янгиланиш содир бўлганини, билими ошганини, ҳақиқат томон юз буришганини ёки ҳаммасини бошидан бошлашга тайёр эканликларини ҳис этадилар ва, шубҳасиз, муайян бир мақбул ҳолатга келган бўладилар, зеро бусиз фақат аламли нафратгина китобхонни диққатини жамлаб муқаррар уйку хуружини енгиб 735 саҳифани бошидан охиригача қунт билан ўқиб чиқишга ундамоғи мумкин. Шу боисдан, ўйлайманки, Ўрта асрлар католик Ирландияси, афтидан, бизга таниш жуғрофий хариталарда белгилаб қўйилганидек эмас, балки ҳалигача менга ноаён беҳад кўламли ва ҳаддан ташқари бепоён ҳудудга эга. Дедал

¹ Қолаверса (лот.).

² Ирландиянинг қадимги номи.

ва Блум жаноблари одимлаб юриб бораётган бу католик Ўрта аср, дейлик, универсал ходиса сифатида гавдаланади ёки бошқача айтганда, унда аҳолининг бутун бир тоифалари яшаса керакки, уларнинг яшаш жойи, “Улисс”никидек, маънавий-руҳий ришталар билан шу қадар боғланганки, токи бошқа одамлар илгари назарларидан зич беркитилган борликни, тиркликни ўз кўзлари билан кўриб, бориға ишонч ҳосил қилишлари учун Жойсча тафаккурнинг портловчи кучи керак бўлди. Менинг эса ишончим комил, бизнинг ҳаётимизда қадим Ўрта асрлар ҳеч қачон тугамайди. Ва бу ерда ҳеч нарса қилолмайсан ҳам. Шу боисдан ҳам Ўрта асрлар андозалари билан яшашни ҳеч ҳам қанда қилмайдиган замондошларига улар ҳали-ҳануз “ўша” ҳаёт измида эканини уқтириш учун Жойс (ёки Фрейд) сингари соҳибқароматлар керак бўлди.

Бутун борлиғи христианлик меҳр-шавқати, марҳамати билан тўлиб-тошган, бу оламни тўлдирган кирдикорлардан нигоҳини четга буришга мойил кимсалар аҳамиятига кўра беҳад улкан бу асарнинг яратилганини лозим даражада тушуниб қабул қилишга қодир эмас. Улар учун бу шундай бир “томоша” бўлардики, бу “томоша” уларни тамоман бефарқ қолдирган бўларди. Бироқ Жойс маҳорат билан ўз кашфиётини айнан мос руҳий ҳолатга мўлжаллайди. Фақат ана шу руҳий ҳолатга мувофиқ тарзда у юклаган салбий эмоционал кучлар ўйини ҳаракатга келади. “Улисс” ницшеча “ўтмишга куфрона кириб бориш”ни қандай амалга ошириш лозимлигининг намунасини кўрсатади. Бу совуққонлик билан, қаловини топиб ва шундай “дахрий”ларча бажарилдики, бунақаси Ницшенинг тушига ҳам кирмаган. Ва булар барчаси – сокин, бироқ аниқ мўлжал билан бажарилади ва бу манавий-руҳий макон сеҳр-жодусининг таъсирини асло ақлидрокдан эмас, балки қалб қаъридан излаш керак! Жойс ўзининг китобида фақат завқ-шавқсиз, худосиз ва маънавиятсиз оламни тасвирлайди, шу сабабли унда ҳаётга ишончни оширадиган, кўнгилни кўтарадиган бирор нарсани топиш даргумон, деган васвасага берилиш керак эмас. Қанчалик ажабланарли туюлмасин, шуниси ҳақиқатки, “Улисс” олами ўзининг сийқа, ўртамиёна томирларига бенажот боғланиб қолганларнинг оламидан яхши. Ва ҳатто ёмонлик ва вайронкорлик устун келган ўринларда ҳам “Улисс”, барибир, “яхшилик”дан афзаллиги билан аниқ фарқланиб туради ёки ҳатто ундан юқори туради ҳам, яъни айнан ўша алмисокдан қолган “яхшилик”дан, амалда муросасиз мустабидлиги аён кўриниб турган “яхшилик”дан; бу “яхшилик” ўзида бидъатлардан таркиб топган, сохта тушунчалар, хом-хаёллар туғдирадиган тизимни гавдалантиради; бу сохта тушунчалар эса ўта қаттиққўллик билан ҳаётнинг чинакам бойлиги юзага чиқишига йўл қўймайди ва унинг оғушига тушганларнинг барчасининг фикр-ўйларини, виждонларини чидаб бўлмас азобуқубатларга дучор этади. Ницше “Улисс”нинг дастурий ғоясини “Маънавият жабҳасида қуллар кўзғолони” дея атаган бўларди. Ўзларининг сийқа, ўртамиёна маънавий илдизларига боғланиб қолган одамлар учун ҳалос бўлишнинг маънисини шундан иборатки, улар “мияларини ишлатиб” ўзлари яшаётган оламнинг қанақалигини ва унда кечираётган “ҳақиқий” ҳаёти қандайлигини тан олишлари даркор. Худди большевиклар гвардиясининг вакили соч-соқоли олинмаганидан ғурурланганидек, маънавияти сийқа, ўртамиёна одам ҳам ўз оламининг нақадар ажойиблиги ҳақидаги ҳолис муҳокамалардан ўзини бахтиёр ҳис этади. Қоронғилик ёруғликдан

зиёдалигини ошириб макташ кўзи ожиз одам учун ўзига хос эзгу амалдек туюлгани каби, чеку чегарасиз сахро маҳкум учун мисоли жаннат. Ўрта асрлар одами учун бидъатдан узил-кесил халос бўлмоқ ўз ҳаётини гўзаллик, эзгулик ва мазмун-моҳиятдан маҳрум этишдан иборат, чунки одам-шарпалар учун идеаллар – бу ижодий ютуқлар эмас, балки риёзат чекиш, итоаткорлик ва бандилик занжири, бу дастлаб кўчманчи халқнинг мустабид йўлбошчиси Моисей томонидан Синай тепасида бичиб-тўқилган, кейин эса хийла ва удабуронлик билан инсониятга мажбуран қабул қилдирилган ўзига хос метафизик полиция.

Агар Жойсга сабаб-оқибат нуқтаи назаридан ёндашилса, бу ҳолда у католик якка ҳокимлиги қурбони сифатида гавдаланади, телеологик¹ планда эса у маълум муддат инкор этиш билан қоникадиган ислоҳотчи, у кейинги натижани кутиб, ўзининг қатъий норозилиги-протести билан кифояландиган протестант. Жойсга модернист сифатида ҳис-туйғуларнинг бегоналиги, ҳиссизлик хос, бу хусусият, тажрибанинг тасдиқлашига кўра, доимо ҳис-туйғуларнинг, айниқса, улар сохта, қалбаки бўлганда ва ҳаддан зиёд юзага чиққанда уларга жавоб сифатида пайдо бўлади. “Улисс” да намойиш этилган ҳиссизлик, лоқайдлик ҳолатлари бизда сентименталлик беҳад кенг ёйилган, деган фикрга олиб келади. Демак, бу ҳақиқатдан ҳам шундайми, деган савол туғилади.

Бу тагин бир жумбоки, унга ҳаммадан кўра узоқ келажак одами аниқ жавоб бера олган бўларди! Шунга қарамай, ҳаётнинг сентиментал томонига берилиб кетганимиз мутлако ножоиз даражага етди, дейишга бизда баъзи бир асослар бор. Уруш пайти халқ эҳтиросларининг изҳори қандай ҳалокатли оқибатларга олиб келганини эслайлик! Қанча бакир-чакирлар бўлган эди бизнинг гуманизм аталмиш инсонпарварлигимиз ҳақида! Ҳар биримизнинг қанчалик ожиз, нотаъон эканимиз, ҳеч бўлмаганда шунчаки ачинишга ҳам арзимайдиган шахсий қайғу ташвишларимиз-чи, улар ҳақида, эҳтимол, бошқалардан кўра психиатр яхшироқ сўзлаб берар. Сентименталлик – шафқатсизликнинг ташки кўринишларидан бири. Ҳис-туйғулар йўқолиши, ҳиссизлик – унинг, ўша иллатлардан муқаррар азоб-укубат етказадиган бошқа бир кўриниши. “Улисс”нинг ютуғи шуни далиллайдики, ундаги жами руҳсизлик, ҳафсаласизлик ҳолатларига қарамай, бу асар кўрсатадиган таъсир *ижобий*; бундан шундай хулоса келиб чиқади: китобхон кўнгилчанлик, раҳмдилликка ўз-ўзича шу қадар ортиқ даражада берилганки, асарда уларнинг йўқлиги айнан унинг учун фойдали бўлиб кўринади. Мен, шунингдек, қаттиқ ишонаманки, бизни нафақат Ўрта асрлар, балки сентименталлик ҳам ўз оғушида маҳкам тутиб турибди ва шу боисдан ҳам биз маданиятимизнинг ҳиссизлиги ўрнини тўлдирадиган соҳибкароматларнинг пайдо бўлиши сабабини бемалол тушунишимиз мумкин. Соҳибкароматлар эса, доимо истарали, ёқимтой бўлмайди, уларнинг манераси – муомала тарзи, одатда яхши эмас. Бироқ айтишларича, баъзан улар қош қолиб, кўзни мўлжалга олади. Соҳибкароматларнинг, албатта, каттаси ва кичиги бўлади, Жойс уларнинг қай бирига мансублигини тарих ҳал қилади. Санъаткор, чин авлиёларга лозим қўрилганидек, ўз даври руҳи ҳақида беихтиёр, баъзан эса, шунчаки ғайришуурий, ойпарастдек гапириб юборади. У маърузамни

¹ Телеология – табиатда ҳамма нарса олдиндан белгиланган мақсадга мувофиқ қилиб яратилган, деб талқин қилувчи таълимот (*тарж.*).

ўзим ижод қиламан деб ўйлайди, аслида эса уни давр руҳи бошқаради ва унинг айтганлари рўёбга чиқади.

“Улисс” – бу замонамизнинг doctent humain ва, қолаверса, унинг сирини хам шунда. Унга, эҳтимол, руҳан ва маънан чекланганларни имкон қадар халос қилиш буюрилгандир, ундан уфураётган совуқ нафас эса нафақат сентименталликни, балки ҳар қандай ҳиссиётга берилишларни суягига-ча музлатади. Бироқ унинг моҳияти ушбу шифобахш таъсирлари билан яқун топмайди. “Улисс”нинг туғилишига ёвузликнинг ўзи доялик қилган, деган фикр қанчалик қизиқарли бўлмасин, бироқ бу билан ҳали ҳаммаси айтилган эмас. Ахир, унда ҳаёт бор, ҳаёт эса ҳеч қачон нуқул ёвузлик ва бузғунчиликдангина иборат бўлмайди. Тўғри, дастлаб бу китобдан биз чиқаришга қодир бўлган жамики хулосалар инкор ва инқирозга тааллуқли бўлади, бироқ шу билан бирга қандайдир ақл бовар қилмайдиган, мубҳам нарсаларни ҳам кўнгил сезади, гўё аллақандай сирли мақсад унинг ижобий мазмунидан, у билан бирга – эзгуликдан хабар беради. Бизнинг кўз ўнгимизда ола-чипор гиламдай ёйилиб борадиган сўзлар ва манзараларни “символистик”, деган хулосага келинса тўғри бўладими? Ахир, мен, худо шохид, аллегория ҳақида гапирмаяпман, балки символ ҳақида, бошқача тарзда ақлга сиғмайдиган, тушуниб бўлмайдиган ифода сифатидаги символ ҳақида гапираяпман. Бироқ агар бу ҳақиқатан ҳам шундай бўлганида, у ҳолда, эҳтимол, матннинг ғаройиб чигаллиги замиридан милтиллаб киши билмас, яширин мазмун бизга пешвоз чиқарди, гоҳ у, гоҳ бу ерда сирли товушлар жарангларди, улар бошқа замонлар ва бошқа маконлар ҳақидаги хотиралардан акс-садо берарди ва кўз олдимизда гўзал орзумидлар елиб ўтарди ёки тағин фанонинг зулмат қаърига ғойиб бўлган, бутунлай унутилиб кетган халқлар пайдо бўларди. Ҳар ҳолда бунинг рўй бериш эҳтимоли йўқ эмас, деб фараз қилиш, албатта, мумкин, бироқ уни қандай қилиб кўрса бўлади, буни мен билмайман. Боз устига, менинг тушунишимча, муаллиф шуури китобнинг ҳамма бурчакларини ёритади; бу ғайришуурий ҳолатдан пайдо бўладиган ёқимли ўй-хаёллар, ваҳий, кутилмаган хушxabар эмас. Муаллифнинг эҳтиёткорлиги, ишни режали олиб бориши ва атай фаразларга асосланиши китобда ҳатто Ницшенинг “Зардушт”идан ёки Гётенинг “Фауст”и иккинчи қисмидагидан ҳам очик кўринади. Чамаси, “Улисс”даги символизм соҳасига оид қусурлар шу билан изоҳланади. Бу ҳолда, табиийки, архитипларнинг яширин иштироки бор, деб фараз қилиш мумкин, бу ҳолда Дедал ва Блум ўзларида одамга хос азалий руҳий ва шахвоний майлларнинг тимсолига айланган, Блум хонимнинг кундалик ҳаётидаги ҳийла-найрангларда кўнгил образи (anima) акс этган, Улисснинг ўзи эса Қахрамон символикасини ифодалаган бўлади; бироқ гап шундаки, китобда бундай хулосаларнинг ҳаққонийлигига нафақат бирор-бир аниқ ишора бор, ҳатто аксинча – унда ҳаммаси очик-ойдин, тиниқ ва ёркин ақл нури билан равшан кўрсатилган. Бу, ҳеч шубҳасиз, символистик эмас ва ҳар қандай символизмга зид. Мабодо китобнинг айрим қисmlари символистик вазифани ўзига олган бўлса-да, у ҳолда бу, гарчи муаллиф ҳарчанд эҳтиёт чораларини кўрган бўлмасин, ғайришуурий-онгсизлик ҳолати туфайлидир. Негаки, биз “символик” деганимизда шунга ишора қиламизки, предметда – символ руҳиятдан ёки мавжуд оламдан бўлсин – унга хос, ақлга сиғмас ва қудратли мазмун яширинган бўлади, инсон эса ўзига қарама-қарши

сир-синоатни, аниқ ибора воситасида ифодалаб, ўзига бўйсундиришга уринади.

Бунинг учун у фикру зикри билан ушбу предметга интилноғи, уни ҳосил қилган барча турли-туман қобик-пўстлоқни арчиб, аяб-авайлаб, қизганиб номаълумлик қаърига бекитилган асл жавҳарига етиб бориши ва уни ёруғига олиб чиқиши даркор.

“Улисс”да эса бундай ҳаракат умидсизликка олиб келиши мумкин, зеро, сон-ҳисобсиз қобик-пўстлоқларни арчиб, тобора теранликка кириб борган билан сиз бу қобик-пўстлоқлардан бўлак ҳеч нимага эга бўлмайсиз ва “Улисс”, мисоли тафтсиз, совуқ нур таратиб турган Ойдек лоқайд, шаклланиш, мавжуд бўлиш ва барҳам топиш комедиясининг ўз ҳолича давом этишига монелик қилмайди, унинг бардавомлигини коинотнинг қайсидир бир узоқ пучмоғидан туриб кузатади^{XV}. Мен чин дилдан ишонманки, “Улисс” символик тафаккур системасидан таркиб топган эмас, негаки, акс ҳолда, у ўз мақсадидан четлашган бўларди. Бу қандай ҳадик билан асралган сирки, уни деб беқиёс куч сарфлаб, ўқиш беҳад азобга айланадиган, бутун бошли 735 саҳифани ўқиб чиқишга арзиса? Ўқувчи, яхшиси, аслида йўқ жавоҳирларни қидириб вақтини ҳам, кучини ҳам сарфламай кўя қолсин. Улар қаергадир, ҳатто тупроққа бекитиб кўйилган бўлиши мумкин, деган фикрни хаёлга ҳам келтириб бўлмайди, негаки онгимиз бундай фикр измига тушса, тагин мистер Дедал ва мистер Блумнинг маънавий ва моддий оламига тортилади ва бу оламнинг сиртида, унинг моҳиятига тушуниб етмай умрбод сарсон-саргардонликка дучор бўлади. “Улисс”да назарда тutilган ният бу эмас. Улисс, жуда узоқлардан ёлғиз туриб кузатаётган Ойга ўхшаган, на у тангрилар тутиб турадиган, на тубан майллар измига мойил, на муҳаббат ва нафрат йўриғига юрадиган, на ишонч-этиқодга ва на хурофот-бидъатга боғланган – ҳар қандай объектдан холи, озод онг бўлишни хоҳлайди. “Улисс” бир нима демайди, бироқ шунга киришади: у *онгини халос қилишга*^{XVI}, йўлида узоқдан кўриниб турган нишондек мақсадга интилади. Эҳтимол, янгича дунёқарашнинг сири ҳам шундадирки, бу сирни англаб етиш китобнинг 735 саҳифасини тўла-тўқис кунт билан ўқиган кишига эмас, балки 735 кун мобайнида ўзининг оламини ва ўзининг руҳияти-ю моҳиятини Улисснинг кўзи билан кузатган кишига насиб этар. Вақтнинг бу бўлаги ўзида символик мазмунни ташийди – бу ўша, “замон давомида, замонлар ва ёрти-замон”¹да рўй берадиган ҳодиса, яъни бу вақт жуда узоқ ва шу қадар чеку чегарасизки, унда эврилиш тўла-тўқис воқе бўлади. *Оннинг халос бўлиши* гомерчасига рўй беради – Скилла ва Харибда² оралиғидаги тор бўғоздан, рух ва олам Симплегадалари³ орасидан сузиб ўтаётган ғаройиб сабр-бардош соҳиби Одиссей; Дублин Аидасида эса: хазрат Жон Конми ва Ирландия вице-қироли орасидан, Лиффи бўйлаб қуйига худди “буклаб ясалган қоғоз қайикчадек энгилгина тебраниб, силкиниб бораётир”: “Elijah, skiff, light crumpled throwaway, saild eastward by flanks of ships and trawlers, amid an archipelago of corks beyond new Wapping street past Benoson’s ferry, and by the threemasted schooner Roseven from Bridgewater with bricks”^{XVII}.

¹ Хушхабар.12. 14.

² Скилла ва Харибда – қадимги юнон ривоятларида афсонавий денгиз махлуқлари (*тарж*).

³ Симплегада – орасидан кемалар сузиб ўтаётганда ҳаракатга келиб тўқнашадиган қоялар (*тарж*).

Онгнинг бу халос бўлиши, шахснинг бу шахссизланиши – жойсона Одиссеянинг Итакасими?

Башарти оламда ҳаммаси ночор экан, демак афтидан, фақат битта *Мен* яшаб қолган ва унинг исми Жеймс Жойс. Бироқ барча омадсиз, бахтсиз, ўз *Мени*нинг соясидек судралиб юрганлар орасидан битта *Мен* алоҳида ажралиб туришини қайд этиб бўладими? “Улисс”да ҳар қайси персонаж, албатта, ҳаётда аниқ мақсади йўқлиги билан бошқаларидан ҳечам қолишмайди ва улардан бирининг ўрнига бошқасини қўйиб ҳам бўлмайди; уларнинг ҳар бири ҳар жиҳатдан ўзига хос ва, қолаверса, уларда мутлақо ўз *Мени* йўқ, умуман, одамга хос бўлган ўткир, сезгир хис этиш, идроклаш туйғуси йўқ, ўзак йўқ, қайноқ қон билан ювиб туриладиган аини ўша *Мен* ороли – юрак йўқ, бу эса, аслида – эҳ! – жуда кичик бўлсада, барибир ҳаёт учун ниҳоятда зарур. Бу Дедаллар, Блумлар, Хэррислар, Линчлар, уларни у ёқда қандай аташмасин, нима деб гапиришмасин, умумий бир рўёда – тушда аралашиб, қўшилиб-қоришиб юраверадилар, бу тушнинг эса ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқ, бу туш, фақат уни “Ҳеч ким”, аллақандай кўзга кўринмас Одиссей кўриши-кузатиши учунгина мавжуд. Уларнинг бирортасига бу ҳақда бирор нарса маълум эмас ва шунга қарамай уларнинг бари яшаётгир, чунки аллақандай илоҳ уларни яшашга ундайди. Бу ҳаёт ўзи шундай ва ундаги Жойс яратган образлар ҳаётий – *vita somnium breve*¹. Бироқ уларнинг ҳаммасини қамраб оладиган аини ўша *Мен* бир марта ҳам кўриниш бермайди. У ўзини ҳеч бир нарсада: на бирор-бир фикр-ўй, на нима биландир иштирок этиб, на қандайдир антропоморфизм² билан намоён этмайди. Бу образларнинг барчасининг яратувчиси *Мен*ни топишнинг иложи йўқ. У бутунисича “Улисс”нинг беҳисоб персонажларига қоришиб кетган, деб ўйлаш мумкин^{xviii}. Ва, барибир, аниқ қилиб айтганда, айнан шунинг учун ҳам ҳамма-ҳаммаси, ҳатто асарнинг охириги бобида келганда тиниш белгиларининг йўқолиши – бу Жойснинг ўзи. Унинг холи, озод бўлган, кузатувчан, биргина лоқайд, эътиборсиз нигоҳи билан 1904 йил 16 июндаги воқеаларнинг бемаврид ўрин алмашувини қамраб олган онги; у ерда содир бўлаётганларнинг барига қарата айтиши жоиз: *Tat twam asi* – бу сен – “сен” юксак маънода, яъни ҳеч қандай *Мен* эмас, балки ўзига ўзи мурожаат этаётган Ўзлик, зеро, фақат Ўзлик бир зумда *Мен ва Мен эмасни*, жаҳаннамни, ер қаърини, “*imagines et lares*”³ ни ва коинотни мутаб, қамраб олади.

Мен “Улисс”ни ўқиётганимда ҳар гал Вильхельм эълон қилган йогнинг хитойча тасвири кўз олдимга келади, унинг бошидан йигирма бешта фигура чиқиб туради^{xix}. Бизнинг кўз ўнгимизда йогнинг руҳий ҳолати намоён бўлади, бу ҳолатида у бор кучини ўз *Мени*дан халос бўлишга йўналтирмоқда, мақсади *Мен*дан кўра янада мукамал, янада объектив – ўша Ўзлик ҳолатига ўтиш; “Ойнинг ёлғиз тургандаги гардиши”га ўхшаган Ўзлик ҳолати бу *sat-chit-ananda* ҳолати бўлиб, у бако-фано бирлигининг юксак кўринишини, Ҳиндистон ва Хитойнинг бебаҳо донишмандлиги ва минг йиллар шарафланган нажот топишнинг шарқона йўлининг энг юксак мақсадини англатади.

¹ Ҳаёт – қисқа туш (*лот.*).

² Антропоморфизм – антропоморфизм (1. Одамга хос психик хусусиятларни нарсалар, жониворлар ва табиат ҳодисаларига ҳам хос деб билиш, уларни одамга ўхшатиш; 2. Баъзи бир динларда худоларни одам образида тасаввур қилиш) (*тарж.*).

³ Аждодлар ва руҳлар (*лот.*).

“Қоғозни буклаб ясалган қайиқча енгилгина тебраниб, силкиниб елади”, Шаркка сузади. Бу қоғоз қайиқча “Улисс”да уч марта кўринади ва ҳар гал Илия билан сирли тарзда боғланган бўлади. Икки марта: “Илия! Илия!”, дея тантанали суратда эълон қилинади. Ва у, ҳақиқатдан ҳам, фоҳишахона тасвирланган сахнада пайдо бўлади ва ўша жойда у америкача лаҳжада қоғоз қайиқчанинг сирини тушунтиради:

“Boys, do it now. God’s time is 12.25. Tell mother you’ll be there. Rush your order and you play a slick ace. Join on right here! Book through to eternity junction, the nonstop run. Just one word more. Are you a god or doggone elod? If the second advent came to Coney Island are we ready? Florry^{xx} Christ, Stephen Christ, Zoe Christ, Bloom Christ, Kitty Christ, Lynch Christ, it’s up to you to sense that cosmic force. Have we cold feet about the cosmos? No. Be on the side of the angels. *Be a prism. You have that something within, the higher self. You can rub shoulders with a Jesus, a Gautama, an Ingersoll.* Are you all in this vibration? I say you are. You once nobble that, congregation, and a buck joy ride to heaven becomes a back number. You got me? It s a life brightener, sure. The hottes stuff ever was. It s the whole pie with jam in. it’s just the cutest snappiest Line out. It is immense, supersumptuous. It restores”^{xxi}.

Бу ерда нима юз бергани тушунарли: инсон онгининг халос бўлиши ва шу билан боғлиқ тарзда унинг “илоҳий” онгга яқинлашуви (“Улисс” қурилишининг асосий принципи ва асарнинг юксак бадий ютуғи шунда) фоҳишахона аҳмоқлари учун маст-аласт жаҳаннамда иблисона таҳқирга учрайди, бу ўринда у ҳақдаги фикр анъанавий шартли ибораларда ифодаланади. Сабр-бардошли, кўп дарбадар кезган Улисс ўзининг туғилган оролига етиб олишга, ўзини топишга, аслига қайтишга интилади, айни пайтда, романнинг XVIII бобида акс эттирилганидек, у ўзини тўғри йўллардан чалғитадиган нарсаларга қарши курашди ва масхарабозлар олами – сохта тушунчалар, хом хаёллар дунёсидан – уларга узоқдан туриб нигоҳ ташлаб ва бефарқ, эътиборсиз қараб – ўзини халос қилди. Бу билан у гўё қандайдир Иисус ёки қандайдир Будда бажарган амалларни бажаради. Яъни масхарабозлар оламидаги тўсиқларни сабр-бардош билан енгиб ўтади. Зиддиятлардан халос бўлади, қолаверса айнан Фауст бажарган ишни ҳам амалга оширади. Ва “Улисс”да воқеалар Фаустнинг юксак аёллик ибтидосига қоришиб ўзини топгани каби бошланади. Бунда мисис Блумга, Стюарт Гилберт тўғри таъкидлаганидек, Ердаги ҳаётга қайтаётган кимсанинг роли раво кўрилади. Унинг тиниш белгиларисиз монолог тарзда гапирган гаплари – сўнгги сўз ҳам уларга тегишли ва ҳаддан ташқари ғала-ғовурлардан сўнг хотиманинг оҳангдор даъватини айтиш унга тепадан марҳамат қилинди.

Улисс – Жойсда ўрнашган илоҳ-ижодкор, ҳақиқий демиург¹, унга ўзининг руҳий ва жисмоний табиати орқали дунёвий ишларга берилиб, қизиқиб кетишдан қутилиш ва бу дунё муносабатларидан ўз онгини халос этиш насиб қилди. Улисс реал, ҳаётда бор одам – у Жойсга тааллуқли, худди Фауст Гётега, Зардушт Ницшега тааллуқли бўлганидек. Улисс бу юксак кўринишдаги ўзига хослик, Ўзлик ва бу Ўзлик тартибсиз, мантиқсиз дунёвий ўзаро боғлиқликларни бардош бериб енгиб, ўзининг самовий ватанига қайтади. Китобни тўла ўқиб чиқиб, сиз унда ҳеч қандай

¹ Демиург (ёки Димуург) – антик философияда: космосни ҳиссий қабул қиладиган нарсалар яратувчиси. Христиан таълимотида – барча мавжуд нарсаларнинг яратувчиси ва курувчиси сифатида тангрининг атамаларидан бири (тарж.).

Улиссни тополмайсиз, китобнинг ўзи, Жойсда яшаётган микрокосм¹ сифатида, Улисснинг ўзи, унинг ўзлик олами ва бир олам ўзлигининг бошқасига жойлашгани. Улисснинг қайтиши унинг бутун дунёга, ҳам рухий, ҳам моддий оламга буткул орқа ўгиришни тугатганда яқунланди, деб ҳисоблаш мумкин. “Улисс”да оламнинг янада теран манзаралари тақдим этилган тасвирлар ҳам бордир, эҳтимол. Бу 1904 йилнинг 16 юни, одатдаги зерикарли кунларнинг бири, унинг давомида майда, чекланиб, акли торлиги, ўзгармаслиги оқибатида фикри қотиб қолган одамлар гап сотишади, бекорчи, тартибсиз, телба-тескари ишларни қилишади ва сиз рўпарангизда ғала-ғовур, хаёлий-хира, дўзахни эслатадиган манзарани кўрасиз, унда қочирик-учириклар ҳам, инкор ҳам, нафрат ҳам, босиринки тушга ёки маслиница (қишни кузатиш байрами)даги ичкиликбозликдан кейинги қарахликка, бош оғриғига ёки ижодкор 1914 йил 1 августда тахминан ҳис этиши лозим бўлган нарсага ўхшаш дунёга гувоҳ бўласиз. Оптимизм кучайгандан сўнг ижоднинг еттинчи кунига келиб 1914 йил ҳам унинг яралиши, деб ҳисоблаши демурга осон бўлгани даргумон. “Улисс” 1914 йилдан 1921 йилгача ёзилган бу пайтда дунё ҳақида қандайдир кўтаринки оҳангда ўйлашга асослар йўқ эди ва бу дунёни меҳр-муҳаббат билан кучишга бирор-бир сабаб ҳам йўқ эди (ха, шундан кейин ҳам бунда ҳеч нарса ўзгармади). Шу боисдан ҳам ҳеч қандай ажабланадиган жойи йўқки, санъаткор ботинида яшаётган олам яратувчиси ўз оламини салбий планда лойқалантиради ва бу шу қадар салбийки, шу қадар шаккокларча салбийки, англосаксон мамлакатларида цензура санъат учун тенг кўрилган тасаввурларга бу дунёнинг номутаносиблиги кўзгайдиган жанжалларнинг кучайиб кетишига йўл қўймасликка ўзини масъул деб билди ва “Улисс” ҳеч қандай гап-сўзсиз тақикланди! Номалум демург ватанини топишга такрор интилаётган Одиссейга шундай эврилди.

Биз “Улисс”да ҳис-туйғуни жуда кам учратамиз. Бу, шубҳасиз, ҳар қандай эстет учун ўта ёқимли бўлса керак. Бироқ, фараз қилайлик, Улисснинг онги ойга ўхшамаган, балки фикрлайдиган ва ҳис этадиган қандайдир *Мен* бўлса; бу ҳолатда асарнинг 18 боб бўйлаб босиб ўтилган унинг йўли шунчаки зерикарли бўлибгина қолмасди, балки чинакам азоб-укубатга дучор этган бўларди ва оқшом тушиши билан бу дунёмизга хос ва мос бўлган ғам-алам ва маънисизликдан умидсизлик ботқоғига ботган бизнинг дарбадар барибир ҳаётнинг ибтидо ва интиҳосини белгилайдиган Улуғ Она қучоғига қулаб тушган бўларди. Улисснинг беадаблиги буюк ҳамдардликни, бу дунёда мавжуд бўлишнинг азоб-укубатларини бекитади, у яхши ҳам, чиройли ҳам эмас, бундан-да ёмони, унда боз устига ҳеч қандай умид ҳам йўқ. Негаки, у масхарабозлар ўйинлари билан одамларни овутгани каби соатлар, ойлар ва йиллар мобайнида узлуксиз давом этадиган оддий, яқранг кунлардан таркиб топган. Улисс ўзининг онги билан уни тўлдираётган объект ўртасидаги муносабатларни узиб ташлашга журъат этди. У ўзини рўй бераётган воқеаларга аралашинишга, ҳийла-найранглarga қўшилиб кетишга ва ўзини унутиб қўйишга мажбур этадиган йўлдан халос бўлди. Шу боисдан ватанига қайтадиган ҳолатга келди. Ва унинг фикри, ўй-хаёли шахсий кечинмалари билан чекланган, ўзи билан ўзи банд бўлиб қолган ёлғиз одамники эмас, зеро, ижод қилаётган даҳо ёлғиз бўлмайди. Негаки унда кўпчилик мужассам ва шу

¹ Микрокосм – микроскоп орқалигина кўриладиган кичик олам (тарж.).

боисдан ўз қалби сукунатида у кўпчилик билан гаплашади, кўпчилик учун у алоҳида танланган санъаткоргагина тааллуқли бўлган даражада мазмун ва тақдир саналади.

Энди менга китобнинг дастлаб салбий, “совуққон”, гумтарокли-сийқа, муболағали, шайтоний бўлиб туюлган ўринлари тобора унинг ижобий ютуқлари бўлиб кўринаётир ва бунинг учун ундан миннатдор бўлиш керак. Жуда оғир диккатбозликка сабаб бўладиган ва ўта зерикарли бир хил оҳангга қоришган, бироқ айни пайтда бу китобнинг юксак даражада бой, миллион қиррали тили, ундаги узундан-узун, бирининг кетидан бири уланиб кетган эпизодлар эпиклигига кўра ғоятда койилмақомки, бу чиндан ҳам маънисиз, мақсадсиз дунё инкирозини ўзига қамраб олган Маҳобҳоратга ва ҳаммаси – одам ҳаётида рўй берадиган жамики нарса-ҳодисалар шайтоннинг ўйинқароқ қилиқларига ўхшайди. “From drains, clefts, cesspods, middens arise on all sides stagnant fumes”^{xxii}. Ва ҳар қандай диний ғоя, у қанчалик юксак ва ниҳоятда тушунарли бўлмасин, ушбу куфрона бузғунчилик ботқоғида худди тушдагидек, аниқ-тиниқ акс этади. (Альферд Кубиннинг “Бошқа тараф” асари воқеалари катта шаҳарда рўй берадиган “Улисс”нинг қишлоқлик қариндошидир.)

Бунга мен ҳам кўшилган бўлардим, чунки бу ерда нима бор бўлса, бори шу. Қолаверса, скатология¹да эсхатология²нинг пайдо бўлиши Тертуллианнинг ҳақиқати – “Anita naturaliter christiana”³ни тасдиқлайди. Улисс ўзини марҳаматли дажжол сифатида кўрсатади ва бу билан ўзининг католик христианлик кўрғони мустаҳкамлигини тасдиқлайди. Рўпарамиздаги шунчаки христиан эмас, балки бу ерда янада фахрлироқ унвонлар ҳам бор: буддавий, шиваит, гностик (“*With a voice of waves.*”)... White yoghin of Gods. Occult pomander of Hermes Trismegistos. (*With a voice of whistling seawind*) Punarjanam patsypunjaub! I won't have my leg pulled. It has been said by one: beware the left, the cult of Shakti. (*With a cry of stormbirds*). Shakti, Shiva! Dark hidden Father... Aum! Baum! Pyjaum! I am the light of the homestead, I am the dreamery creamery butter”^{xxiii}.

Ҳатто кир ўранинг тубида ҳам йўқолмаган Инсон руҳининг юксак ва ўта қадимий бойлиги – бу меҳр-шафқат кўзғамайдими, бу теран мазмун касб этмайдими? Бу ерда руҳнинг бир туйнуги йўқки, у орқали *spiritus divinus*⁴ охир-оқибат нопок ва бадбўй оламга ўзининг ҳаётини уфура олса. Бидъатчиларга мансуб жамики эгри йўлларнинг отаси қадимги Гермес тўғри айтган: “Тепада қандоқ бўлса, пастда ҳам худди шундай”. Стивен Дедал, ҳаво стихиясининг бу қушсифат одами ерда йиғилиб қолган бадбўй балчикқа ботиб-беланиб қолганки, шояд Олий Қудрат томон ёрқин осмон кенгликлари узра эркин парвоз этишга чоғланса ва бу Қудратга ковушса-да, яна қуйига қайта олса. “Ва агар мен дунёнинг энг четига югурсайдим, унда...” – унда, Улисс давом этиб дейдики, бу Худога шак келтириш шак-кокликнинг кучли далили бўлган бўларди^{xiv}. Ёки, мана, ундан-да яхшиси: Блум, йўлдан озган бу шахватпараст, айғоқчи ва вайсақи, қулоғигача лойга ботган кимса, ҳали ўзи билан ҳеч қачон рўй бермаган ҳолатни кечиради: ўзида Худоодамни намоён этган қиёфасининг мўъжизали ўзгаришини бошидан ўтказади. Хушхабарда айтилади: осмон гумбазидан азалий ни-

¹ Скатология – булганч, беадаб сўзлар (тарж.).

² Эсхатология – одамнинг охиратдаги ҳаёти ҳақидаги дийин таълимот (тарж.).

³ Қалб табиатига кўра аёл-христиан (лот.).

⁴ Худо нафаси (лот.).

шоналар йўқолган пайтда уларни ерда, кўзиқоринларни излаб, тупрокни ковлаб юрган чўчкалар топиб олади, чунки уларни тепада қандай бўлса, пастда ҳам худди шундай абадий ва қатъий белгиланган, фақат Худо лаънатлаган илмилик ўрталикдан ҳеч қачон топиб бўлмайди.

Улисс мутлако холис ва ўта ростгўйки, унга ишонса бўлади. Унинг олам ва рух кудрат ҳамда ожизлиги ҳақида гувоҳ бўлганларига ишонсангиз адашмайсиз. Улисснинг ўзи уларнинг моҳиятидир, ҳаёти ва воқелигидир, рух ва оламнинг ҳақиқий фантазмагорияси, жамики бу “Мен” ва “У” унинг ўзида мужассам ва унинг ўзида амал қилади. Шу муносабат билан мен жаноб Жойсга қуйидаги саволни беришни хоҳлардим: “Ўзингиз сездингизми, Сиз ўзингиз Улисснинг намоиши, тафаккури, балки эҳтимол ғояларининг бутун бир мажмуи ҳисобланасиз? Бошқача айтганда, Сиз тушундингизми, Улисс худди юзта кўзли Аргусдек бир йўла ҳамма ёққа қарайди, ўзининг олам ва ғайриолам ҳақидаги фикр-ўйларини Сизга узатадики, токи Сизнинг бошингизда объектлар бўлсин ва улар воситасида Сизнинг Менингиз ўз-ўзини англаб етсин?” Билмадим, бу саволларимга мухтарам муаллиф қандай жавоб берган бўларди. Қолаверса, бу мени умуман ташвишлантирмаслиги керак, модомики, мен метафизика масалаларини мустақил ечмоқчи эканман. Муаллиф жаҳон тарихининг макро-хаос-космосидан 1904 йил 16 июнь Дублини микрокосмини қармоққа балиқни илантиргандек моҳирлик билан кўлга киритганини, алоҳида холис маконга жойлаштирганини, унга ишлов берганини кузатганинда “Улисс” таажжубланарли саволлар туғдиради; муаллиф бу микрокосмнинг ҳам жозибали ва ҳам жирқанч томонларини мутлако бетараф кузатувчидек сўз юритиб, ҳайратланарли даражада синчковлик билан тасвирлайди. Мана кўчалар, мана уйлар, мана жуфтлар сайр қилиб юришибди. Мана бу эса ҳақиқий Блум жаноблари ўзининг реклама бизнеси билан банд, ҳақиқий Стивен эса ўзининг афоризмдан иборат фалсафаси билан машғул. Мабодо Дублин кўчаларининг қайси бир муюлишида жаноб Жойснинг ўзи учраб қолса, бундай ҳолга ҳам эҳтимолдан холи деб қараб бўлмайди. Шундай бўлиши ҳам мумкинми? У, ахир, худди Блум жанобларидек бор одам, шу боис уни ҳам қармоққа илантириш, ишлов бериш ва тасвирлаш мумкин бўлади (мисол учун, “Мусавирнинг ёшликдаги шамойили” да қилинганидек).

Хўш, Улисс ўзи ким? У, кўринишидан, бирга қўшилганда ҳосил бўладиган нарса, бутун “Улисс”нинг алоҳида персонажлари жами: Блум ва Стивен жаноблари, Блум хоним ва, албатта, жаноб Жеймс Жойс бирикувидан вужудга келган тимсол, холос. Эътибор қаратайлик: бизнинг кўз ўнгимизда нафақат маънисиз жамоавий руҳни ва сон-саноғи йўқ мижғов, ўзаро чиқишолмайдиган индивидуал жонларнигина эмас, балки уйларни, узун кўчаларни, черковларни, Лиффини, денгиз томон сузиб кетаётган букланган қоғоз варағини ўзида мужассам қилган мавжудот турибди – махлуқ бўлса-да, оламни идрок этадиган ва ўзида гавдалантирадиган онг ато этилган зот. Бу тасаввурга сиғмайдиган зот шунчаки олди-қочди гапларни рад этади, негаки барибир бу ерда ҳеч нарсани исботлаб бўлмайди ва тахмину фаразлар билан чекланишга тўғри келади. Тан олиб айтишим керак, менинг назаримда Улисс улкан Ўзига ҳослик бўлиши билан бирга, муайян маънода муаллиф ишлов берган, мослаган, барча объектларга

бирдек тааллукли, бу мавжудот, агар у жаноб Блум бўлганида ёки босма-хона ё букланган қоғоз варағи бўлганида ҳам ўзини айнан шундай тутган бўларди, аслида эса ўз объектларининг “коронғига беркинган отаси” саналади. “Мен қурбонликка аталганман ва қурбон қилинганман”; бу тубанликда яшайдиганлар тилида шуни англатади: “I am the light of the homestead, I am the dreamery creamery butter”¹. У ўтрилади, ошиқона оғушини очиб, бутун оламга юзини тутди – ва барча боғлар гуллаб кетади: “O and the sea... crimson sometimes like fire and the glorious sunsets and the figtrees in the Alameda gardens yes and all the queer little stress and pink and blue and yellow houses and the rosegardens and the Jessamine and geraniums and cactuses...”, у тескари ўгирилади ундан – ва шавқсиз зерикарли кунлар ғизиллаб ўтаверади – “labitur et labetur in omnevolubiliaevum”^{xxv}.

Аввал бошда демург ўзининг манманлигига бориб оламни яратди ва бу унга бекаму кўст туюлди; бироқ у тепага қараганида ўзи яратмаган нурни кўриб колди. Ва шунда у ўша ёққа, ватани бўлган жойга қайтди. Ана шу лаҳзада эса, унинг мардона ижодий иродаси аёл рози-ризалигига эврилди ва у тан олиши керак эди:

*Бу ерда танҳо
Ҳосилдир мақсад.
Бунда – ҳақиқат!
Бизни ҳар замон
Мангу назокат
Тортар ул томон².*

Кесик шиша остида чуқур пастликда ястаниб ётган Ирландияда, Дублинда, Экклз-стрит, 7да 1904 йил 17 июнда сахар палласи соат иккида каравотда ётиб, Блум хоним уйқусираган овозда гапирди: “O and the sea the sea crimson sometimes like fire and the glorious sunsets and the figtrees in the Alameda gardens yes and all the queer little stress and pink and blue and yellow houses and the rosegardens and the Jessamine and geraniums and cactuses and Gibraltar as a girl where I was a Flower of the mountain yes when I put the rose in my hair like the Andalusian girls used or shall I wear a red yes and how he kissed me under the Moorish wall and I thought well as well him as another and then I asked him with my eyes to ask again yes and then he asked me would I yes to say yes my mountain flower and first I put my arms around him eyes and drew him down to me so he could feel my breasts all perfume yes and his heart was going like mad and yes. I said yes I will Yes”^{xxvi}.

О, “Улисс”, сен чиндан ҳам объект³га ишонадиган, объектни лънатлайдиган рангпар майда одам учун Худо ёрлаққан китобсан! Сен – чиниқтирадиган рухий-маънавий машқларсан, аскезасан⁴, ичдан ғайрат, кучланишга тўла расм-русум, маросимсан, афсунгарона томошасан, ўн саккизта кетма-кет кўйиб кўйилган ретортсан⁵, уларда кислоталар, оғули

¹ [“...Ўз ҳолича оқиб ётган, оқаётир, абадул абад оқади” (Horas Briefe, 1,2,43)].

² Гёте “Фауст”ининг якунловчи сўзлари (Э.Воҳидов таржимаси).

³ Объект – 1. филос. биздан ташқарида, бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган мавжудот (тарж.).

⁴ Аскеза – қадим юнонда машқлар; ўз-ўзини чеклаб сабр-қаноат қилиб, оғир расм-русумларни бажариб маънавий-рухий мақсадларга эришиш методикаси (тарж.).

⁵ Реторт – лабораторияда ишлатиладиган бўғзи узун ва бир томонга қайрилган идиш (тарж.).

буғлар, совутиш ва киздиришлар ёрдамида янгича дунёвий онг гомункулуси¹ чиқади.

Сен жимсан, маълуммас, сен бир нима дейишни истайсанми, о, Улисс, бироқ сен ҳаракатдасан. Энди Пенелопага битмас-туганмас чойшаб тўкишнинг кераги йўк, энди у ердаги боғларда сайр қилиб юрибди, негаки шунча сайёҳатлардан сўнг унинг эри уйга қайтди. Аллақандай олам қулади ва тагин кад ростлайди.

Кўшимча: Энди “Улисс” мутолааси шитоб билан давом этаётир.

Илова

[Юқоридаги мақоланинг юзага келиш тарихи қизиқиш уйғотади, негаки у турли чиқишларда ҳар хил талқин этилади. Нисбатан ишончлироқ фикр куйида 1 рақами остида тақдим этилмоқда.

1) Юнг мақолада йўл-йўлакай уни ёзишга бир ноширнинг ундан Жойс ва яна “Улисс” ҳақида фикрини сўраганини қайд этади. Бу ўринда гап 1927 йили “Улисс”нинг (2- ва 3-нашрлари 1930 йили чиққан) немис тилига таржимаси чоп этилган “Rhein-Verlag” (Цюрих) нашриётни бир муддат бошқарган доктор Дениел Броуди ҳақида бораётир. Доктор Броудининг айтишича, у 1930 йили Мюнхенда Юнгнинг “Шоир психологияси” мавзусига бағишланган маърузасини тингланган. (Бу, эҳтимол, “Психология ва поэтик ижод” асарининг илк нусхасидир.) Кейинчалик доктор Броуди бу маъруза хусусида Юнг билан суҳбатлашганида, гарчи исмини тилга олмаган бўлса-да, Юнг айнан Жойсни назарда тутиб гапирганини Броуди аниқ тасаввур қилган. Юнг бу фикрга эътироз билдирган, бироқ Жойс ўзи учун ҳақиқатан ҳам қизиқарли эканини ва “Улисс”дан бир бобни ўқиганини айтган. Бунга жавобан доктор Броуди “Rhein-Verlag” нашриёти янги адабий журнал чиқармоқчи бўлаётганини ва унинг биринчи сонига Юнг Жойс ҳақида мақола ёзиб берса хурсанд бўлишини айтади. Юнг тақлифни қабул қилади ва тахминан бир ой ўтиб мақолани доктор Броудига топширади. Доктор Броудининг таъкидлашича, Юнг Жойсга ва “Улисс”га принципда айнан бир хил клиник ҳодиса сифатида қараган ва айни пайтда ёзувчига ҳам, асарга ҳам ўта танқидий муносабатда бўлган. Хуллас, Броуди Юнгнинг мақоласини Жойсга юборади, Жойс телеграф орқали “Пастроққа осилсин”, деб жавоб қилади, яъни кўчма маънода: “Босмадан чиққандан кейин кўрсатинг” дейди (Жойс бу ўринда Буюк Фридрихнинг иборасини сўзма-сўз қўллайди: Буюк Фридрих ўзи танқид қилинган бир плакатни, ҳамманинг кўзи тушиши учун, пастроққа илиб қўйишни буюрган). Жойснинг дўстлари, жумладан, Стюарт Гилберт ҳам Броудига, гарчи Юнгнинг ўзи бошқача фикрда бўлса-да, мақолани чиқармасликни маслаҳат беради. Бу пайтга келиб Германияда сиёсий вазият кескинлашадди, шу боисдан “Rhein-Verlag” нашриёти журнал чиқаришдан воз кечади ва доктор Броуди мақолани Юнгга қайтариб беради. Кейинчалик Юнг ўзининг эссесини қайта ишлайди (асосан кескин фикрларни юмшатади)

¹ Гомункулус – ўрта аср алхимёгари тасаввурича, сунъий йўл билан ҳосил қилинадиган одамга ўхшаш мавжудот (тарж.).

ва шундан сўнг “Yevropaische Revue” да эълон қилади. Асарнинг илк нусхаси босилмай қолиб кетади.

Бу хулосаларга, бир томондан, “Улисс”нинг англо-америкалик ноширларига доктор Броудининг айтган гаплари, бошқа тарафдан – профессор Ричард Эллман хатининг мазмуни асос бўлади; хатида у доктор Броудиндан айнан шундай маълумотлар олгани ҳақида ёзган.

2) Ричард Эллман “James Joyce” номли китобининг илк нашрида (1959, p.64) Броуди Юнгдан “Улисс”нинг немис тилидаги учинчи нашрига (1930 йил охири) сўзбоши ёзиб беришни сўраганини қайд этган. Патритсия Хатчинз “James Joyce, World” номли китобида (1957 йил, p.182) Юнгнинг бир интервьюда айтган қуйидаги гапларини келтиради: “Ўттизинчи йилларда мендан “Улисс”нинг немисча нашрига сўзбоши ёзиб беришни сўрашган эди, бироқ бу иш унча юришмади. Кейинроқ мен тайёр бўлган мақолани китобларимнинг бирида бостирдим. Мени Жойс асарининг адабий жиҳатлари қизиқтиргани йўқ, балки ўзимнинг касбимга тааллуқли жиҳатлари эътиборимни тортди. Ана шу нуқтаи назардан “Улисс” мен учун юксак даражадаги қимматли ҳужжат бўлди...”

3) Жойс 1930 йил 27 сентябрда Париждан Харриет Шоу Уиверга йўллаган хатида шундай ёзади: “Юнгдан “Rheih-Verlag” нашриёти Гилберт китобининг немисча нашрига сўзбоши ёзиб беришни сўраб мурожаат қилибди. Юнг асар матнини батафсил текшириб ва менга кескин танқидлар ёғдириб мақола ёзибди... бундан улар қаттиқ хаяжонга тушибди, бироқ мен мақоланинг зое кетишини хоҳламасдим...” (Letters, hg. von Stuapt Gilbert, p.294). “Rhein-Verlag” нашриёти немис тилида “James Joyce’s “Ulysses”: A Study” китобини “Das Ratsel Ulysses” (1932) деб номлаб чоп этади. Шу муносабат билан Стюарт Гилберт ноширларга шундай ёзади: “Юнгнинг “Улисс” ҳақида ёзган асари ҳақидаги менинг хотираларим нотўғри деб қўрқаман, шунга қарамай ... мен ҳар қалай аминманки, Юнгга “Улисс”нинг қайсидир бир немисча нашри учун эмас, балки менинг бу асар ҳақидаги китобимда тақдим этган жумбоқли гапларимни изоҳлаб мақола ёзиб беришини сўрашган”. Ва ниҳоят профессор Эллман бир хатида қайд этади: “Менинг тахминимча, Юнг билан олиб борилган музокаралар мобайнида унинг мақоласини Гилберт китобига сўзбоши сифатида ишлатиш имконияти назарда тутилган, бу Броуди томонидан таклиф этилганми ёки Жойс томониданми – бунинг фарқи йўқ”.

Юнг қайта ишлаган мақоласининг нусхасини Жойсга қуйидаги хат билан қўшиб жўнатади:

“Сизнинг “Улисс”ингиз дунёга шундай бир мураккаб психологик вазифани юкладиди, психология соҳасида эътибор қозонган, деса бўладиган мендай бир обрўли одамга ушбу масалада бир неча бор мурожаат қилишди.

“Улисс” худди тош ёнғоқдек тиш ўтмайдиган нарса бўлиб чикди ва мени нафақат ўзим одатланмаган зўриқишларга мажбур қилди, айти пайтда, анча-мунча ғалати саргардонликларга ҳам дучор этди. Умуман олганда, Сизнинг китобингиз мен учун зўр ғайрат кўзғайдиган манбага айланди ва токи ўзимни муаллиф ўрнига қўя олишимни ҳис этгунимга қадар менга қарийб уч йил керак бўлди. Шунга қарамай Сизга айтишим жоизки, мен Сизнинг ўзингиздан ҳам, Сизнинг бу маҳобатли ишингиздан

хам жуда-жуда миннатдорман, негаки, мен кўп нарсага эга бўлдим. Мен, тўғриси, бундан хузур-ҳаловат туйдим, завқландим деб ҳеч қачон тўла ишонч билан айта олмайман, негаки мендан бу жараёнда жуда кўп асаб ва ҳаддан зиёд ақлий меҳнат талаб этилди. Қолаверса, менинг “Улисс” хақида ёзганим Сизга ёқдим, йўқми – буни ҳам ишонч билан айтолмайман, негаки мен ўзимнинг қанчалик зерикканимни, қанчалик нолинганимни, қандай сўкинганларим ва қанчалар хурсанд бўлганимни бу оламга ошқор этмай иложим йўқ эди. Асарнинг сўнгги 40 саҳифаси – уни мен бир нафасда ўқидим – бу психологиянинг чинакам дурлари шодаси. Менингча, аёлларнинг асл психологияси қандай эканини бирор-бир жонзот тушунмайди; менга, ҳар қалай, ушбу китобни ўқиғунимча бу борада жуда кам нарса маълум эди.

Хуллас, бир четда юрган, Сизнинг “Улисс”ингизнинг чалкаш, эгри-бугри кўчаларида сарсон-саргардон кезган ва бир амаллаб ундан чиқиб олган одамнинг тиришиб-тирмашиб ёзгани – менинг ушбу кичкина асаримни кўздан кечиришингизни истардим. Ҳар ҳолда, менинг мақоламни ўқисангиз вазмин, мулоҳазали одам сифатида назарга тушган бир руҳшуносни “Улисс” қай аҳволга солганига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

Қадрли Жойс жаноблари, Сизга бўлган юксак ҳурматим ва эътирофимни изҳор этиб қоламан, Сизга ҳамиша садоқатли

К.Г.Юнг”

“Улисс”нинг Юнг фойдаланган нусхаси титул варағига Жойснинг кўли билан инглизчада шундай ёзилган: “Д-р К.Г.Юнгга, унинг кўмаги ва маслаҳатлари учун миннатдорлик билдириб Жеймс Жойс, 1934 йил Рождество, Цюрих”. Бу, чамаси, мақоласини ёзиш жараёнида Юнг фойдаланган ўша китоб нусхаси, чунки унда матндан олинган айрим иқтибослар қалам билан белгиланган.]

Изоҳлар:

I. Бу эссе дастлаб “*Europäische Revue*” VIIIда (Berlin, September, 1932), кейин С.Г.Юнг, *Wirklichkeit der Seele* китобида босилган. Юнг “Улисс”нинг ўнинчи нашридан иқтибослар олган, гарчи асар унга 1922 йили чоп этилган биринчи нашридан маълум бўлган бўлса-да.

II. Ўнинчи инглизча нашр. Paris, 1928.

III. Жойснинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: “Биз, ўзимизнинг барча атомларимиз ва “агар”ларимиз билан келамиз, қўлимизни текизамиз ва кетамиз, холос, бироқ бундан-да ишончлироғи шуки, биз, учларнинг йўқлиги боис, учини учига етказмасликка буюрилганмиз”. (*Work in Progress, in: transition [Paris]*).

IV. Куртмуц (*James Joyce und sein Ulysses, Zurich, 1929*) “Улисс”ни “шайтоний китоб... Бу Дажжолнинг иши” дейди.

V. “Ўзига хос метафизик нигилизм – мана Жойс ишининг моҳияти” (*Curtius, I. c., p. 60 f.*).

VI. Менга жуда кучли таъсир қилган афсунли сўзлар бир юз ўттиз тўрттинчи бетнинг охири – бир юз ўттиз бешинчи бетнинг бошида эди.

Мана улар: "...бу мрамарда қотган музика, инсон шаклидаги илоҳий, муғуздор ҳамда қўрқинчли тош ҳайкал, бу донишмандлик ва башоратнинг яшашга муносиб ўлмас тимсоли, бу руҳоний қайта бино қилувчи ҳамда қайта бино қилинган ҳайкалтарош қўли билан мрамардан яратилган тасаввур қудрати билан лиммо-лим мангулик". Шу жойга келганда мен қўзим илинаётганини ҳис қилдим ва кейинги саҳифани варақлаб дуч келган жойидан ўқидим: "...кейин ўктам эр етилди, жангларда моҳир – кейин тошмуғуз, тош соқол, сангдиллик". [Изоҳларда "Улисс" дан келтирилган ушбу ва кейинги иқтибослар таржимаси Иброҳим Ғафуров таржимасида чоп этилган "Улисс саргузаштлари" ("Ўзбекистон" нашриёти, 2013) китобидан олинди – тарж.] Бу ўринда сўз Миср куч-қудратидан ҳайиқмаган Моисей ҳақида бормоқда. Айни шу сўзларда менинг идрокимни сўндирган наъша бор эди, негаки бу сўзлар мен ҳали англаб улгурмаган фикрларни ҳаракатга келтирди, онгим уларнинг ҳаракатига фақат халал берарди. Кейинчалик менга аён бўлдики, ўша дақиқаларда менинг ботинимда илк маротаба муаллифнинг позициясини, ва шунга мувофиқ тарзда, унинг китобини ўзига бўйсундириб олган ниятни тушунишга мойил кучсиз уйғониш юз берди.

VII. Рўй бераётган воқеаларга бундай астойдил изчил муносабат *Work in Progress* да акс этган. Карола Гидеон-Велькер топиб айтганидек, "бизнинг олдимизда такрор ва такрор ўзига қайтаётган ўша гоёлар намоён бўлади; шунингдек, уларнинг қобигигина қайта-қайта ўзгаради ҳамда мутлақо нореал муҳитда пайдо бўладики, бу муҳитда бир йўла барча замонлар ва маконлар мужассам" (*Neul Schweirer Rundschau [Zurich, 1929, p.666]*).

VIII. Жане психологиясида бу феномен "*abaissement du niveau mental*" ("ақлий фаолият даражасининг пасайиши") деб аталади ва бу ҳолатда руҳий ҳасталарда беихтиёр, Жойсда эса ҳиссий аниқлик даражасига тўғри йўналтирилган кучланиш натижасида, одатда фақат уйқуга чўмган кишидагина жонланадиган турли-туман манзаралар ва муболағали галатилик юзага келади; шу билан бирга "*fonction de reel*"нинг, яъни бедорлик чоғидаги ҳолатга хос бўлган идрокнинг ўчиб қолиши рўй беради. Бунинг оқибатида руҳий ва нутқий автоматизмларнинг устунлиги кучаяди, хулқ-атворда, муомалада тамоман бефарқлик, лоқайдлик кузатилади.

IX. Менинча, Стюарт Гилберт (*Das Patsel Ulysses, Zurich, 1932*) ҳақ, зеро, у асарнинг ҳар бир боби у ёки бу ички аъзонинг ёки ҳис қилиш аъзосининг, масалан, буйрак, юрак, ўпкалар, ошқозон, мия, қон, қулоқ, мушаклар, кўз, қулоқ, бачадон, асаблар, суякларнинг ва баданнинг кучли таъсири позициясидан туриб ёзилган, деган фикрга асосланган. Ички аъзоларнинг устун даражадаги таъсири мисоли лейтмотивдек. Юқорида айтилган, яъни фикрлайдиган ички аъзолар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимни мен дастлаб 1930 йилдаёқ ёзиб қўйгандим. Гилберт ҳам пировард натижада шундай тўхтамага келгани мен учун ушбу психологик фактнинг қимматли тасдиғи ҳисобланади, чунки "ақлий фаолият даражасининг пасайиши" ҳолатида Верник аниқлик киритган "ички аъзолар вакиллари" фаолиятининг ўрни бор.

X. “У онг оқимини на мантиқан, на ахлоқан тартибга солмай, аслида қандай бўлса шундайлигича акс эттиради” (Curtius, I.c., p.30).

XI. “Ҳатто аҳмоқлар ҳам адашиши мумкин бўлмаган тўғри йўл” (лот.).

XII. “Муаллиф китобини ўқувчи тушунишини енгиллаштириши мумкин бўлган барча нарсадан қочган” (Curtius, I.c., p.8).

XIII. Қаранг: Curtius, I.c., 25 ff.; Gilbert, I.c.

XIV. Шу муносабат билан Гилберт “чинакам меҳрибонлик тўғриси олдиндан, атайлаб ўлдирилгани” ҳақида сўз юритади (Gilbert, I.c., p.12).

XV. “Космосга, таъбир жоиз бўлса, худонинг кўзи билан қараш”. Gilbert, I.c., p. 406.

XVI. Гилберт ҳам онгнинг бу тарзда халос бўлишига ишора қилади. У шундай ёзади (p.11): “Кувончли халоскорликнинг амалга ошиши ёзувчининг кайфиятини белгилайди...” “(менга эса унинг “кувончли” экани шубҳали туюлади). “Барча фактлар, улар маънавийми, моддийми, кўтаринкими ёки кулгига лойиқми, санъаткор учун бирдай қимматли... Бу халоскорлик айнан табиатнинг ўз яратиқларига бепарво муносабати каби, афтидан, “Улисс” “реализми” сабабларидан бири ҳисобланади” (p.12) (Gilbert, I.c.).

XVII. “Ғижимланган енгилгина қоғоз қайиқча, Илёс келур, катта-кичик кемалар ёнларидан бир дунё пўкаклар ичра сузиб борар, Нью-Воппинг-стритдан ўтиб, Бенсон пароми ва Брижуотердан гишт ортиб келаётган уч мачтали “Роузвин” ихунаси билан бирга шарқ томонга интиларди” (Ж.Жойс, “Улисс саргузаштлари”, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2013, 336-бет).

XVIII. Мана Жойснинг ўзи нима дейди: (“Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили”): “Санъаткор яратувчи-санъаткор каби ботинда, ортда, тепада ёки ўз яратганининг ташида қолади, ўта нозиклашади, сезилмайдиган даражага келади” (Ж.Жойс, “Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили”, Тошкент, “Akademnashr” нашриёти, 2014, 199-бет, Аҳмад Отабой таржимаси).

XIX. *Wilheim und Jun, Das Geheimnis der Goldenen Blute.*

XX. Флорри, Зоя, Китти – бу уччаласи фоҳишахонанинг фоҳишалари, қолганлари – Стивеннинг йўлдошлари.

XXI. “Болакайлар, айна вақти бўлди. Худойимнинг соати – роса 12.25. Ойингга айт, ўша ерда бўлишингни. Тез ишни бажар ва марра сеники. Мангулик – Саралашгача тўғри экспрессга ол чиптани! Дарҳол сафимизга қўшил! Яна бир сўз. Худолигинг борми ё сени жин чалганми? Агар иккинчи бор келиши Кони-Айлендда бўлса, биз бунга ҳозирмизми, йўқми? Флорри Масиҳий, Стивен Масиҳий, Китти Масиҳий, Динч Масиҳий, сиз ҳаммаларингиз бу самовий қудратни сезишингиз керак. Биз, нима, само қошида ортга чекинаммизми? Ҳеч-да. Фаритталар томонида бўл. Қабарик-призма бўл. Ичингда анави нарса борку, а, энг олий мен. Сен Исо Масиҳо, Гаутам Будда, Ингерсолл билан сўйлаша биласан. Қани, ҳа, бу титроқларни сезяпсизми? Аминманки, ҳис қияпсизлар. Биродарларим-а, бир марта бир нарсани билиб олсангиз, иш битди деяверинг, осмонга кўрқмай саёҳат қилаверасиз. Сизга тушунарли бўлдимми? Бу ҳаётнинг машъали, сизга айтсам, ҳаммасидан кўра кучлироқ малҳам, энг лазиз па-

тир. Барча ташиқи йўналишлар ичида энг яхшиси ва энг қулайи. Ажойибу заройиб, энг ҳашаматли бир нарса. Жонингизни киритади” (Ж.Жойс, “Улисс саргузаштлари”, 591–592-бетлар. Таъкидлар К.Г.Юнгники).

XXII. “Кўлмақлар, ўралар, оқова ариқлар, ахлатхоналар ва кирхоналардан сассиқ уфунат ёйилади” (Ж.Жойс, “Улисс саргузаштлари”, 533-бет).

XXIII. “(Тўлқинлар тилида.) Оум! Гек! Вал! Ак! Хуб! Мор! Ма! Илоҳларнинг оқ йоглари. Гермес Трисмегистнинг поймандри. (Денгиз шамолининг увиллаши каби.) Пунаржанам балдапанжоб! Мени лақиллатолмайсан. Бир замонлар айтилганди: сўлдан эҳтиёт бўл, шакти динидан. (Бўрон қуши нидоси билан.) Шакти, шива, зулматга яширинган Падар!.. Оум! Боум! Бижсаум! Мен қўргон шуъласиман, мен аъло навли қаймоқ ва саримойман” (Ж.Жойс, “Улисс саргузаштлари”, 594-бет).

XXIV. Бу ерда, афтидан, 139-псалом, 7–9га шама қилинган; шунингдек қаранг: “Улисс саргузаштлари”, 589-бет.

XXV. “Мен қўргон шуъласиман, мен аъло навли қаймоқ ва саримойман”; “Оҳ уммон уммон худди олов каби қирмизи ва хайлу ҳашам чеккан оқшомлар ва Аламеда боғларида солланган анжирлар ҳа яна иланг-биланг жин кўчалар ва нимпушти мовий сариқ уйчалар атиргуллар хиёбонлари ва ёсуман ёронгуллар кактуслар...” (Ж.Жойс, “Улисс саргузаштлари”, 831-бет).

XXVI. “Оҳ уммон уммон худди олов каби қирмизи ва хайлу ҳашам чеккан оқшомлар ва Аламеда боғларида солланган анжирлар ҳа яна иланг-биланг жин кўчалар ва нимпушти мовий сариқ уйчалар атиргуллар хиёбонлари ва ёсуман ёронгуллар кактуслар ва ўша қизлик чоғларимдаги Гибралтар ҳа боғ чечаги эдим ҳа мен худди Андалус қизлари каби сочларимга атиргул ҳа қизилгул тақдим ҳа яна у мени Мавритания девори остида ютоқиб ташина ўпди ўпди ва менинг хаёлимга келдики шу йигитми ё бошқами барибир эмасми аслида шунда мен унга кўзларим билан яна бир сўра дегандай ишора қилдим ва шунда у яна хоҳлайсанми деб сўради ва ҳа хоҳлайсанми менинг тоғ чечагим деб сўради ва мен аввал уни қучогимни ёзиб қўлларим билан ачомладим ҳа яна ўзимга маҳкам тортдим ва унга кўксимни ботирдим ва муаттар исларим унинг димоғига урди ҳа яна унинг юраги телбасаро гурсиллаб урарди ва ҳа дедим мен ҳа мен хоҳлайман Ҳа” (Ж.Жойс, “Улисс саргузаштлари”, 831-бет).





Шарлота БРОНТЕ

(1816–1855)

ЖЕЙН ЭЙР

Роман

*Рус тилидан
Шахло АҲРОРОВА
таржимаси*

Жаҳон адабиётида аёллар қалби, уларнинг бетақдор табиати, тилсимларга бой руҳий дунёси, қалбининг сирли манзаралари акс эттирилган асарлар талайгина. Уларнинг ичида машҳур инглиз адибаси Шарлотта Бронтенинг “Жейн Эйр” романи оламшумул шухрат қозонган бўлиб, у дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатларида миллионлаб тиражларда чоп этилган.

Асар дастлаб 1847 йилда “Жейн Эйр. Автобиография” номида Каррер Белл таҳаллуси билан чоп этилган. Асар илк нашридаёқ ўқувчилар ва адабий танқидчиларнинг эътирофига сазовор бўлади, асар нафақат Англия, балки бутун Европа бўйлаб кенг тарқалади.

Романнинг кейинги нашрида Шарлотта Бронте роман муаллифи сифатида ўзини кўрсатиб, асарни машҳур адиб Уильям Теккерейга бағишлайди.

Таржимон

БИРИНЧИ БОБ

Ўша куни сайрга чиқишни хаёлга ҳам келтириб бўлмасди. Тўғри, биз эрталаб бўм-бўш боғ сўкмоқлари бўйлаб бир соатча айландик, аммо тушликдан сўнг (одатда, меҳмонлар бўлмаган кунларда Рид хоним барвақтрок тановул қилар эди) изғирин қиш шамоли бадқовоқ булутларни ҳайдаб келди-ю, ёмғир шунақанги қуйиб бердики, бундай об-ҳавода сайрга отланиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Хўш, нима бўпти, менга қолса, шуниси маъқул: негаки мен қиш кунлари, айниқса, кечга яқин узоқ сайр қилишни ёқтирмасдим. Аёзли окшомда совуқдан қўл ва оёқларим увишиб, энагамиз Бессининг бетиним жаврашидан юрагим сиқилиб, яна Элиза, Жон ва Жоржиана Ридлар ўзимдан жисман устунлигини ҳис этганча, уйга қайтиш гўё азобдек кўринарди.

Боягина номларини зикр этганим – Элиза, Жон ва Жоржиана энди меҳмонхонага, оналари ёнига тўпланиб олганди: бу аёл суюкли болалари қуршовида, камин олдидаги диванда ёнбошлаб ётар (бу пайтда болалар

бахслашмас ва бақир-чақир қилмасди) ва, чамаси, бундай ҳаловатдан ўзини жуда бахтли ҳис этарди.

Мен бу оилавий даврада қатнаша олмасдим; Рид хонимнинг айтишича, гарчи ўзи бундан жуда афсус қилса-да, бироқ мени вақтинча болаларидан ажратиб қўйишга мажбур экан. Бу жазо мен, жиллакурса, янада ширинсўз ва мулойим, тотув ва юввош бўлишга бор кучим билан тиришаётганим ҳақида энага Бесси хабар бермагунича ва унинг ўзи ҳам буни ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилмагунича – мен ҳар қачонгидан софдил, меҳрибон, самимий бўлиб бораётганимни пайқамагунича давом этар эмиш. Шунга қадар у сипо ва боодоб болаларга рухсат этилувчи барча шодликлардан мени четлатишга мажбур экан.

– Нима деди Бесси сизга? Мен нима қилибман?

– Жейн, сенинг ҳадеб инжиқлик қилишинг, сўроққа тутишинга тоб-тоқатим қолмади. Ёш боланинг катта одамларга бундай муомала қилиши жуда уят. Бирор жой топиб ўтиргин-да, хушмуомалаликни ўрганмагунигча овоз чиқарма!

Меҳмонхона билан ёнма-ён чоғроқ ошхона жойлашган бўлиб, биз, одатда, нонуштани шу ерда қилардик. Мен ҳеч кимга сездирмай, лип этиб ўша ёкка ўтдим. Бу ерда китоб жавони турарди. Китобларни варақлаб кўриб, расмлари кўпроғини танладим. Кенг тоқчага тирмашиб чиқдим-да, чордона қуриб ўтириб олдим. Қалин ипак пардани зичлаб ёпгандим, гўё оламдан ажралдим-қолдим.

Парданинг йирик бурмалари мени ўнг томондан тўсиб турса, чап томондан эса, гарчи деразадан ноябрнинг шу маҳзун куни рўйи-рост кўриниб турса-да, аммо унинг изғирини захридан асрар эди. Мен бир саҳифадан бошқасига ўтар эканман, гоҳо-гоҳо деразага қараб қўяр, қиш окшоми қандай чўкаётганини кузатар эдим. Узоқларда булут ва туман пардаси ҳамма ёқни тутиб ётарди; яқинроқда эса бўронда буталари бири-бирига чагишиб кетган ўтлоқ кўзга ташланар, ҳозир бу буталарни ёмғир бетиним савалар эди. Ёмғирнинг ўзини эса мунгли инграниб эсаётган шамол олдига солиб ҳайдаб келарди.

Мен яна китобни варақлашга тутиндим, бу – Бьюикнинг “Англия қушлари ҳаёти” деган асари эди. Тўғриси айтсам, мени ёзувлар кўпам қизиқтирмас эди. Лекин ўша вақтда жуда ёш бола бўлсам-да, барибир, айрим саҳифалардаги ёзувларни қизиқиб ўқиганман: уларда денгиз қушларининг бошпаналари, фақат уларгина ин кура оладиган қоя ва харсанглар; жанубий этаги – Линденсен бурнидан то Нордкапгача қанча-қанча ороллар сочилиб ётган Норвегия қирғоқлари ҳақида ёзилган эди:

Кўтирар ёввойи оролни қучиб,

Музлик уммонида поёнсиз олам.

Узоқ шимолда-чи, пишқирар тўлқин,

Гебрид зулматида Атлантика ҳам.

Мен яна Лапландия, Сибирь, Шпицберген, Янги Ер, Исландия, Гренландиянинг қорли қирғоқлари таърифу тавсифини ҳам ютоқиб ўқирдим: “Қутб мамлакатларининг барча бепоён кенгликлари, инсон қадами етмаган бу тунд ялангликлар қор ва аёзнинг абадий ватани бўлиб, улардаги

дала-тузлар беҳисоб кишлар давомида қават-қават музлаган кўйи нақ Алп тоғи мисол юксалиб ётади ва кутбни ҳар томондан ўраб олганча, ўзида гўё қаттиқ совукнинг барча хилма-хил макрларини мужассам этади”. Менда ўша чоғдаёқ бу ўлик, оппоқ олам ҳақида ўзига хос тасаввур пайдо бўлди. Тўғри, бу тасаввур ёш бола зехнида коинот ҳақида туғилажак барча фаразлар каби мубҳам, аммо ҳаяжонли эди.

Ушбу сўзбоши туфайли китобдаги безак ва расмлар ҳам: осмонга кўпириб сапчиётган тўлқинлар бағридаги танҳо қоя; яйдоқ соҳилга ташлаб кетилган пачоқ қайиқ; қора булут орасидан чўкаётган кемага мўралаётган ой мен учун алоҳида мазмун касб этганди.

Ташландиқ қабр тасвири менда алланечук титроқ уйғотди: қабртош, дарвоза, кўш дарахт, ярим вайрона четан ортида кўзга ташланган уфқ, эндигина чиқиб келаётган ўроксимон ой тун чўкаётганидан дарак берарди.

Сокин денгизда тек қотган икки кема менга гўё денгиз арвоҳларидек туюлди.

Ўғридан кимматбаҳо буюмлар тугилган бўҳчани тортиб олаётган Иблис расми туширилган саҳифани тез варақлаб ўтиб кетдим, негаки, бу расм қалбимда кўрқув уйғотди.

Узоқдаги дор ёнида тўдалашган оломонни қоя устида ўтириб томоша қилаётган Шайтон тасвирини ҳам яна кўрқув ичида томоша қилдим.

Ҳар бир сурат гўё бир қисса эди, улар баъзан менинг мурғак аклим ва ожиз тасаввурим учун оғир туюлса-да, лекин Бесси кайфияти яхши бўлган вақтларда, кишнинг узоқ тунларида бизга сўзлаб берадиган эртаклар каби жуда-жуда қизиқарли эди. Бесси бизга болалар хонасидаги дазмол столини камин тарафга суриб, унинг атрофида ўтириб олишимизга руҳсат берарди. У Рид хонимнинг юбкасидаги ғижимларни текислаганча ёки унинг тунги қалпоғи бурмаларини тўғрилаганча, эски сеҳрли эртаклар ёки улардан-да эски афсоналардан олинган ишқ-муҳаббат ва саргузаштлар ҳақидаги ҳикоялари билан биз қизларнинг ҳовуримизни босарди. Бу ҳикояларнинг айримлари “Памель” ва “Морланд герцоги Генрих” китобларида ёзилганини эса мен бир қанча йиллардан сўнг билдим.

Хуллас, тиззамда китоб билан жуда бахтли эдим. Ўз-ўзимча бўлса-да, бахтли эдим жуда. Мени фақат бир нарса – тўсатдан халакит беришлари чўчитарди, холос. Афсуски, тез орада ўша кўрққан нарсам бўлди.

– Эй, сен – йиғлоқи! – Жон Риднинг овози янгради. У шундай деди-да, жим қолди, чунки хонада ҳеч ким кўринмасди.

– Қаёққа ғойиб бўлди? – дея давом этди у. – Лиззи! Жоржжи! – дея сингилларини чақирди у. – Бу ерда Жоана йўқ. Онамизга у уйдан қочиб чиқиб, ёмғир тагида юрганини айтинг... Қанақа ярамас қиз ўзи бу!

“Хайриятки, пардаларни зичлаб ёпибман”, деб ўйладим мен яширинган жойим фош бўлмаслигини астойдил хохлаб. Жон Рид на зийрак, на фаросатли бола эди, шу боис мен яширинган жойни ўлақолса тополмасди, аммо Элиза бошини эшикдан суқибок, дарров топди-қўйди:

– У – токчада, гаров ўйнайман, Жон!

Мен ўша заҳотиёқ яширинган жойимдан чиқдим, чунки агар шундай қилмасам, мени Жон тортиб туширар, бундан эса жуда кўрқардим.

– Сенга нима керак ўзи? – дедим мен шалвираб.

– Нима истайдилар, Жаноб Рид, де, – деди у ўзини гўё салобатли тутиб. – Мен сенинг ёнимга келишингни истайман.

У оромкурсига ўтирди-да, менга яқин келиб, каршимда тур, дегандек ишора қилди.

Жон Рид ўн тўртга тўлган бўлиб, мендан тўрт ёшга катта эди. Ахир, мен эндигина ўнга кираётган эдим-да. У ёшига қараганда анча бесўнақай бола бўлиб, дароз, боз устига, ҳуснбузар тошган юзи аллақандай рангпар эди. Кўпол, энсиз гавдаси, катта-катта оёқ-қўллари одамни ҳайратда қолдирарди. Дастурхон устида у бетўхтов кавшанар, шунданми кўзлари тунд ва бемаъно боқар, лунжи осилиб турарди. Аслида-ку, ҳозир у мактабда бўлиши лозим эди, аммо онажониси “соғлиги яхши эмас” деган баҳона билан уни мактабдан бир ойга рухсат сўраб олганди. Жоннинг муаллими жаноб Майлс бунга асло ҳожат йўқ, фақат унга уйингиздан пирог ва кулчани камроқ бериб юборсангиз кифоя, деб таъкидласа-да, аммо она қалби бундай кўпол изоҳдан оғринган ва бошқа хулосага оғанди: балки ўғли қаттиқ толиққанидан ёки уйини соғинганидан шунақа рангпар бўлиб қолгандир. Жон онаси ва сингилларини унча яхши кўрмасди, мени-ку, кўрарга кўзига йўқ эди. Ҳадеб мени кўрқитар ва хўрларди. Бу ҳафтада икки-уч, ҳатто кунда бир-икки марта эмас, ҳар дақиқа юз берар эди. Жон менга яқинлашди дегунча ҳар бир асаб толамга кўркув кирар, ҳар бир томиримга титроқ тушарди. Шундай вақтлар бўлардики, мен даҳшат ичида нақ ақлдан озардим, чунки унинг пўписаларидан ҳам, калтаклашларидан ҳам ҳимоя қилгувчи бир ғамгузорим йўқ эди. Хизматкорлар менинг тарафимни олиб, кичик хўжайиннинг қаҳрига дучор бўлишни истамас, Рид хоним эса бундай пайтларда кўр ва кар бўлиб оларди. У гарчи Жон мени бир неча бор ўзининг кўз олдида (аксар ҳолларда эса онаси йўқ маҳалда) ҳақоратлаган ва калтаклаган бўлса-да, буларни ҳеч қачон “пайқамас” эди.

Жонга итоат этишга одатланганимдан дарров у ялпайиб ўтирган оромкурси ёнига бордим. Уч дақиқача у менга тилини чиқариб турди ва, гўё шу билан кўнглини хушлаган бўлди. Мен у ҳозир чаккамга мушт туширишини билар, шу дақиқани юрагим така-пука бўлиб кутганча, унинг нақадар ярамас ва бадбашаралиги ҳақида ўй сувардим. Чамаси, Жон юзимдан бу фикрларимни ўқиб олди-да, ҳеч гап-сўзсиз қулочкашлаб мушт тушириб қолди. Мен гандирақлаб кетдим-у, аммо йиқилмадим, бир-икки қадам орқага тисарилдим, холос.

– Мана сенга, онамга кўполлик қилганинг учун, – деди у. – Яна парданинг ортига беркинганинг ва кўзимга тик қараганинг учун ҳам, каламуш!

Мен Жоннинг кўпол муомаласига ўрганиб қолгандим, шунинг учун унга қарши зарба бериш ҳаёлимга ҳам келмасди. Мен фақат илк мушт ортидан келадиган кейинги зарбаларга қандай чидаш ҳақида ўйлардим.

– Парда ортида нима қилаётгандинг?

– Китоб ўқиётгандим.

– Кўрсат ўша китобни!

Токчадан китобни олдим-да, унга келтириб бердим.

– Китобларимизга тегишга сенинг ҳақкинг йўқ. Онам айтдиларки, бизниқанда раҳмимиз келгани учунгина яшаб турибсан экан. Сен – жулдурвоқисан! Отанг сенга бир мири ҳам қолдирмаган! Сен, аслида, гадойчилик қилишинг керак эди. Биздек олийнасаб оила фарзандлари билан яшамаслигинг, биз тановул қиладиган таомлардан емаслигинг, онамнинг пулига келаётган кўйлақларни киймаслигинг керак эди. Мен сенга китоб титкилаш қандай бўлишини кўрсатиб қўяман! Булар – ме-

нинг китобларим! Бу ерда – мен хўжайинман! Ҳозир бўлмасам ҳам, бир неча йилдан сўнг хўжайин бўламан. Эшик ёнига боргин-да, дераза ва кўзгудан нарироқ тур!

Мен Жоннинг мақсадини тушунмай, аввал унинг айтганидек қилдим. Сўнг эса у ўрнидан туриб, менга китобни отмоқчи бўлаётганини англаб қолдим-да, кўрқиб кичкирганча, сакраб қочдим. Бироқ, афсуски, улгурмадим: калин муковали китоб зарб билан елкамга тегди, мен чайқалиб йиқилдим-да, бошимни эшик кесакисига уриб, ёриб олдим. Жароҳатимдан қон оқар, кучли оғриқ сезардим. Шу тобда кўркув бирдан йўқолди-ю, унинг ўрнини бошқа туйғу эгаллади.

– Ярамас, ёвуз бола! – деб чинқирдим мен. – Сен қотилнинг ўзисан, кулларни ишлатувчи золимсан! Сен – Рим императорининг ўзисан!

Мен Гольдсмитнинг¹ “Рим тарихи” китобини ўқиб, Нерон, Калигулага ўхшаш мустабидлар ҳақида оз-моз қарашларга эга бўлгандим. Жонни анчадан буён дилимда улар билан солиштирар, аммо бир кун буни тилимга чиқараман, деб ҳеч ўйламаган эдим.

– Нима? Нима дединг? – деб бўқирди у. – Сен кимни шундай деб атаяпсан?.. Эшитдингиз-а, қизлар? Мен барини онамга айтиб бераман! Аммо олдин...

Жон менга ташланди; мен унинг елкам ва сочларимдан қандай чангаллаганини ҳис этдим. У дарғазаб махлукка айланган-қолган эди. Шу тобда чиндан ҳам рўпарамда мустабидни, қотилни кўриб турардим. Бўйнимдан қон томчилари оқди, жуда қаттиқ оғриқ турди. Бу сезги бирон кўркувни бўғиб қўйди-ю, мен ҳам Жонга ғазаб ва нафрат билан ташландим. Мен ўзимни идора эта олмасдим, бир пайт у: Каламуш! Каламуш! – деб бақирди-да, бор овози билан додлаб қолди. Унинг халоскорлари шу яқинда эди: Элиза ва Жоржиана Рид хонимни чақиргани юқори қаватга чопишди. Рид хоним бир зумдаёқ пайдо бўлди, унинг ортидан Бесси ва оқсоч Эббот ҳам етиб келди. Икковимизни ажратишар экан, қулоғимга шу сўзлар чалинди:

– Вой, ярамас киз! Жаноб Жонга ташланибди-я!

– Унинг ғазабини-чи!

Рид хоним бундай ҳукм чиқарди:

– Уни қизил хонага олиб боринг-да, устидан қулфлаб қўйинг!

Бесси ва Эббот қўлларимдан чангаллади-да, юқори қаватга судради.

ИККИНЧИ БОБ

Мен бор кучим билан қаршилик кўрсатдим ва бундай кўрслигим Бесси ҳамда Эббот хонимнинг мен ҳақимдаги шундоқ ҳам ёмон фикрини баттар ёмонлаштирди.

Менинг кайфиятим бузук эди, аниқроғи, ўзимни буткул йўқотиб қўйгандим, французлар таъбирича: бир лаҳзалик жазавам мени ҳар қандай жазога дучор этиши мумкин эди ва ўзим ҳам исён кўтарган қулдек шу тобда ўз аламзадалигим билан ҳар нарсага тайёр эдим.

– Эббот хоним, унинг қўлидан ушланг, бу қиз аниқ қутурган...

– Қандай уятсизлик! Қандай шармандалик! – деб кичкирди оқсоч. – Одам ўзини шундай тутиши ҳам мумкинми, Эйр хоним? Ўз валинеъма-

¹ Гольдсмит Оливер – (1728–1774) – инглиз ёзувчиси, “Векфильд руҳонийси” романи муаллифи.

тингизнинг ўғли, ёш баринга қўл кўтардингиз-а? Ахир, у сизнинг кичик хўжайинингиз-ку!

– Хўжайин? Нега энди у менга хўжайин бўлар экан? Нима, мен хизматқорманми?

– Йўқ, сиз хизматқордан ҳам баттарсиз, сиз ҳеч қандай иш қилмайсиз, сиз боқиманда, текинхўрсиз! Шу ерда тинч ўтиринг-да, ўз қилмишингиз ҳақида обдон ўйлаб олинг.

Улар шундай деганча, мени Рид хоним буюрган хонага олиб тушиб, диванга иткитишди. Мен ўша заҳотиёқ коптокдек сапчиб тургандим, икки жуфт кучли қўл яна диванга михлаб қўйди.

– Агар тек ўтирмасангиз, сизни боғлаб қўйишга мажбур бўламиз, – деди Бесси. – Эббот хоним, боғичингизни бериб турсангиз, бу қиз мени кини бирпасда узиб ташлайди.

Эббот хоним бикки оёқларидан боғичини ечиш учун орқа ўгирилди. Унинг бундай тараддуди ва бошимга тушажак кўргилик мени анча ҳовурумдан туширди.

– Ечманг боғичингизни, майли, тек ўтираман! – деб хитоб қилдим ва бунинг исботи ўлароқ қўлим билан диванни чангалладим.

– Қаранг, лекин!.. – деди Бесси.

Итоат этганимга ишонгач эса, мени қўйиб юборди; сўнг ҳар иккиси қўлини кўксида чалкаштирганча, ҳушим жойида эканини синаш учун менга бир муддат шубҳа ва гумон билан қараб турди.

– У илгари ҳеч қачон бунақа қилмаган эди, – деди ниҳоят Бесси Эббот хонимга юзланиб.

– Аммо бундай кўрслик, барибир, унинг табиатида бўлган. Рид хонимга неча бор бу қизча ҳақида ўз фикримни айтганман, хоним ҳам ҳар гал менинг фикримни маъқуллаган. Бундай писмиқликдан баттари бўлмайди! Мен ҳеч қачон бунақа ичидан пишган болани кўрмаганман.

Бесси жавоб бермади, аммо бироз ўтиб, менга юзланди:

– Жейн хоним, сиз Рид хонимдан қарздорлигингизни англашингиз керак: ахир, у сизни боқяпти; агар уйдан ҳайдаб юборса, етимхонага боришга мажбур бўласиз.

Унга қандай эътироз билдира олардим: ахир, асрандилигим мен учун янгилик эмас – эсимни танибманки, менга шуни писанда қилишади. Сен текинхўр, боқимандасан, деган таъна нуқул дўлдек бошимга ёғилса ва бундан юрагим эзилиб, азоб чексам-да, текинхўр, боқиманда сўзларининг маъносини чала-ярим англардим, холос. Эббот хоним шоша-пиша қўшимча қилди:

– Гарчи Рид хоним сизни ўз болалари билан бирга тарбия қилиб меҳрибонлик кўрсатаётган бўлса ҳам, сиз ўзингизни уларга қавм-қариндошман деб хомхаёл қила кўрманг. Улар ҳар доим бой бўлиб қолади, сиз эса чақага зор яшайсиз. Хуллас, шу ахволингизга кўникишингиз ва уларнинг кўнглини топишингиз керак.

– Бу гапларни сизнинг фойдангизни кўзлаб гапиряпмиз, – дея қўшимча қилди Бесси энди юмшоқроқ оҳангда. – Итоаткор ва ширинсўз бўлишга ҳаракат қилинг. Эҳтимол, шунда бу уй сизнинг ҳам ўз уйингизга айланар; агар баджаҳл бўлсангиз ва кўполлик қилаверсангиз, сизни хоним, шубҳасиз, бир куни уйдан ҳайдаб солади.

– Бундан ташқари, – дея қўшимча қилди Эббот хоним, – шундай

кулоксиз қизларни Худо ҳам жазоламай қўймайди. Агар шунақа жазавага тушган пайтида Худо жонини олиб қўйса, нима бўлади?! Кетдик, Бесси, ўзи ёлғиз қолиб кўрсин-чи! Фейлим ҳеч қачон бунақа расво бўлишни хохламаган бўлардим. Эйр хоним, жон-дилдан тавба қилинг, бирор махлуқ мўридан тушиб, олиб кетмасин тагин...

Улар эшикни ёпишди-ю, устимдан кулфлаб кетишди.

Қизил хонада ҳеч ким турмас, унда камдан-кам тунаб қолишар, янаям аниқроғи, ҳечам тунашмасди. Фақат Гейтсхэдхолл меҳмонлар билан тўлиб-тошган кунлардагина қизил хона бирдан уй соҳибларининг эсига тушиб қоларди, ваҳоланки, у энг катта ва энг серхашам хоналардан бири эди. Хона ўртасида қизил дарахтдан ясалган йўғон устунли каравот худди меҳробдек қаққайиб турар, унга қирмизи пашшахона тutilган эди; ҳар доим пардаси ёпиқ турадиган бир жуфт катта деразани ярмигача яна ўша матодан тикилган устпарда қопланган, унинг хошиясига шокилалар қадаб, безак берилган, ўзи эса қават-қават бўлиб турарди; оёқ остига яна ўша қизил рангда гилам тўшалган, каравотнинг оёқ тарафида жойлашган стол устига ҳам алвон мовут ёпилганди. Деворга оч жигарранг мато тортилган, матога қизғиш гул солинган эди; жавон, пардоз столи ва оромкурси ҳам каравот каби қизил ёғочдан ясалганди. Бу тўқ ранглар орасида каравотдаги бир уюм партўшак ва ёстиклар устига қордек оппоқ ғижим матодан тўшалган чойшаб ярқ этиб кўзга ташланарди. Шунингдек, каравотнинг бош тарафида турган пойида оёқ қўйилувчи жажжи курсичаси бор оқ жилдли юмшоқ оромкурси ҳам худди шундай нигоҳни тортарди. Бу оромкурси менга антика оқ тахт бўлиб кўринарди.

Хона аҳён-аҳёнда иситилгани учун зах ва дим, болалар хонаси ва ошхонадан узоқдалиги боис жимжит, одам қадами онда-сонда етганидан ваҳимали кўринарди. Бу ерга фақат дереза ва жиҳозларга қўнган чангни артиш учун ҳар шанба оқсоч кирарди. Рид хоним ҳам жавоннинг оилавий хужжатлар, қимматбаҳо зеб-зийнатлар ва марҳум эрининг жуда кичик, нафис расми солинган махфий қутисини текширгани гоҳ-гоҳ қадам ранжида қиларди. Бу хонада жаноб Рид ўлими билан боғлиқ жумбоқ ва Рид хонимга теккан тавқи лаънат яширин эди.

Жаноб Рид оламдан ўтганига тўққиз йил бўлган, унинг жони худди шу ерда узилган эди. Жасади ҳам шу хонага қўйилган, тобути ҳам шу ердан олиб чиқилган – ўшандан буён уй эгалари қандайдир мудҳиш эҳтиром хисси сабаб бу қизил хонадан қадамини узиб қўйганди.

Мен ҳамон Бесси ва анави тажанг Эббот хоним миҳлаб кетган жойда ўтирардим. Бу диван мрамар камин ёнига қўйилган бўлиб, ўзи пастаккина эди. Рўпарамда каравот; ўнг ёнимда жавон, чап ёнимда эса дереза турарди. Жавоннинг ярқироқ эшиклариди ой шуъласи жилоланар, бу шуъла парда тирқишидан тушмоқда эди. Жавон ва дереза оралиғидаги катта кўзгуда хона ва каравотнинг совуқ салобати акс этарди. Устимдан кулфлаб кетишганига ҳали ҳам ишонмас эдим, шу боис охири ўрнимдан турдим-да, эшик ёнига бордим. Эвоҳки, мен қамоқхонадан ҳам бешбаттар тутқун эдим. Диванга қайтаётганда кўзгу ёнидан ўтдим, шунда беихтиёр унга кўзим тушди. Кўзгуда қизил хона менга аслидагидан ҳам тунд ва коронғи бўлиб кўринди. Ундан менга мунғайиб боқиб турган озғин кизча, унинг ғира-ширада оқариб кўринган рангпар юз ва қўллари, шу ўлик салтанат ичра бирдан-бир тирик саналган ва қўрқувдан чакнаб турган ҳуркак

кўзлари, дарҳақиқат, арвоҳни эслатарди: Бессининг чўпчакларидаги жимит рухларга ўхшаш парими ёки эльфми, хуллас, ҳар хил буталар бирига чирмашиб ўсиб ётган дашт боткоғидан кўккис чиқиб келган-у, бирор кечиккан йўловчи қаршисида пайдо бўлгандек эди.

Ўз жойимга келиб ўтирдим. Мен хурофий кўркув тузоғига тушган, бироқ у ҳали мени буткул енга олмаган эди. Ҳали ҳам коним қайнар, ғазаб ўз оловида ёқарди. Шууримга яна хотиралар тўлкини қуйилди ва мен аччиқ тақдиримга бўйсуннишдан аввал ўзимни шу тўлқин ихтиёрига топширдим.

Жоннинг дағаллиги ва шафқатсизлиги, Элиза ва Жоржинанинг киборларча беписандлиги, Рид хонимнинг хусуматию оқсочларнинг адолатсизлиги – буларнинг бари хотирамга худди қудуқ тубидаги куйка каби лойқаланиб қалқиган эди. Нега мен ҳар доим азоб тортаман, нега ҳамма мени ёмон кўради, мендан нафратланади, мени қарғайди? Нега мен ҳеч кимнинг кўнглига йўл тополмайман, бирортасининг лутфига сазовор бўлиш учун ҳар қанча уринсам ҳам, нега бари зое кетади? Нега қайсар ва худбин Элизага ёки чаток – инжиқ, жиззаки ва такаббур Жоржианага ҳамма илтифот кўрсатади? Жоржианининг гўзаллиги – нимқизил ёноқларию олтинранг кўнғироқ кокиллари, чамаси, унга боққан одамни асир этар, шу сабаб ҳам унинг ҳар қанча эркалигини кўтарарди. Жонга эса ҳеч ким қарши боролмас, у гарчи каптарларни бўғса, жўжаларни ўлдирса, кўйларни итга талатса, тоқдан хом узумни узса ва энг ноёб гулларни пайхон қилса ҳам, ҳеч ким жазоламасди; Жон ҳатто онасини “кам-пиршо” деб атарди, унинг ўзиникидек сарғимтир юзини мазахларди, Рид хонимнинг буйруқларига бўйсунмасди, шоҳи кўйлагини неча марталаб йиртар, ерга булғарди. Шунда ҳам у онасининг “суюкли ўғилчаси” бўлиб қолаверарди. Менинг эса зиғирдек хатойим ҳам кечирилмасди. Одоб доирасидан бир қадам ҳам четга чикмасликка интилар, аммо нуқул қулоқсиз, қайсар, ёлғончи, деб қарғиш олар ва эртаю кеч шу аҳвол давом этарди.

Бошимдаги жароҳат ҳали ҳам оғрир, ундан ҳали ҳам қон сизиб оқарди. Мени бесабабдан-бесабаб дўппослагани учун Жонни ҳеч ким айбламади; мен эса бундан кейин ҳам ашаддий зўравонликларга учрамай, дея унга қарши исён кўтарганим учун ҳамманинг нафратига дучор бўлдим.

“Ахир, бу адолатдан эмас, адолатдан эмас!” – деб таъкидларди ҳар хил савдоларни кўраверганимдан эрта пишиб етилган ақлим болаларга хос бўлмаган туйғунлик билан. Кўксимда уйғонган шижоат эса мени бу чидаб бўлмас зулмларга қарши бирор чора топишга: дейлик, Ридлар хонадонидан қочиб кетишга, агар бунинг иложи бўлмаса, ўзимни оч қолиш йўли билан ўлдиришга даъват этарди.

Бу маҳзун оқшомда қалбим шу қадар озор топган эди! Хаёлларим ағдар-тўнтар бўлиб кетган, юрагим эса исён қиларди! Ва бу ботиний кураш қанчалар зулмат, қанчалар ғафлат ичра кечарди! Қалбимда қайта ва қайта бош кўтараётган “Нега мен бунча озор чекаман?” деган саволга жавоб тополмасдим, ахир! Энди эса, орадан шунча вақт ўтиб, бу жумбок мен учун ўз кимматини йўқотди.

Мен Гейтсхэдхоллга яқин ҳам йўламадим. У ерда худди кўзга тушган чўпдек эдим, на Рид хоним, на болалари ва на танишлари билан ўртамизда ҳеч қандай яқинлик йўқ эди. Улар мени суймагач, мен ҳам уларга меҳр қўёлмасдим. Ахир, улар ўзларидан ҳеч бирига нисбатан хайрихоҳлик

хис этмаган, ўз табиати ва интилишларига кўра уларга сира ўхшамаган ва ҳатто тескари бўлган, ҳеч бир ишда уларга шу вақтгача бирор нафи тегмаган, бундан кейин ҳам нафи тегиши даргумон бўлган, Гейтхэдхоллдагиларнинг нафрат тўла нигоҳларига қарши исён кўтарган баджаҳл бир кимсага қандай ҳам илик муносабатда бўлишсин? Агар мен табиатан хушчакчак, енгилтак, ўзбошимча, чиройли ва серғайрат киз бўлсам эди – ҳатто ёлғиз ва муте бўлсам ҳам – Рид хоним ўз оиласига илтифотлироқ қабул қилармиди; болалари ҳам менга дўстонароқ кўз билан қарармиди; оқсочлар ҳам мени ҳар балога сабабчи қилиб кўрсатмаган бўлармиди...

Қизил хонага қоронғилик чўка бошлади. Соат ҳам бешдан ўтиб қолган, сербулут куннинг хира ёруғлиги маҳзун ғира-шираликка ўрин бўшатаётган эди. Ёмғир ҳали ҳам дераза ойналарини дўмбира қилиб чалар, уй ортидаги хиёбонда шамол увиллаб дайдириди.

Аста-секин этим увишиб, қалбимни жасорат тарк эта бошлади. Хўрлик, иккиланиш, саросима ва тушкунлик аллақачон ўчиб бўлган ғазабим алангасини худди намчил туман каби қамради. Ҳамма мени телба бўлган деб ишонарди. Балки шундайдир ҳам; ахир, ҳозиргина ўзимни очлик йўли билан ўлдириш ҳақида ўйламабмидим? Ахир, бу – гуноҳ-ку! Ўлимга тайёрманми ўзи? Гейтсхэд черковининг тошқопламаси остидаги сағана шу қадар жозибали гўшами? Айтишларича, жаноб Рид ўша ерга дафн этилган эмиш... Тоғамнинг ўлими гўё хаёлларимга туртки берди-ю, янада ваҳимага тушганча, у ҳақда ўйлай бошладим. Жаноб Ридни эслолмасдим, аммо у ягона қариндошим – онамнинг акаси экани, мен етимча бўлиб қолганимда ўз тарбиясига олгани ва ўлим тўшагида ётганда Рид хонимдан мени ўз боласидек ўстириб, тарбиялаш ҳақида ваъдасини олганини билардим. Рид хоним, табиийки, ўзини ваъдасида турган, деб ҳисобларди; у феъл-атвори кўтарганича ваъдасини бажарди ҳам. Ахир, у ўз васийлигига мажбуран олган, ўзи ва оиласига мутлақо бегона бўлган, эрининг ўлиmidан сўнг ўртада ҳеч қандай ришта қолмаган қизчани чиндан-да сева олиши мумкинмиди? Шу тобда Рид хонимга ўз ваъдасида туриш малол келаётганди: ўзи сева олмаган бегона қизга оналик қилиш, уни ҳар куни оиласи бағрида кўришга тоб-тоқати етмаётганди.

Мени ғалати фикр қамраб олганди: агар жаноб Рид ҳаёт бўлса, менга суйиб қараши аниқ эди. Мен оқариб кўринаётган чойшаб ва зулмат қаърига сингаётган девор ҳақида ўйлаганча, хира жилваланаётган кўзгуга гоҳ-гоҳ кўркув аралаш қараб кўярдим. Шу он ўлимолди васияти адо этилмаганидан қабрда тинчи бузилган марҳумлар арвоҳи баъзан шундай гуноҳга йўл қўйганларни жазолаш ва жабрдийдалар учун қасос олиш ниятида яна ер юзига қайтиб тушиши ҳақида эшитганларим ёдимга тушди; тўсатдан хаёлимга жаноб Риднинг руҳи сағир жияни чидаб келаётган азоб-уқубатлардан безовта бўлиб, черков қабристонидagi сағанаси ёки нариги дунёдан чиқиб келса-ю, шу хонада менга рўбарў бўлса-я, деган фикр келди. Мен кўзёшларимни артдим-да, хўрсиникларимни босдим. Агар шундай қилмасам, кўзёш ва хўрсиникларимга жавобан у дунёдан овутовчи сас келадигандек, зулмат қаъридан нимёруғ бир чехра қалқиб чиқиб, самовий андиша ила бошим узра эгиладигандек туюлди. Гарчи арвоҳ менга тасалли бериш учун келишини билсам-да, лекин, барибир, қалбимда беҳад кўркув уйғотарди. Мен бор кучим билан бу фикрни хаёлимдан сиқиб чиқариш ва тинчланиб олишга ҳаракат қилардим. Мангла-

йимга тушган сочимни силтаб, бошимни адл тутдим-да, бутун иродамни тўплаб, зимзиё хонага дадил кўз югуртирдим. Деворда аллақандайдир шуъла пайдо бўлди. Бу – пардалар тиркишидан тушган ой нури эмасми-кан, деб кўнглимдан ўтказдим. Йўқ, агар ой нури бўлса, бир жойда қотиб турарди, бу эса у ёқдан-бу ёққа силжимокда. Шу он ўша шуъла сирғалиб шифтга, бошим устига чикди-ю, титраб жимирлай бошлади. Энди мен бу нур уй ёнидаги майсазордан ўтаётган кишининг қўлидаги фонус нури бўлса керак, деган фикрга келишга шай турардим. Аммо қалбим энг мудҳиш воқеага ҳам тахт турган, асабларим эса бугун бошимдан ўтказган азоб-укубатлардан қақшаган шу дақиқада бу титроқ нур нариги дунёдан келган арвоҳдан мужда, деган ўйга бордим. Юрагим қаттиқ тепа бошлади, бошим қизиб кетди, қулоғим эса қанотлар шитирига ўхшаш шовқинга тўлди; худди кимдир бордек туюлди, нимадир сиқиб кела бошлади, нафасим бўғзимга тикилди; бояги дадиллигимдан асар ҳам қолмади. Эшик томон отилдим-у, кўркув ичида дастасини силтай бошладим. Йўлакда шошиб келаётган кадам товуши эшитилди; қулфдаги калит буралди-да, Бесси ва Эббот хоним кириб келди.

– Эйр хоним, мазангиз қочдими? – деб сўради Бесси.

– Намунча шовқин кўтармасангиз! Кўркувдан ўлаёздим-ку! – деб хитоб килди Эббот.

– Мени бу ердан чиқаринг! Болалар хонасига олиб боринг! – деб бақирдим мен.

– Нима бўлди? Бирор жиҳозга қоқилиб, лат едингизми? Ёки кўзингизга жин-пин кўриндими? – деб сўради яна Бесси.

– О!.. Деворда ғалати нур милтираяпти, балки ҳозир арвоҳ ҳам келар! – Мен Бессининг қўлига ёпишиб олдим, у ҳам қўлини тортиб олмади.

– У жўртага шовқин кўтаряпти, – деди Эббот хоним шубҳа аралаш. – Яна шундай бақирдики, гўё уни сўйишаётгандек! Ҳа, у бизни атай алдаб чақирган. Мен унинг ярамас қилиқларини биламан!

– Бу ерда нима бўляпти? – деб сўради ҳукмфармо бир овоз; йўлак бўйлаб Рид хоним шошиб келар, қалпоғининг боғичи хилпираб турар, шоҳи кўйлаги таҳдид ила шитирларди. – Эббот, Бесси! Мен сизларга, ўзим бормагунча, уни қизил хонадан чиқарманг, деб буюрмабмидим!

– Жейн хоним шунақа қаттиқ бақирдиким, хоним, – деди узр оҳангида Бесси.

– Ундан нарироқ туринг, – деди оқсочларга қаҳр билан Рид хоним. – Бессининг қўлини қўйвор, – деб буюрди сўнгра менга яна ўша оҳангда. – Бу қилиғинг билан ҳеч нарсага эришолмайсан, бунга имонинг комил бўлсин. Мен муғомбирларни ёмон кўраман, айниқса улар ҳали бола бўлса; бундай ўйинларингдан ҳеч қандай наф чикмайди, буни исботлаб бериш – менинг бурчим. Шу қилиғингга бу ерда яна қўшимча бир соат қоласан, шундан кейингина сени озод қиламан, ўшанда ҳам итоатгўй бўлсанг ва тўполон қилмасанг!

– О, холажон! Раҳим қилинг! Кечиринг мени! Бу хонада қолишга чи-долмайман... Майли, бошқа йўл билан жазоланг! Агар бу ерда қолсам, ўлишим...

– Жим бўл! Бу қанақа жирканч етгилтаклик тағин!

Аслида ҳам мен унинг учун жирканч эдим. У мени ҳалиданок иккиюз-ламачи деб ҳисоблай бошлаганди; Рид хоним фикрича, менда пасткашлик ва ёлғончилик жангарилик билан қоришиб кетганди.

Бу орада Бесси ва Эббот ўз хоналарига қайтди, Рид хоним эса мубҳам ваҳимам ва аччиқ ўкирикларимдан зада бўлиб, мени яна қизил хонага силтаб итариб юборди-да, ҳеч бир гап-сўзсиз эшикни ташқаридан кулфлади. У тез-тез қадам босганча, узоқлашиб бораётгани эшитилиб турарди. Шу воқедан кўп ўтмай менда тутқаноқ бошланди-ю, хушимни йўқотдим.

УЧИНЧИ БОБ

Шуни эслаيمان, холос: босириқ туш каби ўтган бу воқедан сўнг ўзимга келдим; кўз олдимда алвон ёғду бўзариб турар, уни кенг қора чизиклар кесиб ўтарди. Мен одам овозини эшитар эдим-у, лекин улар кулоғимга аранг етиб келарди, гўё овозларни шамол ёки сув шовқини бўғиб қўяётгандек туюларди. Ҳаяжон, мубҳамлик ва қўрқув гўё барча сезгиларимни босиб қўйганди. Бироқ кўп ўтмай кимнингдир қўлларини сездим: у мени ётган жойимдан турғазди-да, ўтиришимга ёрдам берди, ҳали ҳеч ким менга қўлини бундай авайлаб теккизмаган эди. Мен бошимни эгганча ёстиққами ёки бировнинг елкасигами суяндим-у, шундай хотиржам тортдимки...

Беш дақиқадан сўнг сезгиларимдаги туман тарқаб кетди. Энди мен болалар хонасида, ўз каравотимда эканимни англадим. Кўз олдимда яллиғланган алвон ёғду эса каминдаги аланга экан. Тун бўлганидан столда шам титраб ёнарди; каравотимнинг оёқ томонида Бесси тоғора ушлаб турар, унинг ёнида эса мен томон энгашганча бир жаноб оромкурсида ўтирарди.

Хонада Гейтсхэд эгаларидан ҳам, Рид хонимнинг қариндошларидан ҳам бўлмаган бегона одам борлигидан бемисл енгиллик, ҳаловат ва хавфсизлик ҳиссини туйдим. Мен Бессидан юзимни ўгириб (гарчи бу ерда Эбботдан кўра унинг тургани ҳар қанча маъқул бўлса-да), оромкурсида ўтирган жанобнинг чехрасига термилдим. Мен бу кишини танир, у бирор-та хизматкор оғриб қолса, Рид хоним дарров чақиртирадиган дорихоначи жаноб Ллойд эди. Рид хоним ўзи ва болалари учун врач чақиртирарди.

– Қани, айт-чи, мен кимман? – деб сўради дорихоначи.

Мен жаноб Ллойднинг исмини айтдим-да, унга қўлимни узатдим. У қўлимдан тутди-да, табассум билан бундай деди:

– Ана энди аста-секин тузала бошлайсан.

Сўнг қўлимни қўйиб юбориб, у Бессига ўгирилди ва кечаси ҳеч ким безовта қилмасин, деб уқтирди. У яна бир нечта топшириқлар берди-да, эртага тагин кириб ўтишини айтганча, мени яна чуқур қайғуда қолдириб, хонани тарк этди. У каравотим олдида ўтирган пайтда ўзимни шу қадар хавфсиз, шу қадар осуда ҳис қилган эдим-а! Унинг ортидан эшик ёпилган заҳоти яна хонани зулмат қоплади, юрагимга эса азобли қайғу оғир тошдек чўкди.

– Балки, энди ухларсиз, хоним, – деб сўради Бесси мени хайрон қолдирганча мулоимлик билан.

Мен бу майин сўзлар ортидан энди қўполлари янграб қолишидан хайкиб, аранг жавоб қайтардим:

– Ҳаракат қиламан.

– Эҳтимол, бирор нарса ичиш ёки ёйишни хоҳларсиз?

– Йўқ, раҳмат, Бесси.

– Унда жойимга бориб ётсам. Соат бир бўляпти, ахир. Аммо сизга тунда бирор нима керак бўлиб қолса, мени бахузур чақираверинг.

Мисли кўрилмаган ғамхўрлик-ку бу! Мен бундан дадил тортдим-да, сўрадим:

– Бесси, менга нима қилди? Мен касалманми?

– Қизил хонада тобингиз қочиб қолди, кўп йиғлаганингиздан бўлса керак. Бироқ энди тез орада тузалиб кетасиз.

Бесси шундай деди-ю, болалар хонасига ёндош оқсочлар бўлмасига чиқиб кетди. Ўша ёқдан унинг бундай деганини эшитдим:

– Сара, мен билан бирга ётгани болалар хонасига чик. Бу бечора кизалок билан икки дунёда ҳам ёлғиз қололмайман. Агар у ўлиб қолса-чи!.. Бирдан тутканоғи тутиб қолгани жуда ғалати... Бирор нимани кўрдими ёки йўқми, жудаям билгим келяпти. Нима бўлганда ҳам, хоним бу гал унга жуда шафқатсизлик қилди.

Бесси хонамга Сара билан бирга қайтди. Иккови ухлагунча, ярим соатча шивирлашиб ётди. Мен уларнинг сўзидан парча-пурчаларни илиб олдим, сўз нима ҳақида бораётгани менга кундек аён эди.

– Аввал оппоқ шарпа ёнидан ўтди-да, кўздан ғойиб бўлди... Сўнг эса бахайбат қора ит кўринди... Эшик уч маротаба қаттиқ тақиллади... Қабристонда чирок ёнди – нақ унинг қабри устида... ва ҳоказо ва ҳоказо...

Охири иккалови ҳам ухлаб қолди. Шам ҳам, камин ҳам ўчди. Менга худди адоксиздек кўринган бу тунни бедор ўтказдим. Қулоқларим, кўзларим ва хаёлларимни фақат болаларга хос ғалати кўрқув ўз заотида тутиб турарди.

Қизил хонадаги фалокат мен учун кўнгилли яқун топди, деса бўларди. У ҳеч қандай оғир ва сурункали касалликка сабаб бўлмади, фақат асабимга хануз асорати битмаган оғир зарба берди, холос. Ҳа, Рид хоним, сиз менга қанчалар кўп қалб жароҳатлари етказгансиз! Аммо менинг бурчим – сизни кечирмоқдир. Чунки сиз нималар қилиб қўйганингизни ўзингиз ҳам билмайсиз. Сиз қалбимга жароҳатлар экансиз, ҳар гал мени ёмон одатлардан қутқаряпман, деб хаёл қилгансиз.

Эртасига чошгоҳда ўрнимдан турдим. Кийиниб, иссиқ рўмолга ўранганча, камин ёнига ўтирдим. Мен жудаям ҳолсиз ва руҳсиз эдим. Аммо мени қалбимдаги ўкинч бундан баттар азобларди. Шу ўкинч сабаб кўзимга бетўхтов ёш қуйилиб келарди. Ҳали ёноғимдан битта шўр томчини артиб улгурмай, яна бошқаси оқиб тушарди. Аслида-ку, мен ҳозир Ридлардан бирортасиям уйда йўқлигидан ўзимни бахтиёр ҳис этишим керак эди. Бу вақтда уларнинг бари оналари билан бирга фойтунда сайр этгани кетишганди. Эббот ҳам қорасини кўрсатмас, у қўшни хонада тикув билан банд эди. Фақат Бесси ўйинчоқларни териб, жавонга жойлагунча у ёқдан-бу ёққа ўтар, ҳар замонда, одатдагидан фарқли ўларок, менга бир-икки оғиз ширин сўз гапириб қўярди. Ҳа, буларнинг бари менга нақ жаннат бўлиб кўриниши лозим эди, негаки мен ҳозиргача муттасил таъна ва қистовлар остида яшаб келгандим. Бироқ айни дамда асабларим шу қадар қақшаган эдики, ҳеч қандай жимжитлик уни тинчлантиролмас, ҳеч қандай роҳат-фароғат унга ҳузур бахш этолмас эди.

Бесси ошхонага тушиб, кичик пирог келтирди. Пирог бўтакўздан ясалган чамбарга қўниб турган жаннат қушининг ва эндигина ғунчалаган атиргул новдасининг расми чизилган чинни ликобчага солинганди. Бу

ликобча ҳар доим менда завқ-шавқ уйғотар, уни кўп маргалаб кўлимга олиб, обдон томоша килишга рухсат сўраган, бироқ шу кунга қадар бундай марҳаматдан бебахра қолиб келаётган эдим. Энди эса мана шу кимматбахо ликобча тиззамда турар, қолаверса, Бесси пирогни еб олинг, деб тинмай манзират кўрсатарди. Нақадар беҳуда олийжаноблик! Бу инъом ҳам биз ҳар қачон интиқ кутган-у, бироқ нукул тақиққа дучор бўлган барча неъматлар каби жуда кечикиб келганди!

Пирогни кўнглим тусамасди, куш патлари ва атиргул ғунчаси энди гўё аввалгидек ёркин товланмас, хира тортиб қолганди. Мен ликобчани нарига суриб кўйдим. Шунда Бесси, бирорта китоб келтирайми, деб сўраб қолди. “Китоб” сўзи менда бир лахзалик жонланишни юзага келтирди – мен кутубхонадан “Гулливернинг саёҳатлари”ни келтиришини сўрадим. Бу китобни мен қайта ва қайта завқ-шавқ билан ўқир эдим. Мен ундаги саргузаштлар ҳаётда чиндан ҳам бўлган, деб ишонар ва улар оддий эртақларга нисбатан менда кучлироқ иштиёқ уйғотарди. Мен печакгуллар барги остидан ҳам, кўзикоринлар қалпоғи тагидан ҳам, чирмовуқ ўраган эски, раҳна деворлар кўланкасидан ҳам эльф¹ларни топа олмаслигимга амин бўлгач, уларнинг бари Англиядан ҳар тарафи қалин ўрмонзорлар билан ўралган, одам зотидан асар ҳам бўлмаган қандайдир ёввойи, хаёлий мамлакатга бош олиб кетган, деган маънос хулосага келгандим. Жимит ва улкан одамлар эса ер юзида ҳақиқатан ҳам яшарди, назаримда; қачонлардир ўзим ҳам худди шундай узоқ саёҳатга чиқишимга, ўша мамлакатлардан бирининг жимит далалари, водийлари, дарахтлари, одамчалари, сигирлари, кўйлари ва кушларини, айни чоғда, бошқа шохликнинг худди ўрмонга ўхшаш дароз буғдойзорлари, баҳайбат итлари, девдек мушуклари, нақ минорадек эркагу аёлларини шу кўзларим билан кўришимга ҳеч шубҳа қилмасдим.

Мен ҳозир суюкли китобимни кўлда тутганча, уни бирма-бир варақлар эканман, унинг антиқа расмларидан илгари топган ўша завқ-шавқларимни кидирар, аммо энди улар кўзимга қандайдир қайғули ва кўркинчи бўлиб кўринарди. Улкан одамлар бесўнақай махлуқлардек, жимит одамлар эса баджаҳл ва бадбуруш гномлардек, Гулливернинг ўзи эса хаёлий ва ваҳший юртларда дарбадар кезиб юрган ғамгин сайёҳдек туюлди. Ўқигим келмай, китобни ёпиб, стол устига, пирог ёнига кўйдим.

Бесси хонанинг чанг-чунгини артиб, тартибга келтириб бўлгач, жавоннинг атлас ва шойи қийқимларига тўла қутисини очиб, Жоржиананинг кўғирчоғига янги қалпоқча тикишга ўтирди. У тикиб ўтирганча, бундай деб куйларди:

*Биз сен билан саросар кезган
Олис-олис, ўша кунларда...*

Мен бу кўшиқни илгари ҳам жуда кўп марта эшитган ва ҳар гал кучли завқ-шавқ олгандим. Бессининг овози жуда ёқимли эди, ҳар ҳолда менга шундай туюларди. Ҳозир ҳам унинг овози аввалгидек ёқимли янграсада, бироқ мен бу кўшиқда ажиб ҳазинликни туйдим. Бесси ўз ишига шўнғиганча, кўшиқ нақоратини охиста, чўзиброк такрорлар, “олис-олис”

¹ Эльф – Қадимги Скандинавия мифологиясидаги рух, парига ўхшаш тимсол.

сўзи эса дафн маросими кўшиғининг якунидек янграрди. Кейин у бошқа кўшиқ айта бошлади, буниси аввалгисидан ҳам ҳазинроқ эди:

*Оёқлар қаварди қоялар аро,
Зил кифт ила кездим ботқоқларини.
Тўлин ой ёритмас қабрдай қаро
Тунлар етим ўтган сўқмоқларини.*

*Нечун итқитдилар мени йироққа,
Ўтиб бўлмас, яланг қоялар сари?
Ёлғизоёқ йўлда кетиб боряпман,
Ёвуз одам эмас, йўлдошим – пари.*

*Юзимни сийпалар тунги шаббода,
Кўкнинг гумбазида чақнар юлдузлар.
Фақат Ҳақнинг меҳри қалқон шу тобда
Ва у берган умид кўксимда сўзлар.*

*Чириган кўприкдан қуласам ногоҳ,
Ботқоқлар овлоққа тортса гар танам,
Отам етимидан бўлгай-да огоҳ,
Юраги ичидан бергай бошпана.*

– Бўлди, Жейн хоним, йиғламанг, – деди Бесси кўшиқни куйлаб бўлгач. У оловга “Ёнма!” деб дарҳол ўчиришга кодирдир, аммо қалбимда кечаётган аламларни тушунишга кодир эмасди.

Ўша тонг жаноб Ллойд яна бирров кириб ўтди.

– Оёққа туриб кетдимиз? – деб хитоб қилди у. – Хўш, энага Бесси, у ўзини қандай ҳис қиляпти?

Бесси, жуда ҳам яхши, деб жавоб берди.

– Энди унга бироз хурсандчилик керак. Қани, ёнимга келинг-чи, Жейн хоним. Сизнинг исмингиз Жейн, тўғрими?

– Ҳа, жаноб, Жейн Эйр.

– Йиғлаганингиз кўриниб турибди, Жейн хоним. Нима учун йиғлаганингизни айта оласизми? Ёки бирор жойингиз оғриётгандир?

– Йўқ, жаноб.

– Менимча, у Рид хоним билан сайрга чиқолмагани учун йиғлаган, – деб гапга аралашди Бесси.

– Йўғ-эй! У шунгагина кўзёши қиладиган ёш бола эмас.

Мен ҳам шу фикрда эдим. Бессининг ноҳақ бўҳтони ғуруримга тегди, шунинг учун дадиллик билан дедим:

– Умрим бўйи ҳеч қачон бундай аҳмоқгарчилик учун кўзёш тўкмаганман. Менинг бунақа сайрга токатим йўқ! Мен бахтиқаролигимдан йиғляпман.

– Вой, бу шармандалик-ку! – деди Бесси.

Меҳрибон дорихоначи эса ҳайрон бўлиб қолди. Мен унинг қаршисида тик турар, у мени диққат билан кўздан кечирарди. Унинг кулранг бит кўзлари унча чарақламасди, аммо менга улар жуда зийрак бўлиб кўринди. Дорихоначининг юзи сал дағалроғ-у, аммо унда меҳр балқиб турарди.

У мени узоқ синчиклаб кўздан кечирди-да, сўнг сўради:

– Кеча нега касал бўлиб қолдингиз?

– У йиқилиб тушди, – дея яна гапга аралашди Бесси.

– Йиқилиб тушдимми? Яна худди ёш боладек-а? Ахир, катта қизлар ҳам йиқилиб тушадими? Менимча, унинг ёши саккиз ёки тўққизда бўлса керак-а?

– Мени атай оёғимдан чалишди, – дедим кескин оҳангда яна ғурурим поймол бўлаётганини ҳис этиб. – Аммо мен бундан касал бўлганим йўқ, – дея қўшиб қўйдим ортидан.

Жаноб Ллойд тамакидондан бир чимдим тамаки олди. У тамакидонни пиджаги чўнтагига қайта солаётган пайтда хизматкорларни тушликка чорлаб, кўнғироқ овози эшитилди. Кўнғироқ нега чалингани дорихоначига аён эди.

– Энага, сизни чақиришяпти, – деди у. – Ошхонага туша қолинг. Сиз кайтгунча мен Жейн хонимга баъзи маслаҳатларни бериб тураман.

Бесси жон деб қолган бўларди-ю, аммо кетиши шарт эди. Негаки, Гейтсхэдхолл хизматкорлари тушлик ва кечки овқатни ўз вақтида қилишлари шарт эди.

– Демак, сиз йиқилиб тушганингиз учун касал бўлмагансиз. Хўш, унда нега касал бўлдингиз? – дея давом этди жаноб Ллойд Бесси хонани тарк этгач.

– Мени арвоҳлар яшайдиган хонага қамаб қўйишди, ҳолбуки кеч кириб қолган эди.

Жаноб Ллойд аввал жилмайди, сўнг ковоқларини уйди.

– Нима? Арвоҳ дейсизми? Ана холос, чиндан ёш бола экансиз-ку! Сиз арвоҳдан кўркасизми?

– Ҳа, жаноб Риднинг арвоҳидан кўрқаман; ахир, у ўша хонада касал ётган, жон таслим қилган... Бесси ҳам, бошқаси ҳам зарурат бўлмаса, у ерга кирмайди. Бир ўзимни ўша хонага, янада қоронғида ёлғиз қамаб қўйиш – шафқатсизлик! Бу шундай шафқатсизликки, мен буни ҳеч қачон унутолмасам керак.

– Сафсата! Сиз шуни деб хафа бўлдингизми? Наҳотки сиз кундуз куни ҳам кўрқсангиз?

– Йўқ. Лекин ҳадемай яна тун чўқади. Шунда яна ўзимни бахтсиз ҳис қиламан. Жуда ҳам бахтсиз. Бунинг бошқа сабаблари ҳам бор.

– Хўш, қандай сабаблар экан? Жиллақурса, бир нечтасини айтиб берарсиз?

Бу саволга шу қадар тўлиқ, шу қадар батафсил жавоб бергим келиб кетдики!.. Аммо зарур сўзларни топиб айтишим жуда қийин эди, ахир, болалар кучли ҳиссиётларни бошдан кечиришга кодир-у, лекин уларни тушунтиришга ожиз-да. Ҳатто қисман англаб етганларида ҳам, уни сўзлаб беролмайдилар. Бироқ мен ўз дардимни бирортасига тўкиб солиб, енгил тортишдек шу дастлабки ва ягона имкониятни қўлдан бой беришни истамасдим. Бироз уялганча, жим тургач, гарчи тўлиқ бўлмаса-да, бироқ тўғри жавобни ахийри тилга чиқардим.

– Биринчидан, менинг на отам, на онам, на ака-ука, ва на опа-синглим бор.

– Аммо, меҳрибон холангиз, холаваччаларингиз бор.

Ўртага яна сукунат чўқди. Сўнг болаларча бидирлай кетдим:

– Ахир, мени ўша Жон Рид полга улоктирди-ку, ўша холам кизил хонага камаб қўйди-ку!

Жаноб Ллойд чўнтагидан яна тамакидонини чиқарди.

– Нима, сизга Гейтсэхдхолл ёкмайдами? Шундай ажойиб уйда яшаётгангиздан мамнун эмасмисиз?

– Бу менинг ўз уйим эмас, жаноб. Эбботнинг айтишича, бу ерда яшашга мендан кўра хизматкор кўпроқ ҳақли эмиш.

– Эҳ, жиннивой, сизни каранг-у! Нахотки шундай гўзал чорбоғни кўзи киядиган нодон киз бўлсангиз?

– Агар борар жойим бўлганидами, мен бу ердан жон-жон билан кочиб кетган бўлардим. Аммо мен катта бўлмагунимча Гейтсэхдхоллдан кетишнинг ҳеч ҳам иложи йўқ.

– Балки иложи ҳам топилиб қолар. Яна ким билади, дейсиз! Рид хонимдан бошқа қариндошларингиз йўқми?

– Менингча, йўқ, жаноб.

– Отангиз тарафидан-чи?

– Қайдам. Бир куни Рид холамдан сўровдим, балки Эйрлар наслидан бирорта камбағал қариндошинг бўлса бордир, аммо мен бу ҳақда ҳеч нима билмайман, деди.

– Агар шундай қариндошингиз топилиб қолса, сиз уникида яшаган бўлармидингиз?

Мен ўйга ботиб қолдим. Қашшокликдан ҳатто катталар ҳам кўрқади. Болалар эса улардан баттар кўрқади. Улар қашшокликнинг виждонлиги, заҳматқашлиги, жонсараклигини хаёлига ҳам келтиролмади. Бу сўзни эшитганда нукул кўз олдиларига жулдур уст-бош, қотган бурда нон, чўғи сўнган ўчоқ, дағал гап-сўз ва тубан қилиқлар келади. Мен учун қашшоклик хўрлик билан баробар эди.

– Йўқ, менга қолса, қашшоқ хонадонда яшамаган бўлардим, – деб жавоб бердим мен.

– Ҳатто улар сизга меҳрибон бўлишсаямми?

Мен бош чайқадим. Ахир, мен қашшоқларда меҳр қаердан ҳам бўларди, деб ўйлар эдим-да! Қолаверса, уларнинг лаҳжаларию қилиқларини ўзлаштиришим, ўзим қишлоқдаги хароба уйлар ёнида болаларига қараб ёки чойшаб ювиб турадиган хотинларга ўхшаб бетарбия бўлишим керак эдики, мен озодликни бундай катта баҳога сотиб олишдек жасоратга қодир эмас эдим.

– Нахот қариндошларингиз шу қадар қашшоқ бўлишса? Улар қора ишчимми?

– Буниси менга қоронғи. Рид холамнинг айтишича, агар қариндошларим бўлса ҳам, улар аллақандайдир гадойлар эмиш. Менинг қўлимдан тиланчилик келмайди.

– Айтинг-чи, мактабга боришни хоҳлармидингиз?

Мен яна ўйга толиб қолдим. Чунки мактаб ўзи нима, буни ҳали аниқ тасаввур эта олмасдим. Бесси гоҳо-гоҳо, мактаб ёш хонимларни темир интизом асосида тарбиялайдиган муассаса, деб таъриф-тавсиф қилиб қоларди. Бу ерда ҳар бир ойимқиз ниҳоятда хушаҳлоқ ва боодоб бўлиши қаттиқ талаб этилар эмиш. Жон Рид мактабни жинидан баттар ёмон кўрар, ўқитувчиларни ҳақоратлаб тилга оларди. Лекин Жон Риднинг таъби мен учун қонун эмас-ку! Бир томондан, Бессининг мактаб интизоми

хақидаги баъзи сўзлари мени чўчитса (бу маълумотларни у Гейстхэдга келишидан олдин хизматкорлик қилган бир хонадонининг ёш хонимларидан эшитганди), бошқа томондан эса, ўша ойимқизлар мактабда эгалланган турли-туман билимлар хақидаги хикояси эса ҳавасимни келтирарди. Айникса, Бесси ёш хонимлар дов-дарахт ва гуллар расмини жуда чиройли чизиши, фортепианода куйни маромига етказиб чалиб, кўшиқ айтиши, ўзлари учун бежирим ҳамёнлар тўқиши ва французча китобларни равон ўқишига қойил қолиб сўзларди. Унинг хикоялари туфайли менда ўша ойимқизлар билан рақобатлашиш учун куч уйғонганди. Бундан ташқари, мактаб тақдиримни тубдан ўзгартириб юборар эди: ўшанда узоқ юртга сафар қилишим, Гейтсхэддан буткул бош олиб кетишим, янги ҳаёт бошлашим мумкин бўларди.

– Мактабга жон деб борган бўлар эдим, – дедим овоз чиқариб.

– Олдинда нималар кутяпти, ким биледи дейсиз, – деди жаноб Ллойд ўрнидан тураётиб. – Қизалоқ, бирор жойга бориб ҳаво алмаштиришингиз керак, – деб кўшиб кўйди ниҳоят. – Асабингиз жуда толиқибди.

Бесси ёнимизга қайтган заҳоти ҳовлида фойтун овози ҳам эшитилди.

– Хонимингиз қайтдиларми, энага? – деб сўради жаноб Ллойд. – Мен кетиш олдидан у билан гаплашсам дегандим.

Бесси жаноб Ллойдни ошхонага таклиф этди-да, ўзи йўл бошлади.

Шундан кейинги воқеалардан англадимки, дорихоначи Рид хонимга мени мактабга жўнатиш юзасидан маслаҳат берган. Бу маслаҳат эса, шак-шубҳасиз, жон деб қабул қилинган. Зеро, эртасигами-индинигами, кечкурун мен тўшакда ётган, Бесси ва Эббот эса шу ерда тикиб-бичиб ўтирган пайтда, Эббот мени ухляпти, деб ўйлаб, мактаб масаласида Бессига бундай деб қолди:

– Рид хоним бу бадхулқ ва қайсар киздан қутулаётганига жудаям хурсанд бўлса керак. Дарҳақиқат, унинг афт-ангоридан бу писмиқ гўё ҳаммани кузатиб юрган-у, энди бирор қилғиликни бошлайдиганга ўхшайди.

Афтидан, Эббот мени миттивой Гай Фокс¹га ўхшатарди. Ўшанда мен, Эббот Бессига айтаётган сўзлардан отам камбағал руҳоний бўлгани, онам эса бобом ва бувимнинг розилигисиз унга турмушга чиққани, шунда Рид бобом бундан қаттиқ жаҳли чиқиб, онамга ҳеч вако мерос қолдирмагани, тўйдан бир йил ўтгач, отам қатта шаҳарда черков маросими чоғи ибодатга келган қашшоқлардан терлама касалини юктириб олгани, бу бедаво дард ундан онамга ўтгани ва отам қазосидан сўнг бир ой ўтиб-ўтмай у ҳам Худога омонатини топширгани хақида илк бор билиб олдим.

Бесси бу хикояни жим эшитди-да, чуқур ух тортиб:

– Аммо Жейн хонимга ҳам шафқат қилиш керак, Эббот, – деди.

– Ҳа-да, – деди Эббот. – Агар у мулоим, ёқимтой киз бўлса, бу дунёда сўққабош эканига ачинса бўларди. Аммо бундай жирканч митти қурбақага кимнинг ҳам раҳми келарди?!

– Қисман ҳақсан, – дея уни қувватлади Бесси. – Масалан, Жоржианага ўхшаган хурлиқо бўлганида, ҳозиргидек оғир аҳволга тушиб қолганида ҳам, толеи анча ёрқинроқ бўлиши мумкин эди.

– Ҳа, ҳа, мен Жоржиана хонимни жуда яхши кўраман! – хитоб қилди Эббот. – Нақадар ёқимтой киз! Сочлари шунақаям узун, кўзлари шунақаям

¹ Гай Фокс (1570–1605) – инглиз офицери, Порох фитнаси деб аталган суд иши бўйича жиноятда айбланган. Бу фитнада католик партияси инглиз парламентини портлатиб юборишга ҳаракат қилган эди.

мовий, ёноқлари эса шунақаям қизилки, гўё упа сурилган, дейсиз... Биласизми, Бесси, мен кечки овқатга жон-жон деб пишлок билан ковурилган нон еган бўлардим.

– Мен ҳам. Яна ковурилган пиёз ҳам бўлса. Юринг пастга тушамиз. Улар хонадан чиқишди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Жаноб Ллойд билан бўлган анави кунги суҳбат ҳамда Бесси ва Эбботдан ҳозиргина эшитганларим менда янги умидлар туғдирди. Тузалишни хохлаб қолишим учун шунинг ўзиёқ етарли эди. Назаримда, қандайдир ўзгариш юз бериши лозим эдики, мен уни сассизгина кутардим. Бирок ўша ўзгариш ҳадеганда юз беравермас, кунлар ва ойлар бирин-кетин ўтиб борарди. Мана, соғлигим ҳам тикланди-ю, лекин мактаб ҳақида ҳатто бирор шаъма йўқ эди. Рид хоним бот-бот менга ўткир нигоҳини қадар, аммо камдан-кам ҳоллардагина сўз қотарди. Мен бетоб ётган пайтимдан у мен ва ўз болалари ўртасидаги чегарани янада аниқ белгилаб қўйди: мени маҳбусдек бир хонага тикиб қўйишган, шу ерда бир ўзим ухлар, нонушта ва тушлик қилар, унинг болалари меҳмонхонада шаталоқ отганда, мен ўз хонамда ёлғиз кунни кеч қилардим. Рид хоним менинг мактабга боришим ҳақида оғиз очиб, бир сўз демади, аммо у мен билан бир том остида яшашга узоқ тоқат қилмаслигига амин эдим. Зеро, унинг кўзи менга тушганда, қорачиғида кучли нафрат акс этарди.

Элиза ва Жоржиана эса, онасининг буйруғига биноан, мен билан иложи борица гаплашмасликка интиларди. Жон менга кўзи тушди дегунча, тилини кўрсатарди, у бир гал мени яна дўппосламоқчи бўлди. Аммо мен ўша заҳоти худди аввалгидек кучли алам ва нафрат билан унга шундай ташландимки, боёкиш бир гал шундай аҳволга тушганидан, ортга чекиниш ва қочиб қолишни афзал билди. У йўл-йўлакай мени минғиллаб қарғар ва бурнимни синдирдинг, деб додларди. Дарҳақиқат, мен бор кучимни муштимимга жамлаб, унинг бурнига қаттиқ зарба бергандим. Мен шу жаҳлим ва зарбамнинг унга таъсиридан яна бир бор жон деб фойдаланган бўлар эдим-у, аммо у онажонисининг пинжиги бикиниб олдида, разил Жейн Эйр ўзига ёввойи мушукдек қандай ташлангани ҳақида тўкиб-бичиб сўзлай кетди. Рид хоним унинг гапини чўрт кесди-да:

– Менга ўша қиз ҳақида гапирма, Жон. Сенга ундан йироқ юр демаганмидим? Бу қиз сен билан ўртоқ бўлишга арзимаиди. Агар сен ва сингилларинг у билан яна бир оғиз гаплашса, ҳеч биринг мендан хафа бўлма! – деди.

Мен зина панжараси оша мўралаб, қўккис бақириб юбордим:

– Аслида, улар менга ўртоқ бўлишга арзимаиди!

Рид хоним анча семиз хотин эди, аммо менинг бу ғалати ва қалтис гапимни эшитиб, зинадан шамолдек учиб чиқди. Мени болалар хонасига судраб борди-да, каравотга улоқтирди, сўнг кунбўйи шу ердан чиқмаслик ва лом-мим деб оғиз очмаслик ҳақида буйруқ берди.

– Рид амаким тирик бўлганида, бунга қандай қарарди! – Бу гап ҳам оғзимдан беихтиёр чиқиб кетди. Гўё ичимда кимдир мени шунга мажбур этарди.

– Нима? – титроқ овозда шивирлади Рид хоним, унинг доим совук ва лоқайд боқувчи мовий кўзларида алланечук кўркув акс этгандек бўлди.

У елкамни қўйиб юборди-да, менга қаттиқ термилиб қолди, у гўё шу он рўпарасида ёш бола турибдими ёки шайтон, шуни аниқламоқчидек эди. Мен янада дадилландим.

– Рид амаким осмонда туриб, сиз нималарни ўйлаяпсиз-у, нималар қиялпсиз, барини кўриб-билиб турибди, отам ва онам ҳам – худди шундай. Улар мени кунбўйи қамаб қўйишингиз ва қани энди ўла қолса, деб кутишингизни билишади.

Рид хоним дарров ўзига келди. У аввал бор кучи билан мени силтади, сўнг шапалок тортиб юборди-да, бир оғиз ҳам сўз демай, чиқиб кетди. Унинг ҳиссасини ҳам Бесси чиқарди. У бир соат бировлар қарамоғида яшаётган болалар орасида мен энг ёмони, энг ношуқури эканимни айтиб, жавраб чиқди. Унга ишонишга тайёр эдим, ахир, ўзим ҳам кўксимда як-каш ёвуз туйғулар ғалаён кўтараётганини фаҳмлаб турардим.

Ноябрь ва декабрь ортда қолди, январнинг ҳам ярми ўтиб бўлди. Гейстхэдда ҳар доим Янги йил ва Рождество зўр байрам қилинарди. Барчага сахийлик ила совғалар улашилар, Рид хоним тушлик ва кечки таом тортарди. Мен эса, тайинки, бундай шодликдан маҳрум этилгандим; мен уззукун Элиза ва Жоржиананинг қандай яسانيши, сўнг обдон кўнғироқ қилинган сочларини елкасига ёйганча, қизил белбоғли ҳарир кўйлак кийиб, меҳмонхонага йўл олишини кузатар, яна пастдан янграётган рояль ва арфа овозини, биллур ва чинни идишлар жарангини, меҳмонларга таом тортаётган ошпаз ва хизматкорлар югур-югури, эшик очилиб-ёпилганда меҳмонхонадан таралган ғала-ғовурни эшитиб ўтирардим. Бу машғулотдан зерикиб, зина айвонини тарк этар, жимжит, бўм-бўш болалар хонасига қайтиб кирардим. Бу ерда мен гарчи маънос бўлсам-да, аммо бахтсиз эмасдим.

Тўғриси айтсам, бу меҳмонлар орасида бўлишни заррача ҳам истамасдим; чунки бу кишилар менга эътибор ҳам бермасди. Агар Бесси сал меҳрибонроқ ва дилкашроқ бўлгандами, нотаниш жаноб ва хонимларга лик тўла меҳмонхонада Рид хонимнинг серзарда нигоҳини туйиб ўтиргандан кўра, оқшомни у билан хотиржам ўтказишни маъкул топар эди-у, аммо Бесси ойимқизларни ясантириб бўлгач, аксар уйнинг иш қизгин томони – ошхонага қараб чопар, ё бўлмаса хўжалик бекаси хонасига кириб, шам кўтариб чиқарди. Мен эса олов ёниб битгунгача кўғирчоғимни тиззамга олиб, камин ёнида ўтирардим. Кўрқув ичра олазарак бўлиб атрофга аланглар: хонада мудҳиш арвоҳ кезиб юргандек бўлаверарди. Каминдаги чўғ кулга айлангач эса, мен шоша-пиша ечинардим, барча чилвир ва тасмаларни тортиб, совуқ ва зулматдан каравотимдан паноҳ излардим. Мен ҳар доим кўғирчоғимни ёнимда олиб ётардим: ахир, ҳар бир инсон бирор нимага кўнғил қўйиши керак-ку! Бу туйғумга лойиқ бошқа арзирли буюм тополмагач, кўғирчоқдан кўра ҳам кўпроқ митти полиз кўриқчисига ўхшаш мана шу титиғи чиққан, арзонгаров ўйинчоқдан хузур топгандим. Ўша кезлар уни салкам жонли мавжудотдек кўрар ва унда ҳам инсонга хос ҳиссиётлар бор деб ўйлардим. Ҳозир эса мени ўша ғаройиб меҳр буткул тарк этган. Мен кўғирчоғимни тунги кўйлагимнинг кенг-мўл этагига ўрамагунча ухлай олмас эдим. У менинг ҳимоямда, иссиққина ётганини ҳис этиб, ўзимни бахтиёр сезар, хойнахой, у ҳам бахтли бўлса керак, деб ўйлардим.

Меҳмонларнинг хайрлашиб тарқалиши ва Бессининг йўлакка чиқилиши кутиб ётар эканман, соат жудаям имиллаб юраётгандек туюларди менга. Баъзида у кечалари ангишвона ёки қайчи олгани, ё бўлмаса менга кечки овқатга ширинкулчами, пишлоқли пирогми келтиргани кириб қоларди. У овқатни еб олгунимча каравотим пойгагида ўтирар, сўнг кўрпам учини қайириб қўйиб, юзимдан ўпиб қўяр, сўнг хайрли тун тилаб, чиқиб кетарди. Бесси шундай масъум кайфиятда бўлган кезлари менга оламдаги энг олийжаноб, энг гўзал, энг меҳрибон инсон бўлиб кўринарди. Унинг ҳамиша шундай очиккўнгил, ғамхўр бўлиб қолишини, мени ҳеч қачон турткиламаслиги, жиғимга тегмаслиги, гарчи айбсиз бўлсам ҳам, айбдор қилавермаслигини истардим. Ҳозир эса унга табиат жуда кўп фазилатлар ато этган экан, деб ўйлайман: у ҳамма нарсани жуда эпчиллик ва зийраклик билан адо этар, бундан ташқари, эртак айтишга жуда моҳир эди. Агар хотирам панд бермаса, унинг юзи ва қомати чиройлигина эди. У менинг ёдимга қора соч, қора кўз, сарвқомат, қизил, соғлом ёнокли аёл бўлиб муҳрланганди, аммо ҳамма бало шунда эдики, унинг феъл-атвори кескин ва беқарор бўлиб, холислик ва одиллик ҳақида жудаям ноаниқ тасаввурга эга эмас эди. Бироқ мен уни шу ҳолида ҳам Гейтхэдхоллдаги бошқа ҳаммадан ортик кўрардим.

Бу воқеа ўн бешинчи январь куни, соат тўққизларда юз берди. Бесси нонушта қилгани пастга тушиб кетган, холаваччаларим эса ҳали дастурхонга таклиф этилмаган эди. Элиза шляпаси ва эски пальтосини кийиб, товукларига дон бергани кетди. Бу юмуш унга катта хузур бағишлар эди. Товуклари тухум қўйса, уларни яна ўшандай иштиёқ билан хўжалик бекасига сотар, бундан тушган ақчаларни эса йиғиб борарди. Элиза ўта хасис, туғма савдогар эди. Буни у нафақат тухум ва жўжа сотаётганда, балки боғбон билан уруғ ва кўчат устида савдолашаётганда ҳам кўрса бўларди. Рид хоним агар Элиза ўз найкалида етиштирган ҳосилни сотмоқчи бўлса, уни кизимдан баҳо-кира қилиб сотиб олинг, деб буюрганди. Элиза ҳеч нарсадан тап тортмас, фақат фойда олишни кўзларди. Пулини эса, бирор латтагами ёки қоғозга ўраб, унинг ҳар хил бурчакларига яширарди. Аммо бир куни оқсоч тасодифан унинг хазинасини топиб олгач, Элиза энди бор будидан айрилиб қолишдан чўчиб, уни сақлаб беринг, деб онасига берадиган бўлди, лекин у ўз пулини худди ҳақиқий судхўрлардек нақ эллик-олтмиш фоиз фойдасига берарди. У ўз фоизини ҳар уч ойда олиб турар ва буни алоҳида қайд этиб борарди.

Жоржиана эса бу пайт ойна олдида жингалак сочларини сунъий гул ёки қуш патлари билан безатиб ўтирарди. У чордоқдан шундай безакларга лиммо-лим қути топиб олганди. Мен бўлсам ўз ўрин-тўшагимни йиғиштирар, чунки Бесси, то қайтгунимча шу иш бажарилган бўлсин, деб буйруқ бериб кетганди. Умуман, у энди мендан оқсоч сифатида кўп фойдаланар, пол ёки стуллар чангини артишга ўхшаш ишларни бажартирарди.

Тўшагим устига адёл ёпиб, тунги қўйлагимни тахлаб қўйгач, токча ёнига келдим, бу ерда сочилиб ётган расми китоб ва ўйинчоқларни йиғиштириб қўйишим керак эди. Аммо Жоржиананинг “Ҳой, ўйинчоқларимга тегма”, деган қисқа буйруғи мени такка тўхтатди. Ахир, жимит курсича ва кўзгулар, ажойиб ликобча ва финжонлар айнан уники эди-да. Шунда беқорчиликдан дераза ойнасига нақшланган қиш гулларига кухлай бошла-

дим ва шу тарика озгина жойни тозалаб, ойнадан қаҳратон киш ўз забтига олган бокка қарадим. Боғдаги барча дов-дарахтлар худди жонсиздек қотиб турарди.

Деразадан қоровулнинг кичик кулбаси ва шағал тўшалган йўл кўриниб турарди; мен ойнага аёз солган оқ-кумуш гулларни эритиб, ҳовлига мўралаган вақтда бирдан дарвоза очилди-ю, фойтун кирди. У уй бўсағасига келгунича лоқайд кузатиб турдим: Гейстхэдга фойтунлар тез-тез келиб турар, аммо бирортасидан ҳам менга кадрдон меҳмон тушмасди. Фойтун уй олдида тўхтади, кўнғирок қаттиқ чалинди, меҳмонни ичкарига олишди. Буларнинг ҳеч бири мен учун қизиқ эмас эди, шунинг учун дарров чирқ-чирқ қилганча, уй девори ёнида ўсган олча шохига қўнган оч қушчага диққат қаратдим. Нонуштамдан қолган озроқ нон ва сут ҳали ҳам стол устида турар эди. Мен нонни увокладим-да, ҳовлига сепиш учун дарчани очаётгандим, хонага югуриб Бесси кирди.

– Жейн хоним! Дархол фартугингизни ечинг! Бу қилиғингиз нимаси? Бугун юз ва кўлингизни ювдингизми?

Унинг саволига жавоб бермай деразани очишда давом этдим, чунки оч қушчани нон ушоғи билан тўйдирмоқчи эдим. Охири дарча очилди ва мен ушоқларни сепдим. Унинг бир қисми девор четига, бир қисми олча шохига тушди. Шунда деразани ёпдим-да:

– Йўк, Бесси. Чунки полни ҳозиргина артиб бўлдим, – деб жавоб бердим.

– Бадфеъл киз! Полпис! Ҳозир нима қилдингиз? Нега деразани очдингиз? – деб жавради Бесси.

Бироқ жавоб беришимга ҳожат қолмади, зеро, Бесси жуда шошарди чоғи, менга кулоқ солиб ўтирмай, дарров умивальник ёнига судраб борди-да, ҳечам аямай, аммо, хайриятки, тезгина юз-кўлимни совун билан ишқалаб ювди. Сўнг дағал сочиқ билан обдон артиб, сочимни силлик таради-да, фартугимни ечди. Сўнг эса зина сари туртиб, пастга тушишни буюрди. Мени ошхонада кутиб туришган эмиш.

Мени ким кутаяпти, Рид хоним ҳам ўша ердами, шуни жудаям сўрагим келди, аммо Бесси эшикни ёпиб, кўздан ғойиб бўлганди. Мен ҳадик ичида аста-секин пастга туша бошладим. Мана, уч ойдики, Рид хоним мени пастга туширмаган, эрта-ю кеч болалар хонасида ўтирганим-ўтирган эди. Шунинг учун ошхона, зал ва меҳмонхона мен учун қўл етмас гўшага айланган, уларга тушишга журъат қилолмасдим.

Мана, мен бўм-бўш долонда ёлғиз турибман, меҳмонхона эшиги олдида мени кўркув ва титроқ босди. Ўша кунлар беайб бўла туриб, жазо олганим мени нақадар аянчли кўрқокқа айлантирганди! Мен болалар хонасига қайтишдан кўрқар, меҳмонхонага киришга ҳам журъат этолмасдим; ўн дақиқалар чамаси шу жойда кўркувда титраб турдим, аммо охири нонуштага чорлаб кучли кўнғирок чалинди-ю, мен киришга аҳд қилдим.

“Мени ким чақирди экан-а? – деб ҳайрон турардим эшик дастасини қўшқўллаб тутганча. Уни қаттиқ боссам ҳам ҳеч очилай демасди. – Рид холамдан бошқа яна кимни кўрар эканман? Эркакмикан у ё аёл кишими?”

Нихоят даста буралиб, эшик очилди, мен ичкари кирдим-да, тиз букиб ўтирдим ва кўзимни юқорига тикиб, “қора устун”ни кўрдим: ҳарқалай менга камин ёнидаги гилам устида турган қад-қомати худди таёдек ингичка ва узун, қора уст-бошли одам илк сонияда шундай кўринди. Унинг

тунд юзи гўё тошдан ясалган никобга ўхшар, бу никоб “устун”нинг энг тепасига қўндирилган эди.

Рид хоним эса ўзининг камин ёнидаги ҳар доимги ўрнида ўтирарди; у менга, яқин кел, дегандек ишора қилди. Мен Рид хонимнинг ёнига бордим, у мени анави устунга бундай деб таништирди:

– Мен сизга айтган қиз мана шу бўлади.

Шунда бояги эркак мен тарафга бошини бурди, тикандек ўткир қошлари тагида йилтираб турган чағир кўзларини менга қадади-да, йўғон овозда, кескин деди:

– Бўйи жуда паст-ку. Ёши нечада?

– Ўнда.

– Наҳотки? – дея ишонқирамай сўради у ва мени пича кўздан кечиргач, яна саволга тутди:

– Исминг нима, қизалоқ?

– Жейн Эйр, жаноб.

Шу сўзларни минғирладим-да, нотаниш одамга қарадим; у менга жуда дароз кўринар, чунки ўзим жуда пакана эдим; унинг юз бичими юмалоқ бўлиб, бутун сахт-сумбати каби қахрли ва кескин эди.

– Хўш, Жейн Эйр, яхши қизмисан ўзинг?

Бу саволга ҳа деб жавоб бериш иложсиз эди, зеро, мен яшаётган бу хонадонда барча аксинча фикрда эди. Шунинг учун индамай қўя қолдим. Менинг ўрнимга Рид хоним бошини маънодор чайқаб жавоб қайтарган бўлди, яна бундай деб қўшиб ҳам қўйди:

– Бу ҳақда қанча кам гапирсак, шунча яхши, жаноб Брокльхерст...

– Афсус. У ҳолда қизалоқ билан суҳбатлашиб олишимизга тўғри келади. – У икки букилди-да, Рид хонимнинг қаршисидаги креслога чўкди. Сўнгра:

– Бу ёққа кел, – деб ёнига чақирди.

Мен камин ёнидаги гиламга оёқ қўйдим; жаноб Брокльхерст мени рўпарасига тикка турғизиб қўйди. Унинг афт-ангори шунақанги антиқа эдики! Шу тобда мен у билан деярли баравар турар, уни обдон синчиклаб кўриб олишим мумкин эди. Шунақаям катта бурун бўладими?! Оғзи ҳам нақ ўпқон-а?! Сўйлоқ тишлари бунчаям узун бўлмаса!

– Ёш боланинг, айниқса, қиз боланинг қулоқсизлигидан ҳам ачинарли нарса йўқ. Сен гуноҳкор бандалар ўлгандан кейин қаерга тушишини биласанми?

– Улар дўзахга тушишади, – дедим мен дарҳол билағонлик қилиб.

– Дўзах ўзи нима? Қани, тушунтириб бер-чи?

– У оловли чоҳ.

– Сен ана шу чоҳга тушиш ва абадулабад ёнишни истармидинг?

– Йўқ, жаноб!

– Дўзахга тушмаслик учун қани, айт-чи, нима қилиш керак?

Бу гал билағонлик қилолмадим, чунки бир нави жавоб берганим билан кўпгина дакки эшитишим мумкин эди.

– Мен яхшиси соғ бўлиш ва ўлмай юришга ҳаракат қиламан.

– Қандай қилиб ўлмай қолиш мумкин? Ахир, ҳар куни сендан ҳам ёш болалар ўлаётган бўлса! Икки-уч кун олдин мен беш ёшли қизалоқни кўмдим, жуда яхши қизча эди, хозир унинг руҳи жаннатда юрибди. Шун-

дан кўркаманки, Парвардигор сени ўз хузурига чорлаганда, сени жаннатга ноил этмаслиги мумкин.

Унга эътироз билдиришга журъат қилолмай, гилам устида ястанган дароз оёқларига бокдим-да, чуқур хўрсиндим – шу тобда ундан дунёни нариги бурчагига қочиб кетишни хоҳлардим.

– Умид қиламанки, бу хўрсиниқ юрагинг тубидан чиқяпти ва сен ўз меҳрибон валинеъматингга озор етказганинг учун аччиқ пушаймондасан. Шундайми?

“Валинеъмат! Валинеъмат!” – дея такрорладим ичимда. – Рид хонимни барча менинг валинеъматим, деб атайди. Агар валинеъмат дегани шу бўлса, жуда номаъқул нарса экан у”.

– Эрталаб ва кечқурун ибодат қиласанми? – дея сўроқ қилишда давом этди “қора устун”.

– Ҳа, жаноб.

– Муқаддас китобни ўқийсанми?

– Баъзида.

– Хузур қиласанми? Яхши кўрасанми Инжилни?

– Мен Ваҳийларни, пайғамбар Дониёл китобини, Тавротдан Ибтидо-ни, пайғамбар Самуил китобини, Аюб, Юҳанно ҳақидаги пораларни...

– Саноларни-чи? Уларни ҳам яхши кўрасан?

– Йўқ, жаноб!

– Йўқ, дейсанми? Дахшат-ку бу! Мен бир болакайни биламан, у сендан ҳам кичик, аммо олтига санони ёд олган. Агар ундан, “Ширин кулча еган яхшими ёки муножот ёд олишми?” деб сўрасанг, у “Албатта, муножот ёд олиш-да! Ахир, муножотларни фаришталар кўйлайди! Мен шу ерда, шу дунёда жажжи фаришта бўлишни хоҳлайман!” – деб жавоб беради. Ана шу диёнати учун у ҳар гал иккита ширинкулча олади.

– Муножотлар кизик эмас, – дедим мен.

– Бу шундан далолат беряптики, сенинг юрагингни ёвузлик қоплаган. Парвардигордан ўзингни роҳи мустақимга қайтаришини, янги, соф юрак ато этишини илтижо қил, бўталоғим. У кўксингдан тош юракни суғуриб олиб, ўрнига меҳрли юракни ато этади.

Мен эски юрак қандай суғуриб олиниб, ўрнига янгиси қандай қўйилади, деб энди сўрамоқчи бўлиб тургандим, Рид хоним сўзимни чўрт кесди-да, ўтир, деб буйруқ берди ва суҳбатни ўзи давом эттирди.

– Эсингиздадир, жаноб Брокльхерст, уч ҳафта олдин сизга юборган хатимда бу кизча мен хоҳлагандек гўзал хулқ ва одатларга эга эмаслигини ёзганман. Агар уни Ловуд мактабига қабул қилсангиз, сиздан ўтиниб сўрар эдимки, директор хоним ва мураббиялар уни иложи борича қаттиқ назоратда тутсин ва асосий гуноҳи – муғомбирлик ва ёлғончиликка қарши курашсин. Жаноб Брокльхерстни чалгитишга уринма тагин, деб бу гапни ўзингнинг олдингда айтяпман, Жейн.

Мен Рид хонимдан бежизга хайиқмас, уни бежизга ёқтирмас эдим! У ҳар доим менинг ғуруримни беомон оёқости қилишга тайёр турарди. Мен ҳеч қачон унинг ёнида бахтли бўлмаганман: бу хонимнинг буйруқларини ҳар қанча аниқ адо этмай, унинг кўнглини топиш учун қанча куйиб-пишмай, у менинг барча уринишларимни йўққа чиқарган ва уларга ҳозиргидек норизолик билан жавоб қайтарган эди. Шу тобда унинг бегона кимса олдида менга қўйган айблови қалбимга чуқур жароҳат етказди.

Мен Рид хонимнинг аввал-бошданок қалбимда эндигина куртак отган умид гулини сўндиришга, ўзи мен учун ҳозирлаган янги ҳаётни оғулашга бел боғлаганини элас-элас фаҳмладим. Гарчи буни тилига чиқаришни хоҳламаса-да, аммо дилида менинг келгуси ҳаёт йўлимга совуқчилик ва ишончсизлик уруғини сепмоқчи бўлаётганди у. Жаноб Брокльхерст мени ҳалитданок алдоқчи ва қайсар қиз деб ҳисоблай бошлаганини кўриб турардим. Бироқ шундай ноҳақлик билан қандай кураша олардим?!

“Албатта, ҳеч қандай”, деган хулосага келдим мен кўқис хўнграб юборишдан ўзимни тийиб ва ожиз аламимнинг даракчиси бўлмиш бир неча томчи кўзёшимни шошганча артиб.

– Муғомбирлик, чиндан-да, бола учун ўта ачинарли нарса, – деди жаноб Брокльхерст. – Муғомбирлик ёлғончилик билан тенг, ёлғончилар эса нақ жаҳаннамга улоқтирилади. Ҳар не бўлганда ҳам, Рид хоним, уни қаттиқ назоратда тутамиз. Мен Темплъ хоним ва мураббиялар билан албатта гаплашаман.

– Мен унинг бўлғуси мавқеига муносиб равишда тарбияланишини хоҳлардим, – дея давом этди Рид хоним. – Итоатгўй ва чакқон бўлишни ўргансин. Таътил масаласига келсак, албатта, уни ижозатингиз билан, Ловудда ўтказди.

– Бу қарорингиз, хоним, бениҳоя оқилона, – дея уни қўллаб-қувватлади жаноб Брокльхерст. – Итоатгўйлик бу – насронийликнинг олий фазилати, у Ловуд тарбияланувчиларига жуда ярашади. Шунинг учун болаларни итоатгўй қилиб тарбияланг, деб талаб қўяман; мен болаларда зарарли одатларни қандай қилиб осон йўқотса бўлади, деган масалани махсус ўргандим ва худди шу кунларда ниҳоят ўз заҳматимнинг меvasини кўрдим: иккинчи қизим Августа онаси билан мактабга борди-ю, уйга қайтиб келгач, ҳаяжон билан бундай деди: “Дадажон! Ловуддаги барча қизлар нақадар содда ва итоатгўй-а?! Сочлари кулоклари ордидан таралган, фартуклари ҳам узун қилиб тикилган, каноп сумкаларини кўйлаклари устидан осган, худди деҳқонларнинг болалари, дейсиз. Улар мен ва онамга кўзларини шунақангги лўқ қилиб қарашдики, – деб давом этди қизим, – гўё ҳеч қачон шойи кўйлак кўришмагандек”.

– Буни эшитиш мен учун жуда мароқли, – деб уни маъқуллади Рид хоним. – Мен бутун Англияни тит-пит қилиб ҳам Жейн Эйрга муносиб бошқа тарбия усулини топишим амримаҳол эди. Азизим Жаноб Брокльхерст, мен ҳар жойда қаттиққўллик бўлиши лозим, деб ҳисоблайман!

– Метиндек қаттиққўллик, хоним, насроний учун фарзи айн. Ловудга келсак, унда ҳамма нарса шу қоидага бўйсундирилган: оддий таом, оддий уст-бош, халимликка ўргатувчи қатъий кун тартиби. Ловудда ҳаёт ана шу асосга қурилган.

– Мутлақо тўғри, жаноб. Демак, мен қизча Ловудга қабул қилинади ва у бўлғуси мавқеига муносиб тарзда тарбияланади, деб хотиржам тортсам бўлаверади.

– Албатта, хоним! Биз уни танлаб олинганлар сафига қўшамиз. Умид қиламанки, шундай юксак имтиёз учун, албатта, у биздан миннатдор бўлади.

– Мен уни иложи борича тезроқ жўнатаман, жаноб Брокльхерст, зеро, сизни ишонтириб айтаманки, ўзим учун ниҳоятда оғир юкка айланган бу масъулиятдан тезроқ халос бўлишни истайман.

– Албатта, албатта, хоним! Энди эса сизга соғлик-омонлик тилаб, хайрмаъзур қиламан. Мен Брокльхерстга икки ҳафталарда қайтсам керак: дўстим ва валинеъматим Викарий бундан илгарироқ кўйиб юборишига кўзим етмайди. Аммо мен янги қизчани кутиб олинг, деб Темплъ хонимга мактуб юбораман. Хуллас, қабул масаласида ҳеч қандай кийинчилик бўлмайди. Кўришгунча, Рид хоним!

– Кўришгунча, жаноб Брокльхерст! Августа хонимга, Теодорга, жаноб Брокльхерстга, Броутон Брокльхерстга дуои саломимни етказинг.

– Шубҳасиз, хоним! Қизалок, мана бу “Болага ҳамроҳ” деган китоб сенга. Уни дуо билан ўқи, айниқса, “Ёлғон ва ҳийлага кул бўлган эси паст қизча Марта Ж.нинг кўккис даҳшатли ўлим топгани баёни”ни деган бобини...

Жаноб Брокльхерст шундай дея менга бежирим жилдга тикилган юпка рисолани тутди ва файтонини чақиртириб, жўнаб кетди. Мен ва Рид хоним ёлғиз қолдик. Бир неча дақиқа сукутда ўтди; у ниманидир тикиб ўтирарди, мен эса уни кузатардим.

Ўшанда Рид хонимнинг ёши ўттиз олти ёки ўттиз еттида эди. У зува-ласи пишиқ аёл эди: елкаси тик, суяги бўла, ўрта бўй, тўладан келган-у, аммо семиз эмас эди. Пастки жағи гўштдор ва оғир, пешонаси тор, энгаги катта ва олдинга туртган, оғиз ва бурни бежирим, малларанг қошлари остида йилтиллаб турган кўзларида эса қалб меҳридан асар ҳам йўқ эди. Буғдойранг териси ялтирамас, сочи зиғирдек, қадди-басти дуркун ва соғлом, ҳали касаллик нималигини кўрмаган эди. Рид хоним саришта ва қаттиқкўл бека бўлиб, хўжаликни ва ижарачиларни астойдил қўлга олган, фақат болаларигина гоҳо итоатдан чиқиб кетар ва оналари устидан кулар эди. У ҳар доим дид билан кийинар ва буни виқор билан кўз-кўз эта оларди.

Рид хонимнинг креслосидан бир неча қадам нарида – пастакки-на ўриндикда ўтирганча, унинг қад-қомаги ва юз-кўзига диққат билан разм солдим. Қўлимда эса менга ибрат бўлсин дея ҳадя этилган ёлғончи қизнинг кўккисдан ўлиши ҳақидаги рисолани тутиб турардим. Шу хонада ҳозиргина бўлиб ўтган воқеа – Рид хонимнинг жаноб Брокльхерстга айтган сўзлари, умуман, суҳбатнинг менга нисбатан кўпол ва таҳқирловчи оҳанги кўнглимни жудаям эзиб юборганди. Мен ҳар бир сўзни эсга олганимда, илк бор эшитганимдагидек, кўксимда оғриқ сезар, қасос олиш истаги кучайиб борарди.

Рид хоним бошини кўтарди-да, кўзи кўзим билан тўкнашиб, бармоқлари тикишдан тўхтади.

– Бу ердан чиқ, болалар хонасига бор, – деб буйруқ берди менга у.

Менинг қарашимми ёки бошқа бир нимами унга ёкмади шекилл, овозида, гарчи яширин бўлса-да, аммо титроқ бор эди. Мен ўрнимдан турдим-да, эшикка қараб бир неча қадам босдим, сўнг яна ортимга қайтдим-у, бутун хонани кесиб ўтганча, унинг ёнига келиб тўхтадим. Мени ҳаддан ортиқ таҳқирлашганини айтиб, исён кўтаришим лозим эди. Аммо қандай қилиб? Мен душманимга қандай ҳамла қила олардим, қўлимда қандай қуролим бор эди? Бутун кучимни бир жойга тўпладим-да, Рид хонимга тик боқиб бундай дедим:

– Мен ёлғончи эмасман! Агар ёлғончи бўлганимда, сизни яхши кўраман, деб айтган бўлардим. Аммо очигини айтиб қўя қолай: сизни

ёмон кўраман! Сиздан дунёдаги ҳар қандай одам, ҳатто Жон Риддан ҳам багтар нафратланаман! Ёлғончи қизалоқ ҳақидаги бу китобни эса кизингиз Жоржианага беринг, мен эмас, у ёлғончи!

Рид хонимнинг кўллари ҳамон иш устида тинч ётарди, у менга совук нигоҳини ташлаганди, гўё вужудим музлади-колди.

– Тугатдингми гапингни? – деб сўради у ёш болага эмас, катта ёшдаги ракибига гапиргандек оҳангда.

Бу кўз, бу овоз нафратим оловига ёғ куйгандай бўлди. Бошдан-оёғимгача титроқ турди-ю, кучли ҳаяжон ичида бундай деб давом этдим:

– Яхшиямки, сиз менга туғишган хола эмассиз! Энди бу ёғига ҳеч қачон, умрим бўйи сизни хола деб чақирмайман! Катта қиз бўлганимда ҳам, бирор марта сизни кўргани келмайман; агар бирор кимса мендан, сен холангни яхши кўрармидинг, у сенга қандай муомала қиларди, деб сўраса, унга, Рид хонимни эсга олишнинг ўзиёқ кўнглимни алағда қилиб юборади, у менга бешафқат ва адолатсиз муносабатда бўлган, деб айтаман!

– Бундай дейишга қандай ҳаддинг сиғади, Жен Эйр?

– Қандай ҳаддинг сиғади, дейсизми, Рид хоним? Қандай ҳаддим сиғишини сизга айттайми? Шунинг учун ҳам ҳаддим сиғадики, бари айтганларим – айни ҳақиқат! Сиз бу қизда ҳеч қандай туйғунинг ўзи йўқ ва унга зигирча бўлсин меҳр ва илтифот кўрсатиш шарт эмас, деб ўйлайсиз, аммо адашасиз. Мен бундай яшай олмайман; сиз раҳм-шафқат нималигини мутлақо билмайсиз. Сиз мени қизил хонага қамаб, устимдан кулфлаб кўйганингизни ҳеч қачон унутмайман! Ўла-ўлгунимча унутмайман, билдингизми?! Ўшанда мен даҳшат ва қўрқувдан ўлиб қолишимга сал қолди, кўзёшдан нафасим бўғилиб, “Рид хола, шафқат қилинг, шафқат қилинг!” – дея нақадар ўтиндим. Ўшанда сиз ёвуз ўғлингиз мени ҳеч бир сабабсиз урганига, полга отиб юборганига чидолмаганим учун шундай каттиқ жазоладингиз. Энди эса ким мендан сиз ҳақингизда сўраса, унга шунинг барини айтиб бераман. Одамлар сизни яхши аёл, деб юради, аммо ёмон аёлсиз, ёвуз қалб эгасисиз! Аслида, сиз ёлғончисиз!

Мен ҳали гапимни тугатмасимдан, қалбимни нотаниш ажиб туйғу эгаллай бошлади, бу – озодлик ва ғалаба туйғуси эди. Айни туйғуларнинг бош кўтариши, албатта, бежиз эмас эди: Рид хоним, афтидан, кўрқиб кетди-ю, тиззасидаги иши полга сирғалиб тушди; у қўлини кўтарди, ғалати типирчилади, юзи шундай буришиб кетдики, гўё хозир йиғлаб юборадигандек эди.

– Сен янглишяпсан, Жейн! Сенга нима бўлди? Нега бунақа титраяпсан? Сув ичишни хоҳлайсанми?

– Йўқ, Рид хоним.

– Эҳтимол сен бошқа нарсани хоҳларсан, Жейн? Ишон, мен сенга дўст бўлишга тайёрман.

– Йўқ, ёлғон! Сиз жаноб Брокльхерстга мени бадхулқ ва ёлғончи деб айтдингиз; мен эса бутун Ловудга сиз қанақа одамлигингиз-у, менга қандай муносабатда бўлганингизни айтаман!

– Жейн, сен тушунмаяпсан, болалар боодоб бўлиши керак.

– Мен ёлғончи эмасман! – дея жазавам тутиб бор овозда бақирдим мен.

– Сен ўзингни тутолмаяпсан, Жейн, буни тан ол! Энди болалар хонасига қайт. Ўзимнинг эсли қизалоғим бўл-да, ётиб, дамингни ол...

– Мен сизнинг эсли кизалоғингиз эмасман! Хонамга бориб ётишни ҳам хоҳламайман. Мен иложи борица тезроқ мактабга жўнатиб, Рид хоним, бу ерда қолишни асло истамайман!

– Чиндан ҳам, сени тезроқ мактабга жўнатмасам бўлмайди, – дея тўнғиллади Рид хоним тикаётган ишини кўтарганча, тез-тез юриб, хонадан чиқди.

Мен эса жанг майдонида ёлғиз қолдим. Бу менинг илк беомон жангим ва илк қувончли ғалабам эди. Бир неча сония ғолиблик нашидасини сурганча, тек туриб қолдим. Аввалига қалбимни ногоҳоний шодлик тўлдирди-да, яйраб қолдим, аммо бу ёввойи шодлик томиримда кўпирган қон қандай тез совуган бўлса, шундай дарров сўнди. Ҳеч қайси ёш бола менга ўхшаб катталар билан жангга кирмайди, кўксидоғи асов ғалаёнга бу тахлит эрк бермайди ва шу қилмиши ортидан виждон азобида қийналиб, афсус-надоматнинг муздек қаҳратонида тўнғимайди. Мен Рид хонимни айблаб, унга таъна тошлари отганимда юрагим худди гуриллаб, қутуриб ёнаётган саҳро кўрғони каби эди. Сукунат бағрида ярим соатча ёлғиз ўзим ўйлар гирдобидида қолгач эса, юрагим энди буткул ёниб, қулга айланган ўша саҳро кўрғонига ўхшаб қолди. Мен ўз қилғилигим ниҳоятда аҳмоқона иш бўлганини англадим, сенинг бошқалардан нафратланишинг ва бошқаларнинг сендан нафратланиши жуда оғир юк эди.

Мен қасоснинг ширин таъмини илк бор ҳис этдим: ўтқир мусалласга ўхшар эди у. Ичаётган пайтингда ширин таъм беради, таънангни ёқимли қиздиради, аммо ичиб бўлгач, оғзингда тахир таъм қолдиради ва бу кўнглингни алағда қилади.

Шу тобда Рид хонимдан жон деб узр сўраган бўлардим-у, аммо бир томони ожиз тажрибам, бошқа томони, савқи табиий билан сезар эдимки, у мени ўзидан янада ғазабга миниб итарган ва қалбимда яна ўша нафратни баттар қўзғатган эди.

Мен беаёв қоралашлардан кўра олийжаноброқ нарсага итоат этгим, қалбимда қаҳр-ғазаб эмас, меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотгим келди. Шунда кўлимга китоб олдим, бу араб эртақлари эди. Ўрнашиб ўтириб олдим-да, воқеалар ичига шўнғишга уриндим. Аммо китобдан бирор нимани тушунмадим, зеро, хаёлларим узоқ-узоқларда кезиб юрар, ҳар гал мени сеҳрлаб қўйган саҳифалар бу гал қалбим торларини чертмас эди. Шунда мен ўрнимдан турдим-да, ошхонанинг ойнаванд эшигини очдим. Ҳовлидаги буталар қилт этмас, на қуёш нури, на гўдак нафасича шабада бор. Қаҳратон совуқ бутун боғни асир этганди. Бошим ва елкамга қўйлагимнинг этагини қайириб ёпганча, боғнинг кимсасиз пучмоқларига боришга қарор қилдим; аммо, таассуфки, на сукутга чўмган дов-дарахтлар, на йўлимга тўкилган қарағай ғуддалари, на кузнинг чиркин қолдиғи – шамол супуриб тўплаган ва аёз исканжага олган қорамтир, курукшоқ барглари дилимни қувонтира олди. Боғ эшиги кесақисига суянганча, бўм-бўш ўтлокзорга тикилдим. Бу ерда энди қўй-қўзилар ўтлаб юрмас, нимжон майсаларни совуқ урган, қиров оққа бўяган эди. Ҳавонинг авзойи бузук, қулранг осмонни эса булут қоплаганди; бир-икки қор парчаси яхлаган сўкмоқ, дарахт ва буталарга келиб қўнарди. Бахтиқаро кизалоқ – мен эса буларни кузатганча, бир сўзни пичирлаб такрорлардим: “Нима қилсам экан? Нима қилсам экан?”

Шу тобда қўнғироқдек овоз янграб қолди:

– Жейн хоним! Қаердасиз? Нонуштага келинг!

Мен Бессининг овозини дарров танидим, аммо жойимдан кўзғалмадим. Йўлакда енгил кадам товуши эшитилди.

– Кулоксиз қиз! – деди у норози бўлиб. – Нега чакирганда дарров келмайсиз?

Мен хаёлга чўмиб турганимда, гарчи жихл билан бўлса-да, харқалай Бесси келиб қолгани кўнглимни кўтарди. Рид хоним билан тўқнашувим ва ғалабага эришувимдан кейин энагамнинг бир лахзада пов этиб ёниб-ўчадиган ғзаби мени ташвишга солмасди, бирдан унинг жўшқин хушчакчаклиги тафтида исингим келиб қолди ва унинг бўйнига кўлимни чирмаштирдим.

– Кўйинг энди, Бесси, мени койиманг.

Шу вақтгача унинг олдида ўзимни бундай оддий ва табиий тутмагандим, шундан бўлса керак, Бесси тўлқинланиб кетди:

– Жуда ғалати кизсиз-да, Жейн хоним, – деди у менга бошдан-оёқ кўз югуртириб, – қандайдир ажабтовур ва ёввойи кизсиз. Сизни мактабга бераётганлари ростми?

Мен бош ирғадим.

– Наҳот шўрлик Бессини ташлаб, бахузур кета олсангиз?

– Бесси билан нима ишим бор? Ахир, у мени нукул койийди-ку!

– Чунки сиз шунақа ғаройиб, хуркак ва тортинчоксиз. Сал дадилроқ бўлсангиз дуруст эди.

– Нега? Унда мени янаям кўпроқ хафа қилишарди-ку!

– Бекор гап! Аммо сизга зуғум бўлиб туриши бор гап. Ўтган ҳафта мени кўргани онам келди. У менга: “Бу қизалокнинг ўрнида ўзимнинг бирорта болам бўлишини хоҳламасдим”, – деди. Энди, юринг, уйга кирамиз. Менда сизга аталган яхши янгилик бор.

– Йўғ-ей, наҳотки, Бесси?

– Вой гўдак-ей! Бу билан нима демоқчисиз? Менга боқишингиз бирам маъюски! Майли, эшитинг: Рид хоним, ўғли ва қизларини олиб, тушликдан сўнг меҳмонга кетади, демак, сиз мен билан бирга чой ичасиз. Ошпаз аёлга айтаман, сизга ширин пирог пиширади. Сўнг менга буюмларингизни тайёрлашга ёрдамлашасиз. Ахир, ҳадемай уларни жомадонингизга жойлашимиз керак, шундай эмасми? Хоним бир-икки кундан кейин сизни Гейтсхэддан Ловурга жўнатмоқчи, сиз ўзингиз билан хоҳлаган ўйинчоқингизни олиб кетишингиз мумкин экан.

– Бесси, бу ердан кетгунимча мени койимасликка ваъда беринг!

– Бўпти, бўпти! Фақат сиз ҳам эсли қизалок бўлинг, яна мендан бошқа кўркманг! Сал зарда қилиб юборсам, дарров қалтираб қолманг; бу – менинг ғашимни келтиради.

– Аммо сиздан кўркмайман, Бесси, мен сизга ўрганиб қолганман; ҳадемай бутунлай бошқа одамлардан кўркишимга тўғри келар балки.

– Агарда сиз улардан кўрксангиз, улар сизни яхши кўрмай қўяди.

– Сизга ўхшабми, Бесси?

– Нега сизни яхши кўрмас эканманми, хоним? Қайтанга бошқа болалардан кўра сизга кўпроқ боғланиб қолганман!

– Негадир сезмаган эканман.

– Қаранг-а, шунақа айёр ҳам экансиз-да! Гап-сўзингиз ҳам бошқача бўлиб қолибди. Бундай жасурлик ва ғурур қаердан келди-а?

– Ахир, ҳадемай бу ердан кетаман, бундан ташқари... – Рид хоним билан орамизда бўлиб ўтган жангни айтиб қўйишимга бир баҳя қолди, аммо ўйлаб кўриб, бу ҳақда оғиз очганим маъқул деган қарорга келдим.

– Демак, мени ташлаб кетаётганингиздан хурсанд экансиз-да?

– Асло, Бесси. Ҳозир менга, ҳатто, қайғули...

– “Ҳозир” эмиш! “Ҳатто” эмиш! Бу хонимча шуларни бемалол айтяпти-я! Агар ҳозир мени бир ўпиб қўйинг деб сўрасам, шундай қилган бўлармидингиз? Балки йўқ, деб айтарсиз?!

– Сизни жон деб ўпаман, Бесси! Қани, бошингизни эгинг-чи!

Бесси хиёл энгашди, бир-биримизни бағримизга босдик; кўнглим енгил тортиб, унинг ортидан уйга кирдим. Бу кун тинчлик-омонлик, муроса-мадора билан тугади: Бесси менга ўзининг энг ажойиб эртақларини сўйлаб берди, энг гўзал қўшиқларини хиргойи қилди. Ҳатто менинг ҳаётимни ҳам куёш нури ёритгандек бўлди.

БЕШИНЧИ БОБ

Ўн тўққизинчи январь тонгида, соат энди бешга бонг урганда, Бесси хонамга шам кўтариб кириб келди. Бу пайтда мен уйкудан турган, кийиниб ҳам бўлган эдим. Мен Бессининг киришидан ярим соат олдин уйғониб, ювинган ва деразадан қуйилаётган ой нури ёруғида кийина бошлаган эдим. Мен Гейтсхэд дарвозаси ёнидан тонгги соат олтида ўтадиган файтунда жўнашим лозим эди. Ҳозирча фақат Бесси уйғонганди; у болалар хонасидаги каминни ёқди-да, менга нонушта ҳозирлашга киришди. Сафар хаяжонидан кўп болаларнинг томоғидан овқат ўтмайди, менда ҳам худди шундай бўлди. Бесси бир неча қошиқ қайноқ сут ичиб, бир бўлаккина нон ейишга мени кўндираман деб беҳуда уринарди. Аммо уринишлари зое кетишига ишонч ҳосил қилгач, бир неча печенъени қоғозга ўради-да, жомадонимга солиб қўйди. Сўнг пальто ва қалпоғимни кийишимга ёрдамлашди, ўзи эса катта рўмолни бошига ташлади-да, бирга-бирга болалар хонасидан чиқдик. Рид хонимнинг ётоғи олдидан ўтаётганимизда у мендан сўради:

– Хоним билан хайрлашгани ётоғига кирмайсизми?

– Йўқ, Бесси. Кеча сиз кечки овқатни тановул қилаётганингизда у каравотим ёнига келди-да, эрталаб уни ҳам, болаларини ҳам уйғотмаслигимни сўради, яна ҳар доим менинг энг яхши дўстим бўлганини айтди. Шунинг учун уни ҳурмат билан тилга олишим ва миннатдорлик билан эслашим лозим.

– Сиз унга нима деб жавоб бердингиз, хоним?

– Ҳеч нарса. Кўрпамни устимга тортиб, деворга ўгирилиб олдим.

– Яхши иш қилмабсиз, Жейн хоним.

– Йўқ, яхши иш қилдим, Бесси! Рид хоним менга сира дўст бўлмаган; у ҳар доим менга душман бўлган.

– Ундай деманг, Жейн хоним!

– Алвидо, Гейтсхэд! – дея қичқирдим биз долондан ўтиб, айвонга чиққанда.

Ой ботган, ҳар ёқ коп-қоронғи эди; Бесси фонус олиб чиқди, фонус нури намчил зиналар ва сўқмоқдаги шағал устида сирғалди. Жуда рутубатли ва совуқ эди бу киш тонги! Ҳовлини кесиб ўтаётганимизда тишларим та-

киллай бошлади. Қоровул хонасида чироқ ёниқ эди. Биз ўша ерга кирдик. Қоровулнинг хотини эндигина печкага ўт қалаган экан. Шу ерга кечқурун олиб чиқилган жомадоним чилвир билан боғланган ҳолда эшик олдида турарди. Олти бўлишига бир неча дақиқа қолганди, холос. Соат занг чалган заҳоти узокдан ғилдирак овози эшитилди. Мен эшикни очиб, кўчага қарадим: почта араваси фонуси зулматни ёриб шитоб яқинлашиб келарди.

– Бир ўзи кетадими? – сўради қоровулнинг хотини.

– Ҳа.

– Узокқами?

– Эллик миль.

– Анча йўл экан. Наҳотки хоним кўркмай шунча узок йўлга қизалокни ёлғиз жўнаётган бўлса?

Дилижон етиб келди. Мана, у дарвоза олдида турибди: унга тўртта от кўшилган, ичида анчагина йўловчи. Извошчи ва кондуктор бизни шошилтира бошлади; аввал жомадонимни ортишди; сўнг елкамдан маҳкам кучоқлаб, ўпичга кўмиб ташлаган Бессидан ўзимни ажратишди.

– Унга яхшилаб қаранг, эҳтиёт қилинг уни! – деб бақирди Бесси мени дилижон ичига олаётган кондукторга.

– Бўпти, бўпти, – деб жавоб берди у, сўнг эшик ёпилди-да, кимнингдир: “Ҳайда!” – деган овози янгради ва арава юриб кетди.

Мен Бесси ва Гейтсхэд билан ана шундай хайрлашдим, дилижон шамолдек елганча, мени, болаларча тасаввуримга кўра, жудаям олис ва сирли ўлкага олиб кетди.

Бу саёҳатдан озгина нарса эсимда қолган: ўша куни йўл ҳеч қачон тугамайдигандек, биз юзлаб миль масофани босиб ўтгандек туюлганди менга. Биз бир қанча шаҳарни босиб ўтгач, бир жойда дилижонга дам бериш учун тўхтадик; отлар аравадан бўшатилади, йўловчилар эса тушлик қилгани тушишди. Мени меҳмонхонага олиб боришди, кондуктор тушлик қилиб оласизми, деб илтифот кўрсатди. Ҳечам иштаҳам йўқлиги сабаб ўзим катта хонада ёлғиз қолдим. Бу хонанинг икки ёнида ҳам камин гуриллаб ёнар, шипда қандил товланиб турар, деворга чолғу асбоблари осиб кўйилган эди. Мен узок вақт хонанинг у ёғидан бу ёғига бориб-келиб юрдим. Юрагимни аллақандай тушуниксиз ваҳима чулғаб олганди: гўё ҳозир кимдир кириб келади-ю, мени ўғирлаб кетади, деб кўрқардим. Чунки бола ўғрилари бор эканига ишонар, Бесси ҳам улар ҳақида жуда кўп чўпчак айтиб берганди. Ниҳоят кондуктор қайтиб келди. Мени яна дилижонга ўтқазди. Кондуктор ҳам жойлашиб олгач, бурғу чалинди – извошимиз шаҳарнинг тош йўлидан юриб кетди.

Намчил, туманли кун шомга уланди. Кеч тушганда мен Гейтсхэддан жуда узоклашиб кетганимизни англадим: биз энди шаҳар оралаб юрмас, теваракда ўзгача манзара ҳоким эди: уфқ томонда кулранг тепаликлар кўзга ташланди. Қоронғилик янада қуюқлашди, дилижон ўрмонзор водийга эниб борарди, теваракни буткул зулмат қоплаганда ҳам мен анча вақтгача шамол дарахтлар оралаб шовуллаётганини эшитиб бордим.

Шу овоз билан кўзим илинибди. Аммо кўп ухлолмадим: дилижон таққа тўхтаганидан уйғониб кетдим. Кўзимни очсам, арава эшиги очик, пастда эса, хизматкор шекилли, бир аёл турибди. Фонус ёғдусида унинг юзи ва рўмолига боқдим.

– Ичингизда Жейн Эйр деган қизча борми? – деб сўради у.

Дархол “Бор”, деб жавоб бердим. Мени дилижондан туширишди, жомадонимни ерга қўйишди, извош эса юриб кетди. Узоқ вақт ўтирганимдан оёқларим увишиб қолган, муттасил шовқин ва силкинишдан қарахт бўлиб қолган эдим. Ўзимга келгач, атрофга қарадим: ёмғир ёғар, шамол эсар, зулмат босганди. Қаршимда эшик тургани, унинг очиклигини аранг илғадим, биз икковлон шу эшикдан ичкари кирдик, ҳамроҳим эшикни ёпди ва уни қулфлади. Шунда уйга, тўғрироғи, кўп уйларга кўзим тушди – иморат жуда узун бўлиб, унинг бесанок деразаларида чироқ ёниб турарди. Биз шағал тўкилган, сув ҳалқобланган кенг йўлак бўйлаб юриб бордик-да, уй эшиги ёнида тўхтадик. Ҳамроҳим мени долон бўйлаб эргаштириб борди-ю, каминда олов ёниб турган хонага олиб кирди ва шу ерда ўзимни ёлғиз қолдирди.

Мен яхлаган бармоқларимни оловга тутиб исинганча, хонани кўздан кечирдим: бу ерда шам йўқ эди-ю, аммо каминдаги олов ёғдусида гулкоғоз ёпиштирилган девор, гилам, парда ва кизил дарахтдан ясалган мебелни кўрдим. Бу қабулхона эди, у Гейтсхэддаги меҳмонхонага ўхшаб улкан ва серҳашам бўлмаса-да, лекин ҳар қалай шинамгина эди. Хонага шам кўтариб, бир аёл кирганида мен деворга осилган расмларни томоша қилиб турардим. Унинг ортидан яна бир аёл кўринди.

Аввал кирган аёл адл қоматли, қора кўз, қора қош, пешонаси кенг ва оппоқ бўлиб, катта рўмол ўраб олганди.

– Қизча бундай узоқ сафар учун ҳали жуда ёшлиқ қилади, – деди у қўлидаги шамни стол устига қўяркан. Сўнгра менга бир сония разм солди-да, бундай деб қўшиб қўйди. – Уни тезроқ ўринга ётқизиш керак. Афтидан, жуда толиққанга ўхшайди. Хўш, чарчадингми? – сўради у қўлини елкамга қўйиб.

– Озроқ чарчадим, хоним.

– Оч бўлса ҳам керак. Ётқизишдан олдин уни овқатлантинг, Миллер хоним. Ота-онангни биринчи марта ташлаб мактабга келишинг бўлса керак-а?

Мен ота-онам йўқ, деб айтдим. У қачон ўлишгани, ёшим нечадалиги, исмим нималиги, ўқиш-ёзиш, тикиш-бичишни билиш-билмаслигим ҳақида суриштирди. Сўнг кўрсаткич бармоғини ёноғимга оҳиста теккизиб, яхши қиз бўласан, деб умид қиламан, деди-да, Миллер хонимнинг қўлига топширди.

Бояги аёл чамаси ўттиз ёшларда, Миллер хоним эса ундан сал ёшроқ эди. Дастлабки аёл юзи, овози, нигоҳи билан менда кучли таассурот қолдирди. Миллер хоним эса тўпорироқ бўлиб, кизил ёноқли юзида ҳадик ва ташвиш акс этар, юриш-туришида ҳар хил тиғиз юмушларга ўралашиб қолган одамларга хос шошқалоклик бор эди. Мен дарров у ўқитувчи ёрдამчиси бўлса керак, дея тахмин қилдим, буни қарангки, тахминим рост бўлиб чиқди. У мени пала-партиш қурилган баҳайбат бинонинг у йўлагидан бу йўлаги, у хонасидан бу хонасига эргаштириб юрди; ниҳоят, биз бинонинг пашша учса овози эшитиладиган, юракни хит қилиб юборадиган сукунат чўмган бир қисмига етиб келдик-да, ғала-ғовур овозлар келиб турган узун, катта хонага кирдик. Хонанинг икки тарафига қарағайдан ясалган катта столлар қўйилган бўлиб, уларнинг устида бир неча шам ёниб турарди, стол атрофидаги стулларда эса тўққиз-ўн ёшдан то йигирма ёшгача бўлган бир талай қиз ўтирарди. Шамнинг ним ёруғида

қизлар менга жуда кўпдек кўринди, аслида эса, улар саксон нафардан ошмасди. Барчасининг эгнида эски бичимдаги малларанг жун кўйлак ва каноф матодан фартук бор эди. Ҳозир қизлар мустақил машғулот билан банд бўлиб, ҳар бири овоз чиқариб дарс тайёрлаганидан ғала-ғовур ҳосил бўлганди.

Миллер хоним имо-ишора билан менга эшик олдидаги ўриндиққа бориб ўтиришни буюрди, ўзи эса остонада турганча, каттиқ кичкирди:

– Катталар, дарсликларни йиғиб олиб, жойига элтиб қўйинг.

Тўртта баланд бўйли қиз ўрнидан турди-да, китобларни йиға кетди. Сўнгра Миллер хоним янги буйрук берди:

– Катталар, патнисларда кечки таомни келтиринг.

Яна ўша тўртта қиз чиқди-да, бир зумдан кейин патнис кўтариб қайтди. Патнисга қандайдир таом солинган тақсимчалар терилган бўлиб, ўртада кўзача ва кружка турарди.

Қизлар бир-бирига тақсимчаларни узатди, ким сув ичишни хоҳласа, кўзадан кружкага қуйиб ичди. Менга навбат етганда, мен ҳам сув ичдим, чунки жуда чанкаган эдим. Бироқ таомга қўл урмадим, ахир, чарчок ва хаяжон иштахамни бўғиб қўйган эди-да. Лекин таомга кўз киримни ташладим: бу – печкада сули ёрмасидан усти кизартириб пиширилган ва бўлақларга тилимланган бир емак эди.

Кечки овқат тановул қилиб бўлингач, Миллер хоним дуо ўкиди, сўнг қизлар жуфт-жуфт бўлиб юқори каватга кўтарилди. Ҳаддан зиёд толиққанимдан мен ҳатто ётоқхонамиз қанақа жойлигига ҳам қизиқмадим. Фақат у ҳам синф хонаси каби жуда узун эканини пайқадим, холос. Бугун мен Миллер хоним билан бир каравотда ётдим, у менинг ечинишимга кўмаклашди. Устимга кўрпани тортгач эса, бир сафга тизилган кўпгина каравотларни кўрдим – уларга қизлар тезгина иккитадан бўлиб ётиб олганди. Ўн дақиқадан сўнг охириги шам ҳам ўчирилди. Сукунат ва зулмат оғушида дарров ухлаб қолдим.

Туннинг қандай ўтгани билинмади, шу қадар чарчаган эдимки, ҳатто туш ҳам кўрмадим. Кечаси фақат бир марта уйғондим, ўшанда шамол гувраниб ўзини деворга урар, ёмғир шаррос қуяр, Миллер хоним эса ёнимда тичгина ухларди. Кейинги гал уйғонганимда эса жарангдор кўнғироқ овози қулоғимга чалинди; қизлар аллақачон уйғониб, кийиниб олган, кун хали ёришмаганидан икки-учта шам ёниб турарди. Мен эринибгина ўрнимдан турдим; жуда совуқ бўлганидан, қўлларим қалтирарди. Бир амаллаб кийиниб олдим-да, тоғора бўшаши билан юз-қўлимни чайидим. Тоғоранинг бўшаши анча кийин кечди, чунки олти кишига битта тоғора ажратилганди. Тоғоралар хона ўртасида қакқайган умивальниклар остида турарди. Яна кўнғироқ чалинди; қизлар жуфт-жуфт бўлиб, зинадан пастга, хира ёритилган совуқ синфхонага тушди. Миллер хоним яна дуо ўкиди.

– Ҳамма синфи бўйича турсин!

Бир неча дақиқа тўс-тўполон бўлиб кетди, Миллер хоним: “Жим! Тартибни сақланг!” – деб кичкирди. Охири низо-тўполон тугаб, қизлар тўртта стол атрофида тўртта ярим доира бўлиб турди. Ҳар бир қиз кўлида китоб ушлаб турар, ҳар бир столга ҳам каттакон китоб қўйилган эдики, бу афтидан Инжили шариф эди. Бир неча сония танаффус ҳукм сурди, баъзи қизлар бетўхтов пичирлаб сўзлашар, Миллер хоним эса синфма-синф юриб, уларни тинчлантиришга уринарди.

Яна узоқдан кўнғирок овози эшитилди-ю, хонага учта хоним кириб келди. Ҳар бири стол олдидаги ўз ўрнини эгаллади, эшик ёнидаги тўртинчисига эса Миллер хоним ўтирди. Бу стол атрофида энг ёш қизлар жамланган эди. Мени ҳам шу синфга олишди ва ярим доиранинг энг охирига турғизиб қўйишди.

Сўнгра машғулотга киришдик. Дастлаб кичик дуо ўқилди, ортидан Янги аҳддан баъзи парча мутолаа қилинди, охири Муқаддас Китобдан алоҳида бобларга ўтилди – бу бир соат давом этди. Шу вақт ичида кун ҳам ёришиб бўлди. Энди кўнғирок тўртинчи бор чалинди; қизлар саф бўлиб, нонушта қилгани бошқа хонага ўтишди. Ахийри тамадди қилиш имкони туғилганидан шундай қувондимки! Мен очликдан худди касалга ўхшаб қолган, чунки яқин орада ҳеч нима емаган эдим-да.

Ошхона катта-ю, аммо пастқам ва қоронғи эди. Иккита узун стол устида аллақандай иссиқ овқат заранг косаларда буғланиб турарди. Шу ондаёқ ундан таралаётган бадбўй кайфиятимни тушириб юборди. Димоғига шу ҳид кирган бошқа қизларда ҳам ялпи норозилик кайфияти сезилди. Олдинги қаторда турган юқори синф қизлари ўзаро шивирлашарди:

– Қандай расвогарчилик! Сулини яна куйдириб юборишибди!

– Жим бўлинг! – деган кичкирик янгради бирдан. Мен овоз келган томонга қарадим. Бу Миллер хоним эмас эди. У паст бўйли, қорачадан келган, пўрим кийинган, аммо ўзи хунуккина, катта ўқитувчилардан бири эди. Бу аёл столлар ортидаги жойлардан бирига викор билан ўтирди, тўлачадан келган яна бир аёл эса бу пайтда бошқа столга раисалик қиларди. Мен кечаги хонимни изладим, бироқ, афсуски, у кўринмасди. Миллер хоним ўша столнинг охиридан жой олди, менга ҳам шу ердан жой беришди. Ажнабий қиёфадаги кексарок аёл – мен унинг француз тили ўқитувчиси эканини кейинроқ билдим – яна бир столга бориб ўтирди. Узун бир дуо ўқилди, жўр бўлиб диний кўшиқ айтдик. Хизматкор аёл ўқитувчиларга чой олиб келгач, овқатланиш бошланди. Мен жуда очқаган ва ҳолсизланганим учун, таъмига ҳам қарамай, овқатдан бир неча қошиқ ютдим. Бироқ очлигим бироз тарқагач, захар чайнаётганимни ҳис этдим: куйган сули худди чирик картошкадек кўнгилни айнитарди. Шу жирканишдан ҳатто очлик ҳам ортга чекинди. Қошиқни косада айлантирганча, бошқа қизларни кузатаман: улардан баъзилари оғзига бир-икки қошиқ сули солиб, уни ютишга зўр бериб уринар, аксарияти эса косасини нарига суриб қўйган эди. Нонушта вақти тугади-ю, лекин ҳеч ким овқат емади. Биз емаган таомимизга шукрона келтириб, дуо ўқидик, яна диний кўшиқ куйладик-да, саф бўлиб, синфга қайтдик. Мен ошхонадан охирги бўлиб чиқдим, шу орада ўқитувчи косадаги сулидан татиётганини кўрдим. У бошқа ўқитувчилар билан кўз уриштириб олди, уларнинг юзида қаҳр акс этди, тўлачадан келган аёл шивирлаб бундай деди:

– Қандай қабихлик! Қандай шармисорлик!

Дарс орадан ўн беш дақиқа ўтгачгина бошланди. Унгача қизларга баралла ва эркин гаплашишга руҳсат этилди чоғи, улар бу ҳуқуқдан кенг фойдаланишди, оқибатда, синфни яна ғала-ғовур тутди. Сухбат асосан нонушта ҳақида борар, барча сулидан нолиб гапирарди. Вой, шўрликларей! Бу уларнинг ягона юпанчи эди-да. Синфхонада ўқитувчилардан фақат Миллер хоним бор эди. Унинг атрофида бир неча катта ёшли қизлар ўралашар, барчасининг юзи жиддий, жаҳл билан сўзлар эди. Уларнинг

баъзилари жаноб Брокльхерст номини тилга олгани кулоғимга чалинди. Миллер хоним уларга жавобан йўқ маъносида бошини чайқади, аммо у қизларнинг норозилигини босишга кўп ҳам уринмади, у қизларни иккига бўлиб қўйганди.

Синф хонасидаги соат тўққизга занг чалди; Миллер хоним катта қизлар орасидан чикиб, хона ўртасига борди-да, баланд овозда деди:

– Жим! Ҳамма жой-жойига ўтирсин!

Темир интизом ўз кучини кўрсатди: беш дақиқа ўтар-ўтмас қизлар ўртасида тартиб ўрнатилди, Бобил кий-чуви бостирилди. Катта ўқитувчилар ўз ўрнини эгаллади, аммо ҳамма бир нима бўлишини кутаётгандек эди. Хонанинг икки тарафи бўйлаб қатор тизилган ўриндиқларда саксонга қиз қаддини тик тутиб, қимир этмай ўтирарди. Бу жуда ажабтовур манзара эди: барча қизнинг сочи силлиқ қилиб орқага таралган, бирорта ҳам сочда жингалак кўзга ташланмас, эгнига бир хилда тик ва ёпик бурма ёкали жигарранг қўйлак кийган, ёнбошига каштачилик анжомлари солиб юрилувчи каноф сумка осиб олганди. Дарвоқе, бу сумка шотланд тоғлиларининг йўлхалтасини эсга соларди. Бундан ташқари ҳаммалари қалин жун пайпоқ ва тунока тўқаси бор боғичли кўпол бошмоқ кийиб олганди. Мен шундай кийинган тарбияланувчилар орасидан йигирматача бўй етган қизларни санадим. Улар аллақачон чинакам хонимлар бўлиб етишганди. Аммо бу либос уларнинг юзига сира мос тушмас, ҳатто энг ёқимтойини ҳам беўхшов қилиб кўрсатарди.

Қизларга разм солиш асносида ўқитувчиларни ҳам назардан қочирмадим: уларнинг биронтаси ҳам менга ёқмади; тўлачаси алланечук кўполроқ эди, қорамағизи эса жуда жаҳлдор кўринади, ажнабий хоним энгилтак ва кўрс, қизил-пушти ёноқли боёқиш Миллер хоним эса кўп машаққат чекканидан тинккаси қуриган аёл бўлиб кўринди. Нигоҳларим бир чехрадан иккинчисига сирғалган бир пайтда барча қизлар кўкқис ўрнидан ирғиб турди.

Қизик, бунга нима сабаб бўлди экан-а? Қизларга ҳеч қандай буйруқ берилмаганидан улар нега бирдан ўринларидан сапчиб тургани сабабини англолмадим. Аммо қизларнинг нигоҳи қадалган нуқтага бошимни бургач, дарров тушундим: ўша илк кун мен билан суҳбатлашган аёл турарди. У каминлардан бирининг олдида – синф хонасида иккита камин бўлиб, икковида ҳам олов гурилларди – икки қатор саф тортган тарбияланувчиларга хотиржам ва жиддий боқиб турарди. Миллер хоним унинг ёнига борди-да, ундан ниманидир сўради, жавоб олгач эса, жойига қайтиб, баланд овозда деди:

– Биринчи синф сардори, глобусни олиб келинг.

У буйруғи адо этилгунча, саф бўйлаб аста юрди. Мен баъзида одамларни ҳаддан зиёд кўкка кўтариб юбораман. Ўшанда ҳам бу аёлни нақадар мафтун бўлиб кузатганимни ҳалигача эслайман. Ҳозир, кун ёруғида у новча, хушқад, гўзал эканини кўрдим; узун киприқлар орасидан мурувват ила хотиржам боқувчи жигарранг кўзлари кенг, тик пешонасига ёрқинлик бағишлаб турарди; у замонларда силлиқ турмак ҳам, узун гажаклар ҳам урф эмас эди, бироқ унинг тим қора сочлари қўнғирроқ бўлиб, чаккасига тушиб турарди. Яна ўша замон урфига зид ўлароқ, бинафшаранг мовут қўйлагига қора бахмал ҳошия тикилган, белбоғида эса олтин соат осилиб турарди. (Ўша кезларда бундай соатлар ҳозиргидагидек

кенг тарқалмаганди). Агар ўқувчи буларга яна баъзи нафис жиҳатлари – оппоқ чехрасидаги рангпарвалик, киличдек адл қомат ва киборона хагти-ҳаракатларни ҳам қўшса, Темплъ хоним – Мария Темплнинг баркамол сиймосини кўз олдига келтиради. Бу аёл менга кейинроқ ўз ибодат китобини черковга элтиб беришни буюрганда, унинг исми Мария эканини унинг ички муковасидан ўқиб билдим.

Ловуднинг директор хоними (уни шундай деб аташарди) стол устига қўйилган икки глобус олдига ўтирганча, биринчи синфни тўплади-да, география дарсини бошлади; бошқа синфлар эса ўзга ўқитувчилар атрофига тўпланди; тарих, грамматика ва бошқа фанлардан дарслар давом эттирилди, сўнг эса Темплъ хоним катта ёшли бир неча қиз билан ҳуснихат, арифметика, мусиқа дарслари ўтди. Сабоклар бир соат-бир соатдан давом этарди. Ниҳоят, соат ўн иккига занг урганда, Темплъ хоним ўрнидан турди.

– Тарбияланувчиларга бир-икки оғиз гапим бор, – дея таъкидлади у. Темплъ хоним шу сўзларни айтганда, дарс тугаган ҳамоно дарров бошланган ғала-ғовур тинди. У бундай деб давом этди. – Бугун сизга жуда бемаза нонушта тортилибди. Уни ея олмай, оч қолгансиз, ҳойнаҳой. Мен сизларга нон ва пишлоқ беришларини буюрдим.

Ўқитувчилар Темплъ хонимга ҳайрон бўлиб боқишди.

– Бунинг учун жавобгарликни ўз зиммамга оламан, – деб қўшимча қилди у ва синфдан чиқди.

Нон ва пишлоқ шу ерга келтирилиб тарқатилди, ҳамма хурсанд бўлиб, тамадилланиб олди.

Сўнг эса “Бокқа!” деган галдаги буйруқ янгради. Ҳар бир тарбияланувчи гулдор сурп тасмали дағал похол шляпалари ва кулранг қалин тивит плашчларини кийди. Мени ҳам худди шундай кийинтиришди, мен ҳам қизлар сафида бокка чиқдим.

Боғ жуда баланд панжара билан ўралган эдики, унинг устидан атрофга мўралаш ҳеч иложсиз эди; боғнинг бир тарафида узун айвон кўзга ташланади, боғнинг қоқ ўртаси эса бир неча кичик гулхонага бўлинган бўлиб, уларни икки четига дарахтлар экилган кенг йўлак ўраб турарди. Ўша кичик гулхоналар тарбияланувчилар қарамоғида эдики, ҳар бир қиз ўз гулини ўзи парваришларди. Ёзда бу гулхоналар чечакларга бурканиб, жуда гўзал бўлиб кетса ажабмас, аммо ҳозир – январь адоғида бу жойга қаровсизлик ва тушкунлик ўз муҳрини босганди. Чор атрофга бокқанимда дилимни маъюслик қамради. Об-ҳаво ҳам сайрбоп эмас эди: гарчи ёмғир ёғмасда, бироқ кулранг туман кезар, кечаги ёмғирдан қолган ҳалқоб оёғимиз остида чилпиллар эди. Дуркунроқ ва соғломроқ қизлар югуриб, ўйнаб кетишди, аммо нимжон ва рангпар қизлар совуқдан паноҳ топиш илинжида айвон остида ғуж бўлиб олди, изғирин суяк-суякка бориб етганда эса кулоғимга бўғиқ йўтал овозлари ҳам эшитилди.

Мен ҳали ҳеч ким билан танишмагандим, афтидан, мен билан ҳам ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Мен бир чеккада ёлғиз ўзим турар, аммо бундан кўп ҳам хафа эмасдим, негаки, аллақачон ёлғизликка ўрганиб бўлгандим. Мен плашчимга маҳкам ўралиб олган қўйи, айвон устунларидан бирига суянганча, суяк-суягимгача зирқиратаётган изғирину қорнимни беомон таталаётган очликни ҳам унутиб, теваракни кузатар ва ўзимча ўй сурап эдим. Фикрим ғира-шира ва узук-юлуқ эди; мен ҳали ҳам қаерга тушиб қолганимни англай олмаётгандим. Гейтсхэд ва ундаги ўтмиш ҳаётим

жуда узокларда қолиб кетган, бугунги куним эса мубҳам ва нурсиз эди. Эртани эса ҳатто тасаввур қилишга-да қодир эмас эдим. Аввал худди монастирларники каби ҳилват шу боғни кўздан кечириб чиқдим, сўнг бир қисми эскириб, чўкиб қолган, бошқа тарафи эса яп-янги, мустаҳкам турган уйга назар ташладим. Ана шу яп-янги қисмда ётоқхона ва синфхоналар жойлашган бўлиб, уларнинг деразаси худди черковдаги сингари, ўксимон учли панжара билан қопланган эди, эшик ёнидаги тош лавҳага: “Ловуд болалар уйи. Бинонинг бу қисми фалон йили фалон графликдаги Брокльхерстхол мулки соҳибаси Наоми Брокльхерст хоним маблағига қайта тикланган”. “Сизнинг нурунгиз ҳам шундай порласин, токи улар хайрли ишларингизни кўрсин ва самовий Отангизни алқасин (Матто, V, 16)”, деб ёзиб қўйилган эди.

Мен бу сўзларни қайта-қайта ўқир ва уларнинг маъносига ҳали ақлим етмаслигини ҳис этардим. “Болалар уйи” деган сўзнинг маъноси устида бош қотириб, у билан Инжили шарифдан олинган иқтибос ўртасида боғлиқлик қидириб турган пайтимда, орқамда йўтал товуши эшитилди-ю, ўша тарафга ўгирилдим: яқинимдаги тош ўриндикда бир қизалоқ энқайиб ўтирар, у китоб мутулаасига бор вужуди билан шўнғиб кетганди. Турган жойимда китоб номини ўқидим: “Расселас”¹. Китоб номи менга ажабтовур туюлди, у шуниси билан диққатимни ўзига тортди. У яна бир саҳифани варақлай туриб, тасодифан бош кўтариб қаради, шунда мен ундан:

– Қизик китоб эканми? – деб сўрадим.

Ўзи китобни ўқиб бўлгач, менга ҳам бериб турармикан деб сўраган эдим.

– Менга маъқул, – деб жавоб берди у бироз сукут сақлагач, менга боқиб.

– Нима ҳақда ўзи? – деб сўрашда давом этдим мен.

Ўшанда ўзим танимаган қизга биринчи бўлиб сўз қотишга қандай журъат топдим, ҳали-ҳанузгача билмайман. Ахир, бу менинг табиатим, одатимга зид эди-да. Чамаси, менда унга нисбатан хайрихоҳлик уйғон эди. Зеро, мен ҳам китоб ўқишни севар, аммо фақат болаларбоп қизик ва соддаларигагина ақлим етарди. Жиддий ва оғир китобларга эса ҳали тишим ўтмас, тушунишга қийналардим.

– Хоҳласанг, мана кўр, – деди қизча менга китобни узатиб.

Китобни олиб, варақлаб кўрдим; унинг мазмуни сарлавҳасига қараганда қизикарсизроқ экан. Китоб менинг болаларча дидимга тўғри келмагани учун зерикарли туюлган эди, чунки, унда на парилар, на сеҳргарлар ҳақида сўз борарди, биронта ҳам расми йўқ саҳифалардан эса мароқли бирор нарса топиш мушқул эди. Китобни эгасига қайтардим, у жимгина олди-да, яна ўқишга чоғланганди, мен тагин саволга тутиб қолдим:

– Илтимос, менга тушунтириб берсанг, эшик ёнига нега тошлавҳа қўйилган, “Ловуд болалар уйи” дегани нима ўзи?

– Бу сен ўқийдиган мактабнинг номи.

– Нега у “Болалар уйи” деб аталади? Бошқа мактаблардан фарқи борми унинг?

– Бу – худди етимхонага ўхшаш бир жой. Сен ҳам, мен ҳам, бошқа қизлар ҳам бу ерда хайру эҳсонга яшаймиз. Сен ҳам етим бўлсанг керак? Ота-онанг вафот этганми?

¹ “Эфиоп шахзодаси Расселас киссаси” – олим ва мунаққид, инглиз тилининг изоҳли луғати муаллифи Сэмюэл Жонсон (1709–1784) романи.

- Иккови ҳам аллақачон вафот этган.
- Бу ердаги ҳамма қизларнинг ё ота, ё онаси ўлган. Баъзилари на ота, на онасини эслайди. Бу – етимлар тарбияланадиган уй.
- Наҳотки биз пул тўламасак? Наҳотки текинга ўқитишса?
- Бизнинг дўст ёки яқинларимиз йилига ўн беш фунт тўлайди.
- Нега унда “хайру эҳсонга” деяпсан?
- Чунки ўша ўн беш фунт бу ерда яшаб, ўқишимиз учун жуда камлик қилади. Қолгани эса хайру эҳсон ҳисобидан қопланади.
- Хайру эҳсонни кимлар қилади?
- Ҳар хил хонимлар ва жаноблар – шу ерликлар ҳам, лондонликлар ҳам.
- Наоми Брокльхерст-чи, у ким?
- Бу хоним, тошлавҳада ёзилганидек, бинонинг янги қисмини тиклаб берган. Бу мактабни унинг ўғли бошқаради.
- Нега?
- Чунки у ғазначи ва директор.
- Демак, бу ер бизга нон ва пишлоқ тарқатишни буюрган ҳалиги баланд бўйли хонимга тегишли эмас экан-да?
- Темпль хонимми? Эй, йўқ! Қанийди, унга тегишли бўлса! У ҳар бир босган қадами ҳақида жаноб Брокльхерстга ҳисобот беради. Бизга озиқ-овқат, кийим-кечакни жаноб Брокльхерстнинг шахсан ўзи сотиб олади.
- Уям шу ерда яшайдими?
- Йўқ, бу ердан икки миль нарида катта ҳовли-жойи бор.
- Ўзи яхши одамми?
- У руҳоний падар. Айтишларича, жуда кўп савоб ишлар қилармиш.
- Демак, баланд бўйли хонимнинг номи Темпль экан-да?
- Ҳа.
- Бошқа ўқитувчиларнинг номи-чи?
- Анави қизил ёноқлисини Смит хоним, деб чақирришади; у бизни тиқиш ва бичишга ўргатади – ахир, биз ўз кўйлак, юбка, пайпоқ – бари-барини ўзимиз тикамиз; паст бўйли, қорачадан келгани – Скетчерд хоним, у тарих ва грамматикадан дарс беради, иккинчи синфга уй вазифаларини бажартиради, манави елкасига шойирўмол ташлаб, сариқ тасма белбоғига дастрўмол қистириб юрадигани – Пьеро хоним, у Лиллдан, Франциядан, ўзи ҳам француз тилидан дарс беради.
- Бу муаллималар сенга ёқадими?
- Ҳа, нолимайман.
- Анави паст бўйли, қорачаси ҳам ёқадими? Яна анаваси, ҳа-я, исминини нима деб айтувдинг?
- Скетчерд хонимми, у – жуда жаҳлдор, Пьеро хоним, умуман, тузук...
- Бироқ ҳеч бири Темпль хонимнинг олдида тушмайди, тўғрими?
- Ҳа, Темпль хоним жуда меҳрибон, жуда ақлли; у бошқалардан бир поғона юқори туради, у ҳаммасидан ҳам билимдонроқ.
- Бу ерга келганингга анча бўлдимми?
- Икки йил.
- Сен ҳам етиммисан?
- Ҳа, менинг онам қазо қилган.
- Бу ер ёқадими сенга?

– Оббо, жуда кўп савол берар экансан-ку! Сенга шунча жавоб кайтарганим етар. Энди эса ўқимоқчиман!

Бироқ шу он тушликка қўнғироқ чалинди-ю, барча яна мактабга қайтди. Ошхонани тутган ҳид нонуштада димоғимизни ачиштирган ҳиддан тузук эмас эди. Тушликни бир жуфт катта қозонда келтиришди, улардан чўчка ёғининг тахир ҳиди аралаш буғ кўтарилиб турарди. Бу бўтқа бемаза картошка ва сасиган гўштдан тайёрланганди. Ҳар бир қизга косасини тўлдириб, овқат сузилди. Ўзимни мажбурлаб, уни еяр эканман, наҳот, бизни ҳар куни шунақа овқат билан боқишса, дея ўйлардим.

Тушлик тугаши билан синфхонага қайтдик. Дарслар соат бешга қадар давом этди. Бугунги окшомдаги ягона диққатга сазовор воқеа шу бўлдики, мен айвонда гаплашган анави қизчани Скетчерд хоним тарих дарсидан маҳрум қилди ва хона ўртасига турғизиб қўйди. Каттагина қизга шундай жазо берилгани менга шармандалиқ бўлиб туюлди, чунки бўй-бастига караганда қизнинг ёши ўн учдан кам эмасди. У уят ва аламдан йиғлаб юборса керак, деб кутгандим, аммо мени лол қолдириб, йиғламади, ҳатто қизармади ҳам. Барча қизларнинг ўзига қадалган нигоҳи остида у синф ўртасида бемалол ва жиддий турарди. “У бундай вазминлик ва иродани қаердан олдийкин? – деб сўрадим ўзимдан. – Унинг ўрнида бўлганимда, ер ёрилса-ю, ерга кириб кетсам, деган бўлардим. Қиз эса ўзини гўё жазога умуман алоқаси йўқ одамдек, шу синфхонадан жуда олис нарсалар ҳақида ўй сураётгандек қилиб кўрсатарди. Мен ўнгда ҳам туш кўриш мумкинлиги ҳақида эшитгандим, эҳтимол у ана шундай туш кўраётгандир? Гарчи нигоҳи ерга қадалган бўлса-да, у ҳеч нарсани кўрмаётганига амин эдим. Бу нигоҳ ичкарига, қалбининг туб-тубига қадалган эди; у гўё ўз хотираларига шўнғиган-у, синфхонада нималар бўлаётганидан мутлақо беҳабар эди. Шу тобда у ўзи эсли қизми ёки тентакми, буни шунақаям билгим келардики!

Соат бешдан сўнг бизни яна таомлантиришди – ҳар бир қизга жажжи финжонда қаҳва ва бир бурдадан қора нон беришди. Мен нон ва қаҳвани ютоқиб едим, агар яна бўлсам, худди шунча ердим, негаки, қорним ҳечам тўймаган эди. Ярим соатлик танаффус ўтгач, яна машғулотлар давом этди. Сўнгра бизга бир стакандан сув ва бир бўлакдан сули кулчаси беришди. Охири дуо ўқидик-да, уйкуга ётдик. Ловуддаги биринчи куним ана шундай ўтди.

ОЛТИНЧИ БОБ

Кейинги кун ҳам аввалгисидек бошланди, – биз уйқудан туриб, шам ёруғида кийиндик; аммо юз-қўлимизни чаёлмадик. Чунки обдасталарда сув музлаб қолганди. Кеча тунда ҳаво ўзгарган, деразалар тирқишидан кирган шамол хуштак чалиб чиққан, биз совуқда титраб, аранг тонг оттирган, обдасталардаги сув ҳам яхга айланганди.

Муқаддас китоб ўқиб Худога илтижо қилишга кетган бир соат ичида таёқдек қотиб бўлдим. Ниҳоят, нонушта вақти етиб келди, бу гал сули бўтқаси ҳайрият куйиб кетмаганди; ҳар тугул ирганмай еса бўларди, аммо косага оз-оздан сузилганди. Менинг косамдагиси ҳам шунчалик кам эдики, қани яна бўлса, шунинг иккитасини еган бўлардим.

Шу куни мени тўртинчи синф қизлари сафига қўшишди. Мен ҳам энди машғулотлар тартибига сўзсиз риоя қилишим лозим эди. Шу пайтгача мен

Ловуддаги воқеа-ходисаларнинг атиги кузатувчиси эдим, энди эса унинг иштирокчиси бўлишим тақозо этиларди. Мен ёдлашга кўникмаганим учун аввалига дарслар жуда қийин ва адоксиздек туюлди; бир дарс ортидан бошқаси келиши ҳам кишини холдан тойдирарди. Ниҳоят, соат учларда Смит хоним кўлимга икки бўлак узун дока, ангишвона, нина ҳамда ип тутқазиб, синфхонанинг бир четига бориб ўтиргин-да, доканинг четини қайтариб тикиб кел, деб буюрганида жуда қувониб кетдим. Бу пайт кизларнинг кўпчилиги қўл меҳнати билан машғул бўлиб, фақат биригина синф кизлари Скетчерт хонимнинг теграсида турарди. Қизлар китоб мутолаа қилар, хонада тартиб ҳукм суради. Мен қизларнинг ўқишига қизиқиш билан қулоқ тутиб, у ёки бу қиз қандай жавоб бераётгани-ю, Скетчерд хоним нега уларни сўкаётгани ёки мақтаётганини кузатиб ўтирардим. Бу – Англия тарихи дарси эди; синфда ўзим кечагина танишган дугонам ҳам борлигини кўрдим: аввалига у қизлар орасида биринчи ўринни эгаллади, аммо кейин қайсидир сўзни нотўғри талаффуз этганими ёки хаёли қочиб ўтирганими учун охириги ўринга тушириб қўйилди.

Шундан кейин ҳам Скетчерд хоним уни тинч қўймади, у боёқишга ҳадеб ундоқ ёки бундоқ танбехлар бериб турди.

– Бернс (чамаси, бу қизнинг фамилияси бўлиб, бу ерда ҳам худди ўғил болалар мактабидагидек, қизларга ҳам фамилиясини айтиб мурожаат қилишарди), Бернс, яна оёғингни ёнга чиқаряпсан; пайпоғингни ҳозирок шимариб қўй! – Бернс, яна энгагингни олдинга чўзяпсан! – Бернс, бошингни тўғри тутишингни талаб қиламан. Менинг олдимда бундай туришингга рухсат бермайман! – ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Зарур боб икки марта ўқилгач, ўқитувчи китобни ёпишни буюрди ва кизлардан сўрай бошлади. Сухбат Карл Биринчининг қироллиги хусусида борар, саволлар кемаларга қанча юк ортилгани, молларга қанча бож тўлангани, умуман, божхона қонун-қоидалари қандай бўлгани ҳақида эдики, аксарият қизлар уларга жавоб топиши амримаҳол эди; бироқ ўқитувчи Бернсга, қани сен айт-чи, деганда қиз осонгина жавоб берарди: унинг зехни, чамаси, дарс мағзини дарров чакиб олар, унда ҳар бир саволга жавоб тайёр турарди. Мен Скетчерд хоним уни албатта олқишласа керак, деб кутгандим, аммо бунинг ўрнига у қизга бирдан бакириб қолди:

– Искирт, жирканч қиз! Бугун эрталаб ҳатто тирноғингни ҳам тозаламабсан!

Бернс мени таажжубда қолдириб, лом-лим демади.

“Нега у сув музлаб қолгани учун юз-қўлини юва олмагани, тирноғини ҳам тозалай олмаганини айтмайди?” – деб ўйлар эдим мен.

Бироқ диккатимни Смит хоним бўлди, у чувалашган ип ўрамини ушлаб туришимни сўрарди. У ипни ўрар экан, бот-бот менга савол ташлаб қўярди: бу мактабга келгунимча бирор ерда ўқиганманми, тикиш, тўқиш ва ҳоказоларни биламанми?.. Шу иш тугамагунича, мен Скетчерд хонимни кузатиш имконидан маҳрум эдим; ниҳоят, ўз ўрнимга қайтиб борганимда Скетчерд хоним Бернсга мен маъносини чақолмаган қандайдир топширик берди – қиз дарров синфдан чикиб, китоблар сақланувчи казнокқа борди ва бир дақиқа ҳам ўтмай, у ердан бир боғ хивич олиб қайтди. Бу жазо қуролини у эҳтиромли таъзим ила Скетчерд хонимга узатди, сўнг вазминлик билан буйруқни ҳам кутмай, фартугини ечди, Скетчерд хоним ўша хивич дастаси билан унинг очик бўйнига бир неча марта

каттик урди. Бернснинг кўзига бир томчи ҳам ёш қалқимади. Вахоланки, мен бу томошадан қахру ғазабга миниб, бармоқларимга титроқ кирган, тикишни ҳам тўхтатган эдим. Бернснинг юз ифодаси эса ўзгармас, у ўша маъсум ва ўйчан киефасида турарди.

– Қайсар қиз! – деб қичқирди Скетчерд хоним. – Сенга ҳеч ҳам эс кирмади-кирмади! Полпис! Олиб бор хивичларни!

Бернс буйрукни итоаткорона адо этди. У казноқдан қайтганда, унга разм солдим: у дастрўмолини чўнтагига яширди, озгин ёнокларида кўзёш изи колганди.

Оқшом олдидан бир соат ўйнагани рухсат этилди. Шу кундан у мен учун Ловуддаги энг ёқимли соат бўлиб қолди. Соат бешда улашилган бир бурда нон ва бир финжон қаҳва, гарчи қорнимизни тўйдирмаса-да, ҳар қалай узундан-узун ўқув соатларида зўриқиб кетказган кучимизни тиклашга ёрдам берарди. Синфхона эргалабқидан анча иссиқ эди, чунки каминда олов гуриллаб ёнар, зотан, унинг ёғдуси шам ўрнини ҳам босар эди. Қизғиш-сарғиш оловнинг лип-лип этган шуъласи, қизларнинг бири кўйиб, бири сўзлаши бизлар ташна бўлган озодлик мухитини ифодаларди. Скетчерд хоним Бернсни хивич билан жазолаган ўша кун оқшомда мен, одатдагидек, паргалар, столлар, тўп-тўп бўлиб кулганча бижиллаётган қизлар оралаб юрар, бирорта ҳам дугонам бўлмаса-да, ўзимни ёлғиз ҳис этмасдим. Дераза ёнидан ўтар чоғда гоҳ-гоҳ пардани кўтариб, ташқарига қарардим: лайлак қор ёғар, дераза ости қалин қор билан қопланган эди; мен қулоғимни ойнага босиб, синфхонадаги қувноқ ғалағовур ичидан боғда шамолнинг ҳеч тасалли топмай, нуқул уввос тортишини ажрата олардим.

Агар мен қайноқ оила оғуши ва ота-она меҳрини туйганимда эди, албатта, ҳозир айрилиқ азобида қийналаётган бўлардим; эҳтимол, шамол менинг юрагимга ғам-ғусса олиб кирган, уни алғов-далғов қилиб юборган бўларди. Шу тобда мени алаҳлашга ўхшаш ғалати ҳаяжон қамраб олганди; мен шамол янада қаттик уввос солиши, ғира-ширалик тезда қуюқ зулматга айланиши, теграмдаги ғала-ғовур очик-ошкор итоатсизликка эврилишини истардим.

Стуллар устидан ҳатлаб, столлар тагидан эмаклаб, камин олдига бордим-у, Бернсни кўрдим. У каминнинг баланд панжараси олдида тиз букиб ўтирар, бу хонада юз бераётган воқеалардан буткул ўзилганча, оловнинг хира шуъласида китоб ўқишга шўнғиб кетганди.

– Ҳалиям “Расселас”ни ўқияпсанми? – деб сўрадим унинг ёнида тўхтаб.

– Ҳа, – деб жавоб берди у, – ҳадемай тугатаман.

Беш дақиқадан сўнг у китобни ёпди. Мен хурсанд бўлиб кетдим.

– “Балки, энди уни суҳбатга тортса бўлар”, деб ўйладим мен ва унинг ёнига ўтирдим.

– Исминг нима?

– Элен.

– Бу ерга узоқдан келганмисан?

– Шимолдан, салкам Шотландия чегарасидан.

– Ўз юртингга қайтгинг келадими?

– Олдиндан айтиш қийин, аммо умид қиламан.

– Ловуддан кетгинг келса керак-а?

– Йўқ! Нега энди? Мени Ловудга илм олсин, деб жўнатишган. Шу ниятга етмай туриб, уйга қайтишдан нима маъно?

– Лекин, анави муаллима – Скетчерд хоним сенга зуғим қияпти-ку?

– Зуғум дейсанми? Ҳечам-да. У атиги қаттиққўл: менга айбларимни кўрсатяпти, холос.

– Сенинг ўрнингда мен бўлсам, ундан нафратланган, унга бўйсунмаган бўлардим. Қани, менга тегиб кўрсин-чи! Унинг қўлидан хивичларни тортиб олиб, шундоқ бурни тагида синдириб ташлайман.

– Менимча эса сен ҳеч нарса қилмасдинг, агар қилсанг ҳам, жаноб Брокльхерст сени шу куниёқ мактабдан ҳайдарди. Бу қилмишинг қариндошларинга қанчалик азият етказишини биласанми?! Яқинларингга зарба бўлиб тегадиган аҳмоқона қилғилиқдан кўра, фақат ўзинггина азобланадиган бу зуғумга сабр билан чидаганинг афзал эмасми? Инжили шариф бизни ёвузликка ҳам эзулик билан жавоб қайтаришга чақиради.

– Аммо сени шунча қизнинг олдида хона ўртасига турғизиб қўйиш ёки савалаш – таҳқирлаш-ку! Ёш қизча эмассан, ахир! Мен сендан ёш бўлсам-да, бунга чидолмас эдим.

– Барибир, сабр қилиш – бизнинг бурчимиз, чунки сабрдан бошқа нажот йўқ; фақат нодон ва иродасизларгина “Бундан азобни кўтара олмайман”, деб тугён қилади, ваҳоланки, бу – уларнинг манглайига битилган тақдир ёзиғидир.

Мен уни ҳайратланганча тинглардим: чунки ўшанда бу итоаткорлик фалсафасини англашга кодир эмас эдим, қолаверса, Элен ўз дилозорига кўрсатган бўлган бу марҳаматни тушунишга ҳам, маъқулашга ҳам ожиз эдим. Бирок, ҳайтовур, Бернс ҳаётга менга номаълум бир нуқтаи назардан қарашини фаҳмладим. Ҳатто, балки у ҳақдир, мен эса адашаётгандирман, деган иккиланиш ҳам пайдо бўлди, аммо бу ҳақда чуқур ўйлаб кўришга хафсалам келмади-ю, шунинг ҳам мавриди келиб қолар, деган қарорда тўхтадим.

– Элен, сен баъзи айбларим бор дединг. Сенда қандай айб бўлиши мумкин? Менимча, сен жуда яхши қизсан-ку!

– Мана, сенга илк таассуротга асосланиб хулоса чиқармаслик зарарлигига исбот: Скетчерд хоним мени исқирт деди, ростдан ҳам ўз буюмларимни ҳеч батартиб тута олмайман. Яна жуда беғамман, қоидаларга амал қилмайман, дарс тайёрлаш ўрнига нуқул китоб ўқийман, ҳар бир ишимда палапартишлик кўриниб қолади, гоҳи-гоҳи эса худди сенга ўхшаб, ҳеч қандай тартиб-қоидага тоқатим йўқ, деб нолиб қоламан. Булар эса табиатан саришта, пухта ва талабчан Скетчерд хонимни ғазабга миндиради.

– У бундан ташқари баджаҳл ва бешафқат ҳам, – деб қўшимча қилдим мен. Аммо Элен фикримга қўшилмади; лом-лим демади.

– Ахир, Темпль хоним ҳам Скетчерд хонимдек талабчан-ку?

Мен Темпль хоним номини тилга олганимда қизнинг жиддий юзига табассум ёйилди.

– Темпль хоним – жуда меҳрибон, у мактабимизнинг энг беадаб қизига ҳам қаттиққўл бўлиши қийин. У мен бирор ёмон иш қилсам, мулоимлик билан дакки беради. Бирор яхши иш қилсам эса, мақтовни ҳам қизганмайди. Мана шу ҳам менинг қулоқсизлигимга яна бир исбот. Ҳатто Темпль хонимнинг шундай беозор, шундай оқилона даккилари ҳам мени

иллатлардан ҳоли қилолмайди; унинг ўзим жуда қадрлайдиган мақтовлари мени ҳам ҳар доим батартиб ва зийрак бўлишга мажбур этолмайди.

– Қизиқ, – дедим мен, – нахотки бу шунчалик кийин бўлса?

– Сенга, албатта, осон бўлади. Сени бугун эрталаб синфхонада кузатдим: сен жуда зийрак киз экансан. Сен Миллер хонимнинг дарсида бир дақиқа ҳам диққатингни бўлмадинг. Менинг хаёлларим эса ҳар доим қаерлардадир кезиб юради. Мен Скетчерд хонимга қулоқ тутишим, унинг сўзларини эслаб қолишим керак, лекин баъзида ҳатто овозини ҳам эшитмайман; гўё ўнгимда туш кўргандек бўламан. Гоҳо ўз юртим – Нортумберлендда юргандек ҳис этаман ўзимни, қулоғимга эшитилаётган овозлар эса Дипдиндаги уйимиз ёнидан оқиб ўтувчи жилғанинг жилдираши бўлиб туюлади. Ўшанда менга савол бериб қолишса, жавоб қайтаришдан олдин уйғонишим керак, бироқ, афсуски, жилғанинг жилдирашидан бошқа ҳеч қандай овозни эшитмаганим учун нима деб жавоб беришни билмай қоламан.

– Бугун шунақаям яхши жавоб бердингки!

– Бу мутлако тасодиф; биз ўтган мавзу мени қизиқтириб қўйганди. Бугун Дипдин ҳақида хаёл суриш ўрнига, эзгу ниятли одам қандай қилиб Карл Биринчидек ноҳақлик ва енгилтаклик қилиши мумкин, дея ўйлаб ўтирдим. Шундай ажойиб, ҳалол одам киролик ҳақ-ҳуқуқидан бошқа ҳеч нарса ҳақида билишни истамаганига ачиндим; агар у янада одил ва доно бўлса, замон руҳига қулоқ тутса, қандай саз бўларди! Лекин менга, барибир, бошини кундага қўйган шўрлик киролик Карл ёқади, унга раҳмим келади. Шу ҳолида ҳам у душманлари аълорок эди: уларнинг гарчи бунга ҳаққи бўлмаса-да, барибир, қон тўкишди. Уни қатл эттиришга қандай журъат этишдийкин!

Назаримда, Элен ўзи билан ўзи гаплашмоқда эди. Мен унинг фикрларини қийналиб уқаётганимга ҳам парво қилмасди – ахир, мен у фикр юритаётган фожиа ҳақида дэярли ҳеч нарса билмас эдим-да! Шу сабаб гапни ўзимни қизиқтирган мавзуга бурмоқчи бўлдим.

– Темпль хоним дарс ўтаётганида ҳам хаёлларинг қаердадир дайдиб юрадими?

– Албатта, йўқ, ахён-ахёнда, демаса. Чунки Темпль хоним ҳар доим ўз хаёлларимдан ҳам қизиқроқ бирор янгиликни топиб айтади: унинг дарсини тинглаш марокли, аксар ўзим кўпдан бери билишни хоҳлаган нарсалар ҳақида гапиради.

– Демак, Темпль хонимнинг дарсида ўзингни боодоб тутасан?

– Лекин бу беихтиёр юз беради: Мен ўзимни бунга мажбур қилмайман, шунчаки ўз майлим ортидан эргашаман, холос, демак, бунда менинг заррача хизматим йўқ.

– Йўқ, бунда катта хизматинг бор. Сенга ким яхши муносабатда бўлса, сен ҳам унга яхши муносабатдасан. Менимча, ўзи худди шундай бўлиши керак ҳам. Агар одамлар ҳар доим золим ва ноҳақ кимсаларга бўйсунса эди, бундайлар дунёни ўз хоҳлаган кўйига соларди: ёвуз одамлар ҳеч нарсадан кўркмай, ўз кирдикорларида давом этар, ҳаёт кундан-кун баттар ва яна баттар бўлиб бораверарди. Агар бизни сабабсиз қалтаклашса, биз ҳам уларга зарба билан жавоб қайтаришимиз керак, ишончим қомилки, ана шунда улар бизга қўл кўтармайдиган бўлади.

– Улғайгач, бу фикрлардан воз кечасан хали. Ҳозир эса ёш кизалоқсан, шунинг учун жўн фикрлайсан.

– Аммо борим шу бўлса, нима қилай, Элен. Мен кимнингдир кўнглини олай деб ҳарчанд уринсам-у, у эса мендан нафратланишда давом этса, наҳот шунда ҳам ундан нафратланмаслигим керак бўлса?! Бу худди бизни севган одамни биз ҳам севишимиз ёки бирор айб қилиб қўйсақ, бунинг учун жазо олишга кўнишимиздек табиий нарса-ку!

– Зўровонлик билан нафратни бостириб бўлмайди, интиқом билан ҳам адолатсизликни енгиш иложсиз.

– Нима билан енгилиш мумкин унда?

– Янги Аҳдни ўқи-да, Масих нима дейгани-ю қандай йўл тутганига диққат қил.

– Нима деган у?

– “...душманингизни севинглар, Сизни лаънатлаганларни дуо қилинглар. Сиздан нафратланганларга яхшилик қилинглар”, деган.

– У ҳолда, мен Рид хонимни севишим керак экан-да! Лекин бу менинг кўлимдан келмайди! Мен унинг ўғли Жонни дуо қилишим керак экан-да! Аммо буниям сираям иложи йўк.

Шунда Элен Бернс ҳам мендан ўзим ҳақимда гапириб беришимни сўради. Мен унга ўз бошимдан ўтказган барча азоб-уқубатларни бирма-бир ҳикоя қилмай бердим. Мен ҳаяжон ва изтироб билан сўзладим, ҳеч нарсани яширмадим ҳам, ҳеч нарсани хаспўшламадим ҳам.

Элен мени охиригача сабр билан эшитди. У менга балки эътироз билдирар, деб кутдим, аммо Элен лом-лим демади.

– Хўш, кани айт-чи, – деб бетоқат сўрадим мен, – наҳот бу хонимни тошюрақ, ёвуз деб бўлмаса?

– Дарҳақиқат, у сенга бешафқатлик қилган. Аммо худди менинг феъл-атворим Скетчерд хонимга ёқмаганидек, унга ҳам сенинг феъл-атворинг ёқмаган. Қизиқ, сен унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ситамини майда-чуйдасигача эслаб қолгансан. Ажабо, унинг адолатсизлиги сени шунчалар ғазаблантирган-а?! Менга эса ноҳақлик бунчалар қаттиқ таъсир қилмайди. Рид хонимнинг сенга кўрсатган шафқатсизлиги-ю унга нисбатан қалбингда уйғонган нафратни унутсанг, эҳтимол ўзингни бахтлироқ хис қилармидинг?

Элен шундай деганда, унинг ҳар доим сал эгик турадиган боши яна қуйроқ тушди. Англадимки, энди суҳбатни давом эттиргиси йўк. У яна ўз хаёллари билан ёлғиз қолмоқчи. Бироқ Эленни бу гал хаёл суришга қўйишмади: юқори синфнинг дароз ва бетамиз қизларидан бири унинг ёнига келди-да, кемберленд лаҳжасида кўпол оҳангда бундай деди:

– Элен Бернс, агар ҳозирок ўз кутингни тартибга солмасанг ва кашталарингни унга жойламасанг, Скетчерд хонимни чақириб, сенинг таъзинингни бердиртираман!

Эленнинг хаёллари тарқади. У чуқур нафас олди-да, буйруқни дарҳол бажариш учун итоаткорона ўрнидан турди.

Ловудда ўтган дастлабки уч ой менга худди бир асрдек туюлди, аммо уни асло олтин аср деб атаб бўлмасди. Бу ердаги тартиб ва қоидаларга кўникишим жуда қийин кечди. Елкамга тушган жисмоний машаққатларга дош бериш гарчи осон бўлмаса-да, ундан ҳам кўра, мабодо чидай олмасамчи, деган кўрқув мени беш баттар азоблар эди.

Январь, февраль ва март ойининг бошларида аввалига қалин қор тушгани, кейин эса улар эриб, лойгарчилик бўлгани сабаб, бир гал черковга борганимиз ҳисобга олинмаса, фақат боққа сайрга чиқдик. Боғда эса биз тоза ҳаводан нафас олиш учун ҳар куни бир соат бўлишимиз шарт эди. Юпун уст-бошимиз бизни совуқ захридан асрашга қодир эмас, бошмоғимиз ҳам ғарибгина эди – кўнжидан қор кирар ва эриб чилпилларди. Қўлқопимиз йўқлигидан бармоқларимизни совуқ урар, териси қовжираб ёриларди. Қўлларимиз эса совуқдан доим ёрилиб юрарди. Шишиб кетган оёқларим туни билан қанчалаш қичишгани, тонгда эса яра-чақа бўлган ва торашадек қотган оёқларимни бошмоғимга тикқанда қанчалар оғриганини яхши эслайман. Емақдан қисишгани эса ҳолимизни баттар танг қиларди; ўсиш ёшида бўлганимиздан иштахамиз жуда карнай эди, аммо бизга бераётган таом ўсал ётган бемор ҳаётини сақлаб туришгагина етарди, холос. Овқат танқислигидан айниқса, кичик ёшдаги қизлар азиат чекарди: катта ёшдаги қизлар тўймаганидан, уларнинг ризқини ҳам кўпинча алдаб ёки пўписа қилиб тортиб оларди. Менинг ўзим ҳам соат бешда бериладиган бир бурда нонимни неча бор иккита зўровон қиз бўлишиб еганига базўр чидаганман! Учинчи талабгорга эса финжонимдаги қаҳванинг ярмини бериб, ундан ортган ярмини очлик азоби сабаб кўзимга қалққан ёш билан бирга қийналиб ютганман.

Қиш ойларида, айниқса, якшанба жуда қайғули ўтарди. Биз судралиб, икки миль наридаги Брокльбурж черковига борар, у ерда ҳомиймиз хутба ўқирди. Черковдан дилдираб чиқар ва мактабга аранг етиб олардик. Эрталабки ибодат вақтидаёқ кўл-оёқларимиз совуқдан акашак бўлиб қоларди. Кечки ибодатни ҳам шу ерда қилар, оқибатда тушлик қилгани мактабга қайтмай, бу икки ибодат орасида бир бурда нон ва бир бўлак гўштни черковда тик туриб еб олардик.

Кечки ибодат тугагач, адир йўлидан қайтардик; шимолдан эсган изғирин шамол адирга ёққан қорни юзимизга олиб келиб урарди.

Темпль хоним этагини шамол юлқилаб ўйнаётган шотланд плашчига ўралиб олганча, қизларнинг судралиб бораётган ғамгин сафи ёнида шаҳдам ва энгил қадам ташлагани, далдаси ва ибрати уларни “жасур солдатлар”дек юришга ундагани ёдимга тушади. Бошқа ўқитувчилар эса каттиқ толиққанидан бизни руҳлантиришга ҳам ҳоли келмасди.

Мактабга қайтаётиб, каминнинг иссиғи ва ёруғини шунчалар соғинардик-ки! Аммо ёш қизалоқлар шундан ҳам маҳрум эди: ҳар икки камин олдини ҳам катта ёшдаги қизлар қўшқатор бўлиб эгаллаб оларди, кичик ёшдаги қизлар эса уларнинг ортида чўккалаганча, совқотган қўлларини фортугига тикиб, бир-бирининг пинжиги кириб ўтирарди.

Шунда чой ва икки ҳисса, яъни ярим бўлак ўрнига бир бўлак нон устига юпқа қилиб ёғ суртиб берилиши жонимизга оро кирарди. Биз ана шу роҳатни бу якшанбадан у якшанбагача кутар эдик. Одатда, бир дабдабали


зиѣфатнинг ҳам факат ярмигина менга насиб этар, ярмини бирор катта ёшдаги кизга беришга мажбур эдим.

Якшанба окшомида биз, катехизис¹дан бир парча ҳамда Моттодан V, VI ва VII бобларни ёд ўқирдик, Миллер хонимнинг узундан-узoқ диний ваъзини эшитардик. У чарчаганини яширмай, титраб ҳомуза тортарди. Кичик ёшдаги кизлар уйку босганидан ўриндикларда чўзилиб қолар, уларни чарчоқдан яримўлик ҳолга келган аҳволида зўрлаб турғизишарди. Бунда факат бир чорагина наф берарди: уларни хонанинг ўртасига итариб олиб келишар ва ваъзни тик туриб эшитишга мажбур қилишарди. Шунда ҳам баъзан уларнинг оёғи чалкашиб кетар ва полга беҳол йиқилиб тушарди. Охири катта ёшдаги кизлар уларни баланд суянчиқли стулларга тираб қўйишарди.


Мен ҳалигача жаноб Брокльхерст ташрифини ақалли тилга ҳам олмадим. Шунини айтиш жоизки, мен Ловудда ўтказган дастлабки ойда бу жаноб бирор марта ҳам мактабга қадам босмади. Эҳтимол, у викарий рутбасидаги кадрдон дўстиникида ҳали ҳам меҳмондорчиликда юргандир. Ҳар ҳолда, мен унинг йўқлигидан хотиржам эдим, чунки ундан жуда кўрқардим. Бироқ ахийри бир куни у, барибир, мактабга келди.

Ўша куни тушдан кейин (мен Ловудга келганимга уч ҳафтадан ошганди) бир масала устида бош қотириб ўтириб, тасодифан хаёлим кочиб тасодифан бош кўтариб қарагандим, дераза ортидан бир шарпа ўтганини илғадим. Мен савқи табиий билан бу озгин шарпани дарров танидим. Дарҳақиқат, икки дақиқа ўтар-ўтмас бутун мактаб – ўқувчи-ю ўқитувчилари билан – оёққа турди. Улар кимни бу қадар ҳовлиқиб қарши олишаётганини аланглаб излашга ҳожат ҳам қолмади. Бир одам катта қадамлар билан синф хонасидан ўтди ва барча катори ўрнидан турган Темпль хоним олдида... ўша – Гейтсхэддаги меҳмонхона камини ёнида менга вазоҳат билан қараган “қора устун” қад ростлади. Унга кўрқаписа кўз қиримни ташладим. Мен адашмаган эдим: бу чиндан-да жаноб Брокльхерст эди. Тугмалари охиригача қадалган пальто уни янада дароз ва озгин қилиб кўрсатарди.

(Давами келгуси сонда)



¹ Катехизис – ибодат ақидаси.



КЕРАКЛИ ОДАМ

Бир суюкоёк йигит кучугини кўлида эркалаб бораётган аёлга шилқимлик қилмоқчи бўлди:

– Хоним, кучукчангиз ўта зотдорга ўхшайди? Сизга меҳри бошқача кўринади.

– Ҳа, шундай, – деди аёл. – Яхшики, у бундан беҳабар. Билганида борми, гапларингизни бир чақага ҳам олмасди.

* * *

– Шахарга янги кўчиб келган киши кўшнисидан сўраб қолди:

– Сизларда ювилган кирни очиқ хавода қуриштиш мумкин эмасми?

– Нега энди, мумкин. Аммо... қуриганидан кейин яна ювишга тўғри келади-да, кўшнижон.

* * *

Суд раиси:

– Айбланувчи, айтинг-чи, нега сиз пора оласиз?

– Жаноб судья, яна такрорлайман: мен порани ўзимча олмайман, ўзлари олиб келиб беришади.

– Нега энди ҳар сафар сизга беришади, бунинг бирор сабаби борми?

– Пора берувчилар анойи одамлар эмас. Керакли одамларнинг оғзини ёғлаб туриш керак, деб ўйлашса керак-да?

– Демак, улар сизни керакли одам деб ҳисоблашар экан-да?

– Ҳе, йўқ, биласиз-ку, қанд касаллигига чалинганман, сал нарсага оғзим қуриб қолади, – деди айбланувчи бамайлихотир.

* * *

Ёш ота қизчасини ухлатмоқда. Қизча анча хархаша қилгач, ўзини ухлатгандай қилиб кўрсатиб, кўзларини юмади. Отаси:

– Баракалла қизим, мана, ухлаб ҳам қолдинг, футболнинг ярми ўтиб ҳам бўлди. Бу ярамаслар шундай ўйнашса, бу сафар ҳам юткизишлари аниқ. Онаси тезроқ келсайди...

Қизча кўзини очиб:

– Отажон, онам келгани билан ҳисоб ўзгариб қолармиди? Сиз яхшиси, бошқа каналга ўтинг. Ҳадемай янги памперслар рекламаси бошланади.

* * *

Суд раиси:

– Айбланувчи, айтинг-чи, тарбияли, ўқимишли одам экансиз, талончилик жиноятига қандай қилиб қўл урдингиз?



– Жаноб судья, мени тўғри тушунганингиз учун ташаккур. Ўша куни янги бир ихтиро устида бош қотириб, анча чарчаган эдим. Уйга қайтаётсам, тўсатдан мана шу икки киши йўлимни тўсиб, “Соат, ҳамён” деб бақиришди. Лаҳжалари бошқачароқ экан, яхши тушунмадим. Улар шу сўзларни яна қайтаришган эди, қўрқиб кетиб, биттасининг қўл соатини, иккинчисининг ҳамёнини олдим. Улар бўлса “Полиция, полиция” деб бақирганча қочиб қолишди. Сизни ишонтириб айтаман, бошқа ҳеч гап бўлгани йўқ.

* * *

Бир киши дўстига мақтанди:

– Яқинда мен одамдан ҳам ақлли ғаройиб тарози сотиб олдим. Ҳар икки кунда вазнимни ўлчайман, бироз семирган бўлсам, тарози экранда қандай озишим, нималарни истеъмол қилмаслигим ҳақида ёзув пайдо бўлади.

Дўсти унинг сўзини бўлиб, деди:

– Мен сотиб олган тарози бундан сал бошқачароқ. Устига чиқиб керакли вазни айтсам бўлди, шуни кўрсатади.

* * *

Йўловчи автобусга бир аёл ёш боласи билан чикди-да, хайдовчининг ёнидаги ўриндикка жойлашди. Боласи йиғлаб, хархаша қилавергач, хайдовчи ортига бурилиб, аёлга деди:

– Бунақа ярамас болани умримда биринчи кўришим. Шунақа бадбашара бола ҳам туғадими? Жим бўлмаса, кейинги бекатда автобусда сиздан бошқа ҳеч ким қолмайди.

Аёлнинг жаҳли чиқиб, орқа ўриндикка бориб ўтирди-да, ёнидаги эркакка ҳасрат қилди:

– Эшитдингизми, хайдовчи ҳозир мени жуда ёмон ҳақорат қилди. Бунга чидашим қийин, онаман, ахир.

– Ҳа, эшитдим. Жуда ёмон гап айтди. Олдига бориб, сиз ҳам уни бошлаб ҳақорат қилинг. Қўлингиздаги мана бу маймунчани мен ушлаб тураман, – деди эркак.

* * *

НАСА астронавтларни космик фазога биринчи марта учирганида бир муаммо юзага келади: вазнсизлик шароитида зўлдирли ручкалардан фойдаланиб бўлмас экан. Шу муаммони ҳал қилиш учун ўн йилча вақт ва 12 миллиард доллар пул сарф бўлади. Руслар эса, ручкани бир четга суриб, каламдан фойдалана бошлайдилар.

* * *

Ишдан чарчаб-ҳориб келган аёл турмуш ўртоғидан илтимос қилди:

– Гарри, овқат тайёр бўлгунча болани чўмилтириб турсанг бўлармиди?..

Эр рози бўлиб, ишга киришди. Бироздан кейин ванна ичида ўтириб, юз-қўлини юваётган ўғлидан сўради:

– Боб, қалай, онанг каби мен ҳам зўр чўмилтирар эканманми?

– Ёмон эмас, – деди ўғли. Аммо... онам мени чўмилтиришдан олдин кийимларимни ечар эдилар.

Тўловчи М.АҲМЕДОВ



МЕҲНАТ ВА МАҲОРАТ

Рус тасвирий санъати тарихида ўзининг бетакрор асарлари билан ном қолдирган rassom Иванов Александр Андреевичнинг ижодий мероси сон жиҳатдан унчалик катта бўлмаса-да, бадиий қиймати билан юқори туради. Ивановнинг биргина “Исонинг халққа кўриниши” асари унинг номи-ни абадийликка муҳрлади.

У 1806 йилда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида rassom оила-сида дунёга келган. 1817 йилдан Академиянинг рангтасвир бўлими машғулотларига қатнаб, профессор Ф.Е.Егоровдан расм чизишни ўрга-нади. У ўн саккиз ёшларида ўзини rassom сифатида намоён қила бош-лайди.

1824 йилда Бадиий Академияни тугатгунига қадар қадимги юнон та-рихида доир бир қанча картиналар яратади. Ивановнинг дастлабки йирик асари – “Приам Ахиллесдан ўғли Гекторнинг жасадини сўраяпти” карти-наси академия томонидан олтин медал билан тақдирланади. Мазкур кар-тинада қадимги юнон эпоси “Одессей” сюжети мотивларига мурожаат қилинади. Асарда Приамнинг Ахиллес оёқларига бош қўйиб, ўғлининг жасадини олиб кетиш учун рухсат сўраб илтижо қилаётгани тасвирлан-ган. Ёш rassom манзарага шундай мазмун берган – бу ерда қаҳрамоннинг ўзи йўқ. Ахиллес қаҳрамон эмас, у қари буюк Приам устидан кулмоқда.

Иванов академик услубни ўзлаштириб, ўзи танлаган классик услубдан борди ва “Библия” сюжетлари, антик-мифологик мавзу унинг ижодида етакчи хусусиятга айланди.

Шундай асарларидан бири “Исо подшо туши таъбирини етказмоқда” 1827 йилда юзага келади. 1829 йилда Академиянинг топшириғи билан “Беллерофонтнинг Химерга қарши юриши” картинаси устида иш бош-лайди, аммо бу картина rassomга муваффақият келтирмади.

Иванов Италияга бориш ва у ердаги буюк санъаткорлар ижоди би-лан шахсан танишишни режа қилади. Шу мақсадда оила ҳам қурмасдан, ўзини тамоман ижодга бағишлайди. Ниҳоят 1830 йилда Бадиий академия томонидан бир гуруҳ ёш rassomлар сафида Александр Иванов ҳам Ев-ропага мумтоз rassomлар санъатини ўрганиш учун юборилади. У даст-аввал Австрия ва Германия, сўнгра Италияга бориб, санъат тарихини ўрганишга бутунлай шўнғиб кетади. Буюк итальян rassomi Микеланже-лонинг Сикстин капелласидаги диний мазмундаги монументал асарлари унинг ижодига кескин ижобий таъсир кўрсатади. Rassom Микеланжело

асарларини ўрганиш билан насронийлик дини тарихини чуқур ўрганиб боради. Деворий асарларнинг фрескаларидан нусхалар кўчириш билан шуғулланади ва янги тажрибаларни асарларида қўллай бошлайди.

1834–1835 йилларда Александр Иванов “Мария Магдалинага Исонинг кўриниши” картинасини тугатади. Россия Бадиий Академияси бу асарини юқори баҳолаб, 1836 йилда уни академик фахрий унвони билан тақдирлайди. Иванов ҳаётини деярли музей ва устахонада ўтказиб, жиддий асарларга қўл уради. У буюртмалар қабул қилмай, фақат ўз ғоялари устида ишлангани боис, Италияда камхаржлик билан кун кечирса-да, ижодий кучга тўлиб-тошган эди. У Россия Бадиий Академиясига катта ҳажмда диний мавзуда асар яратмоқчи эканлигини ёзади, бироқ, академия раҳбарияти унинг бу режасига унчалик ишонч билдирмайди.

1837 йил Иванов “Исонинг халққа кўриниши” картинасининг қораламаларини чизишга киришади. 1938 йили кунларнинг бирида рассомнинг устахонасига рус ёзувчиси Гоголь ташриф буюради. Ёзувчи билан суҳбат Ивановни руҳлантириб, “Исонинг халққа кўриниши” асари яралишига катта таъсир кўрсатади. Картина устида изланишлар узоқ давом этади. Рассом асарнинг тўлақонли чиқиши учун юзлаб этюдлар ишлайди, антик давр ҳайкалларида образлар қидиради. 1939 йилда асарнинг унча катта бўлмаган ҳажмдаги хомаки вариантини яратади. Ниҳоят, йигирма йил деганда, 1857 йилда “Исонинг халққа кўриниши” картинаси тугалланади.

Ҳажман катта бу асарни Италиядан Россияга олиб келиш осон бўлмайди. 1958 йил асар катта кемага ортиб келтирилади ва Санкт-Петербургда кўргазмага қўйилади. Бир ой давом этган кўргазмага мисли кўрилмаган томошабин келади. Мазкур асар рассомнинг номини оқлади, Иванов меҳнат ва маҳорат билан санъат дунёсида ўз-ўзини яратди.

Рассомнинг ижодий галереясида “Исо ва Никодим”, “Иосиф укасининг қопга солиниши”, “Исо Гефсиман боғида. Фариштанинг кўриниши.”, “Шафақ узра Аппиев йўлининг кўриниши”, “Аполлон, Гиацинт ва Кипарис куйламоқда” каби академик усулдаги асарлари ҳам мавжуд. Шунингдек, “Виттория Кальдони” ва “Николай Гоголь” асарлари рассомнинг портрет жанридаги алоҳида ишлари ҳисобланади.

Бироқ, Ивановни дунёга танитган ва рассом сифатида умрбоқийлик ато этган асар “Исонинг халққа кўриниши” полотноси бўлиб қолди.

1958 йилда Александр Иванов вафотидан сўнг, унинг акасига ёзган вазиятига кўра ушбу асар Санкт-Петербурздан, Москвага олиб борилган. “Исони халққа кўриниши” картинаси ва унга ишланган барча этюд, портрет ва манзараларни Николай II сотиб олади. Рус инқилобидан сўнг картина Третьяков галереясига келтирилган. Ҳозирги вақтда ҳам картинани кўриш учун дунёнинг турли бурчакларидан одамлар ташриф буюрмоқда.

Иқбол ИЛҲОМОВ,

*Ўзбекистон рассомлари уюшмаси аъзоси,
рассом*



РЕЗЮМЕ



●●● Как же следует жить? Может ли честный человек быть счастливым? Или же обязательно нужно чем-то жертвовать, чтобы жить нормальной жизнью? Где граница между правдой и ложью, честностью и вероломством, добром и злом? Эти вопросы являются основной темой романа Эрнеста Хэмингуэя “Иметь и не иметь”. Роман публикуется в переводе с английского Кандилат Юсуповой.

●●● Автор статьи “Формула великого прыжка”, опубликованной под рубрикой “Публицистика”, размышляет об экономической и социальной реформах, проводимых в нашей стране, их влиянии на мировоззрение современного общества. В статье также, рассказывается об истории развития одного из самых экономически стабильных государств Азии – Сингапура. Автор проводит аналогию между специфическими особенностями развития Сингапура и нашей страны и приходит к заключению, что усиление внимания развитию науки и избавление общества от коррупции является важным фактором национального развития.

●●● Статья известного шведского философа и психолога Карла Густава Юнга “Улисс” посвящена деятельности и творчеству ирландского писателя Джеймса Джойса, теоретическому анализу его знаменитого романа “Улисс”. В данном исследовании отражаются своеобразные взгляды философа на вопросы медицины, психологического анализа, литературы и живописи.

●●● В номере также представлена подборка стихов финских поэтов, в произведениях которых отражается своеобразный мир финского народа: его характер, философско-этические взгляды. Стихи переведены поэтом Рустамом Мусурманом.

●●● В мировой литературе немало произведений, отражающих тонкости женской психологии, своеобразный характер женщины, полный загадок и тайн, чарующие картины их души. Среди них всемирной славой пользуется роман английской писательницы Шарлотты Бронте “Джейн Эйр”. Это произведение опубликовано более чем в пятидесяти странах. Читатели смогут прочитать его в переводе на узбекский язык Шахло Ахроровой.



RESUME



●●● How to live in this world? Can honest man be happy in this life? Do we have to sacrifice something to live in good conditions? Where are the borders between true and lie, honesty and improbity, nobility and sin? Great American writer Ernest Hemingway in his novel “To Have and Have Not” tried to find answers to these questions. It was translated from English by Kandilat Yusupova.

●●● An article named “Great Leap Formula” published in rubric “Journalism” is about social-economic reforms and changes in our country nowadays and its influence to an opinion of society. Also the author analyzes the history of development of Singapore, which is one of the most economically developed countries in Asia. Comparison and analyses leads the author to conclusion that main guarantee of development is eradication of corruption and attention to growth of science.

●●● Well-known Swiss philosopher and psychoanalyst Carl Gustav Jung in his essay “Ulysses” analyzes the personality and creative works of great Irish writer James Joyce and especially his novel “Ulysses”. Based on the findings from this work he gives his opinions about psychoanalysis, literary, religion and art.

●●● Some works from Finnish poetry given in this issue shows character, philosophical-moral views of Finnish people. It was translated by well-known poet Rustam Musurmon.

●●● There are a lot of works in world literary about women, the mystery of their soul and character. One of them is a novel “Jane Eyre” by English writer Charlotte Bronte. It was published by millions editions in more than fifty countries of the world. You can read it in Uzbek translated by well-known poetess Shahlo Ahrorova.

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи муҳаррир: Д.РАЖАБ
Техник муҳаррир: Ф.ЎНАРОВ
Мусаххих: Я.ЭМИНОВА
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Маtbуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда тахририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Тахририят манзили:

100066, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий

боғ ҳудудида жойлашган Адиблар хиёбони.

Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.

Сайт: www.jahonadabiyoti.uz

E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 19.02.2020 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.

Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.


Адади 1568 нусха. 836 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида
териблиб, “Sharq” НМАКда чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© Жаҳон адабиёти, 2020 й.



Иванов Александр Андреевич.
“Дарахтлар сув билан”



Иванов Александр Андреевич.
“Куёв келин учун сиргаларни танламоқда”



Иванов Александр Андреевич.
“Илёс пайгамбар саҳpода”

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Журналнинг обуначиларга етказилишида
муаммо пайдо бўлса, қуйидаги манзилга
мурожаат қилинг:

Тошкент шаҳри, Амир Темуր 1-тор кучаси,
2-уй. Тел.: (0371) 233-60-78, 233-67-98.

Муковамизда:

Иванов Александр Андреевич.
“Эшик олдида Албано исмли қиз”